

МАМАСОЛИ ЖУМАБОЕВ

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ



МАМАСОЛИ ЖУМАБОЕВ

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг ўзбек
тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун
дарслик сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН»
2002

83.8(5У)я73

Ж 87

Жумабоев Мамасоли

Ўзбек болалар адабиёти: Олий ўкув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари талабалари учун дарслик. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. — 242 б.

ББк 83.8.(5У)я73

Мамлакатимиз олий ўкув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетларида ўзбек болалар адабиёти фани ўқитиб келинади. Лекин шу даврга қадар мазқур соҳа бўйича ўкув кўлланма ёки дарслик йўқ эди. Кўлингиздаги китоб шу камчиликни тўлдиришга мўлжалланган дастлабки дарслик ҳисобланади.

Дарсликда болалар китобхонлиги ва фольклори ҳамда ўзбек болалар адабиётининг шу давргача босиб утган тарихий йули, шунингдек, бир қатор болалар ёзувчиларининг ҳаёт ва ижодлари ўз ифодасини топган.

Мухаррир: САИДА МИРЗААҲМЕДОВА

Масъул мухаррир: педагогика фанлари доктори, профессор САФО ОЧИЛ.

Тақризчилар: Асқар Зуннунов — педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳамидулла Болтабоев — филология фанлари доктори, профессор

ISBN 5-640-03062-3

у 480306200098 2002
M351(04)98

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002 йил.

МУАЛЛИФДАН

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликка эришибмизки, бизнинг эзгу ниятимиз — келажаги буюк ва эркин жамият қуриш. Бизнинг тараққиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган, — деган гапни кўп таъкидлайди.

Ҳа, юртбошимиз орзу қилганидек ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашда катталар адабиётининг ажралмас бир бўлаги бўлган болалар адабиётининг ҳам аҳамияти катта. Болалар адабиёти ўз олдига келажак авлодни жисмонан бақувват, руҳан пок, фикран соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тарбиялашдек катта ва мураккаб вазифани қўйганлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, ўз олдига катта таълим-тарбия масалаларини қўйган «Ўзбек болалар адабиёти» узоқ йиллардан бери мамлакатимиз олий ўкув юртларида фан-сифатида ўрганилиб келинади. Лекин «Ўзбек болалар адабиёти» буйин дарслик ва ўкув қўлланмаси йўқ эди. Шуни эътиборга олиб маълум ~~худо~~ асосида ушбу дарсликни ёздик.

«Ўзбек болалар адабиёти» дарслик қўлёзмасининг майдонга келишида яқиндан кўмаклашта, амалий маслаҳатларини аямаган устозим Абдулла Суюмов (марҳум), Тухта Бобоев, Ҳакимжон Каримов, Баҳодир Саримсоқов, Сафо Очил Козобой Йўлдошев, Сайд Алимов, Асқар Зуннунов, Ҳамидулла Болтабоев, Тўлан Низом сингари болалар адабиёти фидойилариги ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ФАНИ, УНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Кичкинтойлар учун ёзиладиган ҳар қандай бадиий асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос бўлиши, улар қалбида чукур ўй-фикрлар уйғотиши, ёрқин образлар ва юксак ғояларга бой бўлиши, уларни улкан ва порлоқ ишларга илхомлантириши зарур. Энг муҳими мавзулар тушунарли, содда ва қизиқарли тилда ёритилиши лозим.

Болалар адабиёти ёшларни иймон-эътиқодли кишилар сифатида ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда мустақил мамлакатимизнинг қудратли қуролидир.

Фақат чинакам бадиий асарларгина болаларга кучли таъсир кўрсатиб, ана шу юксак талабларга жавоб бера олади. Шу сабабли бундай китоблар педагогик ва психологоик нуқтаи назардан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Болалар китоби бу вазифани бажаришда бадиий тилга суюнади. Адабий асарнинг тили унинг ғоявий мазмунини аник ва ифодали очиб бериш воситасидир. Яхши, аник, равон, образли, бой тил билан ёзилган асар ёзувчининг мақсад ва фикрларини китобхонларга тез ва осон етказади.

Буни мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида тилни «қўнгил хазинасининг қулфи», деб таърифлайди. Буюк шоир кишиларни қисқа ва мазмунли, чукур мантиқ билан сўзлашга чақиради. Бу талаб, шубҳасиз, болалар ёзувчиларига ҳам тааллуклидир.

Болалар ёзувчиси содда, равон, қизиқарли ва мазмундор қилиб ёза билиши керак. Бунинг учун эса у халқ тилини пухта билиши лозим.

Равон тил билан ёзилган бадиий асарлар ёш китобхоннинг нутқига ҳам катта таъсир кўрсатади, сўз бойлигини оширади.

Болалар ёзувчиларининг энг яхши китоблари ёш авлодни ҳаётга тўғри муносабатда бўлишга ўргатади, она-

диёrimизга, меҳнатга муҳаббат, замонамизга садоқат руҳида тарбиялайди, уларни юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга чақиради. Китоб боланинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради, характеристикини тарбиялайди, илм-фанга муҳаббатини оширади. Китоб халқимизнинг ўтмиши, илғор маданиятимиз, фан ва техникамиз ютуқлари билан таниширади, фахр-ифтихор туйғуларини ўстиради.

Бугунги кунда қудратли қурол бўлган адабиётдан кенг фойдаланмай туриб, янги жамият қурувчисини ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш мумкин эмас.

Болалар китобхонлигини ўқувчиларнинг педагогик-психологик хусусиятларига кўра қуийдагича гурухларга ажратиш мумкин:

1. Мактабгача таълим ёшидаги болалар китобхонлиги (2 ёшдан 7 ёшгacha).
2. Мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги (7 ёшдан 11—12 ёшгacha).
3. Урта ва катта ёшдаги болалар китобхонлиги (13—14 ёшдан 15—17 ёшгacha).

Мактабгача таълим ёшидаги болалар китобхонлиги

Бу давр болалар китобхонлиги асосан ота-оналар ва тарбиячилар томонидан амалга оширилади. Ҳали ўкиш, ёзиш, чизишини билмайдиган мактабгача таълим ёшидаги болалар дунё сирларидан бехабар бўладилар. Шунга қарамай, бизни қуршаган оламни тезроқ билиб олишга, уни ўрганишга интиладилар. Бунда оиласда ота-оналар, боғчаларда эса тарбиячилар болаларга яқиндан ёрдам беришлари, яъни уларга бадиий асарлардан парчалар ўқиб беришлари лозим. Болаларга ўқиб бериладиган ҳар қандай асарнинг ҳажми қисқа, мазмуни содда бўлиши талаб этилади. Шунингдек, бундай китобларнинг расмлари ранг-баранг, ҳарфлари эса йирик-йирик бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар тинглайдиган асарларнинг кўпчилигини эртак, қўшик, топишмок, мақол, тез айтиш каби халқ оғзаки ижоди асарлари ташкил этади. Бундан ташқари, ёзувчилар яратган ва юқоридаги

талабларга тўла-тўкис жавоб берадиган асарлар ҳам мактабгача таълим ёшидаги болалар учун қўл келади. Аммо шу нарсани ҳам таъкидлаб утиш керакки, болалар учун ижод қиласидиган қалам соҳиби ҳаётдаги муҳим, характерли воқеа ва ҳодисаларни бадиий образлар орқали болалар нутқига хос тилда, уларнинг ёши, рухияти ва савиясига мувофиқ равишда тасвирлаши лозим.

Болалар шоири Анвар Обиджон «Сухбат» деб номланган шеърида болалар яхши кўрадиган ғозлар түғрисида сўз юритади. Маълумки, болалар гудаклик чоғлариданоқ, жониворлар, хусусан, қушларга қизиқадилар. Шу жихатдан қарайдиган бўлсак, «Сухбат» бола ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Воқеа жуда оддий ва содда. Ўзаро сухбатдан маълум бўладики, ғозларнинг қорни оч, уларни бокиш керак. Буни шоир ўйин воситасида ифода этади:

- Фозлар, бир сўз дейсизми?
- Fa, fa-fa!
- Тотли сули ейсизми?
- Ҳа, ҳа-ҳа,
- Нега патни силайсиз?
- Fоk, fоk-fоk.
- Мендан нима тилайсиз?
- Боқ, боқ, боқ!

Бу хилдаги шеърлар кичкинтойларни мустақил фикрлашга, турмуш таассуротларини тўплаб, улардан хулоса чиқаришга ўргатади.

Болаларнинг, айниқса, жажжи қизчаларнинг севимли машғулотларидан бири кўғирчоқ ўйнашдир. Йўлош Сулеймоннинг «Кўғирчоқ» шеърида кўғирчоқларни асррабавайлаш, оддий бир ўйинчоқ воситасида катталарнинг меҳнатини эъзозлаш масаласи ўртага ташланади.

Куёш билан тенг туриб,
Озода кийинтириб,
Сенга тақамиз маржон,
Кўғирчоқ, кўғирчоқжон.
Кўлдан қўймаймиз сира,
Юқтирамаймиз гард, шира.
Овунчоқсан бизларга,
Кўғирчоқсан бизларга.

Ҳар қандай ёзувчи мактабгача таълим ёшидаги болаларга ўқиб бериладиган асар тилининг бадий жиҳатдан пухта-пишиклигига, тушунарли, аниқ ва равонлигига алоҳида эътибор беради. Бу ёшдаги болаларга тавсия этиладиган асарлар хаёт ҳақида муайян тасаввур бериши билан бирга уларга завқ-шавқ бағишлайди. Масалан, Шукур Саъдулланинг «Лола ва мушук» шеърини олиб кўрайлик. Бу асар жуда оддий. Мисралари ҳам содда, аммо у бир ўқишаёқ кичкинтой меҳрини ўзига тортади, уни уйқудан барвакт туришга, ювиниб-таранишга, озода, покиза бўлишга ўргатади. Унинг уй ҳайвонларига, жони-ворларга меҳрибон, ғамхўрлигини оширади. Мана шеърни ўқиб кўринг:

Мен Лоламан, Лоламан,
Озода қиз боламан.
Эрта билан турман,
Юз-кўлимни юваман.
Мушугим бор қора мош,
Ўзи жудаям юввош.
Мендан олдин туради,
Юз-кўлини ювади.

Хулоса қилиб айтганда, бу давр болалари үzlари тинглаган асарлари ёрдамида аста-секин атроф-муҳит билан танишадилар, она юртга меҳр-оқибатли бўлишни, табиатни асрashни, меҳнатни севишини ўрганадилар.

Мактаб ёшидаги кичик болалар китобхонлиги

Бу ёшдаги болалар китобхонлиги аввалгисидан бир өз фарқ қиласди. Бу фарқ болаларнинг ёши ва билими, савијаси билан борлиқ. Мактабгача таълим ёшидаги болалар асосан тарбиячилари, ота-оналари ёрдамида бадий асарлар билан танишсалар, бошланғич синф ўқувчилари бу ишни мустакил бажарадилар. Мустакиллик уларга ишонч ва завқ-шавқ бағишлайди.

Бу ёшдаги болаларни теварак-атрофдаги турли воқеа-ходисалар ниҳоятда қизиқтиради. Ўларнинг бизни куршаган олам ҳақидаги саволларига бадий асарларда муфассал жавоб берилган.

11—12 ёшдаги болалар сөхрли-фантастик эртак, саргузашт, ҳикоя, қисса ва достонларни севиб ўқийдилар. Оллоёрнинг «Фазогир чумоли» (эртак-қисса), Анвар Обиджоннинг «Дахшатли Мешполвон» (эртак-қисса), Куддус Муҳаммадийнинг «Эркинжон ойга чиқибди» (достон), Юсуф Шомансурнинг «Ойдан келган болалар» (достон) каби асарлари шу ёшдаги болаларга мўлжаллаб ёзилган.

Ўрта ва катта ёшдаги болалар китобхонлиги

Бу ёшдаги болалар ўзлари мустақил равишда китоб қолмай, балки ўқиган китоб

ларидағи қаҳрамонларнинг хатти-харакатларини баҳолашга ўрганадилар, зарурат бўлса улар кўрсатган мардлик ва жасоратларни тақрорлашга ҳозирланадилар.

Бу ёшдаги болаларга халқимизнинг шонли тарихи, бугунги ҳаёти ҳақида ёзилган турли жанрдаги асарларни тавсия этиш мумкин. «Широқ», «Тўмарис» каби афсоналар билан бирга Ойбек,Faфур Фулом, Зафар Диёр, Куддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Ш. Саъдулла, А. Обиджон ва бошқаларнинг замонавий мавзудаги энг яхши асарлари муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Шарқ мутафаккирларидан Ал Хоразмий, Ал Фарғоний, Аҳмад Юғнакий, Ал Бухорий, Форобий, Беруний, Ю. Х. Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, А. Навоий кабиларнинг яратган асарлари болалар дунёқарашини шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатади.

Кўриб ўтганимиздек, болалар адабиёти ўзига хос хусусиятлари билан катталар адабиётидан фарқ қиласи. Зотан, болалар ёзувчиси дунё воеаларини болалар тасаввури, тушунчасини назарда тутиб тасвирлайди. Шу орқали кичкитойларни олға интилишга чақиради, ҳаётни чукур севишга ёрдам беради.

Маълумки, оғзаки адабиёт ёзма адабиёт пайдо бўлмасдан илгари, узок ўтмишдаёқ мавжуд бўлган. Бу адабиёт **Халқ** бадиий камолоти ва маънавий бойлигининг битмас-туганмас хазинасиdir. Халқ оғзаки ижоди унинг турмуш тажрибалари асосида юзага келған бўлиб, меҳнат жараёни билан чамбарчас боғланган. Халқ донолиги шу меҳнат жараёнининг турли ва ўзига хос шарт-шароитларига муво-фик равишда болалар учун ҳам ажойиб эртаклар, қўшиклар, топишмоқлар, мақоллар яратган. Уларни болалар жуда севиб тинглайдилар ва ўқийдилар. Халқ оғзаки ижоди билан болалар мактабгача тарбия ёшидан бошлаб таниша бошлайдилар. Халқ оғзаки поэтик ижодидаги образларнинг ёрқинлиги, сўз маъноларининг аниқлиги, матннинг оҳангдорлиги, мусиқийлиги каби хусусиятлар бола руҳига ором, хузур бағишлийди, уни ўзига маҳлиё этади.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кичик ва ўрта ёшдаги болалар қаҳрамонлик достонларини шавкзавқ билан ўқишиади, эртак, қўшиқ ва топишмоқларга ғоят кизиқишиади. Халқ оғзаки поэтик ижодида яхшилик ёмонлик устидан, түғрилик эгрилик устидан ғалаба қиласди, меҳнаткаш халқнинг интилишлари, турли орзу-истаклари хақконий ва фавқулодда қизиқарли равищда ҳикоя қилинади.

Қуриниб турибдики, халқ оғзаки ижодида меҳнат ахлиниг урф-одати, табиат ва жамият ҳодисаларига бўлган муносабати, баҳтили хаёт ҳақидаги эзгу тилак ва орзулари, қайғу ва шодлик хислари, уларнинг қаҳрамонлик, ватан-парварлик ва инсонпарварлик туйғулари, душманга нисбатан ғазаб ва нафрати, енгилмас иродаси, ҳақиқат, адолат, баҳт ҳақидаги ўй ва тушунчалари акс эттирилади.

ҚЎШИҚЛАР

Бола тарбиясида қўшиқнинг роли жуда катта. Қўшиқ лириканинг энг қадимги шаклларидан бири бўлиб, куйлашга мўлжалланган бир неча бандли шеърдан иборатдир. Қўшиқлар куй-оҳанг билан айтилади. Баъзан қўшиқ ўйин билан бирга ижро этилади. Демак, қўшиқ учун шеър

ва күй керак. Күшик халқ оғзаки ижодининг энг кўп тарқалган ва оммалашиб кётган жанрларидан бири ҳисобланади. Айниқса, алла қўшиғи етакчи ўринда туради. Бешик қўшиғи — аллада кичкинтойнинг дастлабки табассуми, илк бор қўл-оёкларини қимирлатиши, имо-ишорани тушуниши куйланади. Она эндиғина оламга келган дўмбоғидан шод, хурсанд, берилиб алла айтади. Гарчанд норасида алланинг моҳияти нимадан иборат эканлигини ҳали унча ҳис этмаса-да, бари бир она алла айтаверади. Она ўз алласида атрофни қуршаб турған оламни қўшиб айтади. Бутун борлик кечаси ухлаши — дам олиши ва шу жумладан, кичкинтойи ҳам ухлаши зарурлигини берилиб айтади:

Ёт, болам, ухла, кўзим,
Уйларда учди чироқ.
Ухлар асаларилар
Ухлар балиқлар тинчроқ.
Кўкда ой ярқирайди,
Деразадан қарайди.
Кўзларинг юмғин кўзим,
Ёт қувончим, кундузим!
Алла, алла.
Сув сепгандек, уйлар тинч...
Коронғи хужралар тинч...
Ҳеч дарвоза тиқ этмас
Сичқон үхлар, миқ этмас.
Кимдир оҳ тортса, унда
Не ишимиз бор бунда?

Кўзларинг юм, кўзим,
Овунчим, қундузим!
Алла, алла.
Кушчам ғамсиз яшайди,
Унинг хар дам вақти чоғ.
Ширинликлар мўл-у кўл
Кўпдир қизик ўйинчоқ.
Бари сенгадир, кўзим!
Йиглама ҳеч, юлдузим!
Ёт қувончим, кундузим!
Алла, алла.
Алла, алла, аллаё.
Ухла кўзим аллаё.
Юм кўзингни, юлдузим,
Юм-юм кўзингни, кундузим.

Она учун боланинг овуниши, тинчлиги, табассуми керак. Норасида чехрасида пайдо бўлган дастлабки кулгу она учун катта шодлик, байрам ҳисобланади, унинг бутун вужудини нурга буркаб юборади:

Дилимдаги химматим, алла,
Оғзимдаги новвотим, алла..
Дарё сувга тўлаётир, алла,
Ўғлим менга қулаётир, алла.
Ўғлим менга қараб кулса, алла,
Кунглим нурга тўлаётир, алла.

Овунтириш — аллани ҳамма — оналар, бувилар, боллар айтишади. Алла аста-секин оммавий қүшикқа айланади. Қүшиклар узок йиллар мобайнида давом этади. Айтайлик чақалоқни биринчи бор бешикка солаётганда айтиладиган қүшиклар. Бешик қүшиғида аввало бешикка таъриф-тавсиф берилади. Аслида бешик ёғоч-тахта. Пахта, пар ва матолар билан бурканганда у юмшок, хар қандай мурғакка ҳузурбахш жой булиши ҳар бир бешик қүшиғида чиройли ифодага эга.

Бешиги тахта,
Орқаси пахта.
Эгаси келди,
Кучуги коч.
Ичиди ётганни
Бахрини оч.

Чақалоқ бешикда маза қилиб ухлаб, ором олиб бўлгач, норасидани бешикдан олаётганда айтиладиган қүшиқ ҳам ниҳоятда муҳтасар айтилган. Аллоҳ бешикдаги чақалоққа хотиржамликни ато этганлигини, шу сабабли ҳеч қандай шарпа-душман унинг уйқусини буза олмаганлигини қўйидаги тўртлиқдан билиб олиш қийин эмас:

Тақа-туки гавора бўлсин,
Душмани овора бўлсин.
Уйқуси бешикда қолсин,
Душмани эшикда қолсин.

Халқда чақалоқ учун хавфли кунлар ҳам борлиги алоҳида қўшикларда таъкидланади. Тўққиз кунлик бўлдиими, тамом, у яшаб қолиши, эндиликда хавф-хатардан бутунлай ҳоли бўлиб олганлиги, дўст устига дўст орттириб шу хонадоннинг ҳақиқий аъзосига айланиб қолганлиги мана бу қўшикда тўла-тўқис ифода этилган:

Тўққиздан ўтди бу бача,
Эндиликда үлмас бу бача.
Боғларнинг ғўраси бу бача,
Болалар жўраси бу бача,
Шу уйнинг тўраси бу бача,
Шамсу қамару ситора
Ҳамрохи шу бача.

Халқ хаётда хеч қачон шошилмайди, шошқалоқликка йўл ҳам қўймайди. Ҳамма нарса ўз ўрнида, ўз йўлида бир меъёрда давом этишини орзу қилади. Бу гапнинг тасдирини уша янги оламга келган чақалоқ, у билан боғлиқ бўлган расм-руслар мисолида билиб олиш ҳам мумкин. Мана боланинг тиши кўринди. Бу воқеа ота-она учун ҳам, шу оила аъзолари-ю бутун қавм-қариндошлар учун ҳам катта воқеа. Негаки, эндиликда бола ўзи мустақил овқат ейди, хаёт учун, яшаш учун курашади:

Бахор келди, киш чиқди,
Чақалоққа тиш чиқди.
Кичкинтой деб ўйламанг,
Унга ҳам юмуш чиқди.
Овқатини чайнашга
Хар куни бир иш чиқди.

Боланинг ўтириши ҳам хаммага катта қувонч бағищлайди. Бу ҳақда халқнинг тўкиган мана бундай ҳазиломуз кўшиғи ҳамон хонадонма-хонадон, оиласа-оила кўчиб юради:

Ўтирсин-о ўтирсин,
Бошини гулдан тўлдирсин,
Шугинани курган қизлар,
Ўзини осиб ўлдирсин!

Худи шунингдек, бола тетапоя қилиб, биринчи бор оёқ чиқарганда айтиладиган кўшиқ ҳам жуда жозибали:

Адоқ-адоқ юрисин,
Тикон шунга кирмасин.
Кўзи қаттиқ бандалар
Кўзи шунга кирмасин.

Кийим-латтанинг умри қисқа, дейишади кёксалар. Бу гап халқ кўшиқларида ҳам ўз ифодасини топган. Болага янги кийим кийдирилаётган пайтда айтиладиган кўшикларда халқ гапнинг лўндасини айтиб кўя қолган:

Тепа-тепа тўздирай,
Минган отим уздирай.
Сен — бир йиллик,
Мен — минг йиллик.
Ёқаси мойли бўлсин,
Этаги лойли бўлсин,

Майли, бир йилда тұзсин,
Үзи-чи минг йил кулсін!

Халқ қүшиқларида расм-руслар ранг-барап. Ҳамма-си үринли. Ҳаммаси зарур. Масалан, қизалоқнинг сочини илк бор ювиб-тараганда айтиладиган қүшиқларни олади-ган бұлсак, бундай қүшиқларда сочнинг узунлиги, қалин-лиги, күрса-күргудеклиги, катта-кичикнинг ҳавасини кел-тирадиган даражада күркамлиги обдон мақталади. Айрим қүшиқларда сочнинг таърифи ой-ю қуёш билан боғлаб куйланади. Бақувват сочнинг узунлиги чұзса ой ва күёшга ҳам етиб бориши қувноқ мисраларда ифодаланади:

Ойда — кулоч
Кунда — тутам.
Сенга — куёв,
Менга — палов в/к.

Шу зайлда бешик қүшиқлари кенжә авлод камолоти-да үзига хос тарбия ролини үтайды. Кичкинтойлар ота-оналаридан, бобо-момоларидан чиройли, таъсирли алла, қүшиқлар тинглаб тиллари бийрон, үктам, зийрак булиб улгаяр эканлар эндиликда үzlари ҳам ҳаёт йүлларida қүшиқ түқиб, қүшиқ қанотида үсиб-улғайышга харакат қиладилар. Бундай қүшиқларнинг олий намунаси «Чит-тигул» туркумiga кирадиган қүшиқлар бўлиши мумкин. «Читтигул»да мавзу ниҳоятда ранг-барап ва жуда жози-бали. Чунончи,

Оқ шолига кўк шоли,
Оқ шолини оклайлик,
Кўк шолини кўклайлик
Яхши кунга сақлайлик,
Хаю, читтигул,

Хаю, читтигул сингари мисраларга назар соладиган бўлсак, бу қүшиқда асосан ғалла-шоли тўғрисида гап ке-тади. Шолининг тури, рангини эслатиш орқали шоли ҳоси-ли жуда мўл бўлганлигини; бу мўл-кўл шолини пала-партиш қилиб еб-тамомламасдан, балки уни эҳтиётлаб, тежамкорлик билан ишлатиш даркорлиги болалар тили-дан чиройли тасвирланган. Қаранг, бугунги кунда тежам-корлик, иқтисод ҳакида бодаларга кўп гапирамиз.

Юқоридаги құшиқдан аён булишича, ота-боболаримиз азалдан ҳар бир нарсаны тежаб-тергаб ишлатишни үз фарзандларига қаттың үргатиб келишган. Энди мана бу мисраларга разм солинг:

Жұхорилар бұлды ок,
Күнма шум қораялоқ!
Ағар құнсанг, урайин,
Бұлар оёғинг чұлօқ.
Хаю, хувв! —

Куриңиб турибдикі, катталарнинг меңнати билан жүхори әкілган. Бугунғи кунда у ҳосилга кирған. Агар жүхори құфиқланмайдыган бұлса, қүш-құмурсықалар еб, әкинни барбод қиласы. Бу иш кенжә авлод-болага топширилген. Боланинг ғайрат-шижоати, әкинни сақлаб қолиши учун уриниши үйлаймизки, бугунғи болаларға ҳам намуна бұлади. «Ағар құнсанг, урайин, бұлар оёғинг чұлօқ» дейиши қайси болани катталарнинг меңнатига құмаклашишга даъват этмайди дейсиз!

Болаларнинг айтишув — оқ теракми, күк терак құшиқлари ҳам ҳамма замонларда катта шұхрат қозониб келген. Бу құшиқда күпинча үзігін хос обру-эътиборға мұяссар бўлған болалар тилга олинади. Уларнинг ибратомуз жихатлари болалар ўртасида таъкидланиши құшиқнинг янада жозибали чиқишини таъминлайды. Айниқса, бу айтишув құшиғи бугунғи күн, бугунғи болалар тұғрисида бұлса, янада ажойиб булишини қуйидаги парчадан билиш мүмкін:

— Оқ теракми, күк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Эркин құзичоқ керак!
— Ола-була капалак,
Орқа сочим жамалак,
Оқ теракми, күк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Хайри қизалоқ керак!
— Оппоқ-оппоқ оқ курак,

Күм-күк, күм-күк, күк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Үзи аъло үқийди,
Тартибли ҳам одобли.
Ҳаммани севар,
Тикишща чевар,
Барчадан чақкон,
Ҳаммага ёқкан
Гүзал.Озода керак!

Бундай айтишув құшиқлари болаларни меңнаткаш, одоб-ахлоқлы, үқимишли бўлиб камол топишга даъват этаверади. Бундай құшиқлар қанотида үсган ҳар бир бола соғлом фикрли, эл севар булишига хеч шубха йўқ. Ай-

никса, мана бундай ҳазил-мутойибали қүшиқлар кичкин-тойларга олам-олам қувонч бағищлайды:

1 - бола . Осмондан түшдим күрпа-түшагим билан,
Тагимда йүргә эшагим билан.

2 - бола . Осмондан түшдим читдек бўлиб,
Сен билан чандишаман йигитдек бўлиб.

1 - бола . Қайрағоч! Чандиша олмасанг, йўкол, қоч!

2- бола . Тут, жавоб бера олмасанг, дамингни tot!

1 - бола . Отангиз аллопмиди, оғзингизни қопдек лаб уриб қўйибди.

2- бола . Отангиз қассобими迪, терингизни тилиб-тилиб сотмоқчи бўлиб юрибди.

1 - бола . Онангиз ун элаганмиди, бошингизга гарди ёпишиб колибди.

2- бола . Онангиз қиём пиширганмиди, бурнингиздан чиккунча ялаб олибсиз.

Одатда тиши тушмаган бола бўлмайди. Ана шундай тушган тишни ташлаб юбориш пайтида айтиладиган алоҳида қўшиқ борлиги болаларда катта қизиқиш уйғотади:

Ол эски тиш,
Бер янги тиш.
Товук гўштга бокмайман,
Тошдай данак чақмайман...

Қадимда ота-боболаримиз шамол ёрдами билан тегирмон юргизишган, шамол ёрдами билан ғаллаларини тозалашган. Шамол ҳар доим яхшилик — яшаш, яшарищ воситаси хисобланган. Болаларнинг шамол чақиришдек мана бундай ажойиб қўшиклари шак-шубҳасиз буғунги болаларга ҳам катта қувонч улашиши табий:

Ғарамларни яиратиб,
Увотга босиб қўйдим,
Елкасига игна санчиб,
Курбака осиб қўйдим.
Ҳайдар, шамолингни олиб кел!
Ҳовузлар сасиб кетди,
Бақатўн босиб кетди.
Бой бобо соқолидан
Бир тутам осиб кетди
Ҳайдар, шамолингни олиб кел!..

Рамазон кўшиқлари ҳам дилларга ҳузур бағишлийди. Яхши тилаш, ният қилиш рамазон кўшиқларининг асоси хисобланади. Бундай қўшиқларда кўпинча одамлардан озиқ-овқат тилаш асосий масала қилиб қўйилади:

Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешигингизга.
Мўраласак, мўрингиздан тутин чиқар.
Бизга деган қатламангиз бутун чиқар.
Бутун чикса, шу хонадон хайрли эшик,
Шу эшикка буюрсин тилла бешик...

Юқорида кўриб ўтганимиздек, қўшиқлар болаларнинг нафосатини ўстиришга, уларни ҳаёт ва меҳнатга муҳаббат, ватанпарварлик, дўстлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

МАҚОЛЛАР

Болалар халқ оғзаки ижодида мақоллар етакчи ўринда туради. Халқ яратган ғоят ихчам, чукур ва тугал маъноли гаплар мақол деб юритилади. Мақол халқнинг, бир неча авлодларнинг ақлу фаросати ҳамда турмуш тажрибасининг якуни, улар донишмандлигининг маҳсулидир. Мақолларда ҳаётнинг аччиқ-чучугуни татиб кўрган, турмушдаги ҳодисаларга ақл кўзи билан қарайдиган, соғвиждонли, олижаноб меҳнат аҳлининг бирор воқеа-ходисадан, бирор кишидан ёки бирор ишдан чиқарган хулосаси баён қилинади. Бу хулоса бирор киши учун (кўпроқ болалар учун) йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мақоллар халқнинг ақл-идроқи, ижтимоий-тарихий тажрибаси, кураши ҳамда меҳнатнинг бадиий ифодаси сифатида яратилиб келинмоқда.

Мақоллар чукур маънони ифода эта билиши, ихчам, пишиқ ва пухталиги билан халқ оғзаки ижодининг бошқа турларидан фарқ қиласи. Уларда меҳнаткаш халқнинг орзу-умидлари, ўзаро муносабатлари, ватанпарварлик, инсонпарварлик хислатлари, ўй-фикрлари ўзига хос шаклда ақс этган бўлади. Шу сабабдан улар болаларни тўғри, мantiкий фикрлашти, мақсадни қисқа, ихчам ва лўнда

баён этишга ўргатади, уларнинг бадий дидини оширади, тарихий ҳодисаларнинг мохиятини яхшироқ, чукурорқ пайқаб олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, мақоллар она тилининг энг нозик бадий хусусиятларини билишга ва сўз бойлигини ҳам оширишга кўмаклашувчи бир восита сифатида хизмат қиласди.

Шунинг учун ҳам сўз санъаткорлари, шунингдек, болалар ёзувчилари ҳалқ оғзаки ижодига, айниқса, мақолларга кўпроқ мурожаат этганлар ва улардан унумли фойдаланганлар.

Мақоллар мавзу жиҳатидан бой, хилма-хил ва ранг барангдир. Уларда она-Ватанин севиш, уни ташки ва ички душманлардан кўз қорачиғидек сақлаш, унга содик бўлиш ғоялари жуда ихчам, оҳангдор бир шаклда, образли ифодаларда гавдалантирилгандир:

Булбул чаманин севар,
Одам — Ватанин севар.

Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас.


Дўстлик, биродарлик, душманга нафрат, аҳиллик ва бирдамлик ғоялари ҳам мақолларнинг асосий мағзини ташкил этади:

Кўкка бокма, кўпга бок!
Дўст сўзини ташлама,
Ташлаб бошинг қашлама.

Мақолларда меҳнат инсоннинг кўрки, зийнати сифатида ифода этилади. Шунингдек, ҳамкорликда, кенгашиб қилинган меҳнат серунум бўлади, деган ғоя илгари сурилади:

Дарё сувини баҳор тоширап,
Одам қадрини меҳнат оширап.

Дарахт япроғи билан кўркам,
Одам меҳнати билан кўркам.



Билаги зўр бирни йиқар,
Билими зўр мингни йиқар.

Илм — ақл чироги.
Олим бўлсанг, олам сеники.

Тил, нутқ маданияти ва донолик ҳақида ҳам анчагина мақоллар яратилган:

Тилга эътибор — элга эътибор.

Доно айтса — эл айтгани,
Элнинг ғамини еб айтгани.

Халқ мақолларида яхшилик, ҳалоллик, тўғрилик ҳамда ростгўйлик улуғланиб, ёмонлик, ёлғончилик ва қаллоблик эса қораланади:

Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб гул бўларсан,
Эгри бўлсанг, ўсиб бориб кул бўларсан.

Яхши билан юрсанг етарсан муродга,
Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга.

Яхшидан от қолар,
Ёмондан дод қолар.

Ахлоқ-одоб хақидаги мақолларда ҳам таълим-тарбиявий роя илгари суриласди:

Болани ёшдан асра,
Нихолни бошдан асра!

Раҳмат олган омондир,
Лаънат олган ёмондир.

Бола, азиз, одоби ундан азиз.

ТОПИШМОҚЛАР

Топишмоқ ҳам халқ оғзаки ижодининг энг қадимги ва бой жанрларидан биридир. Топишмоқлар одатда халқнинг урф-одатлари, руҳияти ҳамда ахлоқий-эстетик қарашларини үзида мужассамлаштирган бўлади. Топишмоқда нарсанинг бир неча хил белгилари яширин, сирли ҳолда берилади ва ҳар бир топишмоқнинг замирида топилиши лозим бўлган бир маъно ва «ким?», «нима?» сўроқларида

яширин жавоб ётади. Одамлар шу сўроқларга қараб, то-пишмоқда яширинган нарсани топишга ҳаракат қиладилар. Айниқса, болалар топишмоқдаги жумбоқни билишга, уни топишга жуда қизиқадилар.

Топишмоқлар мавзуи табиат ва кундалик ҳаётда учраб турадиган аниқ ҳодиса ва нарсалардан иборат бўлади. Одатда топилиши лозим бўлган нарса ёки ҳодисанинг бирор белгиси таққослаш йўли билан образли ифодаланади. Масалан, «Ер тагида олтин қозик, у ҳаммага бўлар озиқ» (Сабзи). Бу топишмоқда сабзининг тус жиҳатидан олтин рангига яқинлиги, шаклан қозикқа ўхшашлиги, унинг тупроқ остида битиши ва тановул қилиш мумкинлиги эслатилади.

«Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор» топишмоғида пак-пакана бўйи каби белгилар пиёз эканлигини кўрсатиб туради. «Дум-думалоқ, жажжи ой, чақиб есанг фиж-фиж мой» топишмоғидаги дум-думалоқ, чақсанг — фиж-фиж мой каби белгилар унинг ёнғоқ эканлигига ишорадир.

Баъзи топишмоқлар нарсанинг бажарадиган вазифасига, ҳаракатига, унинг нимадан ёки қандай ишланганлигига қараб, шу хусусиятлар асосида яратилиши мумкин: «Қўли йўқ, оёғи йўқ уй пойлар» (Кулф).

Топишмоқлар қўпроқ истиора асосига қурилган бўлиши мумкин: «Бир отаси, бир онаси, неча юз минг боласи» (Куёш, ой, юлдузлар).

Муболага йўли билан яратилган топишмоқлар ҳам анчагина: «Бир чуқурда минг чуқур» (Ангишвона). «Ўзи бир қарич соқоли минг қарич» (Ип-игна).

Баъзи топишмоқлар сўзларнинг охангдош бўлиб келишига асосланади: «Зув-зув борар, зув-зув келар, дoston ўқир, ғалвир тўқир» (Ари). «Ости тош, усти тош ўртасида жонли бош» (Тошибақа).

Савол-жавоб шаклидаги топишмоқлар болалар қизиқишини орттириш билан ажralиб туради:

- У нимадир, ҳаводаги дўланган?
- У нимадир, ер юзини сув олган?
- У нимадир, орқасида оғзи бор?
- У нимадир, ўртасида мағзи бор?

У нимадир, сув ичиди жони бор?
— Булут бұлар хаводаги дұланган,
Ёмғир бұлар ер юзини сув олган.
Тегирмондир, орқасида оғзи бор,
Буғдой бұлар үртасида мағзи бор.
Балиқ бұлар сув ичиди жони бор.

Топишмоқлар халқнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти ривожланиши билан үзгариб боради, янги-янги маъно ва мазмун ифода этади.

Болаларнинг фикр доирасини кенгайтиришда, ақл-идроқлариний ривожлантиришда, кузатувчилик ҳисларини, нафосат туйғуларини үстиришда топишмоқлар муҳим роль үйнайди.

Қисқаси, топишмоқларда халқ донишмандлиги акс этади. Улар үзига хос мазмуни ва уларни ифодалаш шакли билан болаларни зийракликка, кузатувчанликка үргатади, уларнинг фикрлаш қобилияtlарини үстиради.

ТЕЗ АЙТИШ

Тез айтиш ҳам халқ оғзаки ижодининг үзига хос жанри ҳисобланади. Тез айтиш болаларда ақлий үткирликни тарбиялади. Масалан: «Үктам күм-күк, күркам күклам расмини күп күк қаламда чизмоқчи», «Занжир, саржин, анжир», «Оқ үтлоқ — оппоқ үтлоқ», «Жўжа чўчиб гўжа чўкир».

Халқ оғзаки ижодида аллтерация ҳамда муайян товушлар такори асосига қурилган тез айтиш намуналари шеърий шаклда ҳам яратилади:

Сора аллалайди,
Лола арралайди.
Нон ясашасанми,
Шоли санашасанми?

Болаларни бийрон сўзлашга үргатиб, уларга эстетик завқ берадиган, фикр ва қобилияtlарини үстирадиган, хотираларини мустаҳкамлайдиган бундай үйинларнинг кичкинтолйлар адабиётидаги роли ва үрни катта.

ЭРТАКЛАР

Халқ оғзаки поэтик ижодидаги энг бой ва ранг-баранг жанрлардан бири эртакдир. Халқ томонидан яратилган кўплаб эртакларда болаларнинг ўзига хос ҳаёти четлаб ўтилмаган. Ҳатто, турли ёшдаги болалар учун жуда кўп махсус эртаклар яратилган.

Эртакнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ҳамиша халқ ҳаёти, кураши, тарихи, руҳий олами, дунёқараши, урф-одатлари билан чамбарчас боғланиши, инсонларга ахлоқий ва маънавий йўлдош бўлиб келишидадир. Эртаклар инсоннинг маънавий ва жисмоний кучига ишонч руҳи билан суғорилган бўлиб, ижобий кучлар табиат ва ижтимоий ҳаётда ўзига душман бўлган кучларга қарши курашда доимо ғолиб чиқади. Халқ эртакларида уни яратувчиларнинг дунёқараши, ахлоқ нормалари ва бошқа ижтимоий муҳим масалалар одилона ҳал этилади. Эртаклар содда ва тушунарли бўлгани учун ҳар қандай китобхонга тез етиб боради. Улар орқали ҳам инсоннинг ижтимоий ахлоқ нормалари шаклланади. Бу хол, айниқса ҳайвонлар ҳақидаги эртакда акс этган. Ўтмишда яратилган эртакларда халқчиллик кураши ўзининг ҳаққоний бадиий ифодасини топгандир. Халқнинг келажакка бўлган ишончи, адолатнинг адолатсизлик устидан ғалабаси, ёруғликнинг зулматни енгиши, озод ва баҳтиёр ҳаётга эришиш ғоялари ёрқин образлар орқали тасвирланган.

Халқ эртакларида эл-юргани кўз корачифидай авайлаб сақловчи ажойиб қаҳрамонлар улуғланади; аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳимоя қилинади; узоқ масофалар яқин қилинади; кишилар характеристидаги ярамас одатлар, но маъқул иллатлар танқид остига олинади; мардлик, эпчиллик, довюраклик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, вафодорлик, сахийлик ғоялари улуғланади.

Халқ эртаклари ўз хусусиятларига кўра бир неча турга бўлинади: ҳаётий эртаклар, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, сөхрли-афсонавий эртаклар, ижтимоий-маиший эртаклар.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга ўқиб, ҳикоя қилиб бериладиган эртаклар

бўлади. Аввал эслатиб ўтганимиздек бу ёшдаги болалар

Бу ёшдаги болаларга тавсия этиладиган эртакларнинг ҳажми кисқа, мазмуни содда

ҳали олам нима эканлигини билмайдилар. Шунинг учун бу ёшдаги болаларга тавсия этиладиган эртаклар табиат, ҳайвонот олами, дүстлик, меҳнат аҳли, жамоа, одоб-ахлоқ тұғрисида булиши фойдалан ҳоли бўлмайди.

Бу давр болалари «Чивинбой», «Қизғанчиқ ит», «Тұяқуш билан қоплон», «Мақтанчоқ күён», «Ростгүй бола», «Ариларнинг ғазаби», «Тулки билан турна», «Шолғом», «Қумурсқа», «Каптар совғаси» каби эртакларни үқиб бериш фойдалан ҳоли бўлмайди.

Боғча тарбиячилари ва ота-оналар олдида турадиган вазифалардан энг муҳими кичкитойларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашдир. Бу тарбияда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам болани ёшлигидан бошлаб бир ишга ўргатиш, кичкиналик вактиданок унга бир юмуш бериб, иш қилишга одатлантириш лозимдир. Тили чиқиб, у ерга, бу ерга юра бошлаган вактида ҳам болага бирор иш бериш керак. Унга бериладиган бу иш аҳамиятсиз, ҳатто «иш» номи беришга лойик бўлмаса ҳам, ундан келадиган фойда жуда катта. Чунки бундай ишлар болани ишни севишга ўргатади.

Бола боғчалигидаёқ үсиб, улғайиб яшашнинг асоси иш, меҳнат деб камол топмоғи зарур. Боғчада қилиниши керак бўлган юмишларни боланинг ўзи эркин бажарсин, хатолари учун ўзини жавобгар сезсин. Ёш қалб ишлагандан ҳам ишнинг натижасини ўйлаб ишлашга, фикр юритишга, тұғри ишлашга, ғайрат қилишга кўниксин.

Аммо бу борада шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу малакалар бирдан хосил бўлмайди, балки астасекин юзага келади. Лекин заминни жуда эрта, боғчадан бошлаб қўйиш керак. Болада меҳнат қилиш малакаси вужудга келса, у ота-онаси, катталарнинг кўрсатиб туришини кутиб ўтиrmай, ўзи эплаб кетаверади.

Бу ерда яна бир муҳим нарсани таъкидлаб ўтиш керак. Ишга ўрганиш ва ўргатышда диққат қилинадиган яна бир нарса — ҳар ишни ўз вактида бажаришдир. Ишга одатланиш қанча муҳим бўлса, ишни ўз вактида бажариш шу даражада муҳим, балки ундан ҳам муҳимроқдир. Ҳар ишни ўз вактида бажармай, кейинга қолдириш кўп ишларнинг йиғилиб қолишига, кўпининг юзаки, сифат-

Сиз бажарилишига ёки бутунлай қолиб кетишига сабаб бүлади. Щунинг учун хар ишни уз вактида ғайрат ва матонат билан бажариш лозим. Чунки дунёдаги барча тирик нарсалар харакат қиласи, интилади ва шу туфайли хаёт учун зарур бўлган нарсаларга етишади. Хатто, энг заиф ҳисобланган арилар, чумолилар ва кушлар ҳам интилишда бўлиб, ёзда ўйнашдан ташкари, қишиғамини ҳам ейдилар.

Гапнинг лўндаси ҳар бир тирик жон яшаш учун ҳаркатда ва интилишдадир. Ўргимчакка назар солинг, у тириклилик дардида доимо тўкиш билан овора, агар турининг бирор ери бузилса, дархол таъмир этиш ва тузатишга киришади.

Барча инсоннинг биринчи вазифаси — кишининг юриш-туриши ва яшаши учун зарур бўлган ҳалол ризқ топиб, ейиш-ичишга етарли нарса ҳосил қилиш. Бунга эса тиришқоқлик, интилиш орқали эришилади.

Бу борада худди инсон каби тиниб-тинчимас меҳнаткаш қумурсқалар ва улар ҳакида ҳалқ тўқиган «Қумурсқа» эртагини шу ёшдаги болаларга укиб, хикоя қилиб, айтиб бериш яхши самара беради.

Кичкина болалар у ёқда турсин, хатто, катталар ҳам унча менсимайдиган қумурсқанинг ишчанлиги, кечаси-ю кундузи тинмай меҳнат қилишини уни кузатган одам сезади, холос.

Хаётда шундай: ким кўп ишласа, тиним билмай меҳнат қилса соғлиги яхши бўлади, бой-бадавлат яшайди, хеч қачон хор-зор бўлмай умр кечиради. Қумурсқа мактанчоқ эмас, у оддий ва содда. Шу оддийлиги, соддалиги, меҳнаткашлиги билан ажralиб туради. Савол-жавобларда муз, булут, қўёш, ёмғир, ер, ут, мол, бури, мерган-у сичқон кабилардан ҳам қумурсқа устун чиқади. Қумурсқанинг ўзига берилган таърифларда ҳам бу маъно кўзга яққол ташланиб туради:

- Корнинг нима учун катта?
- Жигарим зўр, — деди қумурсқа.
- Белинг нима учун ингичка?
- Мехнатим зўр!
- Калланг нима учун катта?
- Давлатим зўр! Мехнатим зўр, савлатим зўр, мен зўр, мен зўр!

· Бу ёшдаги болаларга тавсия этиладиган эртакларнинг асосий қисмини тұғри сүз, ҳалол, пок булиш, ёлғон гапирмаслик, бирөвларни алдамаслик каби мавзудаги асарлар ташкил этади. Масалан, «Ростгүй бола» (туркман ҳалқ әртаги)ни олиб құрайлик. Эртак қаҳрамони тұғри сүзлиги, катталарнинг панд-насиҳатларыга қулок солиши билан ёш китобхонда яхши таассурот қолдиради, күп болаларнинг ҳавасини келтирадиган иш қиласы.

Қароқчилар азалдан ёмон одамлар. Улар хар доим зұра-
вонлик ва босқинчилик қилиб бирөвларнинг мол-мұлклас
рини тортиб олишган.

«Ростгүй бола» да ота карвоң билан йүлга чиққан ўғли-
нинг құлиға қирқ танга олтин беріб:

— Ўғлим, ҳечам ёлғон гапирма, ҳалол бұлгин, — деб
насиҳат қилибди.

Карвоң йүлда қароқчиларга дуч келади. Қароқчилар ноинсофлик қилиб босқинчилик билан ҳаммани талайди-
лар, мол-мұлкларини тортиб оладилар. Аммо болага мут-
лақо эътибор бермайдилар. Ота насиҳатини олган бола
тұғри сүзлиги билан қароқчи, босқинчи, йүлтүсарлықда
ном чиқарған бир неча муттахамни тарбиялайды, уларни
ҳалоллиг-у тұғри сүзлиги билан мағлуб қиласы:

Савдогарлар йүл юришса ҳам мұл юришибди, бир жой-
га етиб боришганда уларга қароқчилар ҳужум қилишиб-
ди. Қароқчилар үзаро маслаҳатлашиб «мана бу ялангоёққа
у-бы нарса берсакмикин» дейишибди.

Қароқчилардан бири болани масхара қилиб сұрабди:

— Эй, ялангоёқ, сендан нимани ҳам олиш мүмкін?

— Менда кирқта олтин танга бор, — деб жавоб беріб-
ди бола.

— Сенда кирқта олтин танга нима қилсін? — дейи-
шибди қароқчилар қулиб.

Шунда бола чопонининг ёқасини йиртиб, олтин танга-
ларни құрсатибди.

— Нега буларни бизга құрсатдинг? — деб сұрашибди
қароқчилар. — Биз сенга пул бермоқчи әдік, энди бұлса
буни ҳам олиб құямыз.

— Ҳечқиси йүқ, отам ҳалол бұл, ёлғон гапирма, деб
үргатған, — деб жавоб берібди бола.

Хайрон бўлган қароқчилар савдогарларга мол-мулк-ларини, пулларини қайтариб бериб, ҳалол меҳнат қилиш учун қароқчиликдан воз кечишибди.

«Шолғом» (рус халқ эртаги) бу давр болалар китоб-хонлигидаги асосий ўринда туради. Эртак жуда оддий ва содда. Аммо маъно ва мазмун, асарнинг тарбиявий аҳамияти кутилганидан ҳам зиёда.

Эртак жуда жўн. Бобонинг шолғом экиши ва бўлиқ шолғомни кўплашиб юлиб олиши зикр этилади. Эртакда ортиқча сўз йўқ, қаҳрамон йўқ. Ҳаммаси рисоладагидек. Аммо «Шолғом»да кичкитойлар билиб, қулок солиб ўсадиган жиҳатлар кўп. Биринчидан, бобонинг меҳнаткашлиги яққол кўзга ташланиб туради. Мабодо бобо шолғомни ерга экиб, ўз холига ташлаб қўйганида у мутлақо каттакон бўлиб ўスマган бўлар эди. Бобонинг ўйи-хаёли шолғомда. Кечаси-ю кундузи шолғомга ишлов беради, пешона тери тўкиб кўп меҳнат қиласди. Демак эртакда болани меҳнаткаш бўлишга, худди шу бобо қаби далада ишлашга чақирилади.

Иккинчидан, бола бешикдан бошлаб ахил, дуст бўлиб ўсиши керак. Кимки дустлар билан, жамоа билан ҳамфигр, ҳамкор бўлиб ўssa ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам яхши. Яна эртакка мурожаат қиласиган бўлсак. Уша бўлиғ, каттакон шолғомни ердан тортиб, суғириб олиш масаласи ёш китобхон учун жуда қизиқарли. Бобо, буви, набира, кучук, мушук, сичқонларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари болаларни хурсанд қиласди. Уларда шундай қилиб куч бирликда тушунчаси пайдо қилинади.

Эртакнинг учинчи жиҳати мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг орзу-нияти бўлмиш табиатни сөвиш, жониворларни асраш, авайлаш ўзига хос ўринда туради. Кичкитойлар бу эртак орқали кучук, мушук, ҳатто, сичқонни ҳам бокиш, асраш-авайлаш лозимлигини билиб оладилар.

Худди бобо сингари меҳнаткаш бўлиш, куч бирликда тушунчасини дилга жо қилиб камол топиш, айниқса бу тушунча эртак тингловчисининг дил тўридан жой олиши эртакнинг тарбиявий аҳамияти катта эканлигидан далолат беради.

Бу ёшдаги болалар ҳайвонлар ўртасидаги үзаро ахиллик ва дўстлик каби хислатларни билишни исташади. Ҳайвонот оламида ҳам дўстга меҳрибонлик кўрсатиш, бирбирига ғамхўр бўлиш, ёрдам қўлини чўзиш бор эканлиги «Арслон билан ит», «Эчки, қўй ва бўрилар» каби эртакларда берилади. «Туяқуш билан қоплон»га назар ташлайдиган бўлсак бу эртакда худди одамлар орасида бўлганидек ҳайвонлар ўртасида ҳам бир-бирларига ёрдам бериш, айниқса бошларига кулфат тушганда юракдан, самимий кўмаклашиш фояси ётади.

Қоплоннинг бошига мусибат тушди. Томоғига катта бир суяк қадалиб қолди. Дод-фарёд қилди. Туяқуш ёрдамга келиб:

— Оғмонга қараб оғзингни очиб тур, мен суякни олиб кўяй,— дебди қоплонга.

Қоплон осмонга қараб оғзини очиб турибди. Туяқуш узун тумшуғини қоплоннинг оғзига солиб, тиқилиб турган суякни суғириб ташлабди.

Қоплоннинг кўзлари равшан бўлиб, ўлимдан қутулибди.

Бир оз жони ором олгандан кейин қоплон туяқушга қараб шундай дебди:

— Сен мард экансан, менга яхшилик қилдинг, энди иккаламиз дўст бўламиз, зарур вактда бир-биrimизга ёрдамга желамиз, — дебди.

Туяқушга бу гап маъқул бўлибди. Туяқуш билан қоплон иккалалари дўст бўлибдилар.

Халқда, ўзга билан дўст бўлдингми, бир умрга бўл, уни яхши-ёмон кунларингда синама ва унга риёкорлик кўрсатма, — деган гап бор. Туяқуш бу йўлдан бормайди: Орадан кўп вакт ўтади, кунлардан бир кун у қоплонни синамоқчи бўлиб, жўрттага:

— Вой дод, ўляпман, қоплон, мени қутқар! — дея бор овоз билан қоплонни ёрдамга чақиради.

Қоплон чин сўзли, дўстга садоқатли, ғамхўр ва меҳрибон бўлганлиги учун зудлик билан туяқушнинг олдига «шоҳ-бutoқлар орасидан устидаги жунлари юлиниб, харсиллаб етиб келибди». Лекин у туяқущнинг юзида табасумни кўриб ҳайрон бўлади. Туяқуш сурбетлик билан

«кўрмаганимга анча вақт бўлди, ахд-паймонимиз эсингдан чиқиб қолмадими деб синаб кўрмоқчи эдим», деган гапидан қаттиқ ранжийди, дили оғрийди, дўстидан кўнгли қолади.

Дўстини алдаган ўзини алдаган бўлади. Сен бирорни бир марта алдадингми, тамом у сенга иккинчи марта ишонмайди. Туяқушда ҳам худди шундай бўлади. Бошқа куни бури уни ушлаб еб қўймокчи бўлиб турганида у қанча бакириб-чақирмасин, қоплон унинг овозини эшилса ҳам дўстим жўрттага додлаяпти, деб ўйлайди ва унинг олдига келмайди. Туяқуш бўрига ем бўлади.

Каптар азалдан инсон билан яқин яшаган, инсондан паноҳ излаган, инсонга кўмак берган. Каптар қадимда бир юртдан иккинчи юртга, бир одамдан иккинчи одамга мактублар олиб бориб бериб, алоқачилик вазифасини ҳам утагани маълум. «Каптар совфаси» (тамил халқ эртаги) да инсон ва каптар тақдирни ҳақида гап боради.

Кижаваннинг аҳволи оғир, кимсасиз ўрмонда бир парча нонга муҳтоҷ бўлиб ҳаёт кечиради. Унинг қушлар, ҳайвонларнинг тилини билиши, улар билан худди инсонлар каби гаплашгандек сухбат қуриши мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хуш ёқади. Кичкинтойларнинг ҳам ўша Кижаван каби қушлар билан, ҳайвонлар билан сухбат қургилари келади. Кижаван соғлом, тўқ, тетик жониворлар, қушлар билан гаплашса хўп яйраб хурсанд бўлади. Баъзи ҳолларда оч, заифларнинг юрак дардларини тинглаб, уларга қўшилиб азият чекиши, кўз ёши тўкиши болаларнинг қалбларига яхшилик уруфини сочади, уларда худди Кижаван каби бўлишга хавас уйғотади. Кижаваннинг мажруҳ каптарга ғамхўрлиги кичкинтойларга кувонч улашади:

Бир куни Кижаван жуда қаттиқ оч қолибди. Бирор нарса тамадди қиласай деса, ҳеч вақоси йўқ. У ўйлаб-ўйлаб, охири таёқ олиб, ўрмонга жўнабди. Ўрмонни айланиб-айланиб, у ерда ҳам ейдиган ҳеч нарса тополмай, уйига қайтибди. Йўлда кетаётib:

— Менга ёрдам бер, — деган заиф бир товушни эщитиб қолибди. Кижаван бундай қараса, ерда бир каптар ийқилиб ётган эмиш.

— Мен учолмайман, кутқаргин, — деб ялинибди у Кижаванга. Кижаваннинг бечора капитарга раҳми келибди. Уни ердан авайлаб кутариб олиб, бағрига босганича, йўлида давом этибди. Капасига олиб келиб, кушни эҳтиётлик билан юмшоқ үринга ётқизибди.

— Тузалиб кетгунингча меникида яшайсан. Ҳеч нарсадан қўрқмагин, сени хафа қилишларига йўл қўймайман. Қулимдан келганича сенга ёрдам бераман. Лекин ҳозирча сенга овқат берай десам, уйда ейдиган ҳеч вақо йўқ, — дебди хафа бўлиб Кижаван.

— Қайғурма, — дебди капитар уни тинчлантириб, — урмонда манго дарахти бор. Дарахт кавагининг ичида гуруч бор, бориб ана шу гуручни олиб келгин.

Дарахт кавагининг ичида гуруч билан бирга олтин, кумуш, олмос, дур ва бошқа қимматбаҳо тошлар ёғду сочиб ётган бўлади. Кижаван оч, юпун бўлганлиги учун ўша ердан бир сиким гуручнигина олади, холос: «Бу тошларни нима қилардим, ахир ўзимни безатиш ниятим йўқку», — деб уларга тегмайди. Гуручни мажруҳ капитарга едирганидан китобхон хурсанд бўлади. Сахий, қўли очик, кўнгли тўқ Кижаванга капитарнинг узук совға қилиши, узук оддий эмас, балки сеҳрли эканлиги, Кижаван нима ики сураса узук унинг истагини мухайё қилиши эртак тингловчини қойил қолдиради. Уларда яхшиликка яхшилик қайтар экан-да деган фикр пайдо бўлади.

Қўли очик бўлиш, сахийлик қилиш, дўстга содиқлик намунасини кўсатиш бу даврда тинглайдиган эртакларнинг катта қисмини ташкил этиши керак. «Тулки билан Турна» эртагига назар ташлайдиган бўлсак, бу холнинг бутунлай тескарисини кўрамиз. Дунёда тулки зотидан муғомбир, писмик, алдамчи, риёкор бўлмаса керак. Куп эртакларда турна инсонгà яқин юради, унга кўмаклашади, ёрдам беради, сахийликда ибрат курсатади.

Эртакда тулки ва турнанинг бир-бирларини уйларига чақириб меҳмон қилишлари ҳақида гап боради. Мақтанчоқ, муғомбир, айёр тулки оддий, содда турнани уйига чақириб:

— Албатта, келгин, жонгинам, албатта, азизим, жуда яхшилаб меҳмон қиласман! — дебди.

Баъзан янги дўстнинг феъл-атвори қандай эканлиги-ни ўзи яхши билмай юракдаги борини ошкор қиласиган болалар каби турна ҳам тулкига ишонади, чинакамига мени меҳмон қилар экан-да, деган ўй-хаёл билан унинг ўйига келади. Тулки ширгуруч пишириб, уни таксимчада турнанинг олдига кўяди. Узун тумшуғи билан таксимчага тақ-тақ уради, аммо хеч нарса ея олмайди. Айёр тулки эса бир зумда ширгуручни ўзи еб бўлади.

Эртакда турнага алам қиласиган жойи шуки тулки ўзи пиширган таомни ўзи еб, яна хушомадгўйлик қилиб, — Айбга қўшмайсан-да, жон дўстим! Яхшилаб меҳмон қилишга бошқа нарса топа олмадим! — дея сурбетлик қилиб туриши болаларнинг қаҳр-ғазабини келтиради. Уларни ҳаётда тулки каби очкўз, алдамчи бўлмасликка даъват этади.

Эртакда турнанинг ҳам бўш келмаслиги, тулкини ўйига чорлаб, мундига ўзи тайёрлаган овқатни қўйиб, уни бир зумдаёқ узун тумшуғи билан ўзи еб қўйиши кичкитойларни хурсанд қиласиди. Уларда қилмиш-қидирмиш, сен бировга нима қилсанг, сенга ҳам ўша қилганинг, албатта, қайтиб келади, деган тушунча ҳосил қиласиди.

Хуллас, мактабгача таълим ёшидаги болалар ўзлари тинглаган эртаклари ёрдамида атроф-олам билан танишиб, нима яхши-ю нима ёмонлигини билиб ўсаверадилар.

Мактаб ёшидаги кичик болаларга тавсия этиладиган эртаклар

Аввал таъкидлаб ўтганимиз-дек, **бу** давр болалари мактабга борадиган, ўзлари мустақил равишда озмикупми китоблар ўқийдиган даражада бўладилар. Бу давр болаларига ўқиш учун тавсия этиладиган эртакларнинг ҳам кўп қисми она-Ватан, табиат, ахлоқ-одоб, меҳнат, ўқиш ҳакида бўлиши талаб этилади. «Зумрад билан Қиммат», «Олтин тарвуз», «Деҳқон билан айик», «Нон ва тилла» (араб халқ эртаги), «Ҳаққуш» (тожик халқ эртаги), «Данак» (қирғиз халқ эртаги), «Кизғанчик Пак» (корейс халқ эртаги), «Кучук ва топқирлик» (латиш халқ эртаги), «Ўтинчи йигит», «Бўри билан эчки» сингари асарлар кичик мактаб ёшидаги болалар севиб ўқийдиган эртаклардир.

Бу ёшдаги болаларга кўпроқ иғбо, фийбат, мунофиқ лиқдан йироқ бўлган эртаклар ёқади. Негаки, яхши,

мукаммал тарбияланган бола бошқаларга ҳеч бир озор етказмаслигини, такаббурлик қилмаслигини, ҳеч кимга ҳақорат күзи билан қарамаслигини, ростгүй бўлишни кичкинтолар аввалги давр болалар китобхонлйгига тавсия этилган эртаклар орқали билиб олишган. Демак, у ўзидан катталарга ҳурматли, кичикларга шафқатли ва марҳаматли, кулар юзли, ширин сўзли ва хушмуомала бўлади. Ваъдасига вафо қиласи, омонатга хиёнат қилмайди. Ифбо, фийбат, мунофиқлидан ўзини сақлайди. Отанасининг ҳурматини бажо келтиради. Уларни ўзидан рози бўлишлари учун саъй-ҳаракат қиласи. Қариндош-уруғларидан алоқасини узмайди, уларга меҳр-оқибатли бўлади. Ёмон йўллардан, ярамас ишлардан, ножуя ҳаракатлардан ўзини сақлайди. Мана шуларга ўхшаш гўзал хислатли болаларни эл севади, эъзозлайди. «Зумрад билан Қиммат» Эртагидаги Зумрад худди шундай хислатли образлардан биридир.

Зумрад! Халқ орзу қилган, истаган, эъзозлаган қизларнинг ёрқин тимсоли. Бугунги қизалоқлар Зумраддан қанчалик ибрат олишса, Зумрад каби чиройли, одобли, мулоим, ақлли, меҳнатсевар бўлишса арзийди. Қаранг, йўлда лолалар, ранг-баранг гуллар Зумрадни кўриб бошларини эгиб, унга салом берарканлар. Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида, гуллар уни олқишилар, булбуллар қувониб, унга қўшиқлар айтиб берар эканлар. Хўш, бундай мақтов, бундай эъзоз қайси қизалоққа ёқмайди! Ҳаммага ёқади. Бунга мұяссар бўлиш учун эса, тинимсиз меҳнат қилиш, катталарнинг, ота-оналарнинг, муаллимларнинг ўгит-насиҳатларига қаттиқ амал қилиш керак. Ана ўшандагина худди Зумрад каби беҳисоб бойлиг у шон-шарафга, ҳурматга мұяссар бўлиш мумкин.

Зумрад аслида ким? У бир ўгай она қулида сўкиш, қарғиш эшлитиб, бир бурда нонга муҳтоҷ бўлиб юрган қизча. Зумрад эл севадиган даражада чиройли, одобли, мулоим, ақлли. Уни бир кўрган, бир сұхбатлашган киши яна кўрсам, сұхбатлашсам деб орзу қиласи.

Зумрад отасини, одамларни яхши кураси, ҳайвонларни, табиатни, майса-ю ўтлоқни севади, уларга хизмат қиласи. Ҳаммасига мулоим боқиб, қули билан силаб-

сийпалаб эркалайди. Бундан гуллар, ўт-ўланлар, булбул-лар қувониб, унга қўшиклар айтиб беришади.

Аммо шу гуллар кампирнинг арзандасини севмас, уни эркаламас эканлар, бу қиз гулларга озор берар, уларни юлиб ташлар, тепкилар экан. Лолалар, гуллар Қиммат нинг келишини билиб қолсалар, қовоқларини солиб, юмилиб қоларканлар. Ёвуз кампир бундан ғазабланар экан ва буни Зумраддан кўтар ғана. Бир куни кампирнинг нияти бузилибди, у Зумраддан қутулмоқчи бўлибди, чолни чақириб олиб, унга дағдаға қилибди. «Кизингни ўрмонга олиб бориб адаштириб келмассанг, мен сен билан турмайман!» — дебди.

Ота ночор. У кампирга ўта итоаткор. Негаки кампир уни сўкиб, ҳакорат қилиб юрагини олиб қўйган, ўзига итоаткор қилиб олган. Чол Зумрадни алдаб, коронги шовқинли, қўрқинчли ўрмонда адаштириб келади. Ўрмонда ёлғиз зор қақшаб қодган қизчага гуллар шуъла сочиб, унинг йўлини нурафшон қилиб туради. Зумрад сеҳргар ҳузурига кирап экан, унга эгилиб салом беради, бошидан кечирган воқеаларни бирма-бир баён қилади. Кушчаларнинг Зумрадни мақтаб сайрашлари кампир қалбини шодликка тўлдиради.

Зумрад меҳнат боласи. Мехнат қилган элда азиз, деғанларидек, унинг елиб-югуриб ишлиши кампирга хуш ёқади. «Оппоқ қизим, шириң қизим, дўмборим, мунчоғим!» — дея уни эркалайди, пешонасидан ўпиди, сочини силайди.

Зумрад ҳалол-поклиги, шириң сўзлиги, меҳнаткашлиги, каттани ҳурмат қилиши, кичикни эъзозлаши билан сеҳгарнинг муҳаббатини қозонади. Шу сабабли сеҳргар Зумрадни тенгсиз бойлик билан сийлайди, уни баҳтиёр қилади.

Меҳнаткаш ҳалқ ўз фарзандларини худди Зумрад каби ишchan, меҳрибон, иболи, бой-бадавлат бўлишини орзу қилган. Лекин Қиммат каби эрка, тантик, ишёқмасларни ёмон кўрган. Қиммат образи ҳеч нарсада йўқ, ишламай тишлашга ўрганиб қолган, инжиқ, муттаҳам ва бедаво фарзандни эслатади.

Бизда ва айниқса, эртакларда ўзидан катталарни ҳурмат қилиш ва кексаларни эъзозлаш, одамохунлик ва

мехнатсеварлик, иболи ва ҳаёлилик асосий масалалардан бири ҳисобланади. Савол туғилади. Хўш, Қимматда юқоридаги фазилатлардан қайси бири мавжуд? Ҳеч қайсиси йўқ.

Мана, ота Қимматни ҳам кимсасиз ўрмонда адаштириб ташлаб кетади. Сехргарнида яшар экан унга онаси бирорта ҳам ширин сўз ўргатмаганлиги, меҳнат қилиш нималигини билмаганлиги сабабли кампирга қўпол-қўрс муомалада бўлади. Текинтомоғлиги унга қаттиқ панд беради. Сехргар қизни севмайди, эртак ҳам айтиб бермайди, китоб ва қўғирчоқлар ҳам ҳадя қилмайди.

Эртакда сеҳргар кампир жуда мулоим, ҳақиқий оналарга хос фазилатга эга. Мана, унинг Қимматга мурожатини олиб курайлик.

— Томдан ўтин олиб туш, қизим!

Кизнинг жавобини эшигинг:

— Ўзингиз олиб туша қолинг, малайингиз йўқ!

Бу ўзбекона жавоб эмас, тарбиясизлик, одобсизлик нинг олий намунаси, холос.

Халқقا бундай ўзбошимча қиз-у фарзандига тӯғри тарбия бера олмаган онанинг кераги йўқ. Шунинг учун ҳар иккаласи ҳам ўлимга маҳкум — аждар ютиб юборади. Бу холга халқ асло ачинмайди, аксинча, тӯғри бўлибди, деб мамнун бўлади.

Китобхон болалар ҳам ҳаётда Қиммат қиёфасига тушиб қолмаслик учун ўзларини ўнглаб олишга, меҳнатни севишга, кўпроқ дарс қилишга, китоб ўқишига интиладиган бўладилар. Ахир Қиммат ишёқмаслиги, одобсизлиги туфайли уни жуда кўпчилик хуш кўрмайди. Ҳатто, унинг юриш-туриши, ҳатти-харакати, сехргар кампирларга ҳам, ҳатто кучукларга ҳам маъқул бўлмайди. Дангасалиги, кеккайганлиги, қўрс-қўполлиги ўзининг бошига етади.

Ўтмишда бир донишманд ўғлини келажакда соғлом, жасоратли бўлишини истаб кўп яхши эзгу-тилаклар билдирган экан:

— Азиз ўғлим, дунёда одам енга олмаган нарса бўлмайди, шунинг учун асло қўрқма, ўзингга берилган қувват ва ғайратингни сарф қилиб, олға интил. Баҳт ва саодат осмондан тушади ёки кутимаган ҳолда қўққисдан инъом

Этилади, деб ўйлама. Шу ўйга борсанг, дунёнинг подон әдамларидан бири бўлиб ҳисобланасан. Сўзимга диккат билан қулоқ сол, бахтсизман, деб зорланувчилар катори дан жой олма. Файрат қилсанг муродинг хосил бўлади. Инсон ўз саодат ёзмишини ўзи юзага чиқаради. Ўзингни тубан даражага туширма. Эҳтимол баъзи ишларинг тила-гинчча муваффакиятли бўлиб чиқмаслиги мумкин, лекин сен бунга қайгуланиб, ноумид бўлма, файрат ва жасоратингдан ажралма. Зохирда оғир, машакқатли бўлиб кўринган нарсадан хақиқатда кўп мухим ва хайрли натижа хосил бўлиши мумкин.

Аҳамиятсиз нарсаларга, моддий безакларга кўп алданма, тарақкий этишга, фазл, камол эгаси бўлишга интил. Кўзингни оч, атрофга қара. Замоннинг улуғ олими-ю, фозилларининг таржимаи ҳолларини, умуман инсонларнинг қадимги ва янги тарихини диккат билан кўздан кечир. Булар сени завқ-шавқ, фазл, камол топишга йўналтирадилар, ҳаётий йўлингда ҳақиқий раҳбаринг бўладилар.

Ўзбек халқ эртакларидан бири «Ўтинчи йигит билан шер»да қаҳрамон ўша донишманд орзу қилганидек бўлганлиги учун кичик мактаб ёшидаги болаларда бу эртакка қизиқиш катта. Йигит биринчидан, меҳнаткаш, иккинчидан, қўрқмас, довюрак, учинчидан, ишбилармон ва тадбиркор.

Бу ёшдаги болалар дов-даражтлар экиш, уни парвариш қилишда катталарга дастёр-кўмакчи. Кўпинча ўзлари ҳам боғбончилик ишларига берилиб кетишиади. «Данак» эртагидаги Баҳромнинг бир дона данакни ерга экиб, уни кўкартириши, у мевали дарахтга айлангунча парвариш қилиши ёш қитобхонларда Баҳромдек бўлиш ҳавасини уйғотади.

Баҳромнинг данаги дарахтга айланиб, мева бера бошлагач, алвости болани еб, дарахтга эга бўлиб олиш ниятида уни қопга солиб уйига олиб кетибди. Баҳром қўрқмас, довюрак бўлганлиги учун ўзи омон қолади, эл-юрт мевасидан еб турган дарахтини ҳам сақлаб қолади:

Алвости ҳовлисига етиб келибди-да, қопини супага қўйибди, қозонга ёғ солиб, олов ёқибди.

Баҳром қопни амаллаб тешиб, оқ теракнинг тепасига чиқиб олибди. Алвости келиб кўрса, бола йўқ.

— Болагинам, қаерга кетдинг? — деб сўрабди у.

— Мен бу ердаман! — Баҳром теракнинг устидан овоз берибди.

— Болажоним, у ерга қандай чикдинг?

— Темиркуракни оловда қиздириб, устига ўтиредим. Курак юқорига учди, қарасам, дараҳт тепасида турибман, — дебди Баҳром.

Кампир Баҳром айтганидек қилган экан, куйиб ўлибди.

Баҳром шундай қилиб, ўзини ҳам, дараҳтни ҳам алвастидан кутқариб қолибди.

Мехнаткаш халқ бечораҳоллик билан ҳаёт кечирган, кўпинча очлик, юпунлик уларнинг бир умр ҳамроҳи бўлган. Узун тунлари бир-бирларини овутиш, кўнгилларини кўтариш мақсадида эртаклар айтишган. Ўзлари тўкиган эртаклар замираиде унумли меҳнат қилиш, фарзандроҳатини кўриш, баҳтиёр бўлиш ва бошқа кўпгина ғоялар ётади. Ўрни келганда бирданига бой-бадавлат бўлиб, беҳисоб бойлик билан эл-юртни, бой-бадавлатларни қойил қолдириш меҳнаткаш халқнинг эзгу тилаги бўлиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. «Олтин тарвуз» эртаги худди шундай ўй-хаёл, олий истак билан тўқилгандир.

«Олтин тарвуз» ёш китобхонни кўп нарсага ургатади. Биринчидан, меҳнаткаш бўлиш — чунки дехқон ўз ерига қайта-қайта ишлов беради. Иккинчидан, парранда-ю даррандага ғамхўрлик қилиш, негаки дехқон мажруҳ лайлакни оёғига тахтакач боғлаб, даволайди. Учинчидан, очкўз бўлмаслик — дехқоннинг уйда ейдиган ҳеч вақоси йўқ. Лайлакни сўйиб ейиши мумкин эди. Аммо у бу ишни килмайди:

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда бир камбағал дехқон бор экан. Унинг атиги бир таноб ери бор экан. Дехқон шу ерда кеча-кундуз тинмай меҳнат қилиб кун кўрар экан. Баҳор келиб қолибди. Дехқон ер хайдай бошлабди. Ерни икки марта ҳайдаб бўлиб яқинидаги катта сойнинг бўйида салқинлаб ўтиrsa, осмонда учиб келаётган бир лайлак йиқилиб тушибди. Дехқон қараса, лайлакнинг қаноти синган экан. Дехқон ҳалиги лайлак-

ни дарров уйига олиб бориб, синик қанотига таҳтамач боғлаб, уни бир қанча вақт боқибди. Лайлак сөрәйиб, учеб кетибди.

Лайлакка қайта умр бағишилган дехқон бирор нирсидан умидвор эмас. Шу мажрух лайлакни даволаб, унинг ёрдами билан беҳисоб бойликка эга бўламан, деган фикр унинг хаёлига, уйига ҳам келмаган. Лайлак ташлаб кетган тарвуз уруғини ерга экиб, унга меҳр билан ишлов берар экан, бу — олтин (тарвуз) деган тушунчанинг ўзи унда бўлмаган.

Дехқон очкӯз эмас, бир парча нонни ҳам ўзгалар билан, қуни-қўшни, ўзига ўхшаган камбағаллар билан баҳам курадиганлардан. Сабр-тоқат билан тарвузларнинг обдон пишишини, етилишини кутган дехқоннинг «яқин қариндошларини, ошна-оғайниларини ҳам меҳмонга чақириши» ва тарвуз сўйиши китобхон болаларда яхши таассурот қолдиради:

Дехқон бир куни тарвуздан учтасини узиб, уйига олиб кетибди. Тарвузлар жуда катта экан. Дехқон ўзининг яқин қариндошларини ва ошна-оғайниларини меҳмонга чақирибди. Бир маҳал тарвузга пичоқ урса, пичоқ сира ботмас эмиш. Уни қўйиб иккинчисини сўймокчи бўлибди, пичоқ ўтмабди, учинчиси ҳам шундай бўлибди. Дехқон ҳам, меҳмонлар ҳам ҳайрон бўлишибди. Ерга бир уриб ёриб қарасалар, ичи тўла тилла эмиш. Камбағал севиниб кетиб, ҳаммасини меҳмонларга улашибди, улар ҳам хурсанд бўлиб, уй-уйларига тарқабдилар. Уч туп тарвузнинг ҳар бири ўнтадан солган экан. Дехқон қолган тарвузларни ҳам йиғиб олибди. Шундай қилиб камбағал дехқон жуда бойиб кетибди.

Халқ беҳисоб бойликка эга бўлган ўз эртагида воқеани бундай қолдирмоқчи эмас. Ён-атрофдагиларни, камбағалларнинг бойиб кетганлигини кўролмайдиганларни ҳеч бўлмаса эртак орқали танқид қилмоқчи, уларнинг жирканч ҳаётлари-ю ашаддий ёвузликларини, бойлик ва давлат деб қинғир ишларга ҳам қўл уришларини ошкор қилиш мақсадида қўшни — хасис бой образини тўқиган.

Дехқон қаноти синиб, тўдаси билан уча олмай қолган лайлакка яхшилик қилиб, оёғига тахтакач боғлаб тузат

ган ва лайлакнинг инъоми билан беҳисоб бойликка эга бўлган бўлса, бой бу воқеадан хабар топгач, соғ лайлакнинг оёғини синдириб, даволайди. Бу лайлак ҳам бойнинг даласига тарвуз уруғини ташлаб кетади. Бироқ тарвуздан олтин эмас, балки қовоқари чиқиб, кўпчиликни чақади. Бойнинг ҳалок бўлиши эса ёш китобхонда унга нисбатан ачиниш хиссини уйғотмайди. Аксинча, у табиатга, қушларга зиён етказганлиги, бойлик устига беҳисоб бойликка эришиш учун лайлакнинг оёғини синдирганлиги сабабли бу иш тўғри бўлди, деган ижобий холосага келади, холос.

**Ўрта ва катта ёшдаги
болаларга ўқиш учун
тавсия этиладиган эртаклар**

Мактабгача таълим ва кичик мактаб ёшидаги болаларга тавсия этиладиган эртаклар юқорида кўриб ўтганимиздек ҳажм жиҳатидан

кичкина, мазмуни содда бўлишидан ташқари расм ва бўёкларга бой бўлишини ҳам таъкидлаб ўтган эдик. Бу икки гурухга кирувчи эртаклар воситасида табиат, она-Ватан, ҳайвонот оламига ғамхўрлик қилиш, тўғри сўз, одобли бўлиш, катталарни хурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш сингари масалалар кичкинойларнинг онг-тушунчаларига етказилишини эслатиб ўтиш лозим.

Эндиликда бу давр болаларига ўқиш учун тавсия этиладиган эртакларнинг асосий қисми довюраклик, ватан-парварлиқдан ташқари, яхши касб-кор эгаси бўлиш, ҳалқ ва Ватан учун жон фидо қилишга чорловчи эртаклардан иборат бўлади. «Паҳлавон Рустам», «Бирлашган ўзар», «Уч оға-ини ботирлар», «Эгри билан Тўғри», «Она ер фарзанди», «Сардорнинг ойни ушлаб олмоқчи бўлгани» (турк ҳалқ эртаги), «Илон терисини ёпинган паҳлавон» (нұғай ҳалқ эртаги), «Донишманд қиз» (хитой ҳалқ эртаги), «Кадр-дон уйингнинг михи» (швед ҳалқ эртаги), «Чоллар, хўқизлар, Бўрка ва поп» (грузин ҳалқ эртаги) сингари эртакларни ўқиш учун тавсия этиш мумкин.

Ота-боболаримиздан қолган ибратомуз бир гап бор: яхши ҳаёт кечириш инсоннинг ўзига боғлиқ. У нечоғли тўғри сўзли, ақлли, тадбиркор, пок кўнгилли бўлса; дўстга, ватанга хиёнат қилмаса; ёлғон гапирмаса; топширилган ишни ўз вақтида бажариб ваъдасига вафо қилса уни эл дилдан севади, хурмат қилади.

Кимки золим ва такаббур бўлса, бир куни бунинг жизо-
сини олади. Фарид, бечоранинг кўнглини оғритмаса, ти-
рихга назар солиб дангасалик қилмай, меҳнат қилса китти
давлат ва кудратга эга бўлади. Бева-бечораларга раҳм-шаф-
кат қилмаганлар, йўқчилик, камбағалчилик ўтида қовури-
ладилар, эртаклардан ана шу фикрларни уқиш мумкин.

Бизга озгина бўлса ҳам эзгулик қилган одамга эзгулик
қайтариш бурчимиз экан, дунёга келишимизга сабабчи
бўлган, ўстирган, тарбия қилган ота-оналаримизга доимо
муҳаббат, хурмат, риоят ва хизмат қилиш — бўйнимиз-
даги шарафли бурчdir. Бу шарафли бурчни адо қилиб,
ота-она олқишини олган фарзанд, шубҳасиз, дунёда баҳт-
ли, саодатли бўлиб яшайди. Бунинг ёрқин намунасини
«Уч оға-ини ботирлар» эртагида куришимиз мумкин. Эр-
такдаги ота узоқни кўзлаб иш кўрадиганлардан. Ўғилла-
рига яхши тарбия беради. Натижада ўғиллари ота изми-
дан бориб, комил инсонлар бўлиб камол топадилар, ота
дуоси, ўғит-насиҳатларини дилларига жо қилиб олган-
ликлари учун ҳаётда кам бўлмайдилар.

Уч забардаст ўғил. Учовларининг кўллари кўксida, отага
таъзимда. Ақл, куч-жасоратда тенги йўқ бу йигитлар одобда
бутун оламни қойил қолдиради. Негаки, таълим ва тарбия
шундай бўлган. Ота камбағал бўлишига қарамасдан бо-
тири-паҳлавон ўғилларини кўзининг тириклигида ҳаётда ўз
йўлларини топиб олишларини орзу қилади.

Дарвоқе, одамнинг қанчалик тарбияли ҳалол ва пок-
лиги ўзга одамлар билан дўстлашганида; кўпинча сафар-
га чиққанида; мард-паҳлавонлиги эса курашда, жангда
билинади. Ота худди шундай режа, уй билан фарзандла-
рини узоқ сафарга жунатади. Бундай олиб қараганда ота-
нинг бошқа оталардан унча фарқи йўқдек туюлади. Аммо
эртакни синчиклаб ўқиб, ота насиҳатига назар ташлай-
диган бўлсангиз у дунёдаги энг билимдон, узоқни кўра
оладиган, ақл-заковатда тенгсиз бир инсон эканлигини
сезасиз. Отанинг фарзандларига айтадиган сўзи — наси-
ҳати бир жумлагина. Лекин унинг маъноси, таъсир кучи
оламча бор.

Ота насиҳатини бир неча бўлимларга ажратиб ўрги
ниш мумкин. Насиҳатнинг биринчисида ҳар бир оти онни
ўз фарзанди оламга келиши билан унга яхши, ўзига му-

носиб исм қўйиб, тўй-томушасини ўтказиб, ўқитиши, хатсаводли қилиши ҳақида гап боради:

— Ўзилларим, мен бой эмасман, мендан қолган давлат сизларнинг майшатингиз учун кифоя қилмайди, узимдан кейин бахтсиз бўлиб қолманглар, деб сизларни ўқитдим. Яхши от қўйдим. Тўй қилдим. Вояга етказдим.

Ҳамма замонларда ҳам бола тарбияси муҳим масалалардан бири ҳисобланган. Насиҳатнинг иккинчи бўлимида бола тарбияси ҳақида сўз боради. Болани чинакамига соғлом, тетик, куч-қувватли қилиб вояга етказиш, она-Ватан химоясига доимо тайёр кишилар қилиб тарбиялаш, фойдали меҳнат кўнукмаларига эътибор бериш ёш бўгин камолотида муҳим ўрин тутиши зикр этилади:

— Сизларни уч нарса билан тарбия қилдим. Биринчидан, соғлом вужудли қилиб тарбияладим — қувватли бўлдингизлар. Иккинчидан, яроғ билан таништирдим — яроғ ишлатишга уста бўлдингизлар. Учинчидан, кўрқитмай ўстирдим — кўрқоқ бўлмай, ботир бўлдингизлар.

Насиҳатнинг учинчи бўлими жуда муҳим. Унда тўғри, ҳалол, пок инсонлар булиш, ўзгалар мол-мулкига кўз олайтирмаслик, камтарин булиш сув билан ҳаводек зарурлиги, айни пайтда, мақтанчоқлик ва дангасалик ёмон иллатларга олиб келиши кескин қораланади:

— Яна уч нарсани айтаман, қулоқларингизга куйиб олинглар, эсларингиздан чиқармангизлар. Тўғри бўлинг — бехавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг — хижолат тортмайсиз. Дангаса бўлманг — бахтсиз бўлмайсиз.

«Уч оға-ини ботирлар» эртагининг қаҳрамонлари меҳрибон, ўз вақтида қаттиққўл, шу билан бирга талабчан ота тарбиясини олганликлари учун сафарда катта муваффакиятларга эришадилар. Йўлда ўзларига дуч келган барча тусик ва ғовларни енгадилар. Ўзларининг ботир ва довюракликлари билан эл-юртни лол қолдириб, бахтиёр бўладилар.

Ҳаётда кимки яхши ишга қўл урса, яхши нарсаларга эга бўлади, кимки ёмонлик қилса, эл назаридан қолади. Ҳар бир бола дунёда олим ва фозил булишга, узини соғлиқ ва тўғрилик зийнати билан безашга интилиши, Ватан ва ҳалқига муносиб хизмат қилишга ҳаракат қилиши шарт. Ота-онасини эса ҳалол хизматлари билан мамнун этиши

керак. Ёшлигидан меҳнат қилишга интилган, түғрисүз соғдил инсон доимо эл-юрт олқишига мұяссар бўлган.

Ёшлар келажакда яхши ҳулқ әгаси, эзгу ният ва гўзил фазилатлар соҳиби бўлишлари учун нима қилишлари лозим? Бунинг учун яхши ишлар йўлида ҳеч қандай кийинчиликлардан қўрқмасликлари, ота-оналари ва тарбиячи ўғитларига амал қилишлари, вактни факат фойдали ишларга сарф қилишлари, бутун куч-ғайратларини илм ўрганишга қартишлари керак.

Ха, болалар учун ҳаётда энг буюк ва шарафли бир йўл бор. Бу йўлдан асло чиқмаслик ва адашмаслик зарур. Бу йўл инсонийлик йўлидир. Бу йўлга амал қилган киши ҳамиша баҳту саодат соҳиби бўлади, бу йўл одамларга маънавий куч-кувват беради. Шунингдек, халқига ва қариндош-уруғларига қўлидан келган барча яхшиликни қилиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам хар бир кишининг инсонийлик бурчидир.

«Эгри билан Тўғри» эртаги бу фикримизнинг далилларидир. Тўғрибой ҳалол, пок, яхши ниятли инсон. У рўзгор тебратишда қийналган. Тирикчиликни ўнглаш учун мардикорчилик қилишга мажбур бўлган. Ана шундай ўй билан шаҳарга отланган. Бисотида битта оти бор, холос.

Тўғрибойнинг ўзи ҳалол-пок бўлганлиги, бирорларни алдаш, уларга риёкорлик кўрсатишдек ёмон ният ўй-хаёлида бўлмаганлиги учун Эгрибой билан ҳамроҳ бўлиб қолади. Халқда, самимият ва садоқатга асосланган дўстлик ҳамиша, ҳар ерда ва ҳар қандай шароитда ишончли бўлади, зарурият ва мажбурият натижасида пайдо бўлган дўстлик эса бундай бўлмайди. У дарё каби гоҳ тошиб, атрофни босади, гоҳ қуриб, суви озайиб қолади, деганларидек булар ўртасидаги дўстлик ҳам узоққа бормайди. Тўғрибой, «Шеригим чарчади. Отни навбат билан минайлик. Бўлмаса бу дўстликдан эмас»,— деб отни Эгрибойга бериши биланоқ Эгрибой отни миниб қочади. Қаранг, донолар олтиннинг соғлигини ўтда, ҳайвоннинг кучини оғир юқ ортганда, инсоннинг тўғрилигини омонатга хиёнат этмаслигига билса бўлади, деб бекорга айтмаган эканлар. Эгрибой эгрилигини қилиб дўстга садоқатсизлик кўрсатади.

Тұғрибай йүлда күп адашади, үрмонга кириб қолади ва бир эски тандир ичига кириб тунайди. Кечаси үрмон йиртқичлари арслон-шоҳ бошчилигіда тандир атрофига тұпланишиб, бир-бирларига мактанишади:

Тулки достон бошлабди:

— Оғайнilar, мен сизларга айтсам, үн йил бүлдики, үрмон ёқасидаги горда яшайман. Үн йилдан бери давлат йигаман. Мендаги асбоб-усқуна, мол-дунё ҳеч кимда йүк.

Навбат чия бүрига келибди:

— Үрмона туташган катта тепалик остида яшайман. У ерда бир сичқоним бор, ҳар куни туш пайти инидан чиқади, унинг қирқ битта тилласи бор, шуни үйнагани-үйнаган. Тиллани үйнаб-үйнаб яна инига олиб кириб кетади.

Айик унинг сүзини булибди:

— Бу ҳам унча қызық әмас. Үрмона бир туп садақайрағоч бор. Қайрағочнинг пастида иккита шохчаси бор. Шохлардаги барглар бир қанча касалға даво. Уни әзіб ичилса, ҳар қандай жонивор үша замонок дард күрмагандай булиб кетади. Мен болаларимни шу билан даволайман.

Унинг орқасидан бўри кулиб юборибди.

— Оғайнilar, бизнинг ҳам қызық ҳикоямиз бор, — деб гап бошлабди у, — үрмон ёқасида үн минг қўй боқилади. Ҳар куни иккита бўрдоқини ейман, мени ушлаш учун чўпонлар қопқон қўйишади, тузоқ солишади, аммо писанд қилмайман. Лекин қирда Кимсан чол деган дехқоннинг бир кучуги бор. Шу кучукни чўпонлар сотиб олишса борми, менинг шўрим курийди.

Йўлбарс унга қўшимча қилибди:

— Рост айтасан, қўйларга ўхшаб үн минг йилки ҳам үрмон атрофида үтлаб юрибди. Мен ҳар куни үшаларнинг бировини ейман. Улар орасида бир айғири бор. Кимки үшани минса ва бир қўлига қилдан эшилган камон, бир қўлига узун гаврон олиб, мени қувса, дарров тутади, камонни бўйнимга солиб, гаврон билан урса борми, бир умр йилқилар олдига йўламас эдим.

Тадбиркор, ақл билан иш кўрган Тұғрибай бу сухбатда эшилганларини амалга оширади. Ҳатто, етти йил бемор ётган шоҳ қизини даволаб, маликага уйланади. У умр бўйи ишлаб, меҳнат қилиб, пешона тери тўкиб ти-

рикчилик ўтказганлиги сабабли подшонинг инъомидан воз кечади:

— Менга беклик түғри келмайди. Мен содда ва түғри одамман. Ўрмон ёқасидаги тепаликдан бир уй қуришга рухсат берсангиз бўлгани. Ўша ерда дехқончилик қилиб, кун ўтказаман, — деб жавоб берибди.

Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади, — деганларидек Тұғрибой ўрмон ёқасидан үзига иморат қуриб, шохона ҳаёт кечириб юрганида ноурин хатти-харакати, ёлғончилиги туфайли ҳаётда эзилган одам Эгрибой билан дуч келиб қолади. У Эгрибойга турмушда нимагаки эришган бўлса, ўша тандир сабабчи эканлигини гапириб беради.

Эскилар бу дунёни тоғга ухшатадилар. Унинг орасида туриб нима деб бақирсанг, ўша сўзнинг акси садосини эшиласан. Ҳа, ҳаёт ҳам шундай. Эгрибойнинг эгрилиги, алдамчилиги, ўзининг бошига етади, тандир ичидаги йиртқичларга ем бўлади.

Хуллас, кимки ҳалқ оғзаки ижодига меҳр қўйса, айниқса, эртакларни кўпроқ ўқиса, ҳаётда кам бўлмайди.

Аёнки, бой ва ранг-баранг халқ оғзаки ижоди намуналари ёзма адабиётнинг майдонга келиши ва ривожланишида бой манба бўлиб хизмат қилади. Бу ерда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, бадиий адабиётнинг тараққиёти жамиятнинг умумий таракқиёти билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу жиҳатдан Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит турк» асарини эслаб ўтиш ўринлидир. XI асрнинг буюк тилшунос олимни үзининг бу китобида бизга кўп маълумотлар беради. Китобда XI аср адабиёти билан бирга, аввалги замонларда пайдо бўлиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга кучиб юрган қўшиқ ва лирик шеърлардан намуналар ҳам келтирилган. Айниқса, меҳнат, қаҳрамонлик, маросим, мавсум қўшиқлари хақида батафсил маълумот берилади. Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадгу билиг» («Саодатга олиб борувчи билим»), Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат ул ҳақойик» («Ҳақиқатлар армуғони») достонларида ҳамда Аҳмад Ясавий, Сулаймон Бокурғонийларнинг асарларида тил. илм. фан, ахлоқ-одоб масалалари қамраб олинади. Ҳайдар Ҳоразмий, Қутб, Дурбек, Саккокий, Лутфий сингари шоирларнинг адолатсизлик ва зулмни коралаш, оддий инсоннинг оғир ахволига ачиниш, орзу-армонларини қисман бўлса-да ёритишга қаратилган асарлари тарихда муҳим роль ўйнайди. Атоий, Саккокий, Лутфий ғазаллари тимсолида XV аср ўзбек шеърияти ҳаётий воқеаларни акс эттириш соҳасида катта бадиий тажриба тўплади. Бу тажриба Алишер Навоийдек буюк санъаткорнинг вояга этиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни тайёрлади.

Алишер Навоий бутун фаолияти ва ижодини инсоннинг баҳт саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига сарфлаган, донишманд давлат арбоби, ўзбек

классик адабий тилига асос солган ва узбек мумтоз иди-биётини янги тараққиёт погонасига кутарган буюк сўнсанъаткори булиб, даврнинг маданий ҳаётига раҳбарлик қилди, илм-фан, санъат ва адабиёт ахлига хомийлик кўрсатди, кўплаб шогирдлар етиштириди.

XV—XVI асрларда яшаб ижод этган Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида уша давр ҳаётига доир тарихий воқеалар билан бирга, илм-фанга оид қимматли маълумотлар берилган, турли ҳалқларнинг урф одатлари, тили, санъати ва адабиёти ёритилган.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган икки буюк шоир Мухаммадниёз Нишотий ва Мухаммад Шариф Гулханийлар ижоди мумтоз адабиётимиз тарихида алоҳида ажралиб туради. Нишотийнинг ҳалқ оғзаки ижоди асосида яратган «Хусну дил» достони ишқ-мухаббат, ақл-фаросат, одоб-ахлоққа бағишлиланган. Шу нарса диққатга сазоворки, достонда ҳар бири мустақил асар бўла оладиган «Шоҳбоз ва булбул», «Гул ва Даф», «Най ва Шамшод», «Косай Чин Наргис», «Бинафша ва Чанг» каби масаллар ҳам берилган. Бу масалларнинг барчасида эл-юрга фойда келтириш, мақтанчоқ бўлмаслик, ортиқча кибр-ҳавонинг зарари каби мавзуларнинг ёритилиши болалар учун ҳар жиҳатдан ибратлиdir.

Гулханий ҳам «Зарбулмасал» асарида ўзининг муҳим ижтимоий қарашларини, эл-улус тақдирига муносабатини қизиқарли масаллар орқали ифодалаган.

Мунис меҳнаткаш ҳалқнинг оғир аҳволига қаттиқ ачинди, илм-фан ва адабиёт ахлининг хор-зорлигидан қайфурди. Шоир кишиларни билим олишга, китоб ўқишга, жоҳил ва ёмонлардан узоқ булишга чақириди. Мунис «Саводи таълим» рисоласи орқали болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишига катта ҳисса кўшди. Унинг маърифатпарварлик гоялари ўзидан кейин яшаган Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Утар каби шоирларнинг ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Маърифатпарварликни байрок қилиб кутарган Абдулла Авлоний, Ҳамза, Фитрат, Элбек, Мунавварқорилар томонидан ёзилган дарслер ва қўлланмаларда болалар ҳаёти, ўқиши, ахлоқ-одоби ҳақида материаллар берилади.

Абдулла Авлоний («Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистани», «Туркий гулистан ёхуд ахлок»), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий («Енгил адабиёт», «Ахлок ҳикоялари», «Кироат китоби») асарларида янги давр нафаси уфура бошлади.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир,Faфур Ғулом, Файратий, Шокир Сулаймон, Ойбек ва бошқаларнинг катта ёшдаги болалар учун ёзган асарларида илм ва меҳнатга чақириқ кенг ўрин олди. Кейинчалик бу сафга З. Диёр, Д. Оппоқова, М. Файзий, И. Муслим, А. Раҳмат, Ш. Саъдулла, С. Жўра, М. Оқилова, Қ. Мухаммадий, Ҳ. Назирлар келиб қўшилади. Улар болаларни яхши ўқишига, илм-фан нурларидан баҳраманд бўлишга, даврнинг ҳақиқий ўғил-қизлари бўлиб камол топишга тарғиб этадилар.

Болалар адабиётимиз йилдан-йилга ривожланиб борди ва 30-йилларга келиб, ўзининг профессионал шоир ва ёзувчиларига эга бўлди. Поэзия (Зафар Диёр, Адҳам Раҳмат, Илёс Муслим, Шукур Саъдулла, Султон Жўра, Махмуда Оқилова, Қуддус Мухаммадий), проза (Мажид Файзий, Доржия Оппоқова, Ҳаким Назир), драматургия (Зафар Диёр, Доржия Оппоқова) соҳаларида болалар ижодкорлари етишиб чиқдилар. Садриддин Айний, Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шокир Сулаймон, Элбек ва Файратийлар ҳам ўзбек болалар адабиётини юксалтириш ишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бу даврда Зафар Диёрнинг «Қўшиқлар» (1933), «Тантина» (1936), «Шеърлар» (1939), «Муборак» (1940), «Шеър ва ҳикоялар» (1940) тўпламлари ва «Машинист» (1935) поэмаси, «Бахтли ёшлиқ» драмаси, «Жўнатиш», «Ножӯяликлар» ҳикоялари; А. Раҳматнинг «Дум» (1938), «Бахтли ёшлиқ» (1939), «Завқли аллалар» (1940), «Шеърлар» (1940), «Ҳийлагар тулки» (1940) китоблари; Султон Жўранинг «Фидокор» (1940); Илёс Муслимнинг «Ўсув» (1932), «Заҳархандалар» (1932) тўпламлари, «Миқти келди» поэмаси (1934); Шукур Саъдулланинг «Ҳайқириқ» (1933) тўпламлари босилиб чиқди.

Бу даврда қардош халқлар адабиётидан жуда кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима қилинди. Бунинг натижасида ўзбек болалар адабиёти ҳар томонлама бойиб бор-

ди. Айниқса, «Ёш туркистонликлар», «Болалар йўлдоши», «Болалар дунёси», «Ўзгаришчи ёшлар», «Ёш куч» каби нашрларнинг йўлга қўйилиши болалар адабиётининг хар томонлама ривожланишига сабаб бўлди.

Хуллас, болалар адабиётининг мавзу доираси кенгая борди. Ёшлиқ, мактаб хаёти, она-юрт табиати, халқлар дўстлиги, илм, хунар ва техникага муҳаббат мавзулари болалар адабиётидан кенг ўрин олди.

Халқимизда: «Она юрting омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас», деган нақл бор. Собиқ Иттифоққа немис-фашист босқинчиларининг хиёнаткорона бостириб кириши ўз баҳтини, келажагини ҳалол меҳнати билан бунёд этаётган халқнинг оромини, тинчлигини бузди.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ Ойбек, Ҳамид Олимжон,Faфур Фулом, Собир Абдулла, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Зафар Диёр, Амин Умарий, Файратий, Миртемир, Илёс Муслим, Султон Жўра ва бошқалар фашист босқинчиларининг албатта ер билан яксон бўлишига комил ишонч ғояси билан йўғрилган асарлар яратдилар. Урушнинг биринчи кунларидаёқ яратилган Уйғуннинг «Хайларашув», Зафар Диёрнинг «Кичкина жангчи», Илёс Муслимнинг «Ёвни тутдай тўкамиз», Султон Жўранинг «Текстиль комбинати тўқувчилари», Раъно Узоқованинг «Талпин, юрак» шеърлари болалар адабиётида урушни лаънатловчи дастлабки асарлардан бўлди.

Бу давр адабиётининг асосий мавзусини уруш давридаги халқ қаҳрамонларининг фашист босқинчиларига қарши жасоратларга тўла кураши «Хат» (Ҳамид Олимжон), «Мен яҳудийман», «Сен етим эмассан» (Faфур Фулом), «Ватан ҳақида», «Йигитларга» (Ойбек), «Кураш нечун?», «Капитан Гастелло» (Мақсуд Шайхзода), «Ватан ҳақида қўшиқ» (Уйғун), «Ватан», «Чавандоз» (Темир Фаттоҳ), «Қурол беринг менга ҳам», «Бизнинг оила» (Зафар Диёр), «Тўпчи Муҳаммад» (Султон Жўра), «Онамнинг айтганлари» (Адҳам Раҳмат), «Биз енгамиз» (Ҳасан Саид) каби асарларда ўз ифодасини топди.

1941 йилнинг июль ойидаёқ «Ўлим ёвга» адабий тўплами босилиб чиқди. Тўпламдаги шеърларда ғалабага бўлган комил ишонч жўшиб куйланди.

«Ватан учун» түплами ҳам шу йилда юзага келди. Ундаги шеърлар мавзу жихатидан янада кенгайтирилганлиги, қаҳрамонлик, она-Ватанга садоқат ғояси етакчилик қилиши характерлидир.

Айниқса, Зафар Диёр яратган қаҳрамонлар ёш булишига қарамай жуда қасоскор. Улар тинчлик, осойишталик шайдолари, немис-фашист босқинчиларини қаҳр-ғазаб билан лаънатлайдилар. Бинобарин, она-Ватанни севиши, ардоқлашнинг ўзи етмайди, уни муносиб ўғлон бўлиб ҳимоя қила олиш зарур, деган муқаддас туйғу билан нафас оладилар. Шунинг учун ҳам шоир қаҳрамонлари кўлда қурол билан немис-фашист босқинчиларига қарши шердай ҳамма килишга тайёр. З. Диёр «Қурол беринг менга ҳам!» шеърида лирик қаҳрамон тилидан шундай мисраларни битади:

Мени кичик
демангиз,
Камситмангиз кучимни,
Босқинчидан
олгумдир
Халқ қасоси —
учимни!

Немис-фашист босқинчилари барча қатори ёш болаларнинг ҳам осуда ҳётини бузди. Уларни дарё, кўллар бўйида балиқ тутиб хордик чиқаришдан, билим олиб, қувнок ўйин-кулги билан яшашдан маҳрум этди. Шунинг учун ҳам ёш ватанпарвар бутун халқ билан бир тан, бир жон бўлиб, кўлида қурол билан душмандан ўч олишга шайланди:

Қурол беринг
менга ҳам,
Қурол беринг
менга ҳам.
Разил немис бошига
Мен ҳам солай

катта ғам, — дея шижаот курсатиши билан дикқатни тортади. Уруш даври болалар адабиётида фронт орқасини мустаҳкамлаш иши ҳам алоҳида мавзу бўлиб қолган эди. Зафар Диёрнинг «Мактаб —

сенинг фронтинг», «Поезд кетар фронтга», «Темирчилар минбари», Шукур Саъдулланинг «Ёшлик», «Сен нима қилдинг?» каби асарларида болаларнинг фронт орқасини му-стажкамлашдаги жанговар меҳнати намоён бўлади.

«Сен нима қилдинг?» шеърининг қаҳрамонлари ўзли рига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан болалар. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқани меҳнат муваффақияти билан ўтказишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларига жиддий савол берадилар:

—Фронт учун не қилдинг?
Навбат сенга! Сўйла қани,
Нималарни эп билдинг?!

Жавоб ҳам аниқ:

... Ўйлаб топдим: уйга кирдим,
Кездим ҳар ённи бир-бир.
Боғлар ошдим, кўп йўл юрдим,
Йигдим терсагу темир.
«Булар фронт учун!» — дея
Элтдим мактабим сари,

Шу зайлда ҳар бир боланинг қушган улуши беш ўрток ўртасида муҳокама қилинади. Ва ниҳоят улар: «Бундан ўку танк бўлади», дея ўз ишларидан қаноат ҳосил қиласилар.

Шеърда ҳар бир боланинг фикри-ўйи, орзу-умиди ишонарли тарзда ифода этилади.

Урушдан кейинги давр болалар шеъриятида она-Ватан, гўзал диёр, хур ўлкамиз тўррисида яратилган асарлар диққатга сазовордир. «Яшна, Ватан» (И. Муслим), «Обод ўлкам», «Юртимизнинг юраги» (П. Мўмин), «Менинг Ватаним», «Бахтили болалар» (Қ. Ҳикмат), «Ўлкамизнинг тонги отмоқда» (А. Раҳмат), «Дехқон бобо ва ўн икки болакай қиссаси» (А. Орипов), «Она деган сўз» (О. Матжон) ва бошқалар. Бу мавзуда яратилган шеърларни санаған билан тамом бўлмайди.

Бу мавзуда яратилган асарлар ичида Абдулла Ориповнинг «Дехқон бобо ва ўн икки болакай қиссаси» шеъри болалар адабиётининг кейинги йилларда қўлга киритган жиддий ютуқларидан бўлди. Узбек болалар шеъриятида

Ўзбекистон ҳақида кўплаб асарлар бор. А. Орипов уларни такрорламасдан ўзига хос оригинал асар ёзган. Шеър қаҳрамонлари ўн икки вилоятдан чиқкан аълочи, жамоатчи ўқувчи болалар. Улар ўз жойларининг тарихини яхши билишади. Поездда ўзларига ҳамроҳ бўлган бобонинг саволларига лўнда-лўнда қилиб жавоб беришади. Ўзбекистондаги ҳар бир вилоятнинг ўзига хос бойлиги, шаҳарлари, бағри кенг одамлари китобхон кўз ўнгидан бир-бир гавдаланади.

Ўзаро сухбат асосига қурилган бу шеърда бобонинг якуний нутки жуда салмоқли. Тўрт мисра шеър билан тобора гуллаб-яшнаб бораётган, ўзига мустақил бўлиб, ўз тақдирини бунёд этаётган диёrimизнинг ҳусни-жамали, қудрати бир бутунлигича ифода этилган:

Сиз атаган ҳар бир жой
Битта бўстон бўлади,
Ҳаммасини қўшсангиз,
Ўзбекистон бўлади.

Ўзбек халқи азалдан меҳнаткаш халқ. Ишчанлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб колган. К. Мухаммадийнинг «Этик», «Бувимнинг ҳикояси», Ҳ. Ёқубовнинг «Сирдарё офтоби», Шукур Саъдулланинг «Ховлимизнинг болалари», «Дастёр қиз», «Боғбон қиз», Илёс Муслимининг «Ойхон варайхон», «Ишчан асаларилар», «Сенинг совғанг», Пўлат Мўминнинг «Далаларга қарасам», «Офтоб чиқди оламга», Қудрат Ҳикматнинг «Бобо ва набира», «Жўжам, юрма лакиллаб», Толиб Йўлдошнинг «Вақт қадри», Юсуф Шомансурнинг «Барака», «Тикувчи», Рауф Толибининг «Бобо хурсанд, Нодира хафа», Қамбар Отанинг «Меҳнатдан завқ оламан» шеърлари бевосита меҳнат мавзусига бағишлиланган.

Истеъдодли шоир Қамбар Ота узок йиллардан бери болаларни меҳнатсеварликка чорлаб шеърлар ёзиб келади. «Меҳнатдан завқ оламан» асари шулардан бири. Асарнинг лирик қаҳрамони соғлом ва тетик бола. Бунинг асосий сабаби унинг меҳнатсеварлигига. Бола ишлашни, айниқса, катталарнинг ишига ёрдам беришни яхши кўради. Лирик қаҳрамоннинг меҳнати, орзу-хаёли ёш китобхоннинг эзгу-ниятига мос тушади:

Соғлом, қувнок боламан,
Мехнатдан завқ оламан.
Агарда иш қилмасам,
Тез зерикиб қоламан.
Катталарга дастёрман,
Хизматига тайёрман.

Меҳнат—баҳт. Ўша баҳтни күлга киритиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун эса энг аввал илм-фани пухта ўзлаштириб олиш керак. К. Муҳаммадий «Кичкина мичуринчилар» шеърида меҳнатнинг зое кетмаслигини алоҳида таъкидлайди:

Илмини билиб олсанг,
Мулжалинг хато кетмас.

Меҳнат дунёда буюк иш. Кимки бу ишнинг этагини тутса; у ҳеч қачон кам бўлмайди. Шоирларимиз ўз асарларида болаларни меҳнаткаш булишга, меҳнат аҳлини ҳурмат қилишга, уларнинг пешона терлари эвазига бунёд этилган нарсаларни эъзозлашга, асраб-авайлашга даъваткор шеърлари билан китобхон меҳрини қозонмоқдалар.

Болаларни боғча ёшидан бошлабоқ табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Болалар ижодкорлари бу масалага алоҳида эътибор бермоқдалар. «Кичкина боғбон ҳақида достон» «Сув билан сұхбат», «Юксак тоғ, кенг утлок ва мард уртоқ ҳақида қисса» (Зафар Диёр); «Тұрт фасл» (Ш. Саъдулла), «Бизнинг бокқа келинглар» (F. Fулом), «Бойчечак», «Фунча» (Үйғун); «Үрик гуллаганда» (Ҳамид Олимжон); «Юртимиз табиати», «Тилла құнғиз» (И. Мұслим); «Табиат алифбоси», «Қанотли дұстлар» (К. Муҳаммадий); «Баҳор», «Тоғ манзараси», «Сув» (К. Ҳикмат); «Тошибака» (Ю. Шомансур); «Бир чұнтак ёңғоқ» (М. Аъзам); «Баҳор ва мен», «Қүшча сұзи» (Р. Толиб); «Камалак афсонаси» (О. Матжон) ва бошқалар шулар жумласига киради. Булар орасыда Шукур Саъдулланинг «Кичкина қүшча» асари алоҳида ажralиб туради. Унда болаларнинг қушларга бўлған меҳри, ғамхўрлиги мисралар қатига чуқур сингдириллади.

Болалар шоири Олим Маҳкам ўзига-ўзи талабчан қалим кашлардан бири. У ўзининг ҳар бир асарини қайта-қайти

ишлайди, тилининг содда, бадий мукаммал бўлишига катта эътибор беради. Унинг «Капалак» шеърини олиб кўрайлик. Тўрт мисрадан иборат бу асар нақадар оддий, нақадар содда. Аммо жуда таъсирчан. Инсонлар у ёқда турсин, ҳатто, ҳашарот-у, курт-кумурсқалар ҳам табиатнинг мудом гулдек яшнаб туриши тарафдори эканлиги аён бўлади:

Капалакжон, бери кел,
Бунча парвоз этасан.
Мени кувма, Эркинжон,
Гулни босиб кетасан.

Тинчлик ва дўстлик! Бу икки сўз бир-бирига эгизак. Болалар адабиётида бу мавзу муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.Faфур Fулом («Каптар учар, ғоз учар»), («Тинчлик арчаси»), К. Муҳаммадий («Урушга йўл бермаймиз»), Ш. Саъдулла («Тинчлик қуши ҳақида мен ўқиган шеър»), И. Муслим («Дўстлик»), К. Ҳикмат («Тинчлик ҳақида қўшиқ»), Шухрат («Тинчлик алласи», «Дўстлик гули»), Мардонқул Муҳаммадқулов («Уч капитарим, уч»), Юсуф Шомансур («Орзулар бир»), Сафар Барноев («Биз болалар») каби шоирлар китобхонларни тинчлик ва дўстлик руҳида тарбиялашга баракали ҳисса қўшдилар.

Қуддус Муҳаммадийнинг «Урушга йўл бермаймиз» шеъри болаларнинг севимли асарларидандир. Унда инсонларнинг асосий максади тинчлик ва осойишталик эканлигини болалар руҳига сингдириб, уларни тинчлик учун курашга чакиради:

Дейсан, танда жоним бор,
Тинчлик учун курашай,
Урушга хеч йўл бермай,
Ватан, халқим яшнатай.

Қуддус Муҳаммадий бу билан чегараланиб қолмай, тинчлик тарафдорларининг енгилмас куч-қудратини, астойдил харакат килинса тинчлик урушни енгиши мукаррар эканлигини шундай ифодалайди:

Тинчлик бўлсин ҳамма ёк,
Бунинг учун ҳамма вақт,

Курашар жам бўлиб халқ.
Урушга йўл бермаймиз,
Тинчлик енгар, тинчлик ҳақ.

Болаларнинг суюкли шоирларидан бири бўлған Қудрат Ҳикмат «Дўстлар, беринг кўлга-кўл» шеърида Қуддус Мухаммадийнинг фикрини давом эттириб, шундай ёзади:

Тинчлик доим сакланар,
Қасд қилган мажакланар.
Дўстлар, беринг кўлга-кўл,
Урушга ҳеч қўйманг йўл!

Ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётида тинчликнинг асосий гарови бўлмиш дўстлик мавзуси тобора кенгайиб бормоқда. Бу мавзуда айниқса, С. Жаббор, Э. Раимов, Р. Толиб, А. Обиджон ва бошқалар ғоявий-бадиий мукаммал асарлар яратмоқдалар.

Бугунги ўзбек болалар шеърияти ҳақида гап кетар экан, мактаб ҳаётини акс эттирадиган асарлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Ҳамма нарса ўқишга, мактабга боғлиқ. Мактаб мавзусида ёзилган шеърларда озода мактаблар, унда қайнаётган баҳтли ҳаёт, болаларнинг илм-фан нурларидан баҳраманд бўлишга интилишдек ижобий фазилатлари ифодаланади.

Илёс Муслимнинг «Мактабим», «Китобчам» шеърлари кичик мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган. «Мактабим»ни ўқиган болада ўқишга, илм-фан нурларидан баҳраманд бўлишга интилиш янада ўсади:

Она каби меҳрибон —
Илм-фантларга макон,
Яйраб ўқийман ҳар он,
Қадрдоним, мактабим!

Сенда дарслар хилма-хил,
Онгим ўсар йилма-йил.
Севинчларга тўлар дил,
Қадрдоним, мактабим!

Аълочи ўкувчининг мақсад ва нияти ҳам аъло даражада. Унинг мақсади ўсиб, улғайиб халқ учун, она-ўлка учун ҳақиқий хизматкор бўлиб вояга етиш:

Аъло ўқишидир бурчим,
Сарф этаман бор кучим.
Ишлайман халқим учун,
Қадрдоним, мактабим!

Пұлат Мүминнинг «Хоҳ ўқишида, хоҳ ишда», «Ер чопилди, жавоб топилди», «Синфимиз құшиғи», «Устозлар», Рауф Толибнинг «Катта танаффусда», «Үртоғимиз йүқолди», «Уй вазифаси», Эргаш Раимовнинг «Энди катта бұламан» каби асарларида шу куннинг нафаси сезилиб туради.

Одатда болалар орзулар қанотида яшайды. «Энди катта бұламан» шеърида боланинг орзу-нияти нихоятда буюк. Тезроқ ўсиб, улғайиб мактаб үқувчиси бўлиш:

Бултур эдим олтида,
Ёшим етмай қолди-да,
Мактабга ёзишмади,
Ўқишига олишмади.
Йиллар юрмас кетига,
Бу йил тўлдим еттига.
Энди катта боламан,
Мен мактабга бораман.

Болалар ростгўй, ҳалол, покликни яхши кўришади. Алдамчилик, ёлғончилик, хушомадгўйлик уларнинг характеристерларига тўғри келмайди. Рауф Толиб болалардаги бундай хусусиятни «Үртоғимиз йүқолди» шеърида яхши ёритган. Валижон ӯзининг енгилтаклиги, ёлғончи ва хушомадгўйлиги билан, фақат ўз фойдасини кўзлаб иш куриши билан синфда обрусини йўқотган:

Ўз фойдасин ўйлар у
Дўст бўлсин қандоқ?
Орамиздан йўқолди,
Эҳ, битта уртоқ...

Бугунги кун болалар шеъриятида ҳарбий ватанпарварлик мавзуси ҳам анча мукаммал. Иккинчи жаҳон уруши даври шеърияти тасвир марказида турган жанговарлик, фашист босқинчиларига кучли нафрат, Ватан химоясига чақириқ, байналмилал дўстлик фоялари сўнгги давр шеъриятида ҳам асосий мавзулардан бирига айланди. Аммо

энди давр билан боғлиқ равишда тасвир услубининг бир-мунча ўзгарганини кўришимиз мумкин. Жумладан, уруш даври шеъриятида лирик қаҳрамоннинг бевосита жанг майдонларидағи кечинмалари ифодаланса, кейинчалик жанг қаҳрамонларининг эсдаликлари ёки у ҳакда бошқаларнинг таассуротлари, тинчлик учун кураш фояси, урушнинг факат ҳалокатли оқибатларини ифода этиши биринчи ўринга чиқарилди. Бу ҳол шеъриятда ҳарбий ватанпарварлик тушунчасининг тобора кенгайиб, янги-янги қиралари намоён бўлаётганлигини, давр талаби асосида ижодий анъананинг давом этаётганини, бойитилаётганини курсатади.

Урушдан кейинги ҳарбий ватанпарварлик шеърияти учун характерли хусусиятлар уруш қаҳрамонлари жасоратининг кўпроқ иккинчи шахс томонидан ҳикоя қилинишида ҳам кўзга ташланади. Урушга муносабатнинг бўшаклини Ўйғун («Менинг акам»), Аскад Мухтор («Тинчлик солдати») каби кекса авлод вакилларидан тортиб, Сафар Барноев («Дадамнинг кўллари») сингари кейинги авлод қаламкашлари ижодида ҳам учратиш мумкин.

Ўзбек болалар шеъриятининг урушдан кейинги даврда яратилган намуналари кўздан кечирилганда, ҳарбий ватанпарварлик мавзусига турлича ёндашилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Мавлон Икром «Ёш партизан» поэмасида қримлик ёш партизан Виктор Коробковнинг жасоратига оид хужжатлардан фойдаланса, Қуддус Мухаммадий, Толиб Йўлдошлар уруш сабабчиси бўлган фашистларни фольклордаги яъжуҷ-маъжуҷлар каби анъанавий образлар тасвири орқали урушни лаънатлайдилар. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Илёс Муслим ва Шухратлар фашистларнинг кирдикорларини ўша воқеаларнинг бевосита шоҳидлари сифатида ҳаётий, таъсирчан гавдалантирулар, Қамбар Ота, Азиз Абдураззок, Шамси Одил, Рауф Толиб, Кутби Носирова ва бошқалар кўпроқ оталар ва болаларнинг аччиқ хотиралари тарзида қаламга оладилар.

Толиб Йўлдошнинг «Бобом эртак айтсалар» шеъри бевосита уруш қатнашчисининг невараларига жанг жадаллар ҳақидаги эртаги тарзида битилган. Болаларга эр-

так туюлган бу воқеалар аслида эртак эмас, оддий жангчининг кўрган-кечиргандаридир.

«Килич ботир», «Алпомиш», «Алдар кўса» достонларини жон қулоғи билан тинглаган болаларнинг фашист босқинчилари тўғрисидаги ҳикоядан вужудлари ларзага келади.

Бобо ўз гапини Гитлернинг таърифидан бошлайди:

Кўнғиз мўйлов, чалабош,
Гитлер деган алвости.
Килган мудхиш жиноят,
Ҳеч ёддан чикмас асти.
Таг-туги йўқ бу маҳлук,
Одамхўр экан билсак,
Нималар килмас эди,
Эркига кўйиб берсак!..

Бобо нутқидаги нозик ӯхшатишлар, айниқса, Гитлернинг одамхўрлиги, ташқи кўринишининг беўхшовлиги болалар қулоғини динг қиласди. Шеърда болаларни хайратга солган нарса Гитлернинг кўринишигина эмас, балки унга ҳикоячининг нафратли муносабати ҳамдир. Бобонинг Гитлер бошлиқ фашистлар ҳақида ҳикоя қилаёттиб, разабдан юзларининг оқариб, ўзгариши тингловчиларда ҳам, китобхонда ҳам Гитлерга нисбатан нафрат уйғотади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин утган давр ичидаги ўнлаб поэмалар, эртаклар, достонлар майдонга келди. Ойбекнинг «Зафар ва Захро», «Бобом», К. Муҳаммадийнинг «Дунёда энг кучли нима?», «Солижон», Шукур Саъдулланинг «Лақма ит», «Икки донишманд», Пулат Мўминнинг «Ўринбосарлар», «Эҳ, роса ширин экан», «Холнинг жийрон велосипеди», «Олтин най», «Жалил эшитган эртак», Кудрат Ҳикматнинг «Тошбақалар ҳужуми», «Бобо дехқон ҳангомаси», «Човкар», «Чирчик фарзанди», Рамз Бобоҷоннинг «Чўпон ўғли», Сафар Барноевнинг «Биз дехқон боласимиз», «Олтин шаҳар ҳақида афсона», «Олтин ошиқлар», Миразиз Аъзамнинг «Ақлли болалар», «Бедананинг бувиси», Тошпўлат Ҳамидинг «Асрорқулнинг кўчкори», Эргаш Раимовнинг «Бир дона япроқ»,

Рауф Толибнинг «Сехргар дўстим бор», «Мақтанчок», Азим Усмоннинг «Фаройиб аждарҳо», Кавсар Турдиеванинг «Тошкесарлар мамлакатида» каби поэма ва эртак-достонлари яратилди.

Шоир Пўлат Мўмин «Кўнгил истар яхшилик» асарида болалар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўқитувчи ва жонажон мактабга муҳаббат, бирлик, байнамиллак масалаларини илгари суради. Болалар хаётида содир бўладиган ютуқ ва камчиликлар бадиий бўёкларда, қизиқарли эпизодларда чизиб берилади. Бир сўз билан айтганда, мактаб ўқувчиларининг жозибали ҳаёти завқ-шавқ билан тасвирланади.

Шоир энг аввало янги «маҳалланинг чироий» бўлган жонажон мактаб биноси ҳақиқатан ҳам «билим сароий»га айланиб кетганлигини мароқ билан тасвирлайди. Ана шундан кейингина ўқувчини бу ерда таълим-тарбия олаётган ўз қаҳрамонлари билан таништиради. Поэманинг ҳар бир сахифасида эзгулик, олижаноблик инсоний фазилатлар қабартирилган ҳолда ёритилади. Асарнинг асосий сюжет чизигини ташкил этган Ўктам образи ёш китобхони ўзига мафтун этиб олади. У томда варрак учирив юриб йиқилиб тушган, шунинг учун «мияси сал лат еган». Натижада асаб касалига гирифтор бўлган. Ўктам оккунгил, ростгўй,adolatli бола. У ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарайди, бошқаларнинг ҳам шундай бўлишини истайди. Аммо ўзи ўқийдиган синфда Толибга ухшаган баъзи ўйинқароқ, қитмир, шоир сўзи билан айтганда «олифта» болалар унинг жигига тегади, асабини бузади, касалини қўзгайди, синфдан-синфга ўтолмаганини юзига солади.

Яхши гапнинг шайдоси бўлиб қолган Ўктамнинг касали қўзғаб йиқилиб қолиши ёш китобхонда Ўктамга нисбатан чукур ачиниш, Толибга нисбатан эса нафрат ҳиссини уйғотади. Бир неча кундан сўнг тузалиб кетган Ўктам ўқишига шўнгриб кетади.

Толиб Шокир аканинг касал бўлиб қолганини эшишиб, хурсанд булади, дарров үйин-кулги, бекорчилик ҳақида оғиз кўпиртириб гап сотади:

Шокир акамиз бу гал
Яхшиям бубди касал.
Дарсга келмасмуш анча,
Үйнаймиз хоҳлаганча, —деб бемор усто-

зига ачиниш ўрнига хурсандчилигини билдиради. Бу гап Ўқтамга қаттиқ ботади. Шунда у Толибни яхшиликка ча-
киради, ўқитувчи-устозга бундай муносабатда бўлмаслик
кераклигини уқтиради. Аммо жанжалкаш Толиб бу гап-
ларга қулоқ солиш ўрнига Ўқтамнинг жигига тегади, аса-
бини бузади, уни мушт кутаришга мажбур қилади. Каса-
ли қўзғаган Ўқтам шифохонага тушиб қолади. Синфдаги
айрим ўқувчилар Толибни уриб қочиб кетди, деган гап
тарқатишади. Фақат самимий дуст Қодиргина бу гапга
ишонмайди. Ўқтамнинг беозор, софдил эканлигини ис-
ботлашга уринади.

Толиб Ўқтам устидан ўқитувчи-устозларга арз қила-
ди. Ўқтамнинг уйига отасини бошлаб боради. Лекин воқеа
давомида китобхон Толибнинг чақимчи, ўқишга хуши йўқ,
кеқкайма бола эканини билиб олади.

Достонда жамоат тарбиясининг аҳамияти фоятда чуқур
ифодаланган. Ўқтам соғайиб ўқишга қайтади. Ўқтам ва
Толиб жанжали муҳокамасига бағишланиб ўтказилган
синф мажлиси достоннинг энг авж нуқтаси ҳисобланади.
Бу ерда хақиқатгўйлик, аъло ўқиш, дўстларни, катталар-
ни хурмат қилиш, ахлоқ-одобда бошқаларга ўrnak бўлиш
каби масалалар тарғиб этилади. Ёлғончилик, беодоблик,
ўзгаларни менсимай, худбинлик қилиш қораланади.

Қодирнинг йиғилишдаги сўзи айниқса, характерлидир.
У ҳақ гапни айтади. Ўқтамнинг гуноҳсиз, Толибнинг эса
айбдор эканлигини бирма-бир исботлайди, ҳаммани ўз
фикрига ишонтира билади.

Натижада Толиб дакки ейди, ўз қилмишини бўйнига олиб,
уртоғини ножӯя хафа килиб юргани учун ичи ачиди.

Асарнинг охирида Толиб аввалги гердайған, олифта,
димоғдор бола эмас, аксинча, оддий, ширинсухан ўкув-
чига айланади:

Бир қаранг-чи Толибга
Эмас унча олифта.
Гаплашсангиз агарда
Анча тушган эгардан.

«Кўнгил истар яхшилик» достони баъзи нуқсонлардан қатъи назар қаҳрамонларнинг ҳаётийлиги, жонилиги, уларнинг олға интилишлари, ҳакиқий инсон булиб камол топишга ҳаракат қилишлари билан қимматлидир. Зотан, турмуш тарзи, ижтимоий муҳит ўзгариши натижасида болалар тасаввурлари, фикрлари, тушунчалари, қисқаси, онглари ҳам ўзгариши табиий эканлиги шу зайлда очиб берилади.

Хозирги замон ўзбек болалар адабиётида шеърият ривожлангани каби насрда ҳам салмоқли асарлар юзага келди. Ёзувчиларнинг янгидан-янги авлодлари камол топди. Айниқса, ҳикоячилик ўсди. Болаларнинг ёши, қизиқиши, дунёқарашига тўла жавоб бера оладиган ҳикоялар бунёд этилди. Ҳаким Назир, Ёкубжон Шукуров, Шукур Саъдулла, Худойберди Тұхтабоев, Турғунбай Фоипов, Раҳмат Азизхўжаев, Латиф Махмудов, Фарҳод Мусажон, Собир Юнусов, Оқилжон Ҳусанов, Махмуд Муродов, Нодир Назаров, Эргаш Раимов, Сафар Барноев, Абдусайд Кўчимов, Рауф Толиб, Анвар Обиджон ва бошқаларнинг ўнлаб ҳикоялар тўпламлари босилиб чиқди.

Жуда кўп ҳикояларда кичкинтойларнинг ҳаётлари ўз ифодасини топмоқда. Шодмонбек Отабоевнинг «Итолғи» ҳикояси қуш, қурт-қумурскаларни севиш, ардоқлашга қаратилган. Итолғи чумчуқ ва чуғурчуқларни тутиб олиб ейдиган қуш. Шукурали aka итолғини жияни Шавкатга совға қиласди. Шавкат узум кўриқлашда ундан фойдаланмоқчи эди. Аммо қуш уларникона ўзини эркин сезмайди. Бунинг сабабини суриштирганда Шавкатнинг отаси бу қуш озод ва эркинликни қумсаётганлигини тушунтиради. Шавкат қушларни яхши кўрадиган, раҳмдил бола. У итолғини қафасда уч кун зўрға ушлаб туради. Қафасда қуш эмас, ўзи ўтиргандек бўлади ва итолғини қафасдан бутунлай чиқариб юборади. Қуш болага раҳмат, дегандек парвоз қилиб кетади.

Болалар қиссачилигида ҳам кўплаб яхши асарлар яратилди, адибларнинг янги-янги авлодлари камол топди. Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳхордан тортиб бугунги кунга қадар ҳисоблайдиган бўлсак, уларнинг сони ниҳоятда ўсди. Бунга мисол қилиб Ҳаким Назир, Шукур Саъ-

дулла, Худойберди Тұхтабоев, Ҳожиакбар Шайхов, Анвар Обиджон, Латиф Маҳмудов, Фарход Мусажон, Ҳабиб Пұлатов, Муқимжон Ниёзов, Рустам Раҳмонов, Ибохон, Шукур Холмирзаев, Оқилжон Ҳусанов, Марва Жалолиддинова, Асад Дилмурод, Абдусаид Күчимов, Эргаш Раимов, Маматқул Ҳазратқұлов ва бошқаларни күрсатиш мүмкін.

Бу давр болалар қиссачилигининг мавзу доираси жуда кенгайды. Катталарнинг меңнати, уларнинг жасоратлари («Ёнар дарё»); иккінчи жағон урушида иштирок этиш («Рустамжоннинг саргузаштлари»); тобора гуллаб-яшнаб бораётган гүзәл шаҳарларимиз ва бағри кенг, инсонпарвар одамларимиз («Командирнинг бошидан кечирғанлари»); ўтмишда зулмкорларга қарши кураш, бахтли ва ёруғ кун учун интилиш («Качал полвон»); иккінчи жағон уруши даврида болалар ҳаёти ва уларнинг даладаги фаолияти («Чангалзордаги шарпа»); етим-есир болаларнинг турмушлари («Улуг кун»), («Сен етим эмассан»), чорвадорларга күмак («Оқ отли»); ўқувчиларнинг далачилик бригадалари («Замон»); шұх ва үзбошимча болалар ва уларнинг қайта тарбияси («Бизнинг роман») каби мавзулар бу давр қиссачилигіда етакчи уринда туради.

Ҳаким Назирнинг «Ёнар дарё» қиссасининг асосий қаҳрамони Дамир. У отадан жуда эрта жудо бұлған. Адіб бошда болани анча шұх, онанинг гапига қулоқ солмайдыған, яхши ўқимайдыған, бир оз үзбошимча қилиб күрсатади. Боланинг бундай салбий томонлари қуйидаги лавхада шундоққина күзға ташланиб туради:

«Бувим билан ойим айвондан туриб кетишилари биланоқ, мен лип этиб ўтинхонаға ўтдим. У ерда товуқ катаги бор эди. Мұралаб күрдим. Товуқ тухум күйибди-ю, чиқиб кетиби. Бир эмас, иккита тухум. Ушлаб боксам, ҳали илиққина. У ёқ-бу ёққа аланглаб олдим-да тухумнинг икки ёғини чұп билан чумчук күзидай тешіб, оғзимга хұп этудим, лиққа кетди. Қани энди устидан юмшоқ нон бұлса, еб юборсанг. Оёқ учида ошхонаға кирдим-да, яримта булкачани чұнтакка уриб чиқдим. Яна келиб стулимга ўтирудим. Бирдан хиқичоқ тутиб қолди. Хиқичоқ босилармикан деб водопроводдан бир ҳовуч сув ҳам ичиб олдим.

Корним түйганга үхшайди. Энди дафтардаги харфлар, рақамлар учишини қўйиб, уз ўрнига қўнди. Лекин қўнгани билан миямга кирмади. Негаки, уй ичидан ойимнинг йифи аралаш овози эшитилаётган эди. У бувимга деди:

— Бу мени куйдирадиганга үхшайди. Тепасида ҳақ деб турсангиз, ишга қарайди, бўлмаса йўқ. Пешонам шур бўлмаса...»

Ёзувчи Дамир билан Султон амакининг муносабатлари тасвири орқали инсон тарбиясида ота-онанинг ролига алоҳида ургу беради. Қиссада Газлидаги ҳаёт, одамларнинг турмуши, Бурон ва Қўлдошларнинг ахлоқ-одоблари ҳам Дамирни оёққа туриб олишида асосий манба бўлиб хизмат қилиши курсатилади.

Рустам Раҳмонов «Чангалзордаги шарпа» қиссаси билан иккинчи жаҳон уруши даври болаларининг тинибтинчимас образларини яратиб берди. Ахир уруш даҳшатлари узоқ Тошота қишлоғида ҳам акс-садо берган эди-да! Тошоталиклар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай душман билан ғойибона жанг қиласилар. Ҳа, уруш ташвиши каттага ҳам, кичикка ҳам баравар тушган эди.

Оташ ўжар, уз айтганидан колмайдиган бола. Ёзувчи бу бола образига шундай таъриф беради: — ўжар одамнинг, айниқса ўжар боланинг табиати қизиқ. Үндайларни бир нарсага учакиштириб бўлмайди. Қиласан деса, қиласиди, үламан деса үлади. Айтганини қилиш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Бўлмаса, Оташ онасининг иссиқ бағрини ҳечам тарк этмасам дейди. Лекин ўжарлик! Ҳа, ҳам масига унинг шу ўжарлиги, шарт кесарлиги айбдор.

Оташ нега бунчалик ўжар. Үнинг ўжарлигига давр, уруш сабабчи. Бола отасини қаттиқ соғинган. У отасини кўрмокчи, немис-фашистларга қарши курашда отасига кўмаклашмоқчи. Аммо ота узоқда. Үнга ета олмаган боланинг феъл-атвори ҳам жуда бошқача. Ҳамма касаллик мана шунда.

Роҳат кампир қишлоқ болаларини тўплаб, жуда ажойиб-гаройиб эртаклар айтиб беради. У айтган эртаклар орасида пахлавонлар, довюраклар, сехгарлар, ишёқмас-удангасалар, турли алвости-ю, жинлар бор.

Оташ бугун ажиналардан бирини тутиш хаёли билан банд. У чакалакзорга бормоқчи, бир ажинани тутиб, уни

ялинтириб-ялинтириб, кейин «бор Гитлерни тутиб кел дейман. Уни тутиб келади, ўшанда Гитлерни участковой милиционерга бераман. Кейин, роса қийнаб ўлдиришади. Ўшанда уруш ҳам тугайди. Ҳамма урушдан келади, дадам ҳам... Кейин ажинанинг сочини қайтариб бераман...» демокчи.

Оташ ана шундай ўй-андишалар билан Қутурбулоқ томон йўл олади. Бу чакалакзор түгрисида Тошотода қанчадан-қанча афсоналар тўқилмаган. «Чакалак» сўзининг узи болаларнигина эмас, ҳатто катталарни ҳам сескантириб, қўркувга солиб келган. Оналар инжиқ, йифлоқи болаларини «гапимга кирмасанг, чакалакзорга элтиб ташлайман», деган пўписа билан тийиб келишган. Бу жой — алвастилар макони, инс-жинслар базм қурадиган майдон! Бу ерда жин-алвастиларни ўз кўзи билан кўрганлар бор, дейишларига қарамай ўз баҳтини синаб кўрмоқчи.

Бола бу даҳшатли чакалакзор бағрида кечаси узоқ ўтириди, қорни оч қолди, совқотди. Ажиналарни кута-кута мижжалари қотиб кетди, киприклари юмилса очилмайди, очилса юмилмайди. Шу пайт аллақаёқдан данғир-дўнғир чилдирма чалишиб бир гала ясанган қизлар келиб қолишиди. Бир пастда ўртага гулхан ёқиб, атрофида ўйнаб кетишиди. Оташ у ён-бу ёнига аланглаб қараса чакалакзордан дарак қолмабди. Шу онда жажжи қизчасини опичлаб, аяси келиб қолса бўладими! У нуқул қаҳ-қаҳ уриб кулади. Кела солиб аланга устидан сакраб ўтди-да ўйинга туша бошлади. Бирдан бояги қизлар сержун махлуқларга айланиб, Оташнинг аясини куршаб олишди. Укасини силтаб-силтаб тортишиди-да, оловга улоқтиришди. Аяси ни бўлса ҳар бири паншаҳадай панжалари билан буға кетишиди. Оташ ажиналар тўдасига ташланиб, онасини қутқармоқчи бўлди. Бироқ қараса оёқлари йўқ. Овозининг борича қичқирса овози чиқмайди...

Ҳа, у уйкусида алаҳсирар эди. Энди у ажиналарнинг борлигига ишонмай қўйди. Чунки Роҳат кампирнинг эртаги факат афсона эканлигига бугун зўрға ақли етди. Аммо Оташ ҳаётда буш келадиган болалардан эмас. Ўзича сирли бу чакалакзорни ўзлаштиришга киришди. Бу ишда унга Обидахон ва Хуршидジョンлар кўмак беришди. Чакалакзор

ўрнида мўл-қўл пахта ҳосили битди. Бу эса уруш даври болаларининг фронтга катта совфаси бўлди.

Бу давр болалар қиссачилигида саргузашт, илмий-фантастика жанрлари ҳам ривож топди. Худойберди Тұхтабоев («Сариқ девни миниб», «Қасоскорнинг олтин боши»), «Ширин қовунлар мамлакатида»), Ҳожиакбар Шайхов («Само меҳваридаги намойиш», «Шом камари», «Аждодлар хотираси»), Маҳкам Махмудов («Европанинг үғирланиши»), Анвар Обиджон («0099 номерли ёлғончи», «Даҳшатли мешполвон»), Оллоёр («Фазогир чумоли»), Оқилжон Ҳусанов («Тогда ўсган бола») ва бошқалар бу жанрда самарали ижод қилмоқдалар.

Болалар тарбиясида драматургия жанрида яратилган асарлар ҳам катта роль уйнайди. Ҳаким Назир, Адҳам Раҳмат, Пўлат Мўмин, Мамарасул Бобоев, Усмон Юсупов, Турғунбой Фойибов, Наримон Орифжонов, Латиф Махмудов, Фарҳод Мусажон, Равшан Ёриевларнинг пьесалари ўзининг болаларбоплиги билан кичкитойлар қувончига қувонч қўшиб келмоқда.

Сўнгги йиллар болалар драматургиясида Равшан Ёриевнинг «Оқ булоқ» (бир пардали) пьесаси ажралиб туради. Асар қаҳрамонлари Кудрат, Жасур, Гулшан, Ўрмончи бобо, Гузал қиз, Олмахон, Қора дев, Қари шайтон, Маймоқ шайтон, Кичик шайтон ва бошқалар.

Болалар ўрмонда карнавал ўтказишмоқчи. Ҳамма бу маросимга ҳозирлик кўрмокда. Аммо ичи қора, қизғаник қора дев-у шайтонлар бунга қарши, нима бўлганда ҳам карнавални ўтказмаслик учун одамларга панд бериш режаларини тузадилар. Шифобахш, ҳамманинг дардига малҳам бўладиган кўзачадаги Оқбулоқ сувини заҳарли сувга алмаштириб, болаларни нобуд қилмоқчи бўладилар. Шу пайт болаларга Олмахон ёрдам қулини чўзади. Шайтонлар ўzlари ясаган кўзадаги заҳарли сувни ичиб ҳалок бўладилар.

Ўрмонда катта шодлик, ўйин-кулги бошланиб кетади.

Латиф Махмудовнинг «Али билан Вали», «Эҳ аттанг», «Муҳим топширик», «Сирли хат», «Дангасанинг саргузаштлари» пьесалари театр саҳналарида қайта-қайта намойиш қилинмоқда.

«Дангасанинг саргузаштлари» асарининг қаҳрамони ўзининг ишёқмаслиги, қўпол-қўрслиги билан дўстларидан ажралиб колган. Бола ҳомхаёллик билан яшайди, ўқиш, изланиш, меҳнат қилиш, катталарнинг юмушларига кўмаклашишни ўзига эп кўрмайди.

Асар сўнгидаги Нусрат бобо Дадавойга нисбатан жуда уринли гапни айтади:

Меҳрин қўйсин меҳнатга,
Етар шунда ниятга!

Ха, бу гап ҳаммага тегишли, ҳамма бирдек меҳнат қилса, ўқиса, ўрганса фақат фойда кўради, муроди ҳосил бўлади. Ҳозирги замон ўзбек болалар бадиий адабиёти билан бирга болалар адабиётшунослиги ва адабий танқид ҳам поғонама-поғона ўсди, ривожланди. Бир қатор дарслик, қўлланма, мажмуа, монография, китоблар ёзилди. Ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Шу зайлда ҳозирги замон ўзбек болалар адабиёти ривожланишда давом этмоқда. У янги ёзувчилар, янги асарлар билан тобора бойиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, бу адабиёт мустақил Ўзбекистонимизнинг тобора гуллаб-яшнаши учун хизмат қилмоқда.

АЛИШЕР НАВОЙ (1441—1501)

Ўзбек халқининг улуг мутафаккири, маърифатпарвари ва буюк шоири Алишер Навоий ёшларни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор берди. У болаларни илм-хунарни, меҳнатни севишга ундан, ўрганилган илм ва хунарни халқ, ватан йўлида сарф қилиш зарурлигини уқтириди.

Алишер Навоий илм, маърифат ҳақида ажойиб фикрларни олға сурди. У ақл, илм — инсоннинг энг гўзал ва зарурий фазилатларидан бири, ҳар бир кишининг энг муҳим бурчи илм олишдир, деб ҳисоблади. Навоийнинг фикрича, илм-фанни эгаллаш учун ёшликтан бошлаб астойдил ўқиш-ўрганиш керак. «Ёшлигингда йигғил билимни, қаригач сарф қилғил ани», — деган шоирнинг ўзи ҳам жуда ёшлигидан таълим олади, ўқишга берилади. У ёшлигиданоқ кўп шеърларни ёд билган. Жумладан, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» («Қуш нутқи») асарини болалик чоғларидаёқ қайта-қайта ўқиб, ёд олган. Алишер Навоий кейинчалик мактаб ва маориф масалаларига катта аҳамият берди. У меҳнаткаш халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялаш учун мактаблар очиш ва мадрасалар қуриш тўғрисида ғамхўрлик қилди. Алишер Навоий Астррабодда сургунда юрганида, подшо Ҳусайн Бойқарога ёзган хатида ўрил ва қиз болалар учун мактаблар очишни талаб қилгани, шахсан ўзи мадрасалар қуришда ташаббус кўрсатгани бунинг яққол далилидир. Навоийнинг фикрича, мактаб халққа нур келтиради, унга тўғри йўл кўрсатади, болаларни билимли қиласди. У узининг «Ихлосия» мадрасаси ёнида мактаб очиб, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун зарур шароит яратиб, бунинг учун лозим бўлган маблағ ажратади.

Навоий дарс берувчини қуёшга үхшатади ва бу куёш ўз атрофидаги юлдузларга нур сочади, яъни мударрис «абжадхоналар»га, ҳали илмдан бехабар бўлган толибларга илм нурини сочади, маърифат беради, дейди.

Алишер Навоий таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ўзи яратган бадиий асарларида кўпроқ баркамол

инсонни ифодаловчи ижобий образлар яратиш орқали баён қилади. Илм-маърифат, ахлок-одоб масалаларига доир фикрларини эса илмий-фалсафий ва дидактик асарларда баён қилади. Навоий акл кучига чексиз ишонади, комил ишонч билан илм-фэннинг хислати жуда катта, деб хисоблайди.

Буюк сўз санъаткори ва мутафаккири ўзининг бир қанча асарларида болалар тарбиясига оид фикрларини айтиш билангина кифояланиб қолмасдан, балки «Ҳайратул-аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби достонларининг айрим бобларини шу масалага бағишилайди. «Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») фалсафий-таълимий достондир. Навоий бу асарида ўзининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ҳамда кишиларга таълим ва ўғит бериш масалаларига катта эътибор беради. Достонда золим ҳукмдорларни қоралаб, иккюзламачи-риёкор руҳонийларнинг сир-асрорларини кескин фош этади. Хусусан, шоир сахийлик, одоб ва камтаринлик, ота-онага ҳурмат, ростгўйлик ва тўғрилик, илмнинг фойдаси ва камбағал ўқувчиларнинг бу йўлда чеккан азоблари ҳақида батафсил тўхталиб ўтади.

«Ҳайратул-аброр» асарининг бир неча боблари одоб-ахлок ва таълим-тарбия масаласига бағишиланган. Навоий бу достоннинг олтинчи мақолатида одоб ва камтарликни улуғлаб, таълим-тарбияга доир қимматли фикр-мулоҳазаларини баён қилиши билан бирга такаббур ва одобсиз кишиларни қаттиқ қоралайди. Шоир достоннинг бу мақолатида бола тарбияси, уни ўстириш, ўқитиш ва балоғатга етказиш ҳамда бу борада ота-оналарнинг вазифалари ҳақида батафсил фикр юритади. Шоир ёшларни ота-онанинг хизматини бажаришга, уларни ҳурмат қилишга, уларга нисбатан ҳамиша меҳр-муҳаббатли бўлишга чакиради, ота-онани ой ва қуёш, деб таърифлайди:

Бошни фидо айла ато кошига,
Жисмни қил садқа ано бошига...
Тун-кунунгга айлагали нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш...

Достоннинг саккизинчи мақолатида Навоий ёлғизликка нисбатан кўпчилик — жамоатни улуғлаб, кишиларнинг бир-бирлари билан аҳил, дўст бўлишларини истайди:

... Йўқ хунари ёлғуз эса, уз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши?
Фард¹ киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овчидин ким этмиш садо?..

«Хайратул-аброр»нинг ўнинчи мақолати ростгўйлик, ҳалоллик ва тўғриликка бағишлиланган. Навоий тўғрилик ва ростгўйликни улуғлаш билан кишиларни ростгўй ва тўғри бўлишга чакиради, ёлғончилик ва эгриликнинг зарарли оқибатларини қескин фош этади. Шоир ёлғон сўзлашнинг ёмон оқибатини «Шер билан Дурроҷ» масалида овчининг тузогига тушган Дурроҷ образида ҳикоя қиласи.

Достоннинг ўн биринчи мақолатида Навоий илм-фанга, илм ахлига юксак баҳо беради, кишиларни илм олишга, олимларни иззат-хурмат қилишга чакиради. Шу билан бирга шоир ўша даврда меҳнаткаш ва мусофири тала-баларнинг илм олиш йўлида чеккан азобларидан, илм-фан эгаларининг муҳтожлиқда яшаганларидан афсус-надоматлар чекади.

Навоий илмдан амалий ишлар учун фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди:

Илм, Навоий, сенга максуд бил,
Эндики илм ўлди амал айлагил.

Навоийнинг ярамас одат ва хулқ-атворларни шафқатсиз коралashi, олижаноб инсоний фазилатларни қадрлаши, болаларни ўқиш, ўрганиш ва юксак одобли, аъло хулқли бўлишга чақириши катта аҳамиятга эга бўлиб, болалар адабиётининг шаклланишида жуда муҳимдир. Унинг бир қатор ахлоқий-таълимий қарашлари хозирги кунда ҳам ўз қадр-қимматини саклаб келмоқда.

«Фарход ва Ширин» достонида шоир чин севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ҳамда қаҳрамонлик ғояларини тараннум этади. Достон ёшлар ва болаларга атаб ёзилмаган, лекин асарнинг кўпгина боблари болалар ва ёшлар ҳаётига, уларнинг тарбиясига бағишлилангандир. Шоир достонда Фарходнинг болалик чоғлариданоқ илм-хунарга, меҳнатга бўлган

¹ Фард — якка, ёлғиз.

муҳаббатини зўр маҳорат ва чуқур самимият билан тасвирлаган. Бу Навоийнинг бола тарбиясига ва унинг билим олишига катта эътибор билан қараганлигини кўрсатади.

Фарҳод ёшлик чориданоқ жуда ақлли, зеҳни бола бўлиб ўсади. У мактабда зўр ҳавас ва қунт билан ўқийди. Табииёт, математика, мантиқ каби фанларни тез орада ўрганиб олади. Ёш Фарҳоднинг илмга бўлган ҳавас ва муҳаббатини сезган ота-онаси унга билим беришни муносиб кўради. Жаҳоннинг машҳур олимлари Фарҳодга турфа фанлардан сабоқ берадилар. Натижада энг мураккаб ва пинҳоний илмлар унга ўз сир-асрорини тўлиқ намоён этади. У қунт ва чидам билан ўқиб, билимдон ва зукко инсон бўлиб етишади. Шоир Фарҳод ҳаётини бундай жонли лавҳаларда тасвирлаш орқали болалар тарбиясига алоҳида эътибор беришга чақиради, уларни ёшлигидан бошлаб ўқитиш зарурлигини, бунда ота-онанинг роли ниҳоятда катта эканлигини, болаларга дунёвий илмларни бериш муҳимлигини таъкидлайди.

Фарҳод қайси фанни ўқимасин, уни дарров тушуниб олувчи қобилият эгаси сифатида тасвирланади:

Агар бир қатла кўрди бир сабоқни,
Яна очмоқ йўқ эрди ул варакни.

Не сўзниким, ўқиб кўнглига ёзиб,
Дема кўнглики, жаҳон лавхига қозиб.

У даврда болалар қуруқ, ёдаки ўқитилар эди. Болалар ўзлари ёдлаган нарсаларининг маъносига тушунмас ҳам эдилар. Шундай бир вактда Навоий болаларни илм-фanga қунт қилиш, ўқилган нарсанинг маъно-мазмунини тушуниб олишга ундар эди:

Ўқиб ўтмак, уқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида, сафҳа-сафҳа бори...

Фарҳоднинг қунт қилиб, маъносини тушуниб ўқиши натижасида кўп илмларни эгаллаганлиги таъкидланади:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб тахкиқини касб этмаган илм.

Шу тариқа Навоий болаларни илмни пухта эгаллашга чақириб, буюк педагог ҳамда мураббий сифатида уларни тарбиялаш ва ўстириш йўлларини кўрсатади.

Бундан ташқари, достонда Фарҳод жисмоний томондан ҳам чиникқан йигит сифатида тасвирланади. У сувда сузиш, чавандозлик ва қиличбозлик сирларини меҳр билан ўрганади. Алишер Навоий ёшлигидан бошлаб илмга берилган, жисмоний жиҳатдан чиникқан Фарҳодни тасвирларкан:

Демон ҳам кунгли поку, ҳам кўзи пок,

Тили поку, сўзи поку, ўзи пок, —деб ҳар томонлама мукаммал, маънавий, жисмоний гўзал, етук йигит тимсолини беради. Шунингдек, Навоий Фарҳодни меҳнат ва ҳунарга зўр ҳавасли, сангтарошлиқ, рассомлик ва наққошлиқ ҳунарларини ҳам мукаммал эгаллаб олган йигит сифатида улуғлади.

Илм ва ҳунарни эгаллаган, жисмоний жиҳатдан чиникқан, меҳнатсевар Фарҳод камтарин, мазлумларга ғамхур, софдил, мард ва олижаноб, жасур инсон бўлиб етишади.

Фарҳод бошчилигига ва унинг бевосита фидокорона меҳнати натижасида катта канал («Хаёт дарёси») ва ховуз («Нажот денгизи») қазилади. Навоий Фарҳодни сувсиз ерларга сув чиқарган қаҳрамон, меҳнат соҳасида мӯъжизалар кўрсатган баҳодир йигит сифатида таърифлайди. У илм ва ҳунарни омма манфаати учун хизмат эттириш лозим деб ҳисоблайди. Фарҳод Ширинни қидириб Арманистонга борганда, арман юртида тоғда канал қазиш учун қийналиб ишлаётган кишиларни кўради ва:

Ҳунарни асрарон неткумдир охир,
Олиб туфроқкаму кеткумдир охир! —

дея, ўз билими, ҳунар ва ғайратини ишга солади, канал қазувчилар мashaққатини енгиллаштиради ва халқ ўртасида катта шухрат қозонади.

Бу қаҳрамоннинг муҳим хислатлари ундаги қаҳрамонлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ва дўстлик туйғулаидир. Фарҳод эл-юртнинг ободонлиги учун курашади ҳамда инсонларга оғат келтирувчи душманларга қарши жанг қилиб, уларни мардона енгади.

Бундан ташқари, Навоий Фарҳод, Ширин ва Шопур образлари орқали халқлар дўстлиги ғоясини илгари суради. Фарҳоднинг арман кизи Ширинни севиши ва эрон-

лик Шопур билан дўстлашуви халқлар дўстлиги фояси-
нинг ёрқин намунасиdir.

Навоий Фарҳоднинг жасоратини бадиий жиҳатдан тас-
вирлар экан, унинг мамлакат ободонлиги ва тинчлиги,
халқлар фаровонлиги ва илм бобида қилган хизматлари-
ни чуқур мазмунли мисраларда уйғунлаштиради:

Ки то олам, биноси бўлди бунёд,
Бу янглиғ қилмади иш одамизод.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида
илгари сурилган юксак инсоний хислатлар, инсонпарвар-
лик фоялари ёш китобхонлар маънавиятига ҳам чуқур таъ-
сир этади, уларни халқ, ватан учун керакли инсон бўлиб
етишишларига хизмат қиласди.

Буюк шоир болаларнинг ўқиши ва тарбиясига доир
фикрларини «Лайли ва Мажнун» достонида ҳам илгари
сурган. Янги мактаблар бино қилиш фояларини тарғиб
қилган Навоий мактабларда үғил болалар билан бир қатор-
да қизларни ҳам ўқишини орзу қиласди.

Алишер Навоий узининг Фарҳод, Қайс, Искандар ва
бошқа ижобий образлари орқали боланинг вояга етиши-
да тарбиянинг катта куч-кудратга эга эканлигини алохи-
да уқтиради.

Шоирнинг 1500 йилда яратган «Маҳбубул-қулуб»
(«Қўнгилларнинг севгани») асари ижтимоий-сиёсий ва ах-
лоқий-таълимий қарашлари баён этилганлиги билан ха-
рактерлидир. Навоий унда ижобий фазилатларнинг на-
моён бўлишида аввало улардаги ҳалоллик ва соддалик,
самимийлик асосий омил эканлигини таъкидлайди ва бу
мехнатга муҳаббатнинг натижаси сифатида талқин эти-
лади.

«Маҳбубул-қулуб» З қисмдан иборат. Китобнинг 1-
қисми «Халойик аҳволи ва афъоли ва атворининг кайфи-
ятида», яъни кишиларнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-
сўзларининг аҳамияти ҳақида бўлиб, бунда Навоий до-
нишманд ва мураббий, улкан маданият арбоби сифатида
ilm-fan, санъат ва адабиётнинг аҳамиятини тарғиб қила-
ди, малакали, иқтидорли ўқитувчиларни, олимларни, шо-
ирларни, санъаткорларни мақтайди, уларни хурмат
қилишга ва қадрлашга чақиради. Ўқиши ҳам, ўқитиш ҳам

оғир ва масъулиятли иш, у қунт, ҳавас ва меҳнат талаб қилади, деб үқтиради Навоий. Бу ўринда у мураббийларнинг ҳалол хизматларини алоҳида таъкидлайди.

Ҳак йўлинда ким санга бир ҳарф
 ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг
 ҳақин юз ганж ила.

Китобнинг 2-қисми асосан ахлоқий масалаларга бағишиланган. Бу бобда асосан яхши фазилат ва ёмон иллатлар таҳлил қилинади. Тўғрироғи, инсонда булиши керак бўлган одоб-ахлоқ ҳақида гап боради. Масалан, қаноатни олайлик. Навоий қаноатли одамларни севади, уларга ҳаваси келади. Кимки қаноатли бўлса, ундай одамни эл севишини, эъзозлашини таъкидлайди. Мутафаккир қаноатни бир булоққа — чашмага ўхшатади. Негаки булоқ сувини қанча олган билан у куримайди, у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруғи иззат ва шафқат ҳосилини беради. У бир дараҳтдирки, унда ҳурмат меваси бордир. Бу бобда сабр, тавозъе ҳақида ҳам кўп ибратли гаплар айтилади.

Асарнинг «Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар», деб номлаган 3-қисмидаги турли ташбехлар берилган. Бу қисмда кўпроқ ўқиш, илм олиш, касб-кор эгаси булиш ва бошқа масалалар ўртага ташланади.

Алишер Навоий ўз асарларида ҳалқ оғзаки ижодидан, айниқса, мақоллардан самарали фойдаланиш билан бирга, ўзи ҳам таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мақолларга яқин бўлган бир қанча хикматлар яратади. Масалан,

Вафосизда ҳаё йўк, ҳаёсизда вафо йўк.

Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йигилиб дарё бўлур.

Билмаганни сўраб ўргангандолим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

МУҲАММАД ШАРИФ ГУЛХАНИЙ

Исёнкор күйчи Гулханий XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган ва бу давр ўзбек адабиётида ўзига хос ўринда турадиган ёзувчидир. Унинг асл исм-шарифи Муҳаммад Шариф бўлиб, Гулханий эса унинг адабий тахаллусидир. Тахминларга кура, у XVIII асрнинг 70-йилларида ҳозирги Хўжанд вилоятининг Дарвоза қишлоғида дунёга келади.

Бўлажак ёзувчининг болалиги ўзи оламга келган тоб қишлоғида ўтади. Бу ерда озми-кўпми ўқиб, савод чиқарди, адабиётга бўлган ҳаваси ортади. Шеъриятга оид кўплаб асарлар ўқииди, ҳалқ оғзаки ижодини берилиб урганади ва аста-секин шеърий машқлари бошланади. У ўз илмини ошириш максадида аввал Наманганд ва сўнгра Фарғонага келади, қизиқчилиги, ҳозиржавоблиги ва ҳажвий шеърлари билан кишилар ўртасида танила бошлайди. Айниқса, ғариблик туркумидаги рубоий ва тўртликлари билан эл оғзига тушади. Шоир кейинчалик Қўқонга келади ва қийинчилик билан яшайди. У ўзбекча шеърларига Гулханий, тоҷикча шеърларига Журъат деб тахаллус қўяди.

Гулханий бир неча йил Қўқон хони Олимхон саройида навкар бўлиб хизмат қилган, жангларда қаҳрамонлик курсатган бўлса-да, аммо очлик, юпунлик, муҳтоҷлик унинг ҳамроҳи бўлиб қолаверади.

Гулханийнинг «Бер менга» радифли шеъри унинг навкарлик даврида ёзилган асардир. Фазал оч қолган кишининг ўз хўжайинидан нон сўраши билан бошланиб, лирик қаҳрамон — навкарнинг қалб аламлари сўнгти байтларда изчил очила боради.

Бу фазалга чуқурроқ назар ташланса, унда факат якка, очликдан тинкаси қуриган битта шахс ҳақида гапирилмай, балки катта ижтимоий масала — Олимхоннинг навкарлари орасидаги ички ҳаёт шароити ҳақида гапирилади. Фазалда лирик қаҳрамоннинг образи умумлашма образ даражасигача кутарилган, чунки Олимхон навкарларидан факат Гулханий хон илтифотига сазовор

бўлолмади, деган қарорга келиш янглишdir. **Демак, ли-**
рик қаҳрамон — навкар ўз бошидан кечирғанларини блаен
қилиш асосида Олимхоннинг навкарларга мурувватсиз
лиги ва қўшиндаги тартибсизликни фош қилади. Ўз
хукукини ёқлаш билан бошқа навкарларни ҳам ана шундай
иш куришга даъват этади:

Ҳазратим, очликдан үлдим, егани нон бер менга,
Кофири үлгайман агар десамки, баҳмон бер менга.
Мошу буғдой-ю гуруч берким, шулар менга керак,
Ҳеч айтмасман ақиқу, лаълу маржон бер менга.
Эгнима ёпиқ бериб, корнимни тўйғиз нон билан,
Сенга биллоҳим демасман дину имон бер менга.
Навкалинг очликдан үлса, нега хайфинг келмагай,
Эй табиби ҳозиким дорию дармон бер менга.
Нону тўн бер, бенаволик дардидан кутқар мени,
Мен қачон айтдимки, Корун ганжидек коң бер менга...
Гулханийни эр йигитлар тўпидан камситмагил,
Фўта бер, от бер, тўну чакмон бер менга.

Халқ золим деб атаган Олимхондан кейин Кўқон таҳтига чиққан Умархон хукмронлиги даврида ҳам Гулханий турмушида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

Гулханий аввал адашиб, турмушим яхши бўлармикан, корним нонга тўярмикан, деган ўй-умидлар билан Умархон саройидаги маддоҳ шоирлар гурухига қўшилади. Хонни мақтаб қасида ва ғазаллар ёзади. Қасидаларида Умархонни кўкларга кўтариб мақтади, хонга унда бўлмаган яхши сифлатларни тақди, уни фуқаропарвар, адолатпарвар, зулм ва ҳақсизликка хотима берувчи киши қилиб тасвиrlади ва бу билан хонни ана шундай ижобий хислатлар эгаси булишга даъват этди. Аммо Умархон саройидаги фиск-фужурлар, мунофиқликлар, хон ва уни ўраб олган аркони давлат таянчлари томонидан халқ бошига келтирилган қора кунлар Гулханийдек хассос шоирнинг сарой аҳлига бўлган муносабатини ўзgartириб юборди: энди у баъзан ихтиёрий равишда ва баъзан пайравлик қилиб шоҳни таърифлашдан чекинадиган бўлди, ўз эътиrozларини билдира бошлади.

Гулханий XIX асрнинг биринчи ярмида вафот этди.

«Зарбулмасал» халқ әртаклари таҳлитида ёзилган мұккамал мазмұнли үткір сатирик асаидир. Гулханий үзининг бу асарида халқнинг мазмундор мақоллари, ҳикматли сүzlари ва қочириқ гапларидан моҳирлик билан фойдаланди. У феодал хукмдорлар ва уларнинг лаганбардорларини, сарой ахлининг ярамас кирдикорларини мажоз йўли билан үткір сатира остига олади. Чунки у меҳнаткаш халқнинг оғир, машаққатли ҳаётини ўз кўзи билан курди, сарой базмлари, кети узилмас майпарастликлар халқни талаш хисобига бўлишини пайқади ва бундай салбий ишлар унинг кузини очди. Натижада, унда сарой ахлига нисбатан нафрат ҳисси тобора ошиб борди. Аммо шоир, шароитга кўра, хукмрон доиралардан норозилигини ва нафратини очик-оидин ифодалай олмас эди. Шунинг учун мажозий шаклдаги «Зарбулмасал» асарини ёзишга киришди. Асада шоирнинг мақсади, ҳаётга, уни ӯраб олган муҳитга, ҳоким табақаларга бўлган муносабати тўғридан-тўғри ифода этилмай, балки ҳайвонлар, кушлар ва шунга ухшаш мажозий образларнинг тасвири орқали ифодаланди. Шоир шу зайлда ўзи яшаган замон учун аник ва характерли воқеа-ходисаларни, уларга ўзининг муносабатини, қарашларини тасвирлайди.

Муаллиф ўз масалларида мажозий образлар орқали ўша даврдаги хукмрон синф вакилларини фош қиласди, мамлакатга харобалик, халққа қашшоқлик келтирган ўзаро феодал урушларга қарши омманинг норозилигини ифодалайди.

Гулханий ўз замонасида содир бўлаётган талон-таржлик, халқни қийнаш, ортиқча солиқлар солиш каби воқеаларни очиқдан-очиқ ёза олмас эди. У буни фақат эртак йўли билан амалга ошириш мумкин эканлигини тушуди. Шунинг учун Япалоқкуш ва Бойўғлиниң бир-бирига куда бўлиши воқеасини келтиради. Бу икки куда тўй баҳонаси билан мамлакатни ҳонавайрон қиласди. Ёзувчи Кўрқуш, Худхуд, Кулонкирсултон, Шўранул, Малик Шоҳим ва Кордонларнинг бир-бирларига айтган масаллари, ҳикоялари орқали асарнинг ғоявий мазмунини очади.

Япалоқкуш ва Бойўғлилар юқори табақа вакиллари. Уларнинг хатти-ҳаракатлари очкўз ва қонхўр бўри, алдамчи ва шайтон тулкиларга ухшайди. Буларнинг ўй-фикrlари, юриш-туришлари шумлик, шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлиши улар учун байрамдир.

Гулханий «Маймун билан нажжор» масалида хунар ва хунар ахлинин улугълайди, қўлингдан келмайдиган ишга асло уриниб кулги бўлма, кўр-кўронга бирорга тақлид килиб фалокатга йўлиқма, деган фикрни маймун қисмати орқали кўрсатади.

Нажжор жуда ақлли ва мохир хунарманд сифатида тасвирланади. У ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишни ҳар нарсадан юқори қўяди. Гулханий Нажжор ва унинг меҳнатини, дурадгорлик маҳоратини катта муҳаббат билан тасвирлар экан, ҳаттоқи маймун ҳам меҳнатга муҳаббат билан қарайди, хунарга ва хунар эгасига унинг хаваси келади, деган фикрни олға суради.

Меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаёти ва меҳнати, ҳуқуқсизлиги ва ноҷорлиги, бир сўз билан айтганда аянчли қисмати «Туя билан бўталоқ»да ўзига хос бадиий тасвирга эга.

Гулханийнинг тасвирлашича туя ҳаётда эзилган, тутқун, эрксиз, оғир меҳнат бандаси ҳамда қул қисматига маҳкум этилган меҳнаткашларнинг мажозий образидир. Бўталоқ эса, она сутига ҳам түёлмай, оғир, машакқатли ҳаёт кечирган, оч-ялангочликда, муҳтоҷликда яшаган эрксиз меҳнаткаш болаларнинг тимсолидир.

Гулханийнинг «Тошбақа билан чаён» масалида бирбирига зид ва қарама-қарши икки образ берилган: тошбақа — ақлли, фаросатли, сафарларда куп юриб, анча тажриба орттирган, инсофли, содик ва қадрдон дўст тимсоли. У ўз ҳамрохи Чаённинг сувдан ўта олмаслигини билгач, Чаёнга ёрдам қўлини чўзади. Лекин у Чаённинг хиёнатини «Сен билмайсанми Чаённинг муддаоси, хоҳ дустнинг кўксига, хоҳ душманнинг орқасига бўлсин ниш уришдир» деган жавобини эшифтгач, уни ҳалок қиласди. Гулханий бу масали орқали Чаёнга ўхшаган одамлар билан дўст ва ҳамроҳ бўлмасликка, киши ўзини ва тақдирини ўшандай кишиларга топшириб қўймасликка чақиради.

Чаён бутун умри буйи бирорларга ёмонлик қилган, уларга зиён-заҳмат етказган, яхшиликни билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қайтарадиган, хиёнаткор тоифаларнинг рамзий образидир.

Гулханий шу зайлда хозирги замон ўзбек болалар адабиётининг майдонга келишида баракали хисса қўшган қаламкашдир.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ (1889—1929)

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқон шаҳрида табиб оиласида таваллуд топди. Унинг педагоглик фаолияти 1911 йилдан бошланади. У дастлаб Қўқон шаҳрининг Ҳожибек гузарида камбағалларнинг фарзандлари ва етим-есир болалар учун мактаб очди.

Ҳамза меҳнаткаш халқ оммаси ва унинг болаларини ўқитиш ва тарбиялаш мақсадида, уларни моддий жиҳатдан таъминлашни назарда тутиб, «Ёрдам жамияти» ташкил қилди. Шу жамият орқали у ўқувчиларни ўқув куроллари, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаб турди.

1914 йилда жаҳон урушининг бошланиши Туркистон бошига тушган бало бўлади. Уруш таъсирида меҳнаткаш халқ янада қашшоқлашади, болалар ниҳоятда аянчли ахволда яшайдилар. Бу ҳол Ҳамзага таъсир қилади. Шоир уларнинг оғир аҳволини ифодаловчи шеър ва мақолалари билан матбуотда мунтазам равишда қатнашиб туради. Ҳамза 1914 йилда «Садои Туркистон» рўзномасида бо силган шеърида халқ аҳволини шундай таърифлайди:

...Камбағаллар титрашиб юргай яланғоч изгушуб,
Оҳ, бу факиру асорат онлара сайдидир,
Дил шикаста, бағри хун, кўзида ёш шашқатор,
Отасиз, баҳтсиз етимлар ҳолига фарёддир.

Шундай шароитда Ҳамза «бир илож қилиб камбағал болаларни ақласиз... тарбия ва ўқувга бўшларини банд қилмоқ...» чораларини излайди, шеър ва мақолаларида болаларни ўқишга чақиради. Бу ғояни Ҳамза «Ўқи» шеърида баён этади. Ўша йили у етим ва камбағал болалар учун «Дорил етим» («Етимлар мактаби») ни очади ва узи ўқитувчилик қилади. Ҳамза биринчи синф ўқувчилари учун «Енгил адабиёт», 2-синф учун «Ахлоқ ҳикоялари» ўқиш китобларини тузади.

Ҳамза 1915 йилда Марғилонга бориб, камбағал болалари учун мактаб очади. 1918 йилда эса Фарғонага бориб ўқитувчиликни давом эттиради ва у ердаги ёш санъат-

кор—ихлосмандларни тұплаб, «Сайёр драм труппа» ташкил қиласы. 1919 йилнинг бошларида Ҳамза Құқондаги 1-боқимсиз болалар уйига мудир қилиб тайинланади. Бу ерда у уч синфли мактаб очиб, ўзи үқитувчилик қиласы. 1922—1924 йилларда шоир Қоракалпогистоннинг Хұжайли районидаги 1-болалар уйи мудири ва үқитувчиси бўлиб ишлайди. 1925 йилда эса у Фарғонанинг Аввал қишлоғига үқитувчи қилиб тайинланади ва ғоят оғир шароитда ишлайди. Айни вактда у халқни янги замон қурилиши томон чақиравчи бадий ижодини давом эттиради.

Шоир 1928—1929 йилларда Шоҳимардонга бориб үқитувчилик қиласы.

Ҳамзанинг тарбиячилик фаолиятини унинг шу мавзуда ёзган асарлари янада тұлдиради. Унинг тарбиявий мавзуда яратган «Йлм иста», «Мактаб», «Китоб», «Үқи», «Қалам», «Ҳикоя», «Тұғри сұз бола», «Ҳикоят», «Тошбақа билан Чаён», «Боланинг ёмон бұлморига сабаб бұлган онанинг жазоси» каби шеърлари характерлидир. Бу асарлар шоирнинг 1914 йилгача бұлган ижодидан намуна сифатида таҳсинга лойикдир.

Ҳамза халқни үқитиш, саводхон қилиш учун тинимсиз интилади ва курашади. Мактаблар учун дарслик ва күлланмалар ёзишни ўзига мақсад қилиб олган болаларнинг чин дүсти Ҳамза бу йүлда анча ишларни амалга оширади. Ҳамза ёзган дарсликлар унинг үша даврдаги дунёкараши, бадий ижоди, болалар адабиётини тушуниши ҳақида күпгина маълумот беради. Бу ғоя «Енгил адабиёт»да ўз аксини топған.

Муаллим—олимнинг бу китобидан муносиб үрин олган «Мактаб хусусинда» асари алоҳида ажралиб туради. У бу шеърда мактабни миллатнинг қуёшига, гули ва борига үхшатиб таърифлайди:

Мактаб миллат қуёши,
Балки күз ила қоши.
Күzsиз, кошсиз кишининг
Қандай хунукkdir боши.

Мактаб миллат саройи,
Илму адабнинг жойи.
Дунёда энг саодат
Ахтарғанларнинг жойи.

Мактаб миллатнинг гули,
Миллат анинг булбули.
Мактабсиз қолган миллат
Бошқа чаманнинг қули...

«Биринчи синф боласининг сўзи» шеърида шоир ўша куёшга, нурга, гулга, бахтга интилган ўқувчининг ёзув ва чизувни ўрганиб олиб бахтга эришаётгандигини унинг номидан, —

Менинг ўқуб, ёзганим,
Олтин, кумуш қазганим,
Тилак сари учувга
Гўё қанот ёзганим, — каби мисраларда баён қиласди.

Ҳамза худди шу дарслиқдан ўрин олган «Тўғри сўзла» шеърида ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳатто бошиннга қилич келганда ҳам тўғри сўз бўл, деб ўз ўқувчисини, ёш китобхонни тўғри сўз бўлишга ундейди:

Тўғри сўзла эй ўғул,
Тил бурмагил ёлғонга ҳеч.
Бир масал бор: тўғри сўзлар
Бошини кесмас қилич.

Ҳамзанинг «Енгил адабиёт»га киритган шеърларидағи бош қаҳрамонларнинг белгили хусусиятларидан бири — тўғри сўзлик. Шоир болаларни тўғри ва ростгўй бўлишга, зарарли ва фойдасиз ишлардан қочиб ижобий ишлар билан шуғулланишга, кишиларнинг яхши сифатларидан ибрат олишга чақиради. «Тўғри сўз бола»да бу фикр янада жонли чиққанини курамиз. Ҳамза бу шеърида барча нарса пул ва бойлик билан ўлчанганд жамиятда ҳамма нарсадан кўра ҳақиқатни устун қўйган ижобий қаҳрамон — бола образини яратади.

Бир бола ўқишдан қайтаётганида икки киши унинг олдини тўсиб, бири деди: «Танга берурман сенга, сўзла бир озгина ёлғон менга».

Шунда бола унга жуда донолик билан жавоб беради:

Сўзланг, ака, коматингизга қараб,
Бу сўзингиз аслида ёлғон эрур,
Тангага ёлғонни ким олган эрур.
Сизда кўп эркан ўзи ёлғон ака,
Сиз ани аввал сотиб айланг адо.

Қолса камиб, етмай агар сизданам,
Үртогингизда күп эрур бизданам
Офарин айтдилар аниңг сүзига
Тангани холис берубон үзига.
Хисса: кимки түғри сүзи ҳар қачон,
Тегузадур доимий бўйла хисон.

Ҳамза бу шеърида болаларни ёшлигиданоқ ростгўйлик руҳида тарбиялаш лозимлигини уқтиради, уларни ёлғончилик ва алдамчиликдан узокроқ юришга чақиради.

Шу китобда «Киморнинг бощи» деган бир шеър бор. Бу асарда Ҳошимжон деган боланинг аянчли қисматидан түғри хулоса чиқаришга чақиради. Ҳошимнинг «Тўптош», «Жуфтми-ток» деган ўйинларни ўйнашдан астасекин қимор ўйнашга ўрганганини, бора-бора қиморга муккасидан кетиб, охирида бор-йўрини қиморга бой берганини, ниҳоят унинг гўлохликка тушиб, хорликда үлиб кетганини ифода этади.

«Ўқишикитоби» Ҳамзанинг иккинчи дарслигидир. Унда тўққизта дарс бўлиб, уларнинг ҳар бири ахлоқий масалага бағишиланган. Барча ҳикояларнинг қаҳрамони ижобий фазилатларни ўзида мужассамлантирган мактаб ўқувчисидир.

«Бир ақлли мактаб боласининг ўз-ўзича домласининг қилган тарбиялари ёдига тушиб, фикрланиб, деган сўзлари» сарлавҳали иккинчи дарсда боланинг нутқ-таърифи воситасида устоз образи чизилади. Ҳамза ўзи орзу қилган ўқитувчини бола тилидан бундай таърифлайди:

Ўйласак, бизнинг эрурлар чин отамиз шул киши,
Чунки бизга билмаганни билдирур устодимиз...
Ота бирла онамиздан яхшироқ шафқат қилиб,
Биздаги ҳар камчиликни кўрсатур устодимиз...
Аста-аста бизда бўлган ҳар ёмон, шум феълни,
Ҳар куни айлаб насиҳат йўқотур устодимиз.

Ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ишига Ҳамза алоҳида аҳамият беради. Одамларга меҳру муҳаббат қўйиш, кишиларнинг қадр-қимматига етиш, уларни ҳурмат қилиб, иззат-икром билан муомала қилиш, Ҳамзанинг фикрича, ёшлардаги инсонпарварликнинг асосидир. Ёшларни бундай руҳда тарбиялаш даставвал, болаларнинг энг яқин кишиларига айниқса, ота-онасиға нисбатан муҳаббат туйғуларини ривожлантиришдан бошланиши ке-

рак. Шоир ота-онани хурмат қилишни боланинг энг юксак инсоний фазилатларидан бири деб ҳисоблайди. «Ул ақллик бола отасини ҳам қилган тарбия ва шафқатларини ёт этиб деган сўзи» сарлавҳали учинчи ва «Ул ақллик боланинг мушфиқа энаси учинда қилган ташаккурлари» номли тұртинчи дарсларида ота-оналар қиёфаси чизилади.

Ҳамза китобда отанинг лирик образини чизаркан, унинг амри халқ амридан ҳам кучли, деб таърифлайди. Онани эса «Отамиздан ҳам муқаддас онамиз» тарзida улуғлайди. Айни чоқда, ота-онанинг бола тарбияси учун масъул эканлиги таъкидланади.

«Ўқиш китоби»даги бир неча шеърлар ўқиш, илм, мактаб ҳамда китобнинг таърифига бағищланади. Жумладан, «Ўқи» шеърида шоир ўқиш натижасида камбағал-бечораларнинг асоратдан қутулиб, маданият ва санъатдан баҳраманд булиши турган гап, деб уқтиради. Ўқишининг қадрини муаллиф ўқитувчи — устозлар тилидан шундай таърифлайди:

Гар дилингда ўйлаган орзуга етмоқ истасанг,
Қиммат умринг қилмағил бехұдага бекор, ўқи!..

Эй ўғил! Дунёда бүлмоқ истасанг олижаноб,
Ўқуғил мактаб келиб, зинхор ўқи, минг бор ўқи!

У «Мактаб» шеърида «Ўқуб илму адаб бүлгай гаранг хушёр мактабдин» деб «Инсонни инсон қаторига құшиш», инсонни камолотта етказиш ва уни олижаноб, фазилатли киши қилиб етиширишда мактабнинг роли катта эканлигини күрсатади. Шоир мактаб тарбиясининг аҳамиятini юксак баҳолайди, уни сирларнинг хазинаси, одамни одам киладиган жой деб күрсатади.

Ҳамза болаларни илмли, одобли ҳамда ҳунарлы қилишда китобнинг аҳамияти нихоятда катта эканлигини «Китоб» шеърида содда, образли, мазмундор мисраларда тасвирлаб берди. У ўз шеърида китоб билим манбай, «қўзнинг нури, дил хузури, дилларнинг дармони!...», «Ҳар балодан асрарувчи энг муҳим қиммат яроғ» каби сифат ва таърифлар билан китобни юксакка кўтаради. Шу билан бирга ҳар бир киши кўнглидаги орзуга етиши учун «Илм манбай бўлган китоб»ни севиши, саводли булиши лозимлигини уқтиради.

Ҳар күнгилнинг орзуси шул эрур обиҳаёт,
Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб...
Кўзнинг нури, дил хузури, дилларнинг дармонидур,
Ҳар коронғу дилга гўё моҳитобондир китоб...
Ҳар киши ёшлиқда қылса озгина ғайрат агар,
Тез замонда ошно бўлмоги осондир китоб.

Мумтоз адабиётимизда қалам ҳақида жуда кўп фалсафий шеърлар ёзилган. Ҳамзанинг «Қалам» деб номланган шеъри ҳам ана шундай асарлардан хисобланади. Шоир қаламни маърифат рамзи сифатида «Қорадир гарчи изи нури ҳақиқатдир ўзи» дея кадрлайди.

Ҳамза «Илм иста» шеърида ёшларга мурожаат қилиб кишининг кўзлаган мурод-мақсадларига эришишида илм олишнинг аҳамияти катта эканлигини айтади, ёшларни илм олишга, дунё сирларини ўрганишга даъват қиласди. У илмли киши билан илмсиз кишини бир-бирига солиштириб илмли кишини порлок офтобга, илмсиз кишини коронғу кечага ўхшатади. Шунинг учун ҳам Ҳамза илм-фаннинг моҳиятини тушуниради ва ёшларни илм ўрганишга ундаиди:

...Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл: даркор илм, даркор илм!
Ул ҳақиқат ойинига сайқал истарсан Нихон,
Илм иста, илм иста, истарил зинхор илм!

Шунингдек, шоир илм-фанни қуруқ ўрганиб олишнигина тарғиб этмайди, балки унинг ҳалққа хизмат қилишини янги-янги кашфиётлар учун кераклигини назарда тутади ва буни болаларга уқтиради:

Илм бизни етургай ҳар мурода,
Бизам илм ўлса учгаймиз ҳавода
Олим бўлсак дунёда,
Келур ҳар иш бунёда,
Биз ҳам сув ости кезиб,
Ҳам учармиз ҳавода.

Шоир илм-фаннинг куч-қудратини, кишилар онгини ўстиришдаги баоят катта ролини болаларга содда ва равон мисраларда ифода қиласди:

...Олим бўлсак қанча биз,
Ҳар бидъатни янчамиз.

Жаҳл отлиғ душманни,
Кўксина тиф санчамиз.

Шоир «Ҳикоя» асарида болаларни ёлғон гапирмасликка, ростгўйликка чақиради. Бу ғоя холасининг пулини ўғирлаган оиласидаги катта ўғилнинг сири фош этилиши воситасида ифодаланади. Шоир шарманда бўлган бола ҳакида гапириб, қиссадан ҳисса чиқаради:

Ҳисса, кими бўйла хиёнат қилур,
Бир кун ўзин шўйла хижолат қилур.

«Тошбақа билан Чаён» масалининг сюжети халқ оғзаки ижодида жуда машҳур. Гулханий бу масал мазмунини насрый йўл билан берган бўлса, Ҳамза унга қайта сайқал берив, назмда баён этган. Ҳамза масалда дўстликни улуғлайди, фирибгарлик, тилёғламаликни эса қаттиқ қоралайди. Тошбақа орқали раҳмдил, чин дўст образини яратади. Чаён образида эса яхшиликка ёмонлик қайтарувчи, тилёғлама, ўз сўзида турмайдиган кишилар фош этилади.

Шоир болаларни танлаб, билиб дўст бўлишга, ёмон ниятли кишилар билан ҳамроҳ бўлмасликка чақиради, кимда-ким яхшиликка ёмонлик қайтарса, унинг бошига кулфат тушиши турган гаплигини уқтиради. Масалда бундай хулоса чиқарилади:

Ҳисса, кими ғайрни улфат этар,
Ўз-ўзича бошига кулфат етар.

«Ўқишикитоби»даги асарларнинг кўпчилигида ўз замонаси учун ғоят илғор фикрлар олға сурилади. Айниқса, ундаги мактаб, китоб, қалам, илм, ўқитувчи, бола тарбиясида ота-онанинг роли ҳақидаги шеърлар, «Тошбақа билан Чаён» каби ибратли асарлар ҳозирги Ҷаҳондаги китобхонларга манзур бўлган ва маърифий-эстетик тарбия берадиган асарлар сирасидандир. Ана шу ғоявий ва бадиий юксак, ўқувчиларга манзур бўлган асарлар «Ўқишикитоби»ни ўзбек болалар адабиётининг ноёб намуналаридан деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Ҳамза 1925 йилда «Иккинчи синф учун қироат китоби» дарслигини ёзди. Бу китоб ғоявий мавзуи жиҳатидан Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асарига яқин туради. Китоб болалар руҳига мос қилиб, насрый йўл

билан ёзилган. Ундаги биринчи асар — «Илм»да маърифатлилик, илмли бўлиш шундай шарҳланади:

«Эй болалар, ҳар бир инсон боласига дунёда энг аввал зарур ва лозим бўлган нарса оламда илмлик үлмоқdir. Илмсиз кишини бутун инсон демак айни хатодир...»

Китобдаги барча дарслар ана шундай тафсилот билан бошланади, сўнг бир байт шеър келтирилади:

Илмсиз ҳар киши учса ҳавога
Кўнгил берма анингдек худнамога.

Ҳамза илм ҳақидаги ҳикояларидан кейингиларини ахлоқ, одоб масалаларига бағишлайди. Хусусан, муаллиф дарсликда бола тарбиясида ота-онанинг бекиёс ролини юкори баҳолайди.

Ҳамза бу асарида ҳалқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган. Асарнинг бадиий шаклини белгилашда болалар адабиётининг талаблари тўла кўзда тутилган, фикр содда, ихчам, айни вақтда, жонли тил ва образли иборалар билан баён қилинган.

Асарнинг бошидан-оёқ бева-бечора, меҳнаткаш омма манфаатини ҳимоя қилиш ва маърифатга даъват этиш руҳи билан сугорилганлиги Ҳамзанинг ҳақиқий маърифатпарвар шоир эканини тасдиқлайди.

«Қироат китоби» Ҳамза ижодида етакчи ўринда туради.

1915 йилда Ҳамзанинг «Миллий ашуалалар» тўплами босилиб чиқди. Бу тўпламдаги шеърларнинг катта кўпчилигига маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш давом этади. Ҳамза аввалги шеърларида илмли ва яхши хулқли кишиларни маърифатпарвар деб кўрсатган бўлса, энди у ўз ҳалқи учун жонини ҳам аямайдиган, юксак ижтимоий онгли шахсларни маърифатпарвар деб талқин қилди. Бу унинг ижодига ижтимоий воқелик таъсир этганини, ижодкорнинг ғоявий томондан ўсганини кўрсатади.

Шоир «Миллий ашуалалар», «Оқ гул», «Қизил гул», «Яшил гул» ва бошқа тўпламларидаги қўшиқлари билан ҳалқ оммасини маданиятли бўлишга ундейди, зулмдан шикоят қиласи, ижтимоий фаолликка чақиради.

Машҳур тарбиячи, атоқли шоир, драматург ва бастакор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий меҳнаткаш ҳалқни, шунингдек, ёш авлодни ўқитиш, маърифатли қилиш, тарбиялаш ишига ўзининг бутун иқтидорини, умрини бағишилади.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ (1878 – 1934)

Ўзбек маданиятининг улкан вакилларидан бири, педагог, жамоат арбоби ва ёзувчи Абдулла Авлоний 1878 йилда Тошкент шаҳрида тўқувчи оиласида дунёга келди.

Абдулла Авлоний бошланғич диний мактабда ва мадрасада ўқиди, илм-фанга ихлос кўйди. Ўзбек ва бошқа шарқ халқлари адабиётини берилиб ўрганди. Абдулла Авлоний 14 ёшидан бошлабоқ шеърлар ёзишни машқ қила бошлади. Унинг бу даврда ёзган илк шеърлари ўша давр вақтли матбуот саҳифаларида босилиб турди.

Абдулла Авлоний халқни илм-фан нурларидан баҳраманд қилишни ўзининг бирдан-бир бурчи деб билди ва 1904 йилда ўзи яшаб турган жойда — Мирободда мактаб очди.

Абдулла Авлоний мактаб ҳар томонлама болани ўзига тортиши учун харакат қиласи. Унинг қўлидан дурадгорлик ишлари ҳам келар эди. Шунинг учун у ёзув тахтаси, парта ясаб, барча ўқув жиҳозларини ўзгартиради. Бу ерда ўқийдиган болаларнинг асосий кўпчилигини камбағалларнинг болалари ташкил этганлиги сабабли муаллим бойбадавлат дўстларининг кўмагида «Жамияти хайрия» ташкил этади. Бу билан болаларга кийим-бош, озиқ-овқат, дафтар, қалам бепул берилишини таъминлайди.

Авлоний очган мактабнинг шуҳрати тобора ортиб, ўқувчиларнинг сони кўпая боради.

Абдулла Авлоний ўзи ташкил қилган мактабда болалар дикқатини асосий фанларга қаратиб, уларнинг тезда саводини чиқаришга ва аниқ фанлардан баҳраманд этишга харакат қилди. У болаларга жўрофия, тарих, адабиёт, тил, ҳисоб, ҳандаса, ҳикмат (физика) каби фанлардан маълумотлар берди.

1907 йилда «Шуҳрат» деб номланган рўзнома ташкил этди ва унинг саҳифаларида меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишга доир фикрларни тарбиб этди. Жумладан, рўзноманинг биринчи сонида: «Матбуот ҳар инсонга ўз ҳолини кўрсатувчи, ахвол оламдан хабар берувчи, коронғу кунларни ёритувчи, халқ орасида фикр тарқатувчи, илм, иттифоқ, ҳикмат тояларини» ёювчиидир, деб ёзган эди.

Абдулла Авлоний «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» деб номланган тўрт қисмдан иборат бўлган дарслигида ёшларни маориф-маданиятга чорлайди, ярамас хулқ-одатларни эса танқид қилади.

Уша давр ҳалқ педагогикасида Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» — «Алифбо», «Иккинчи муаллим» — «Ўқиш» китоблари катта роль ўйнади.

Бу китобларда Авлоний ўтмиш адабиётимизнинг энг яхши анъаналарини давом эттириди, илм ва маърифатнинг аҳамиятини янгичасига талқин этди.

«Биринчи муаллим»да Авлоний даставвал 32 ҳарфни ёлғиз ёзиладиган шаклларини бир саҳифада алифбо тартибида берган. Шу саҳифада алифнинг сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида ёзилишини кўрсатган, сўнг алифни барча «бош ҳарфлар»га қўшиб бўгинлар ҳосил қилган.

«Иккинчи муаллим»да болаларнинг ахлок, одобига доир, ҳалоллик ва покликка оид турли шеърлар, ҳикоя, масал ва эртаклар жамланган, ранг-баранг аллегорик образлардан усталик билан фойдаланилган.

Китоб «Мактаб» шеъри билан бошланади. Унда кимки мактабга борса, ўқиса, саводхон бўлса, жуда кўп нарсаларга эришиши чиройли таърифланади:

Мактаб дуру гавхар сочар,
Мактаб сизга жаннат очар,
Мактаб жаҳолатдан қочар,
Файрат қилиб ўкинг, ўғлон!
Мактаб сизни инсон қилур,
Мактаб хаё эҳсон қилур,
Мактаб ғами вайрон қилур,
Файрат қилиб ўкинг, ўғлон!..

Дарсликда кўплаб ибратомуз шеър, ҳикоя ва эртаклар берилган.

Абдулла Авлоний 1904 йилдан умрининг охирига қадар ўқитувчи булиб ишлади. У ўнлаб шеърлар, «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлок» каби дарсликлари билан ҳозирги замон узбек болалар адабиётига пойдевор қўйган эди. Узоқ йиллар қайта-қайта нашр этилган «Туркий гулистон ёхуд ахлок» Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг», Носир Хусравнинг «Саодатнома», Саъ-

дийнинг «Гулистан» ва «Бустон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Донишнинг «Фарзандларга васият» типидаги узига хос тарбиявий асардир. Унда Абдулла Авлоний узининг ижтимоий ва ахлоқий қарашларини баён этган. Асарнинг сўз бошисида муаллиф бу хақда шундай ёзади: «Мен бу асаримни мактабларимизнинг юқори синфларида таълим бермак ила баробар улуг адабиёт муҳиблари — ахлоқ ҳаваскорларининг эътиборларига тақдим қилдим».

Дарсликдаги ҳар бир бўлим таълим-тарбиянинг муҳим бир масаласига бағишлиланган бўлиб, уларнинг бири иккинчисини тўлдиради, такомиллаштиради. Ҳар бир бўлимда кичик ҳажмли, ибратли ҳикоялар келтирилади, шеърий парчаларда ёки ҳикматли сўзларда «қиссадан хисса» чиқарилади.. Ёзувчи бу асарида ҳалқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланган.

Абдулла Авлонийнинг «Баҳор келди», «Булбул», «Бола ила гул», «Ёлғончи чўпон», «Тулки ила қарға» каби жуда кўп шеърлари кичик мактаб ёшидаги болаларга бағишлиланган.

«Мактаб боласи» шеъри бошланғич синф ўқувчилари ҳаётидан олиб ёзилган. Асарда ишёқмас, дангаса боланинг қалбига ўкишга муҳаббат ўйғониши умумий йўсинда баён этилади:

Йўлга солди тил ила йўлдошин,
Мактабга мойил айлади бошин.
Солди ўртоғининг сузина қудок,
Босди ул ҳам ўқув йўлина оғр.
Иккиси бирга бўлдилар мулло,
Чиқди хату савод ҳам имло.

Шу тариқа шоир қиссадан хисса чиқарар экан, «Яхши билан юрсанг етарсан муродга» фоясини илгари суради.

Абдулла Авлоний ўзбек адабиётида драма жанрининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва сиз» пьесалари адабиётимиз тарихида учмас из қолдирди.

Абдулла Авлоний 1934 йилда вафот этган. У маърифатчи, шоир, драматург, журналист, режиссёр, таржимон, актёр, жамоатчи, муаллим сифатида ҳалқимиз қалбига мангу сақланиб қолади.

ФАФУР · ФУЛОМ (1903—1966)

Оташнафас күйчи Faфур Fулом хозирги замон ўзбек болалар адабиётининг юксалишида муҳим ўрин эгаллайди.

1918 йилда Faфур Fулом 8 ойлик муаллимлар тайёрлаш курсига кириб ўқиди ва 1919 йилдан бошлаб ўқитувчилик ишлари билан шуғуллана бошлади. Ёшларни билим ва маданият қучогига тортишда у астойдил хизмат қилди. У Тошкентдаги «Урфон» номли мактаб кошидаги боқимсиз болалар уйида тарбиячи ва мудир бўлиб ишлади.

1923 йилдан адабиёт майдонига қадам қўйган Faфур Fулом ўз ижодини болаларга атаб шеър ёзишдан бошлади. У бутун ижоди давомида ёш авлодни унумади ва унга муносиб адабий мерос қолдирди. Шоирнинг «Мукофот» (1940), «Шеърлар» (1946), «Тонготар қушиғи» (1949), «Бари сеники» (1953), «Бир ғунча очилгунча» (1955), «Сиз менинг ёшлигимсиз» (1958) шеърий тўпламлари; ўрта ва катта ёшдаги болалар учун «Шум бола», «Тирилган мурда» (1934), «Ёдгор» (1935) каби ажойиб асарлари болалар адабиётида муносиб ўрин тутади.

Fафур Fулом «Яша, дейман ўғлим!» шеърида фан ва техникани эгаллашни ҳавас қилган, қалби қаҳрамонлик рухи билан тўлиб-тошган, чексиз осмонга учеб, юлдуздан-юлдузга ўтишни орзу қилган замонамизнинг илғор ёш қаҳрамони туйғуларини ўғил мисолида тараннум этади. Шоир болалардаги қаҳрамонликка бўлган зур ҳавасни сезгирилик билан илғаб олиб, уни моҳирлик билан ифодалаб берган. Ота билан боланинг сухбати шаклида ёзилган бу шеърда ўғилнинг қўрқмаслик ва иродалилик хислатлари жонли тафсилот ва образлар орқали очилади. Шеърда болаларнинг ички кечинмалари, характеристи, ҳамма нарсанй билишга бўлган қизиқувчанликлари кулигили усуlda, таъсирили ифодаланган.

«Турсунали нега варракдан воз кечди?» шеърида Фафур Фулом техниканинг куч-қудратини кичик ёшдаги болалар савиясига мос воситалар — варрак ва аэроплан орқали кўрсатади. Шоир буни варракнинг кучсизлиги билан аэропланнинг кучлилигини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва жонлантириш усули орқали моҳирона кўрсатишига муваффак бўлган. Шоир аэропланда тинмай баланд ва узоқларга учган қаҳрамон образини чизар экан, болаларда замонамизнинг шундай қаҳрамонига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади. Шу билан бирга, муаллиф шеърда Ватанимиз қудрати ва гўзаллигини шоирона тасвирлайди, хаётда туғилаётган янгиликлар билан болаларни таништиради, буларнинг ҳаммаси ижодий меҳнат орқали яратилганлигини куйлаб, уларни замонамиз қаҳрамонлари изидан боришга, фаннинг чўккиларини эгаллашга ундаиди.

Аэропланнинг учар отга үхшаб кетиши боланинг хаёлига мувофиқ келади. Шоир аэроплан талқинида болани уни миниб олишга, «Фаннинг энг чўққиси»га учириб олиб боришга чақиради. Бундай ҳавас иштиёқи ёш юракни тўлқинлантиради ва бола самолёт минишга қатъий аҳд қиласи.

Шоир «Бари сеники» шеърида юксак-ватанпарварлик ғоясиии илгари суради. Айни чокда, ўз халқининг бахтини, гўзал Ватанинг истиқболини куйлаган шоир хаётга бўлган муҳаббатини Ватанга бўлган муҳаббати туйғуси билан ёнма-ён кўради, болаларга икковини бир бутун ҳолда тушунтиради. Буни шоир бола тилидан қўйидагича ифодалайли:

Мунча ҳам чиройлисан, азиз Ватаним,
Бодомдай минг кўз билан севар баданим.
Сенсан аввал-охир, сенсан севганим,
Жоним, юрак коним, хатто шу таним,
Бир бутун холича бари сеники.

«Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо...» шеърида Аҳмад образи орқали «Софлом танда—соғ’акл» мақолидаги мазмунни ўзига хос образли тарзда ёритади. Шоирнинг маҳорати шундаки, шартлилик асосида Аҳмаднинг тана аъзози

ларини жонлантиради ва Аҳмад ўз тозалигига беғирк қарагач, бу аъзолар мажлис қилиб ҳар бири сўзги чиқди ва эгасидан норози эканликларини айтиб, уни танкид қиласди.Faфур Фулом докторнинг фойдалари маслаҳатлари га амал қилган Аҳмаднинг кейинчалик озода, соғлом ва интизомлигина бўлиб қолмай, балки аълочи ўқувчига айланганлигини ишонарли тасвирлайди:

Кўллари ҳам севинчидан чапакда,
Бутун аъзо бир-бирига кўмакда.
Энди Аҳмад соғлом, тоза, аълочи
Меъда кучли, тишлари мисли инжу.

Шоир «Нортожининг курак тиши» шеърида ҳам болаларни Нортожи образи орқали тозаликка риоя қилишга ундейди. Кичик китобхон дикқатини дастлаб б ёшли Нортожининг «...чоллар каби кемшик» эканлигига қаратади:

Олдинги тўртта курак тишининг
Соги йўқ — ҳаммаси чирик, дарз кетган.
Баъзиси жуда паст, баъзиси баланд,
Баъзиси лаб юлар — мисли тикан.

«Нортожининг курак тиши»да шоир образли тасвirlар орқали Нортожи характерига хос бўлган эринчоқлик ва ялқовликни, тозаликка риоя қилмаслигини ўзига хос йўсинда фош этади.Хусусан, Нортожи тишининг ковагидан жой олган нарсаларни тасвирлар экан, унинг кулгули ҳолатини «Карнайдай оғзини очиши билан сассик хид ҳаммага билиниб кетди», «олдинги курак тишида бир ҳафта бурунги овқат қолдифи» каби мисралар орқали янада бўрттириб гавдалантиради. Шеърда тозаликка риоя қилмасликнинг зарарли оқибати болаларга ғоят ҳаётий ва характерли мисраларда етказилади.

Faфур Фулом Нортожининг ўз нуксонларини түғри англаб, тегишли хулоса чиқариб, тозаликка риоя қилувчи болага айланганлигини ифодалаб, ибратли хулоса чикаради:

Биласизми, ўртоқлар, бу дори нима?
Бир қути порошок, кичкина чутка...
Энди Нортожининг тишлари дурдай,

Оғрикни, сасиши билмайди, тоза.
Хар кимки, тишини тозалаб турса,
Жони ором олар, үзи покиза!

Демак, шоир шеърларидан келиб чиқадиган мухим хулоса шунчаки баён ёки панд-насихат тарзida эмас, балки жонли тасвир, образли ифода орқали бериладики, бу каби хулосалар кичкингина маънавиятига тезроқ етиб боради.

Шуни таъкидлаш зарурки, Faфур Гулом «Шум бола», «Тирилган мурда», «Ёдгор» асарлари билан болалар адабиёти насрый жанрининг юксалишига ўзининг муносиб улушкини қўшди.

Faфур Гуломнинг «Тирилган мурда» асарида жамиятга дод бўлиб тушадиган дангасалик билан меҳнат ўртасидаги кураш асосида меҳнатнинг тарбияловчи қурдати тасвир этилади. Муаллиф ижодий максадини Мамажоннинг бошидан кечирганлари ва унинг үзи томонидан ёзилган кундалик саҳифалари воситасида, кулгили тарзда ҳикоя қиласида. Асар пролог ва эпилогдан ташқари, олти фаслдан иборат бўлиб, уларда мулла Мамажоннинг 1925 йилдан то 1933 йилгача утган даврда бошидан кечирганлари ёзилган. Асарда F. Гулом ўз қаҳрамонига «сўз» бериб, унинг үзига хос характерини яратади.

Ишёқмаслик ва ялковликда афсонавий дангасаларни ҳам «бир чўкишда қочирадиган» мулла Мамажоннинг бугунги кунда меҳнаткашларнинг ижобий таъсирида астасекин ялковликни ташлаб, илгор меҳнаткашга айланганини ҳаётий, типик шароитда, ҳажвий ва кулгили ифодаларга бой лавҳаларда курсатилади. Мамажон тимсоли астасекин ўсиб, изчил характер даражасига кўтарилиган.

Адабнинг «Тирилган мурда» асари икки қисмдан иборат. Иккинчи қисмда унинг жамоа хўжалигига кириши ва қайта тарбияланиши, фаровон ҳаётга эришиши тасвирланади.

Ёзувчи Мамажоннинг ялковлиги ва эринчоклигини чукурроқ очиш учун, аввал уни «Минг бир кеча» эртакларидаги Абдутанбалнинг ялковлиги билан таққослайди: «Хўш десангиз, Бағдод деган шаҳарда Абдутанбал деган бир ялков йигит ўз онаси қошида яшар экан. Абдутан-

бал ҳеч қандай иш қилмас экан. Онаси топиб келган оғынатни чайнаб оғзига солса ҳам ютгани эринар экан. Доимо ёнбошлаб ётар экан-у, ўрнидан туришга ҳафсаласи келмас экан. Мабодо құлтиғидан күтариб, тикка турғизиб құйсанғиз, қадам қўйишга ботинолмас, зурлаб қадам қўйдирған чорингизда ҳам, оёқлари бир-бировига чалишиб йиқилар экан...» Мамажон саргузаштларининг унинг ўз тилидан сўзлатилиши болаларга асар ғоявий мазмунини яхши тушунишга ва уларнинг қизиқувчанлигини оширишга хизмат қилган.

Мамажон шу қадар ялқовки, у отаси экиб кетган ярим танобча ердаги жұхорини қайириб олишга ва буни пишириб тириклик ўтказишга ҳам эринади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Кадимни күтаришдан кўра чолларнинг койишларини эшлиши осонроқ кўринар эди».

Ҳатто, юришга ҳам ҳафсаласи кёлмаган ялқов Мамажон бирданига илғор меҳнаткаш бўлиб қолмайди. Давр воқелиги, меҳнатнинг шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айланиб, ялқовликнинг таг-томири билан емириб ташланиши Мамажон онгига иллатларни йўқотиб, унинг үзгариб боришида ҳаққоний, аниқ ва ҳётбахш куч ролини ўтайди. Мамажонни меҳнатга жалб қилишда яхши одамларнинг кўрсатган ижобий намуналари Сатторкул образида мужассамлаштирилади.

«Сатторкул акам кўярда-қўймай шудгорга олиб чиқди.

— Бас энди, ётаверма. Сал меҳнатга ҳам қайиш. Рангинг жойига келиб қопти. Тўлишибсан. Юр мен билан, — деди. Эриниб унинг кетидан кета бошладим. У күш ҳайдади. Мен отбоши етакладим. Шудгор одамлар билан тўла эди: бириси ҳайдаётир, бириси мола босаётир, бошқалари кетмон чопаётир». Бундай жўшқин ҳаёт, даладаги қайнок меҳнат сурури Мамажонда аста-секин меҳнатга ҳавас туйғусини уйғота бошлайди.

Мамажон ялқовликдан, қолоқлиқдан қутулиб, илғор, онгли меҳнаткашга айланади. Унинг қайта тарбияланишида жамоа ва эркин меҳнат катта роль ўйнаганлиги ҳаққоний равища тасвирлаб берилган. Ёзувчи бу образ орқали меҳнатсеварлик ғояларини илгари суради.

Асарнинг тузилиши ўзига хос, қизиқарли, тили равон ва сoddadir. Мамажон тушида кўрган аёл: «Ғунчадай

тугилиб келган қип-қизил лаб, хавода учиб юрган қалдирғочнинг муттасил қанотидай пайваста қора қош, сочларининг учи құнғироқ бойлагандай жингалак, юзлари атиргулга үхшаган тиник пушти ранг» тарзида чизилган. Шахс тасвирида ёки «гапларим зуваласи пишмаган хамирдай уваланиб, тұқилиб кетмоқда эди», каби иборалар асарга зийнат бағищлаган.

Иккінчи жаҳон уруши йилларида шеъриятнинг жуда күп дурданаларини яратған Faфур Fулом болаларға ҳам ажайиб асарлар тақдим этди. Унинг болалар учун яратған асарларида ватанпарварлық ва байнамилаллик ғояла-ри, қаҳрамонлик ва жасурлик, ғалабага ишонч оҳанглари янграйди. Шоир «Навқирон наслимиз синов олдида» шеърида ёшларнинг келажагини ифодалаб, уларни әрк ва баҳт берган ватанга муносиб кишилар бўлишга чақиради:

Бизнинг үлкамизда йўқолур оғат,
Үлимни енгишга сизлар кандидат...
Эртанинг, эй адид ва шоирлари,
Кишидик руҳининг инженерлари...
Сиз осмон илмини сувдай ичасиз,
Юлдуздан-юлдузга зумда кўчасиз...
Аълочи ўғлонлар, аълочи қизлар,
Ватан истаги ҳам худди ана шу.

Шоирнинг бу даврда ёзган ноёб ва гўзал асарларидан бири «Сен етим эмассан» шеъридир. Унда одамларнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида етим қолган болаларга бўлган ватанпарварлық, қардошлиқ, инсонпарварлық хистайғулари юксак маҳорат билан тараннум этилади:

Сен етим эмассан,
Тинчлан жигарим,
Қуёшдай меҳрибон,
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмин-у.
Мехнаткаш мушфик
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор.
Чўчима жигарим,
Ўз уйингдасан.

Бу парчада Ватаннинг муаззамлиги, унинг меҳри дарё кишилари қўйма образларда, лўнда, таъсири ифодаланганлиги ҳар бир мисрада кўриниб турибди. Шоир болаларга етимлик нима эканлигини тушунтиаркан, узининг аччиқ етимлик хаётини эслаш орқали асарнинг таъсир кучини оширишга эришган:

...Мен етим ўғсанман,
Ох, у етимлик...
Вой, бечора жоним,
Десам арзийди.
Бошимни силашга,
Бир меҳрибон кўл.
Бир оғиз ширин сўз
Нондек арзанда.
Мен одам эдимку,
Инсон фарзанди...

Бу сатрларда шоир маҳорати аввало етимлик тушунчасига бўлган муносабатида намоён бўлади. Шоир наздида ҳақиқий етимлик фақат ота-онадан жудо бўлишгина эмас, балки Ватан деган, халқ деган тушунчалардан хам жудо бўлишдадир, деган фалсафада намоён бўлади.

Шоир урушнинг даҳшатли, фожиали воқеаларини гўдак хаёлида гавдалантириб, мана шу вахшийликнинг сабабчиси бўлган Гитлерни лъянатлайди:

Сут кўр қилгур, ҳароми,
Гитлер оқпадар —
Фарзанднинг қадрини
Қаердан билсин?

Шоир шеърда ғалабанинг муқаррарлигини зўр ҳаяжон ва кўтаринки руҳда, образли мисраларда ифода этади:

Тонг яқин,
Тонг яқин,
Оппок тонг яқин...
Улуғ оиласнинг
Гўдак фарзанди,
Билиб куй энди:
Сен тезда улғайиб,

Олам кезасан...
Ҳақорат емирилур,
Зулм янчилур,
Жаҳонда бўлурмиз,
Озод музaffer,
Сен етим эмассан,
Менинг жигарим!

Faфур Fуломнинг бу шеъри ёшларда Ватанга садоқат, ватанпарварлик ва байналмилаллик ҳамда босқинчиларга нафрат туйғуларини тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган баркамол асардир.

Урушдан кейинги тинч қурилиш даврида Faфур Fулом болалар учун «Шеърлар» (1946), «Тонготар қўшиғи» (1949), «Бари сеники» (1953), «Бир ғунча очилгунча» (1955), «Сиз менинг ёшлигимсиз» (1958) шеърлар тўплами ва «Менинг ўғригина болам» (1965) воқеи ҳикоясини яратди.

Fафур Fуломнинг бу давр ижодида болаларнинг ўзига хос орзу-умидлари, юксак маънавий олами, одоб ва ахлоқи, ўқиш ва интилишлари асосий мавзуга айланди. Жумладан, шоир «Олтин медал» шеърида ўрта мактабни битираётган ўғил ва қизларга ишонч ва умид кўзи билан қарайди. Уларни келажагимизнинг ишонган кишилари — «замонлар тонгининг чироқлари» деб тасвирлайди:

Сизсиз келажак йўқ, сиз ахир ҳалқнинг
Минг йилни куражак қароғларисиз.
Сизсиз ёримайди осмонда Зухра,
Замонлар тонгининг чароғларисиз.

Шоир ўлкамизнинг келгусида янада гуллаб-яшнашини, жаҳонда тенги йўқ диёрга айланишини ѡрзу қиласи ва ёшларни ана шундай Ватанга муносаб фарзанд бўлишга, илм-фанни эгаллашга ундейди. У ёшларнинг илм-фани ўрганиб камол топишига зўр ишонч билан қарайди.

Fафур Fулом болалар ва ёшларни катталарга, айниқса, ота-онага меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш мавзуда кўплаб шеърлар яратди. Шулардан бири «Она» шеъридир. Шоир бу шеърида бағри уфқлардан ҳам кенг она-нинг лирик образини яратиб, боланинг унга бўлган меҳр-муҳаббатини ифода этади.

Шоир болани чақалоқлигиданоқ меҳр-муҳаббат билан асраб, авайлаб, тарбиялаб келган онани таърифлаб, бу мўътабар зотни эъзозлайди.

Узинг ахир нимасан,
Қоямисан, тоғмисан?...
Жаҳонмисан, боғмисан?
Рангмисан, қуёшмисан?
Ҳаммасидан улуғсан!..

Ҳойнаҳой бир китобсан,
Минглаб комусдан баланд.
Ҳойнаҳой офтобсан,
Мен эса сенга фарзанд.

Шоир шеърда онага мурожаат этиб, уни қоя, юксак тор, чаман бор ҳамда қуёшга қиёслайди ва онани улардан юкори қўяди. Дарҳақиқат, дунёда онадан улуғ зот йўқ! У борлиққа жон бахш этувчи, оламни нурга бурковчи офтоб мисол қадрли, ҳатто ундан ҳам азиздир. Шеър болаларда оналарга чуқур муҳаббат ҳиссини уйғотишда катта хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, академик шоирFaфур Гулом ўзбек болалар адабиётини юксалтиришга баракали ҳисса қўшди. У ёшлар учун ёзган асарларида болаларнинг қувноқ ҳаётини юракдан берилиб куйлади. Унинг асари болаларни яхши ўқишига, фан асосларини чуқур эгаллашга, замонамизнинг илфор кишилари бўлиб етишишга чақиради.

ОЙБЕК (1905—1968)

Ўзининг роман ва қиссалари, илмий-назарий, сиёсий, бадиий публицистик асарлари, таржималари, ажойиб шеърлари, достонлари, ҳикоялари билан ўзбек адабиёти хазинасини бойитган атокли сўз санъаткорларидан бири Ойбек болалар адабиётига ҳам муносиб ҳисса қўшган улкан адидир. У яратган шеър ва ҳикоялар, қисса ва достонлар болалар маънавиятига самарали таъсир этиб, ёш авлод эстетик дидининг шаклланишида катта роль ўйна-мокда. «Ёш йўлчи» (1925), «Гунафша» (1926), «Болаликни эслаб» (1926), «Шаҳарча болаларига» (1934), «Шоирнинг болалиги» (1937), «Эски ва янги болалик» (1937), «Одобли Турсун», «Аҳмаджон боғбон» (1971) каби шеърий китоблари, «Зафар ва Заҳро» (1953), «Ҳақгўйлар» (1976), «Бобом» (1957) каби достонлари, «Алишернинг ёшлиги» (1975) қиссаси, «Глобус» (1981) ҳикоялар тўплами, «Болалик» каби асарлари айниқса характерлидир.

Ёзувчи Ойбекнинг болалиги ҳам барча меҳнаткаш халқ болалари каби кечади. У ёшликтан уй-рўзғорга қарашиб, гузардан нарса олиб келиш, сув ташиш, ўтин ёриш, қор кураш каби юмушларни бажаради. Барча болалар каби баҳор вактларида томма-том ошиб варрак учирар, довучча қоқар, қиш бўлса ошиқ ўйнар, хуроз, тухум ва ит уриштиришларда қатнашар, ёз кунлари онасининг пинжида қариндош-уруғларининг боғларига «меҳмон»га борар, ҳайит, сайил ва бошқа миллий байрам кезларида эса ўзида йўқ севиниб, дор ўйини, халқ қизиқчиликларини, кўнгил очар томошаларни куришга мұяссар бўлар эди. Кейинчалик «Шаҳарча болаларига», «Шоирнинг болалиги» шеърларида шу манзаралар ўз аксини топади.

Ойбекнинг болалар ва ўсмирларга бағишлиланган шеърий асарларида бугунги қайнок ҳаёт, илм, хунар ва меҳнатга бўлган муҳаббат, ватанпарварлик, жамоатчилик, ижтимоий бурчни англаш каби хусусиятлар акс этган.

Бу фазилатлар ўша даврда Ойбек асарларининг етакчи мавзуига айланади.

Шоир ғоявий-бадиий кучли шеърлар билан бирга болалар ва ўсмирлар ҳаётини тасвиrlовчи ҳикоялар ҳам ёзди. 1981 йилда адабнинг «Глобус» номли тұплами босилиб чиқди. Бунда Ойбекнинг шу вактгача эълон қилинмаган «Гулнор опа» (1930 йил), «Фанорчи ота» (1930 йил), «Синган умид» (1930 йил), «Тиллатопар» (1930 йил) ҳикоялари ҳам чоп этилган.

Ойбек кичик ёшдаги мактаб болалари учун Покистон болалари ҳаётидан «Қонли бармоқлар» (1962 йил) ҳикоясини ёзди. Ҳикояда Покистонда тинчлик учун курашувчилардан қандай қасос олинаётганлиги, уларнинг болалари күчаларга чиқариб ташланаётганлиги, тиланчиликка ва малайликка маҳкум этилаётганлиги ҳикоя қилинади. Ёзувчи буни асар қаҳрамони түккиз ёшли Алининг саргузаштлари орқали тасвиrlайди.

Ойбек ҳикояда Алиларнинг яшаш шароитини ва қандай кун кечиришини қуидаги тасвиrlайди: «Горишов Лохурнинг бағридаги бир даха. Лохур — құшиқлар, гуллар диёри. Горишов эса дахшат! Али бу ҳароба—вайроналар ичидә югуради. Күча, йўлка дейдиган нарса йўқ, туташ ҳароба кулбалар. Шундай ҳароба кулбаларнинг бирисидан Али билан онаси, отаси қамалгандан сўнг ҳайдалиб, кўчага ташланган эди».

Покистон шаҳарларининг кўча-кўйларида тұда-тұда тиланчи болалар юради. Гадойлар одатда «бахшиш» дейилса, ўзларини томдан ташлаб юборишга тайёр эканлиги ҳикояда бўртиб туради.

Али бир парча нон қидириб, беш-олти кундан буён расталарни кезиб юрганда гулобчи дўкондор уни чақириб «жаҳл аралаш деди, — мана бу яшикларни бушат!» ва бунинг эвазига ҳақ тўлашга ваъда қиласи. Али «Ростданми?» — деб суради ва дўкондорнинг «ҳа» деган товушини эшифтгач, бола узун хўрсинди, жилмайди. Кир, калта кўйлагининг енгларини шимариб, ишга тушди». Али яшиклардаги синик гулоб шишаларини ташийди: «Синик,

чети учган шишалар ва бераҳм қуёшнинг иссиғи уни хубоб қилар, кичик бармоқлари тилинганд, қуллари қон. Аммо оч, тентираб юришдан чарчаган бола бу хизматдан вакти хуш» эди. «Искірт, жулдур, чұпдай орық болалар боланинг қонаған қулларига тикилдилар». Болалар Алига күмак бермоқчи бұлғанларыда у «рахмат» деб жавоб беради. Али оч-наҳор, бармоқларини шиша синиклари кесиб ачитишига, бир парча нон топишининг нихоятда азобукубатлари ва машаққатларига қарамай дүкондор гулобчининг оғир ишини бажаради. Дүкондор «бир қутини очиб, юпқа «чапати» — нонни улоқтиради. Али илиб олди, кувониб деди:

— Дарров бориб, аямга бераман, у касал!

— Ая, мен келдим, нон топиб келдим. Туринг ноненг, нон...

Кампир онанинг юзини очди:

— Үтди оламдан!

Дард билан, йүкчилик билан, очлик билан, ғам билан ҳамиша курашган бу ғарип аёлнинг юзида баҳтсиз ҳаётнинг эңг сұнгги нафасида үлем билан кураш даҳшати күринар эди».

Бу ҳаёттеги парча фақат покистонлик Алиниң ҳаёттеги учун хос ҳодиса булибгина қолмай, балки камбағал мөхнаткаш болаларининг ҳаёттеги учун ҳам типик ҳол эди.

Китобхон Алиниң саргузаштлари билан танишар экан, унда оддий инсоний құкуқлардан ҳам маҳрум этилған боланинг аянчли тақдирі орқали ёвузылғыкка нисбатан нафрат түйғулари шаклланади.

Мұхими шундаки, ҳаётта доимо ёвузылғык билан эзгулық орасида тинимсиз кураш боришини, бу кураш инсонларни улуғ ишларга отлантириши мүмкінлегини ҳис қила-дилар.

Ойбек буюк үзбек шоири Алишер Навоийнинг болалық йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи «Алишернинг ёшлиғи» киссасини (1967) ёзди.

Улуғ Навоий Ойбекнинг севимли сиймоларидан бири эди. Бу ҳақда адид мақолаларидан бирида шундай ҳикоя қиласы: «Навоий шеърияты ва Навоий образи ҳамиша кучли бир қуёш каби күнглимни тортар эди. Үз асарларимда Навоий образини яратишига зур майл ва истагим бор эди. Ёшлиғимдан бери Навоийнинг үлмас, адабий

шөърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди... У менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлиғимни банд этганди. Юрсам-турсам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор, ақлли кўзлари ҳамиша хушфеъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл пок, улуғ қалбини ҳис этардим, кўз ўнгимда кўрардим...»

Ойбек 1928 йилдан бошлаб Алишер Навоий ижодини чукур ўрганишга киришди. У дастлаб, Навоий ижодига доир кўпгина илмий мақолаларни ўқиб ўрганади. Кейинроқ «Навоий», «Гули ва Навоий» достонларини нашр эттиради. Давлат мукофотига сазовор бўлган «Навоий» романида улуғ шоир ва мутафаккир ҳаётининг камолот даври тасвирланади. Буюк шоирнинг болалиги ҳақидаги қиссасининг ёзилиш тарихини адибнинг рафиқаси Зарифа Сайдносирова шундай изохлади:

«Алишернинг ёшлигини қаламга олиш нияти адаб қалбida кирқинчи йилларнинг бошларида туғилган бўлиб, «Навоий» романини ёзиш даврида бу иштиёқи янада кучайган эди. Тили, услуби жиҳатдан мазкур романга якин бу қисса 1967 йилда тугалланган бўлса-да, ўзига нисбатан ғоятда талабчан адаб, уни қайтадан ишлаш мақсади бўлгани учун эълон қилишга ошиқмади».

«Алишернинг ёшлиги» қиссада Ҳиротдаги (тахминан 1447—1452 йиллар) тарихий воқеалар, шахзодаларнинг Шоҳруҳ вафотидан кейинги ўзаро таҳт учун курашлари ва шу даврда ўтган Алишернинг болалик (тўрт ўшдан бошлаб) йиллари ҳақида хикоя қилинади. Қиссада Алишер образининг такомили ўша вактдаги ташқи муҳит воқеалари ва зиддиятлари билан узвий алоқада тасвирланади. Ҳукмрон доира орасида мавқеи анча баланд бўлган Фиёсиддин ва Гулбегим беканинг оиласидаги самимийликлари, ўзларини сипо ҳам оқилона тутишлари, фарзанди Алишернинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий томондан камолотида муҳим роль ўйнаганлиги ҳаққоний тасвирланади.

Ойбек қиссадаги қаҳрамонлар билан ўқувчиларни таништиришда ва Алишер фазилатларининг такомиллашибини тасвирлашда Фиёсиддин кичкина уйидаги меҳмондорчилик лавҳасидан усталик билан фойдаланган. Қисса чараклаган кенг чорхари меҳмонхонада меҳмонлар, қавм-

қариндош, яқин дүстлар йиғилиб ажойиб суханварлик ва самимий сұхбат тасвири билан бошланади. Ойбек Алишернинг отаси Фиёсиддин Кичкинани камтар, юмшоқ феълли, күзлари ақлли, калта соқоли үзига ярашган, жұссаси кичкина, ҳамманинг ҳурматини үзига тортган киши сифатида тасвирлайди. Күпчилик уни Фиёсиддин Кичкина, яқин дүстлари эса күпинча Кичик баһодир ҳам дер әдилар. Адиб Малика Гавхаршод саройига келган мәхмонлар орасыда Алишернинг онаси Гулбегим бека ҳам борлинини баён этиб, уни қуидаги тасвирлайди: «Хушбичим, келишган қоматли, юzlари оппок Гулбегимнинг ингичка қошлари ва жилвали меҳр чаңнаган қора күзлари гүзәлликнинг әнг зүр омили әди. Катта завқ ва дид билан кийинган, йигирма беш ёшлардаги бу жувон йиғинларда күзга дарров ташланар, чехраси иссиқ, ёқимли аёл әди». Шундай қилиб Ойбек асарнинг бошидаёқ үкувчилар диққатини Алишер ота-онаснинг ажойиб ёқимли фазилатлари билан таништиришга тортади.

Ойбек үша даврдаги ижтимоий, сиёсий мұхит ва тахт учун бўлган даҳшатли жанглар манзарасини, үзининг туркӣ шеърлари билан машҳур бўлган Қобулий Алишернинг тоғаси эканлигини ҳам үзаро сұхбат лавҳаси асосида таъсирли баён этади:

«Ҳазрат Улуғбек илм дунёсида мангулик кашф этган мушарраф олимдурлар. Кунгиллари барча илмларнинг тажассуми бўлмиш бу зот тарихимиз китобида абадий ёрқин юлдуздирлар», деб таърифини келтиради.

Мәхмандорчилик даврасида ёш Алишерга Султон Улуғбекнинг тенгсиз олимлиги ва донишмандлиги, салтанатнинг тадбиркор намояндаси эканлиги маълум бўлади. Алишер унинг бу фазилатларига чуқур муҳабbat билан қарайди.

Ойбек үша даврдаги ижтимоий-сиёсий ва адабий ҳаёт ҳамда тарихий шахслар характеристини болалдар ва үсмирлар ёши ва савиясига мос ҳолда қизиқарли қилиб тасвирлайди. Адиб Алишер онгининг шаклланиши ва такомилида ота-онаси, Ҳусайн Бойқаро билан үқиган чоғлари, тоғаси ва бошқалар, айниқса, Улуғбекнинг кашфиётлари ҳақидаги ҳикоялар ижодий мактаб бўлганлигини маҳо-

рат билан тасвирлаган. Мехмонлар олдига кириб борган ёш Алишернинг катталарга бўлган самимий ҳурматини, шеърни чуқур дид билан тушуна билишини, фаҳм-фаросатлилигини Ойбек хаққоний тасвирлайди.

Ёш Алишер характеристидаги ўзига хос хислатлар унинг болалик чориданоқ намоён бўлган эди. Алишер сиймосига хос бўлган ақллилик, катталарга бўлган самимий ҳурмат, шеъриятни нозик ҳис этиш, ғазалларни ғоят маромига етказиб ифодали ўқиш, айниқса, «от чоптиришдан фикр юритиш яхшироқдир чамамда», дея фикр юритиши китобхонда катта таассурот қолдиради.

Алишернинг кейинчалик буюк давлат арбоби, улкан шоир, даражасига етишишида бу каби фазилатларнинг ўзигина етарли асос бўлиб хизмат этмади, албатта,

Ойбек Алишер характеристининг шаклланиш жараёнини ҳар бир эпизод, штрих, сухбат, ёрдамчи образ ва қаҳрамонлар муносабати орқали ҳам бадий асослай олган.

Алишернинг ўқишга — мактабга бўлган ҳавасини адаб унинг тилидан: «ов қилмоқ мерганлик — эрмак нарса, лекин энг зўр зарурият мактабдир. Турмушнинг кўп сирларини мактаб ўргатади», деб унинг илмга бўлган қизиқишини тасвирлайди. Шу билан бирга унинг ота-онаси, қавм-қариндоши ва бошқаларнинг сухбати, шоирларнинг ғазаллари Алишерга катта таъсир этганини қайд этади.

Алишер ўзи яшаган даврнинг зиддиятларини ҳали ўзи у қадар англаб етмайди. Шунинг учун ҳам Шоҳруҳнинг Абдулатиф билан, Абдулатифнинг Хонзода бегим ва Гавҳаршод бегим билан Улугбек тўғрисидаги мунозаралари мағзини чақа олмайди. Улугбек тўғрисида порлоқ таассуротга эга бўлган зийрак Алишер Абдулатифнинг ўз отасига қарши гапларидан дастлаб хайрон қолади ва иккиланади. Бирок у шундайлигича қолавермайди.

Алишерга хос фазилатлардан яна бири катталарнинг фикр-мулоҳазаларини синчковлик билан тинглаш, ким ҳақ, ким ноҳақлигини билишга интилишда намоён бўлишидадир. Худди шу тариқа ёш Алишер характеристи аста-секин шакллана боради. Қиссада Алишернинг санъатга бўлган муносабати ҳам ўзига хос лавҳаларда ишонарли акс этади. Ҳусусан, най парчаси асосида ифодаланган тасвир-

лар бугунги ёш китобхон учун ҳам ибратлидир. Айниқса, Бобонинг «Завқу шавқнинг сири қўп... қўп синадим, улғайса билгич, донишманд бўлур. Ҳалитдан тили тангани тешади, кўзларидан кўкрагининг ўтини куурман. Фазалларни завқ билан тинглайдур, чолғуларга ҳаваси баланд» каби фикрлари шу жихатдан ибратлидир.

Алишер характерида даврга муносабатнинг ифода этилишида қишлоқдан келтирилган етти маҳбусни дорга осиш воқеасининг таъсири катта бўлади.

Чорсу майдонидаги одамларнинг кўпчилиги дорга осилаётган кишиларнинг ҳолига ачиниб кўэ ёшини тұхтата олмай йиғлаётганидан Алишернинг ҳам хўрлиги келади. Бу ҳолни ёзувчи «...Кўрасизми! Аларнинг ҳолига ахли шаҳар йиғлашур!.. Алишернинг кўз ёшлари тағин қўйила бошлаган эди», деб тасвирлайди.

Алишер дор, дарра каби жазо турларини фақат эшитган. Бу вазиятни кургандан кейин шафқатсизлик ва зулмкорлик ҳақидаги тушунчаси кенгая боради. Асарда мазкур воқеа орқали қиз ва йигит мұхаббатининг поймол этилиши, уларнинг севги ва эрк учун кураши халқнинг қўзғлонга бориб боғланиши даврнинг үзига хос тавсифидир. Шу сингари воқеалар Алишер ҳаётида учмас из қолдиради, характерининг чуқурлашишига сабаб бўлади.

Ойбек Алишернинг илм ва адабиётга бўлган интилишини Қуръоннинг маъносини тушунишга уринишини, форс-араб тилларини ўрганишини, туркий (она тили) байт ва фазалларни маҳорат билан ўқиши ва кўплаб фазалларни ёд олишини, мақоллар, масаллар, эртакларни севиб мутолаа қилишга ҳаракат қилганлигини тасвирлаш орқали баён этади. Алишер шахзодалар ўртасидаги даҳшатли жанглар, қонли урушлар борган сари зурайиб бораётганини, үз замонасининг нотинч воқеаларини, ота ва бола ўртасидаги душманликларни энди чуқурроқ тушуниб, фикр доираси кундан-кунга кенгайиб боради.

Шоҳруҳ Мирзонинг вафотидан сўнг шахзодалар ўртасидаги ўзаро жанглар кучайиб кетгач, Фиёсиддин Кичкина бир неча яқин қариндошлари билан Йроққа йўл олади. Йўл азобини тортиб, Ҳиротга етиб борган Фиёсиддин Кичкина шахзодаларнинг ўзаро бўлиб ўтган жанглари билан танишади. У ердаги аҳволни ёзувчи бир чол тилидан ҳикоя қиласди:

«—Хали қарабсиз — тахтда Алоуддавла, хали Абдулатиф... ҳаммаси оч бўридек чор тарафдан ёпишишади. Тож-тахт фалваси халқнинг тинкасини қурилди. Абулқосим юракли, ўтири одаларни замоннинг лойқаси энди чўкса, Фиёсиддинбек».

Чолнинг ҳар бир гапи, шаҳзодаларга берган баҳоси ёш Алишер қалбини ларзага келтиради. Шаҳзодаларнинг пасткаш, раҳм-шафқатсизликлари унинг нафратини оширади. Машъум тузумга, даврнинг нобоплигига, шаҳзодаларнинг ҳаддан зиёда кутуришларига қарши туғён билан улғая бошлади.

Ойбек бундан беш юз йил илгари яшаган туркий ва форсий ҳалқ тилини, унинг миллий руҳини, бойлигини, сўз ёки иборалар маъносини нозик хис этади. Найчи чол образини эслайлик. У аслида бечора факирлар табақасидан, ҳунари най ясаш ва чалиш. Бобо ҳаётнинг асл маъносини найсиз тасаввур этмайди. Ёш китобхон бу чолнинг гап-сўзларидан, сұхбатларидан унинг қасб-хунари найчилик эканини билиб олади. Нутқидаги маъноли, тагдор, аник ибораларда эса чолнинг ёши жуда улуғлигини дарров ҳис қиласи. «... — Най ўзимизнинг қадимдан қолган чолғу, мунгли, маъюс қалбларнинг фироқи, аламларини куйлайдур, тўй-базмларда унинг гўзал садоси кўнгулларга завқ тўлдирадур, ажойиб сеҳркор чолфудир най. Алишербекнинг ишқи тушибдими — ўргатурмиз. Ўғлоним хоҳласа балки машҳур мусика ахлидан бўлур... Дилдаги оҳанг нафас ила найга ўтур... Бармоқлар куйни пардаларга солиб турадур».

Ойбек бу каби кекса нуронийлар образлари воситасида инсонпарварлик, эзгулик, одамийлик, сахийлик, ёшларга муҳаббат каби ғояларни тарғиб этиб, ўзининг бадий маҳорат эгаси эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Алишернинг ҳақиқий инсон бўлиб улғайишида Фиёсиддин Кичкина, Гулбегим бека, хизматкор бобо, тоғаси Мирсаиднинг маънавий таъсири жуда катта бўлган. Ойбек қиссада Алишернинг Туркистон саҳроларини, буюк тоғларини, бу ерда истиқомат қилган халқларнинг урф-одатларини «гўзал, ширин ва рангин» тилларини қаттиқ севиши ва ардоклашини ишончли қилиб тасвирлай олган.

Ойбекнинг шахс таъсирини яратишдаги маҳорати мазкур асарида ҳам аник куринди. У купинча, аник образ ва

қаҳрамонларнинг ташқи қиёфасини чизиш орқали уларнинг ижобий ёки салбий, маънавий дунёсини очиб беради.

Бадиий тилдаги ва тасвир яратишдаги адаб маҳорати қиссанинг халқчиллик руҳини таъминлаган, шу зайлда Ойбек «Алишернинг ёшлиги» қиссаси орқали халқимизнинг узок ўтмишдаги ҳәёти ҳақида ҳам ёш китобхон онгида ҳаққоний таассуротлар ҳосил қила олган.

Адибнинг «Болалик» қиссаси автобиографик характерга эга бўлиб, унинг марказида ёш Мусанинг саргузаштлари ётади.

Муса образининг ҳаётдаги асоси адаб Ойбекнинг ўзи-дир. Асарда Мусавойнинг етти ёшгача бўлган даврдаги характеристи шўхлик, тегажоғлик, тиниб-тинчимаслик ва ўйинқароқликдан ташқари, очик кўнгил, дангалчи, ўткир зеҳнлилиги Ойбекона тасвирга эга.

Мусавой характеристининг шаклланишида оила, ҳаётда кўрган-кечирганлари, кишилар билан сухбатлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Кексаларнинг хонлар, беклар, бўлислар, бойлар ҳақидаги хотиралари, эшитган халқ эртаклари Мусавойни адолатсизлика ва ноҳақликка нафрат руҳида тарбиялайди, меҳнаткаш халққа меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатади. У ўзи туғилиб ўсган маҳалладаги бозор, расталардаги баззозлар, бақоллар, дўкондорларнинг хатти-харакатларини дикқат-эътибор билан кузатар экан, уларнинг зиқна, хасис, чайқовчи, текинхўр ва маккор кишилар эканлигини билиб, қалби ларзага келар эди.

Ойбек Мусавойнинг ўқиши-изланишларига чуқур муҳаббат билан муносабатда бўлади. Унинг ўқишида тириш-қоқлигини, зеҳнининг ўткирлигини, қунт билан мутолаа қилишини, арабча сўз ва ибораларнинг қоидасини келтириб ёқимли оҳангда талаффуз эта билишини маҳорат билан чизади.

«Болалик» қиссасида Турғун, Аъзам, Аҳмад, Қодир, Ҳожи, Собир каби Мусавойнинг тенгқурлари ва уртоқларининг образлари ҳам берилган. Уларнинг ҳар бири ўз шахсий қиёфаларига эга. Қодир кўринишдан мўмин-қобилга ўхшаб туюлса-да, аммо жаҳлдор. Аҳмад ёшиқбоз, тентакроқ, Ҳожи мардикорнинг ўғли қувгина, Собир кичкина бўлса ҳам пишиқкина. Уларнинг турмуш тарзи турлича. Каттароқ болалар ошик, чиллак ўйнайдилар, кичик болалар эса тол новдаларидан от қилиб минадилар. Бу

борада Турғун образи феъли атворидаги сергаплик, тоқатсизлик, шартакилик билан бирмунча ажралиб туради.

Ойбек уша давр ташвишлари болалар ҳаёти ва тақдирида ҳам маълум даражада акс этганлигини маҳорат билан тасвирлайди.

Ойбек ижодида «Зафар ва Захро» достони етакчи ўринда туради. Бу достон Покистондаги деҳқон ва ишчи оиласлари, уларнинг болаларининг оғир ва азоб-уқубатларга тўла ҳаёти ҳақидадир. Бундай оғир, машаққатли турмуш лавҳалари бадиий воситалар ёрдамида лирик-эпик шаклда ёрқин гавдаланади. Достон қаҳрамонлари катта заминдорларга қул бўлишга мажбур этилган деҳқон боласи Зафар, онаси билан кўчага улоқтириб ташланган ишчи қизи Захродир.

Шоир болалар ва уларнинг оиласлари бошига тушган баҳтсизлик кулфатларни ифодалаш орқали болаларнинг онги ва қалбида содир бўлган ўзгаришларни турли тасвирий воситалар асосида аста-секин оча боради, эркин, баҳтли, озод ҳаёт йўлини тасвирлайди. Китобхон достоннинг бошидаёқ Зафар мусибати мисолида покистонлик болаларнинг аянчли ҳаёти билан яқиндан танишади:

Зафар аста тентирайди, ёнса-да кун,
Ёши ўнда, жингалак соч, кўзи туйғун.
Эгнидадир парча латта, кир ва ямоқ,
Товонларин туёклаган қизғин тупрок.
Ориқ, кучсиз қўлда чўлтоқ супурги бор,
Бошида гўнг сават, тентирап, битган мадор.

Достонда қашшоқ деҳқон оиласининг фожиали ҳаёти, солиқ тўпловчиларнинг қўрс-қўполлиги-ю золимлиги, бойнинг раҳмсиз ҳамда қувлиги зафарлар оиласи мисолида кўрсатилади. Йўқчилик, ночорлик боис Зафар қишлоқ бойининг қули — югурдагига айланади.

Зафар шу тариқа ёш бўлишига қарамай кўп оғир кунларни бошидан кечиради. Шоир Зафар образи мисолида боланинг қалбида золим бойларга, ҳадсиз зулмга қарши нафроти тобора кучайиб борганини курсатади. Зафар қанчалик оғир ҳаёт чангалига тушмасин, унда озодликка, баҳтиёр ҳаётга эришиш умиди сира сўнмайди.

Ойбек Зафар ва Заҳролар ўртасидаги самимий дўстлик ришталарини, оғир ҳаётга, зулмга бўлган чексиз нафратларини хилма-хил ҳаётий бўёқларда гавдалантиради.

Достонда катталар образи ҳам берилган. Жумладан, Заҳронинг отаси «инглизга, ҳамма бойга душман» бўлгани учун қамалган, Заҳро икки укаси ва онаси билан ётоқдан қувилган. Бу икки тақдир орқали ижодкор Покистондаги миллионларча бошпанасиз аҳоли қисматини поэтик умумлаштиришга ҳаракат қиласди. Заҳро «жин кўчалар» орқасида жойлашган парашют фабрикасининг икки юздан ортиқ ишчи оиласи мухитида, «шамол кирмай, қилча ҳам күёш тушмас, фор сингари коронфу, қора хунук бир уй»да яшайди. Унинг оиласи қанчалик машақкатли ҳаёт кечирмасин, қиз хотирасида отасининг айтган ҳақ сўзлари жонланади, озод меҳнат, ҳамма нарсага ҳалқ хўжайинлик қилган, баҳтиёрлик ато этилган, ҳалқлар дўстлиги равнақ топган бир мамлакат ҳаётини ҳаёлидан асло нари кетказа олмайди:

«Биласанми, бир мамлакат дунёда бор,
Унда барча тенг ва эркин, ҳам баҳтиёр.
Унда этар идорани ишчи-дехқон,
У мамлакат олтин, ҳалқлар баҳтли ҳар он...
У мамлакат ишчи-дехқон учун азиз,
Чин курашиб шундай баҳтни топармиз биз.
Кизим, ёнсин юрагингда умид-юлдуз,
Биз ҳам бир кун қайғуларни унутармиз!»

Достон нихоясида Покистон меҳнаткашлари ҳам чинакам озодликка ва тўла мустақилликка фақат кураш йўли билан эришиши мумкинлиги ўзига хос йўсинда ифода этилади:

Эрк, ҳақиқат инсонлари айлар кўмак,
Тинчлик учун курашчилар сенга керак.
Покистоннинг болалари — етгай муддат —
Сизни эркли, баҳтли ҳаёт қучгай албат!

Хулоса қилиб айтганда, Ойбек юқоридаги каби асарлари билан ўзбек болалар адабиётининг шаклланиши ва юксалишига катта хисса кўшди. У ўзининг бундай асарлари билан болалар адабиётининг севимли куйчисига айланиб қолди.

УЙГУН (1905—1990)

Хозирги замон ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшган қалам сохибларидан бири Уйғундир. Унинг кичкин тойларга бағишилаб яратган «Қорбобо», «Ҳадя», «Баҳор ва мен», «Икки она» ва бошқа шеърий тўпламлари болалар адабиётида етакчи ўринда туради. Шоир болаларга атаб ёзган барча катта-кичик шеърларида ўқимишли, она-Ватан ва меҳнатни жон-дилдан севган чин дўст, ростгўй, соғдил болаларнинг хис-туйғуларини ифодалайди, ёшларнинг Ватанимизнинг гўзал табиати, бойликлари ва кишиларимизнинг ажойиб фазилатлари билан таништиради.

Шоир болаларга бағишилаб ёзган барча шеърларида мавзуни ўзига хос жиҳатдан акс эттиришга ҳаракат қиласди. Шоирларимиз томонидан куйланган она-Ватан мавзуини ўзига хос тарзда ифода этади. Шу жиҳатдан унинг «Икки она» шеъри характерлидир. Шеър қаҳрамонининг икки онаси бор: бири унга оқ сут берган; иккинчиси эса ўз бағрида авайлаб парвариш қилган. Иккала онаси ҳам азиз, муқаддас ва мўътабар. Бири — унинг туққан меҳрибон онаси бўлса, иккинчиси — жонажон ватани. Лирик қаҳрамон ана шу бир-биридан мўътабар икки онаси билан ғуурланади, фахрланади. Ўзини бокқан, тарбиялаган бу икки она олдида бир умр қарздор. Зарур бўлиб қолса улар учун қурбон бўлишга ҳам тайёр:

Бири туққан онамдир,
Иккинчиси хур Ватан,
Иккисига баробар
Курбон бўлсин жону тан.

Уйғун болалар адабиётида ватанпарварлик тўғрисида кўплаб шеърлар ёзган шоир сифтида эъзозланади. Масалан, «Менинг акам», «Чегарачи», «Садоқат соқчилари» каби асарлари бунга мисол бўла олади. Бу шеърларда чегара соқчиларининг ўз постларида сергак туриб, уни қўриқлаётганини ва жангчиларнинг Ватан олдидаги қаҳра-

монликларини тасвирлаш орқали болаларни ҳарбий ва-
тантпарварлик руҳида тарбиялайди.

Болаларнинг она-Ватан олдидаги муқаддас бурчи, фи-
дойилиги, эътиқоди ва садоқати шоирнинг «Қасос» (1944)
асарида янада чуқур ифодасини топган. Асарда муқаддас
Ватан, душманга нисбатан нафрат, ғалабага комил ишонч
вояси ифодаланади.

Шоирнинг «Қизалоқнинг ўлими», «Ўғирланган хусн»,
«Инсон» каби бир қатор шеърларида мудхиш уруш даҳ-
шатлари ва ёш гўдаклар тақдири хақида ёзилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар томони-
дан қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди,
кишилар жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлди,
неча-неча бегуноҳ гўдаклар ота-онасидан тирик етим қол-
ди, қанчалари фашист газандаларининг қўлида ҳалок бўлди.

«Қизалоқнинг ўлими»да ана шундай мудхиш ва фо-
жиали кўринишлардан бири қуйидагича тасвирланади:

Қаранг, бу манзара накадар мудхиш,
Тилка-тилка бўлинган юрак бурдаси:
Жонсиз онасининг қонли кўксига
Ётар чақалоқнинг кичик мурдаси.
Пахтадай юзлари... жажжи қўллари...

Үйғун табиат ва фасллар қуйчиси сифатида эъзозла-
нади. Серқуёш Ўзбекистоннинг бир-биридан ажойиб фасл-
ларининг ўзига хос фазилатлари, хосияти, жозибаси шо-
ирнинг «Баҳор», «Баҳор ҳақида», «Куз келди», «Қор», «Ёз»,
«Қорбобо» каби қатор асарларида зўр ҳаяжон билан куй-
ланади. Үйғун фаслларнинг ўзига хос бетакрор сирларини
болаларга турли усуллар билан уларнинг ёши, савиясига
мос ҳолда содда, ихчам ва жозибали мисраларда ифодалаб
беради. Уларни хаётдағи турли-туман муаммолар билан
таниширади, фасллар шоирнинг ниятини амалга оширишда
бир восита саналади. Шоир фасллар ва уларга хос бўлган
ўйинлардан ўз қаҳрамони — болаларнинг руҳиятини очиш
ва уларнинг характеристини кўрсатишда унумли фойдалана-
ди. Мана, унинг «Фасллар» шеъри:

Йилимизнинг салмоқдор иши
Тўрт фаслга текис бўлинар:
Қиши тайёрлар, баҳор экади,
Куз йигади, ёз тарбиялар.

Шоир ҳар фаслнинг хислати ва фазилати инсон мөхнати билан гўзал эканлигини «Баҳор» шеърида яхшиги на тасвирлаб беради:

Боғбон чиқар боғига,
Чўпон кетар тоғига.
Бол арилар ғувиллаб,
Қўнар гул япроғига...
Сувлар шилдираб оқар,
Қўшиғи дилга ёқар.
Бизга шодлик келтирдинг,
Салом сенга, гул баҳор.

Болалар учун турли-туман қушларнинг учиб келиши ҳам, дала ва қирларнинг гул ва майсага бурканиши ҳам, ранг-баранг жониворларнинг пайдо бўлиши ҳам номаълумдек кўринган бу ҳодисаларни уларга тушунтирумокчи бўлган фикрини, ғоясиини кўп ҳолларда баҳор билан боғлиқ ҳодисалар орқали тасвирлайди. Бу борада «Гул ўтқаздим боғимга», «Қушлар келди», «Бойчечак», «Булбулга», «Лайлак» каби шеърлари характерлидир.

Шоир қушларга аталган шеърларида болаларни қушлар оламига олиб киради, қушлар баҳор элчиси эканлиги, қушлар билан олам янада гўзаллашиб яшнаши, уларнинг сайраши болаларга завқ-шавқ бағишлишини жозибали мисраларда тараннум этади.

Ўйғун қиши фасли ҳақида ҳам анчагина бадиий пишиқ шеърлар ёзган. Болалар ҳамма фаслларни, жумладан, қишини ҳам жуда севадилар. Чунки бу даврда болалар ўйнайдиган ўйиннинг турлари кўпаяди. Айниқса, болаларнинг энг севимли арча байрамлари ҳам қишида бўлади. Ҳар бир бола учун арча байрамида иштирок этиш бир олам қувонч бағишлидиди. Шунинг учун шоирларимиз болаларга атаб ёзган асарларида арча, қорбобо, яхмалак, чана учиш, қор ўйинини завқ билан тасвирлайдилар. Ўйғуннинг «Қиши», «Қорбобо», «Арча», «Холик кўрқоқ», «Янги йил қўшиғи» каби шеърларида ҳам қиши фасли ўзининг бутун гўзаллиги билан намоён бўлади.

Ўйғун адабиётимизда табиат манзараси тасвирининг мохир устаси сифатида танилган. Бу унинг болалар учун

ёзган шеърларида ҳам яққол күринади. Шоир «Баҳор» шеърида:

Осмон тиник күк шохи,
Оқ булат кезар гохи,
Гулларга кўмилади
Қандак ўрикнинг шохи,—

деб Ватанимиз ҳуснига ҳусн қўшаётган баҳор гўзаллиги-
ни тараннум этади ва болалар қалбидаги шодлик ҳисларини
қўзғатади, меҳнатга бўлган ғайратини янада оширади:

Сувлар шилдираб оқар,
Қўшиғи дилга ёқар.
Бизга шодлик келтирдинг,
Салом сенга, гул баҳор!

Уйғуннинг мактабгача таълим ёшидаги болаларга ба-
фишлаб ёзган шеърларидан бири «Лайлак»дир. Шоир:

Лайлак келди ёз бўлди,
Қаноти қофоз бўлди, —

деб уни ёз элчиси эканини болаларга соддагина тушун-
тиради ва лайлак келиши билан болалардаги табассум,
шодлик ҳисларини таъсирли ифодалайди. Шоир болалар-
га лайлакнинг бутун қиёфасини қуидагича чизишга ин-
тилади:

Лайлакнинг бўйи новча,
Тумшуғи бор тарновча
Лапанглайди учганда,
Уясидан кўчганда.
Узун экан бёғи,
Худди чолнинг таёғи,
Қаноти ола экан,
Сайрашга бало экан.

Кичик мактаб ёшидаги болалар кўпгина нарса-ходиса-
ларни тушунавермайдилар, лекин уларни билишга, тушу-
нишга қизиқадилар. Уйғуннинг «Лайлак», «Гулдор ка-
палак», «Бойчечак», «Қушлар келди» каби шеърлари шу
жиҳатдан характерлидир. Шоирнинг бу каби шеърлари

кичкін тойларни паррандалар, үсімліклар ҳаёти билан таништиради.

Шоирнинг «Гулдор капалак» шеъри бу жиҳатдан таҳ-
синга лойик. Ахмад даста-даста гуллар териб, дұстларим-
ни хурсанд қиласы, деб бокқа киради. Аммо у үзига нота-
ниш ҳодисага дуч келганидан хайратта тушади:

Узаман деб құл чүзувди
Гул тұсатдан учеб кетди.
Аввалиға шошиб қолди,
Ахмад бирдан чучиб кетди.

Шоир Ахмад узмөкчи булган «гулнинг учеб кетгани-
да» болада туғилған ҳаяжон ва ички ҳолатидаги үзгариш-
ни жуда усталык билан ифодалаб, китобхонда ёқимли
рухий кечинма үйғотади. Кейинчалик шоир бу воқеанинг
сабабини болага тушунтириб беради:

Кейин билса, гул дегани —
Гул эмас, бұлак экан,
Чұп бошига қуниб турған
Гулдор капалак экан.

Шоир «Бойчечак», «Күшлар келди» шеърларыда таби-
атнинг ажайиб гүзәллігини тасвирлаб, болаларга Ватан
ва унинг табиатига муҳаббат түйғусини сингдиради:

— Йүк, бойчечак, сендан асло кулмаймиз,
Хотиржам бўл, сени сира юлмаймиз.
Хавас билан юзларингга караймиз,
Бизлар сени қуриқлашга яраймиз.
Шафқат билан бошларинг силаймиз,
Сенга узоқ умр тилаймиз.

Үйғун болаларнинг табиат гүзәллігига бўлган муҳаб-
батини уларнинг паррандаларга бўлган меҳридан ажра-
тиб қарамайди:

Қүшларим, хой қүшларим,
Қаноти кумушларим,
Мехмон бўлиб қолингиз,
Боғимда дам олингиз.

Шоир болаларнинг қушларга бўлған меҳрибонлигини «қаноти кумушларим» деб эркалашида курсатса, уларни энг азиз меҳмон сифатида улуғлайди.

Шоир ўзининг кўпгина шеърларида ҳар фаслнинг ўзига хос гаштини шоирона тараннум этади. Ёзниң тўкин-пишиқчилигини («Ёз»), кўркам, чамандай оромгоҳларда қувнаб дам олаётган баҳтиёр ёшларни («Лагерда»), қуёш нурида, сув қўйнида яйраб-яйраб сузиб юрган шух болаларни («Сув қучорида») қаламга олиб, уларнинг севинчли кайфиятлари орқали ёзниң нақадар нашъали эканлигини ёзди. Бундан ташқари, шоир ёзниң гаштини унумли меҳнатда деб хисоблайди. Бу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Уйғуннинг «Хандалак», «Ишкомда узум пишди», «Теримчи қиз қўшиғи» шеърлари ўзбек болалар адабиётida алоҳида ахамиятга эга.

Шоир «Хандалак» шеърида хандалакнинг шакли ва рангини: «Усти йўл-йўл, сариқ-кўк бекасамга ўхшайди» деб бола кўз олдида тасвирлаш билан бирга унинг тилни ёрат ширинлигини ҳам моҳирона ифодалайди. Айни чоқда, ширин-шакар ҳандалакни, «шарбатларга тўлиб» тошган узумларни етиштирган бободехқон меҳнатига болаларда муҳаббат уйғотади ва бундай меҳнатнинг роҳатини тўлқинланиб қўйлади:

Олиб келиб сўйгандা
Шарбати оқиб кетди.
Еган чоғда меваси
Жуда ҳам ёқиб кетди.

Шунда тоза севиндим,
Ёзда қилган ишимга,
Уни қанд, асал қилган
Яхши парваришинга...

Уйғун ижодида фольклор мотивлари яққол сезилиб туради. Унинг Навоий, Гулханий, Ҳамза асарларидан таъсиранган ва ҳалқ оғзаки ижодидан руҳланган ҳолда яратган «Ёлғончининг жазоси» эртак-достони ёш китобхонлар муҳаббатини аллақачон қозонгандир.

Гарчанд бу асарнинг сюжет чизиги «Шер ва дуррож»-га үхшаб кетса-да, достонда бутунлай бошқа воқеа, бошқа образлар талқин этилади. Унинг асосий образларидан бири — Холвой ёлғончи, хасис бой тимсолида гавдаланади. У бойлик кетидан қувган кимса. Шунинг учун ҳам «ишонмасдан чупонга, үзи боқарди қўйни».

Холвой қўй боқиб юриб, бир куни сахарда жуда зерикади, нима қиласини билмай, одамларни синааб кўрмоқчи бўлади:

— Дод келинглар, келинглар!
Югуринглар, елинглар!
Кўйимга тегди бўри,
Куриди қўйнинг шўри!

— дея овози борича бақиради, додлайди. Одамлар ширин уйқуларини бузиб, «қўлга таёқ олишиб, чопиб, чарчаб, толишиб», ёрдамга етиб келадилар. Лекин бой қувончини сезган оломон ундан қаттиқ ранжийди. Холвой халқ қаҳр-ғазабига дучор бўлади, үзига ишончни йўқотади. Бошқа куни қўйларига чиндан ҳам бури текканда хар қанча бақириб-чақирмасин, ҳеч ким ёрдамга келмайди.

Бўрилар, хатто, бойнинг үзини ҳам еб қўйишига оз колади. Алданган халқ эртаси куни бу воқеани кўриб, Холвойга ачинмайди.

• Аксинча:

Заарларинг кўп бўпти,
Ажаб бўпти, хўп бўпти!
Ёлғончига шу сазо,
Шунга лойик жазо!

— деб таъна тошини ёғдиради.

Хуллас, Уйғуннинг болаларга атаб ёзган асарлари улар характери, орзу-умидлари, қизиқишлигини үзida мужас-сам этиши билан қадрли.

ҲАМИД ОЛИМЖОН (1909—1944)

Ҳамид Олимжон ўзбек болалар адабиётини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшган улкан истеъдодлардан биридир. У «Ойгул билан Бахтиёр», «Семур» каби эртак-достонлари, «Болалик», «Хулкарнинг шеъри», «Самолёт», «Лола», «Ватан», «Она ва ўғил», «Зафар достони», «Жангчи Турсун» ва бошқа асарлари билан ўзбек болалар адабиётининг хазинасига муҳим ҳисса қўшди.

«Ҳамид Олимжон ёшлигига соғлом, шўх, зийрак» (Сарвар Азимов), интилувчан бола бўлган. У ҳозирги болаларнинг келажакдаги порлоқ ҳаётини шўх, қувноқ руҳда куйлади.

Бўлажак шоир Ҳамид Олимжон Жиззахдаги Наримонов номли мактабни тамомлагач, Самарқанд педагогика билим юртига кириб, уқиши давом эттириди. Фоят тиришқоқ ва қунт билан ўқиган Ҳ. Олимжон давр ҳаёти ва интилишларини кўйидагича шеърга солади:

Кунлар утди.
Шахар бизни
Олов кўзли,
Темир танли
От билан
Кўкрагига чакирди...
Ёш кўнгиллар,
Поёни йўқ хисларни,
Йўлга сепиб,
Сунг завқларга толдилар,
Йиллар учиб кетдилар,
Кўп баҳорлар
Қанот ёзиб,
Тилакларга етдилар...

Шеърда болаларга хос интилиш, орзу-умидлар, келажакка бўлган ишонч туйғулари образли мисраларда табиий ва самимий ҳолда намоён бўлади. Шоир турли ҳаётий, ҳаққоний тафсилотларда, бой ифода воситаларида болаликка хос хусусиятларни фоят завқли мадҳ этади.

Шоир «Хулкарнинг шеъри» асарини қизи Хулкарга бағишилайди. Хулкар образида кичкин тойларнинг ажойиб фазилатларини тасвирлайди. Шунга кўра, асар умумлашма мөхиятга эга.

Шеърда Хулкар «Мехнат узра каноти»ни ёзиб, «Ок қушларнинг үлкасида юриш»ни истайди. Бироқ бунга осонлик билан эришиб бўлмайди, албатта. Бунинг учун кунт ва чидам билан ўқиш, илм-фан чўққиларини эгаллаш, тер тўкиб меҳнат қилиш талаб қилинади. Шоир ўз жажжи қаҳрамони олдига ана шундай муҳим, масъулиятли вазифаларни кўяди. Бу билан бола тарбиясида ўзининг масъулиятини чукур ҳис этган олижаноб ота — тарбиячи образи кўз олдимизда яққол гавдаланади.

Шеърда шоир Хулкар тақдири мисолида болаларнинг ёрқин келажаги ҳакидаги юксак мақсадни ифода этади:

Тушаб алвон-алвон гиламлар,
Сенинг билан яшасин баҳор,
Сенинг билан хущ бўлсин дамлар,
Сенга доим шодлик бўлсин ёр.
Сени курса очилсин гуллар,
Сени курса ёнсин булбуллар,
Сени кўрган бари топсин жон,
Сен юрган ер кўрмасин хазон.

Шоирнинг «Лола» шеъри мактабгача таълим ёшидаги болаларга бағишиланган. Бу шеърда ҳам «Хулкарнинг шеъри»даги сингари шоир мақсади тўла мужассам этилган. Шоир миллионлаб жажжӣ кизларнинг она-Ватан кучофида қувнок ҳаёт кенириши ҳакидаги орзусини Лола тимсолида ифодалайди. Шоир Лола яшаётган Ватанни гулга тўла бир бўстон сифатида таърифлайди:

Лола бокчага чикиб,
Кечга қадар гул терди.
Этак-этак тўплади,
Хар кунгидан мўл терди.
Сочига гул боғлади,
Чаккасига тақди гул,
Елкаларидан ташлаб
Гулга кўмилди буткул.

Ҳақиқатан ҳам бу ёшдаги болалар гул-лолаларга үхشاши, уларга худди гулларга үхшатиб эҳтиётлик ва меҳрибонлик билан муомалада бўлиш зарурлиги таъкидланади. Шоир шеърни бекорга «Лола» деб номламаган. Бу маълум рамзийлик касб этади. Ҳар бир бола ўзига хос гулдир. Шоир ифода этаётган ушбу ғояни ҳаётий эпизод — лоланинг гулзорда гул-лолаларга ўралгинин ихчам чизиш орқали тасвирлайди. Айни чокда, шеър китобхонда табиат гузаллигига, она-Ватанга мұхаббат ҳисларини уйғотади.

Озод, эркин она-Ватанимизни жондан севган, эъзозлаган Ҳамид Олимжон «Ватан» шеърида мамлакатимизнинг тенги йўқ куч ва қудратга эгалигини, шу Ватанинг фарзанди бўлганлигидан беҳад хурсандлигини ғоявийбадиий юксак мисраларда беради:

Шодлигим кўкка сиғмас,
Битмас баҳтим бор маним,
Мени баҳтиёр қилган
Шу енгилмас Ватаним.

Шоир боладаги она-Ватан билан фахрланиш сабабларини ҳам зўр эҳтирос билан чизади:

Душманга омон бермас
Ҳар бир аскар отган ўқ.
Дунёда меникидай
Катта ва зўр Ватан йўқ.
Ёвнинг уқи ҳеч қачон
Аскаридан утмайди.
Нишон олса осмонни,
Самолётда етмайди.

Албатта, бу мисраларда, шоир ишлатаётган муболагаларда ёш қаҳрамоннинг орзу-умидлари, тасаввурлари мужассам этилган. Одатда, болалар ўзлари меҳр қўйган нарсаларни «утда ёнмас, сувга ботмас» ҳолда кўришни орзу қиласидилар. Шоир болаларга хос шу хусусиятлардан усталик билан фойдаланиб, уларда Ватандан фахрланиш туйғуларини курсатишига ҳаракат қилган.

Ҳамид Олимжоннинг болалар учун ёзган шеърларининг деярли ҳаммаси ҳажм жиҳатидан ихчам, болаларбоп, ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммалдир. Шоир шеър-

лари болаларга тез ва осонлик билан сингади. Содда ва ихчам мисралар, ўйноқи, жўшқин қофиялар, образли ифодалар, бадий тасвиirlар, характерли, болаларбоп парчалар шеърларнинг қимматини оширади, кичкинтойларнинг тез ёдлаб олишларига имконият яратади.

Ҳамид Олимжон болалар учун ёзган шеърларида турили тасвирий воситалар, ажойиб үхшатиш, сифатлаш ва истиораларни моҳирлик билан қўллайдики, булар асарнинг ғоявий-бадиий мукаммаллигини таъминлабгина қолмай, китобхонларнинг сўз бойлигини, нутқини бойитади, уларда эстетик завқ-шавқ ўйғотади.

Шоир болалигиданоқ халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд бўлди. Эртаклар оламига уни бувиси олиб кирди. Буни шоир шундай хотирлайди:

Болалик кунларимда,
Ўйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим...
Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир қилган ҳиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.
Тинглар эдим бетиним,
Узун тунлар ётиб жим.
Сеза олардим кучин,
Кўпи ёлғон кўли чин.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижодининг энг нодир асарлари, улардаги халқ донишмандлигининг ажойиб фазилатлари шоирни ўзига тортган, завқини оширган, адабиётга ҳавас ўйғотган, бадият оламига киришига катта таъсири этгани. Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижоди асарлари таъсирида «Ойгул билан Бахтиёр» (1937), «Семурғ ёки Париздод ва Бунёд» (1939) каби ажойиб достонларини яратган.

Халқ оғзаки ижоди бўлмиш «Маликаи Ҳуснобод» эртаги асосида яратилган «Ойгул билан Бахтиёр»да шоир ватанни севиш, зулмга қарши ғазаб-нафрат билан курашни тарғиб қиласи. Ботирлик, мақсадга эришиш йўлида саботли бўлишга ёш китобхонни даъват этади. Мақсадни ифодалаш учун шоир достонда яхшилик билан ёмонликини, адолат билан зулмни, гузаллик билан худбинлик дунёсини қарама-қарши кўяди. Бу ғоялар бир томондан Ой-

гул, Дархон, Тарлон образлари, иккинчи томондан, Жамбил ва Журжон хонлари образлари орқали ёритилади.

Халқ эртагидан фарқли равишда достонда меҳнаткашларнинг озодлик учун қаҳрамонларча олиб борган кураши, уларнинг енгилмас иродаси ифода этилади:

Бирори ушлаб косов
Саваларди келса ёв.
Болтаси бор бирининг —
Ўлим келмас унга тенг.
Агар дуч келса шу чоқ,
Ағдараарди бўлса тоғ.

Асарда халқ кураши ва қўзғолони Дархон билан унинг кизи Ойгул бошчилигида намоён бўлади. Ойгул фақат гўзаллиги билангина эмас, балки жасур, меҳнаткаш, иродали, ақлли, халқпарвар, тадбирли аёл тимсоли сифатида ҳам чинакам халқ қаҳрамони даражасига кўтарилади ва укувчида унга нисбатан чуқур муҳабbat уйғотади. Ойгул образи золимларга нисбатан ғазабкор, подшоларнинг молу дунёсидан кўра озодликни афзал кўрувчи, соғвижданли камбағал аёл тимсолидир.

Шоир халкнинг енгилмаслигини ўтга солса куймайди, қилич солса утмайди, милтиқ ўқи тешмайди, сувга солса чўкмайди каби халқчил ибораларда болаларга тушунарли ва қизиқарли тарзда ифодалайди. Буни Ойгулнинг сандик билан сувда оққанда, Жайхун балиқ ютганда ҳам тирик қолиши воқеаларида кўриш мумкин.

Ойгул кишини молу дунёсига қараб эмас, балки унинг хақиқий инсоний фазилатларига қараб севади. Шунинг учун у хон ва подшодан кўра «қиличдай ўткир», аммо камбағал Бахтиёрни севади, унинг оиласига ғамхўрлик қилади, меҳнаткаш халқни оғир, машакқатли ҳаётдан куткариб, озод, баҳтли ҳаётга эриширишда, «янги бир дунё» яратишда Ойгул халққа раҳбарлик қилади. Эзилган меҳнаткашлар Ойгулнинг яхши ниятларини кўллаб, уни амалга оширишга киришадилар. Натижада улар:

Болаларга саройлар,
Гузал, озода жойлар,
Ҳар қадамда бир бўстон,
Ҳар ерда бир гулистон, —

яратадилар.

Шоир Ойгулни ўз эл-юртини чин дилдан севган, мамлакат ободончилиги учун тинмай курашган ватанпарвар ва халқпарвар аёл сифатида улуғлайди, зотан, унинг раҳбарлигига, кўпчиликнинг кучи билан камбағал ва қулларнинг ватани — Сусамбил «жаннатга тенг ўлка бўлди». Камбағалларни ва уларнинг болаларини озод, баҳтиёр ҳаётга эриштиришда халққа раҳбарлик қилгани учун Ойгулни эл жондан севади.

Асарда Ойгул шахсий қиёфада гавдалантирилади: у душманга нисбатан қаҳр-ғазаби қайнаб тошган, яхшиликка яхшилик қайтаришни ўзи учун бир баҳт деб биладиган шахс ва ҳарбий таълимни жуда пухта эгаллаган жасур, қаҳрамон аёл сифатида ҳам халққа ардокли. Бу жихатдан у китобхонга жасур аёл — халқ қаҳрамони Тўмарисни эслатади.

Шоир Ойгулнинг ватанга ва халққа қилган зўр хизматлари учун уни қанча-қанча эл севганлигини тасвиirlар экан, унинг гўзал ва ёқимли тасвирини маҳорат билан чизиб, китобхоннинг меҳр-муҳаббатини яна бир бор оширади.

Ойгул туриши билан
Сарой чараклаб кетди.
Ҳамма ёқ бўлиб равшан,
Үйлар яраклаб кетди.
Ой деганда юзи бор,
Кун деганда кўзи бор,
Бир гўзал қиз қаршида
Бебаҳо эди жуда.
Қалдирғоч қошларидан,
Тўниб қарашларидан
Ҳаёт сочилар эди,
Гуллар очилар эди...
Ой деганда юзи бор,
Кун деганда кўзи бор,
Гўзал, доно Ойгулни, —
Бу барно баҳор гулни
Эл севар эди жондан.

«Ойгул билан Баҳтиёр»да кекса Дархон образи ҳам диккатга сазовордир. Дархон жабр-зулмга қарши озод-

лик учун кураш олиб борган исёнчиларнинг бошлиғидир. У зўр иродали, зулмга ва ноҳақ қон тўкишга қарши курашувчи исёнкор сифатида тасвирланган. Шоир унга хос исёнкорлик сабабларини шундай шоирона тасвирлайди:

Дархон сўз бошлаб деди:
«Мен ва қизимдан бошқа
Ўлмаган кул колмади,
Кириб шунчалик ёшга
Кўрмовдим шунча конни,
Шунча зору фиғонни.
Эл хону монин буткул
Сен ўт ёқиб этдинг кул.
Сендай конхўр золимдан
Қолмасин деб бирор зот,
Бош кўтардик, зулмдан,
Бўлмоқчи эдик озод».

Бу мисраларда шоир Дархон исёнининг сабабини баён этибгина қолмай, Жамбил хонининг золимлигини ҳам фош этиб ташлайди, беҳисоб гуноҳсиз кишилар қонининг тўкилишига сабабчи бўлган хонга нисбатан китобхонларнинг нафратини оширади.

Хон Дархонни ўлимга маҳкум этган чоғда ҳам, у ўз мақсадидан қайтмайди, келажакка, озодликка катта умид билан қарайди:

...Лекин бу гал бўлмади,
Аммо тилак ўлмади:
Бир кун сани йиқармиз
Ва қабрга тиқармиз.

Камбағалларнинг бахтга эришиши, юртга бош бўлиб, уни обод қилиши ва тинчликни сақлаш воясини шоир Бахтиёр образи орқали ифодалайди.

Асарда Бахтиёр образи ҳалқ қаҳрамонларига хос хусусиятларга эга шахс сифатида тасвирланади. Шоир уни «Чинордай қоматдор», «Кўкраги офтобни яширган», «Қиличдай ўткир, Рустам каби зўр» каби эпитетлар билан гавдалантиради.

Шу тариқа Ойгул ва Бахтиёр — оддий меҳнаткаш халқ вакиллари — халқ озодлиги курашчилари даражасига кутарилади.

Асарда Ойгул ва Бахтиёр бошчилигига ўз бахтига эришган, мақсадига етган меҳнаткаш халқ вакиллари ҳам кўрсатилади. Шоир меҳнаткашларни ҳамиша эзиб, хўрлаб келган, ватанинни ҳаробага айлантирган хон ва подшоларнинг ёвузлигини ҳам моҳирона фош этган.

«Тани заҳарга ботган Жамбилинг золим хони» шулардан биридир. Жамбил элининг хони Дархонни ўлдиргач, Ойгулга «менга хотин бўлурсан» деганда, Ойгул:

Тақдирим ёр бўлса-ю,
Фурсат қулагай келса-ю,
Сени агар ўлдирсам,
Танангга ҳанжар урсам,
Дунёда энг бахтиёр,
Одам бўлардим, номдор, —

дея ғазаб билан унга тик қарайди.

Шоир «кутуриб қаҳри келди, илондай заҳри келди» каби аниқ үхшатишлар орқали хоннинг золимлигини яна ҳам яққолроқ кўрсатади.

Ҳамид Олимжон бу достонни ёзишда халқ оғзаки ижодининг энг яхши анъаналаридан усталик билан фойдаланган. Шунинг учун шоир эртакдаги парчаларга ижодий ёндашиб, бир қатор образларни (масалан, қул Тарлон образи) ҳам киритади. Айни чокда, асарда халқ — буюк кучдир, деган мазмун етакчилик қиласиди. Асар ғоявий-бадиий жиҳатдан ниҳоятда мукаммал. Достонда хилмажил манзаралар, чуқур қички кечинмалар кенг лирик-эпик тарзда кўрсатилган.

Ҳамид Олимжоннинг ғоявий-бадиий жиҳатдан баркомол бу достони болаларни ватанпарвар, қаҳрамон, жасур, ўз халқига содик қилиб ўстиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон маданияти, адабиёти ва унинг энг муҳим қисми бўлган болалар адабиётининг юксалишига катта ҳисса қўшган шоир Ҳамид Олимжон болаларнинг ҳам севимли шоири бўлиб қолди.

ЗАФАР ДИЁР (1912—1946)

Хозирги замон үзбек болалар адабиётини Зафар Диёрсиз тасаввур қилиш қийин. Унинг шеър, қўшиқ, дoston, хикоя ва пъесалари ёш китобхонга катта эстетик завқшавқ бағишлиб келмоқда. Катта истеъдод эгаси Зафар Диёр 1912 йилда Наманган вилоятининг ҳозирги Чуст тумани, Самсоқтепа қишлоғида камбағал дехқон оиласида туғилди. 1916 йилда Зафарлар оиласи Тошкент шахрига кўчиб келади. Зафарнинг отаси далада, онаси эса босмахонада меҳнат қиласидар.

1927 йилда Зафар тўлиқсиз ўрта мактабни битиради ва Самарқанддаги Наримонов номли педагогика техникикумiga ўқишга киради. Техникумда кўпроқ илм-фан сирларидан баҳраманд бўлишга харакат қиласидар. Унинг дастлабки шеърий машқлари билим юрти деворий рўзномаси сахифаларида курина бошлайди.

Йигирманчи йиллар охири ва уттизинчи йиллар бошларида унинг ёшлар газета ва журналларида илк шеърлари чоп этила бошланди. Зафар Диёрнинг биринчи шеъри ёш шоирларнинг «Қурилиш кўйлари» деган тўпламида босилиб чиқди. Кўп утмай, унинг биринчи шеърлар тўплами ҳам «Қўшиқлар» номи билан 1933 йилда нашр этилди.

Ёш шоир 1933 йилда билим юртини муваффакиятли битиргач, ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Бу ҳол унинг мактаб ва болалар ҳаёти билан яқиндан танишишида, ёш авлод ҳаёти ҳақида ёзадиган асарларининг ҳаётий, пухта бўлишида ижобий роль ўйнайди. Унинг бундай руҳдаги шеър, хикоя ва очерклари 1928 йилдан бошлаб матбуот сахифаларида тез-тез босилиб турди.

1934 йилда Зафар Диёр Самарқанддан Тошкентга қайтади ва ҳозирги «Тонг юлдузи» газетасида адабий ходим, кейинроқ рўзноманинг масъул котиби бўлиб ишлайди. Шу билан бирга у ҳозирги Тошкент давлат педагогика университетининг тил ва адабиёт факультетига кириб, ўқишини давом эттиради. Үзбек ҳамда кардош халқлар ёзувчиларининг асарларини қунт билан урганади. Зафар Диёр кичкинтойлар учун шеърлар ёзар экан, изланиш, ўқиш,

ўрганиш зарурлигини дилдан хис этади. «Болалар учун асар ёзиши мен үзим учун жуда қийин ва масъулиятли вазифа деб биламан. Бу масъулиятли вазифанинг удда-сидан чиқиш учун тинмай ижодий изланишдаман».

Ўша йиллари газетада Зафар Диёр билан бирга ишлаган ёзувчи Ҳаким Назир үз эсадаликларида шундай ёзади: «Мен Зафарни ўйласам уни нукул шод-куррам болалар куршовида, қувноқ чехрасидан нур тарашиб, сертабассум лабларидан шеър дурдоналари ёғилаётгандай кўраман. Чинданам у болаларга жуда яқин эди. Мактаблар ва болалар уйларида, кутубхона ва боғчаларда бот-бот булар, ёш китобхонларга янги-янги шеърларини болаларча мулойим, содда, ширали овоз билан ўқиб берар, айrim шеърларини ёддан жуда ўхшатиб декламация қилас, болаларга ҳам шеър ўқитиб эшитарди. Шунда у үзининг қайси шеърлари билан болалар кўригидан яхши ўтганини, қайси шеърини кўпроқ севиб қолганларини кўтар, болаларга ёқтириш учун қандай шеърлар ёзиш лозимлигини фаҳмлаб оларди. «Биз болаларга нукул ўргатибина қолмай, улардан ўрганиб ҳам туришимиз керак», дерди.

Зафар Диёр 1935 йилда дастлабки машхур асарларидан бири бўлган «Машинист» достонини яратди. Достондаги Ашур образи баҳтиёр ёшларнинг фазилатларини умумлаштиришга бағишлиланган.

Мактабда ўқиш Ашурни хунарли қилиш билан бирга, унинг онги ва тушунчасини ҳам ўстиради. У Ватанга садоқатли, ҳар доим олға интигувчи илфор ёшлардан бири бўлиб етишади. Шунинг учун достон қаҳрамони үз умрини Ватан йўлига тикишга тайёр туради:

Севинаман, ҳали ёшман, кўп яшайман
Бу ўлканинг саодати — баҳти учун.
Яна ўқиб, яна кулиб кўп яшайман
Шу кўпларнинг бири бўлиб ўлкам учун.
Ҳа! Мамлакат шундай ваъда берай сенга:
Бутун умрим сенинг порлок ҳаётингга!

Асар ёшларнинг илм-фанга, касб-хунарга, она-Ватанга муҳаббат, садоқат рухи билан сугорилган.

Зафар Диёрнинг ўттизинчи йиллар ижоди ватанпарварлик, байналмилаллик ва меҳнатсеварлик туйғулари-

ни акс эттирувчи асарларининг кўплиги билан характер-лидир. Бу хил асарлар ёшлар характеристики шакллантиришда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаб келмоқда.

Шоир ижодидаги муҳим мавзулардан бири инсон ва табиат муносабати мавзуидир. Шу жиҳатдан унинг «Тан-тана» шеърлар тўплами (1938)даги қўплаб шеърлари характерлидир. «Бинафша», «Навбаҳор», «Қушлар ҳақида қўшиқ», «Капалак» сингари шеърлари ҳам шулар жумласига киради.

Ранг-баранг гулларни, турли-туман қушларни севган шоир болалар руҳиятини чуқур таҳлил этиб, уларни ҳам она табиатни севишга ва парвариш қилишга руҳлантиради, ёшларни меҳнатдан завқланишга ўргатади. Шоир болаларда қушларга муҳаббат ҳиссини ўйғота оладиган қувноқ вазн, ўйноқи мисралар яратади. Шоир шу мақсадда сўзларнинг хилма-хил такоридан, мисраларни эса Маяковскийчасига тизиб, тасвирнинг оҳангдорлик жарангни, кучини янада оширади:

Хой қушлар,
қушлар,
қушлар,
Қанот қоқиб келинглар,
саъва,
майна,
булбуллар
Сизга термулар кўзлар...
Бизга ортиқ ёқади
Кувноқ қўшиқ — куйингиз!

(«Қушлар ҳақида қўшиқ»).

Шоир болаларнинг табиат ҳодисаларига, ҳашарот-у жониворларга, айниқса, капалакка қизиқишини, меҳр-муҳаббатини кичкинтойларга хос сўз ва оҳангда ифодалаб, ҳаётга дикқат-эътиборини оширади, кучли завқ ўйғотади, капалак образи орқали китобхонда инсоний туйғуларни шакллантиришга ҳаракат қиласди.

Уч, уча бер, уча бер,
Гўзал боғчам — гулшандা.

Сира озор бермайман,
Севгим, фикрим ҳам санда.
Капалакжон, капалак;
Дүст бұлайлик иккимиз,
Тұхта, сұзлайин андек!

(«Капалак»).

Зафар Диёрнинг «Бинафша» шеърини ёддан билмагаш үқувчи бұлмаса керак. Шеър үзининг равон үқилиши, қофияларининг жарангдорлиги билан үқувчини үзига тортади:

Бинафшахон, бинафша,
Кулишларинг чиройли;
Боримизда очилиб,
Туришларинг чиройли.

Шоирнинг «Мамлакат», «Казбек», «Тилсиз үртоқ», «Мадриддан келган меҳмон» каби шеър ва достонлари шоир ижодининг ҳар тарафлама құксалишидан далолат берувчи лирик-эпик асарлардир.

Зафар Диёр болаларнинг хатти-харакатларини, орзу-интилишларини яхши билади. Шу жиҳатдан қарайдиган бұлсак, унинг «Кел, учайлик шимолга» шеъри ғоят характерлидір. Бунда шоир «Қуёш тушмайдиган» күтбни бориб қуришни орзу қылған боланинг лирик образини гавдалантиради. Ёш боланинг мурғак хәёли шимолий күтбни бориб қуришни, ундаги ҳодисалар билан танишишни хохладайды. Шоир лирик қаҳрамоннинг улуғ мақсадларга әришиш учун фан ва техника асосларини амалда әгаллаши кераклигини чуқур англаиди. Буни шоир моделчә ясаш жараёнида кичик ёшдаги болаларнинг рухиятига мос, содда ҳолда тушунтиради ва уларда катта ишларга — қаҳрамонликка ҳавас уйғотади:

Ёш бўлсан ҳам майлига
Қанот боғлаб учайин;
Муз сахроси Қутбнинг
Сирия мен ҳам очайин.
Хой, суюкли моделчам,

Тайёрмисан сафарга?
Фикрим сенда ҳамиша,
Кел, учайлик Шимолга!

Шоир довюрак учувчиларнинг тариҳда биринчи бўлиб кутб йўлини очганлиги билан болаларни танишириб, уларни чкаловлар каби мард учувчи бўлишга ундаиди.

Шу нарса характерлики, шеърда Зафар Диёр болаларнинг янгиликка интилиши ва қизиқишини қизғин қўллаб-қувватлайди, улардаги олий ҳис-туйғуларни ўстиришга, ватанпарварлик хисларини тарқиб топтиришга ёрдам беради. Шоир бундай юксак туйғуларни бадиий содда, таъсирчан ва мазмундор мисралар билан ифодалайди:

Бутун дунё англасин
«Бир моделист келти,—деб
Янги авлод байропин
Кутб узра тикиди, —деб».

Шеър боланинг келажакда орзу-умидига эришишига бўлган зўр ишонч билан тугайди. Бу асар болаларни илм ва ҳунарга муҳаббат, тинмай олға интилишга чақирик руҳида тарбиялаши жиҳатидан катта аҳамиятга эга.

Замондошларимизнинг янги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, мўл-кўл ҳосил олиш ва қишлоқларни ободонлаштириш ишида олиб бораётган курашлари «Юксак тоғ, кенг ўтлок ва мард ўртоқ ҳақида қисса» достонида очиб берилган.

Зафар Диёр достонда саҳро-чўллардаги шамолнинг вахимаси ва унинг аянчли тасвирини чизиб, китобхон диққатини асарга жалб қиласди. Достон эртак шаклида, болаларбоп усулда ёзилган. Шоир саҳроларнинг «Қашқир каби увилловчи», «Бойқуш каби ҳувловчи» даҳшатли шамоллари одам—табиат душмани эканини образли мисраларда ёритади. Бундан кейин шоир ҳаётни гўзал, саҳро-чўлларни обод қилишда сувнинг қадрини жуда яхши билган кенг ўтлокни жонлантириб сўзлатади ва у ерларда «гул ҳаёт» куриш ғоясини олға суради. Кенг ўтлок юксак тоққа мурожаат қиласди:

Не бўлармиш бизнинг ҳам
Кўксимиздан кетса ғам.
Бу ғам сувсиз кетмайди,
Сувсиз яра битмайди...
Мен сувингдан куч олсан,
Тентак елдан ўч олсан,
Узок йиллар хўрланган,
Қақраб тошга айланган
Кўксим бўларди обод,
Бошланарди гул хаёт...
Талабимга еткур тоғ,
Бер сувингдан, жон ўртоқ!

Юксак тоғ ҳам чорасизликдан ўз дардини — сувни
кенг ўтлоққа элтиб беролмаслигини ўкинч ва алам билан
сўзлайди.

Шоир энди болалар фикрини бошқа нарсага — дунёда
онгга, қудратга эга бўлган инсон ва унинг таърифига бу-
ради. Зафар Диёр инсоннинг куч-қудратини содда, маз-
мунли, ширали, болалар қалбига тез етадиган иборалар-
да ифодалаган:

Бу мардлик ва маҳорат,
Бу куч-қувват, жасорат
Инсонларга йўлдошdir,
Уларга хос қўлдошdir.
Бутун борлик — табиат
(Бу сўзларим хақиқат)
Бўйсунажак инсонга
Гул тутажак ул жонга.

Шоир инсоннинг ақл-заковати, куч-қудрати ҳақида
фикрлар экан муболағага зўр беради, инсонни ҳатто, та-
биатни ҳам ўзига бўйсундирувчи куч сифатида таъриф
этади. Албатта, бу фикрлар турғунлик даврининг оқиба-
тидир. Негаки, «Сирдарёning жиловланиши» бугунги кун-
да ҳалқимизга қимматга тушмоқда. Бир сўз билан айтган-
да, табиат инсонларнинг бошбошдоклик ҳатти-харакат-
лари учун шафқатсиз ўч олмоқда. Бундан бу асар мутлақо
кераксиз ёки заарли асар экан, деган хulosага келмас-
лик зарур. Асар китобхонларни меҳнатсеварликка, яра-

түвчиликка, табиат билан инсон муносабатида муҳаббат туйғулари булиши лозимлигига ундаиди. Бу фикрини ифода этишда шоир янги усул — тоғ ва ўтлоқларни жонлантиришдан фойдаланади:

— Ҳой, мард ўртоқ, мард ўртоқ...
Қара қанча кенг ўтлоқ
Сувсизликдан дили доғ,
Унинг охин ўчириб,
Чаманзорга айлантири,
Мангулика шодлантири.

Достонда шу тариқа халқимизнинг азалий орзуси — чўл-биёбонларни боғ-роғларга айлантириш орзуси ўзининг бадий ифодасини топган.

Зафар Диёр достоннинг роявий-бадий мукаммаллиги учун қаттиқ ижодий меҳнат қилган. Асарнинг композицион тузилиши халқ эртакларига яқинлиги билан характерлидир. Шоир асарнинг сехрли, романтик, яъни ғоят таъсирчан, ўқимишли булишини таъминлаш учун содда, ажойиб бадий-тасвирий воситалардан усталик билан фойдаланган. Кенг ўтлоқ, сахро, чўлларнинг сувга ташналиги ва унинг орзуси ҳақидаги «Битта тўйиб сув ис-сак», «Сув бер, менга сув бергин», «Кўксимдан сўнг гул тергин»; сахро ва унинг шамоли тўғрисидаги «Энг ғазабли, энг учли, харсанг тошдай қотаман, мисдек қизиб ётаман»; давр кишиларининг куч-кудратига оид «Чинордек зўр қомати, Гўрўғлидек савлати» каби тасвирий воситаларга бой мисралар фикримизнинг далилидир.

Бу асар ёш китобхонларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаши билан муҳимдир.

Зафар Диёрнинг кўпгина асарлари меҳнат мавзуига бағишланган. Ана шундай асарларидан бири «Кичкина боғбон ҳақида достон»дир. Достонда болалар ва ёшлар дов-дараҳтларни экиш, парвариш қилишга чақирилиб, меҳнат завқи ва аҳамияти куйланади. Бу ғоя Шотурсун образи орқали ифодаланади. Кичик қаҳрамон отаси билан биргалashiб мевали дараҳтларни парвариш қилишга, «Қўлда кичик кетмон» билан боғларни яшнатишга меҳр қўйиб, меҳнатда ўзини кўрсатади.

Зўр файрат ва катта иштиёқ билан ишга киришгина Шотурсуннинг ўзи парвариш қилиб юрган бир тун олмаси барвакт пишиб, мўл-кўл ҳосил беради. Бола бир йили ялқовликка берилиб, олмага қарамай қўяди. Шонрининг маҳорати шундаки, олмани жонлантириб унинг сўзлари орқали болаларга ибрат бўладиган фикрни айтади:

– Бу йил эса Шотурсун
Файратинг йўқ унчалик;
Берилмассан деб эдим
Ялқовликка бунчалик.
Ахволимни сўрмадинг,
Оқламадинг танамни;
Курт-кумурсқа талайди,
Эртадан кеч мевамни.

Олманинг бундай аянчли аҳволи Шотурсунга каттиқ таъсир қиласи ва у ўз хато-камчиликларини тұла англайди. Олманинг тилидан айтилган, «Иш ёқмасга, ялқовга мен ҳам энди душманман» деб, файрат билан иш олиб боради. Зафар Диёр уқувчида Шотурсунга нисбатан меҳр уйғотади, ундан үrnак олишга чақиради.

Зафар Диёрнинг учинчи тўплами 1939 йилда «Шеърлар» номи билан босилиб чиқди. Унинг бу тўплами мавзу жиҳатидан болаларболлиги, қизиқарли мазмун ва образли ифодалари билан ажralиб туради. Бу эса Зафар Диёрнинг ижод сирларини тобора мукаммал эгаллаб бораётганини, болалар ва ёшлар ҳаётини яхши үрганиб, улар учун пухта, баркамол асарлар яратиш йўлида тинмай ижодий меҳнат қилаётганини курсатади.

Тўпламдаги «Амударё бўйида» шеърида шоир ўлка чегарачиларининг лирик образини маҳорат билан чизган. Шеърда болаларни чегара соқчиларининг ҳаёти, уларнинг масъулиятли ва фахрли бурчи билан таниширади.

«Кутб қўшифи» шеърида эса шоир олам яратилғандан буён ҳеч ким бориб кўрмаган қутбни эгаллаган бугунги кишиларнинг жасорат-у куч-кудратини зўр муҳаббат билан куйлади.

Зафар Диёр кўп шеърларида ватанпарварлик, ватанга муҳаббат ғояларини илгари суради. Буларни ватаннинг

муносиб фарзандлари бўлиб етишишга ундейди. Бунинг учун уларга билим манбаи бўлган китобни севиб, фан асосларини чукур эгаллашлари зарурлигини уқтиради. Бу ғояни «Китоб, менинг дўстимсан» шеърида шундай тасвирлайди:

Варақласам бир бошдан
Кувнаб баҳрим очилур,
Олтин ҳарф-сўзлардан
Тотли маъно сочикур.
Шунинг учун дейманки:
Китоб, менинг дўстимсан!

Зафар Диёр китобнинг моҳиятини болалар онгига осон сингдиришда жонлантириш воситаларидан усталик билан фойдалана олган. Шоир китобни бола тилидан шундай таърифлайди:

Ҳар саҳифанг мен учун
Бир ҳикоят сўзлайди,
— Ўқиб, одам бўлгин, — деб
Яхши ният кўзлайди.

Шоир китоб боланинг энг яқин, меҳрибон дўсти, ғамхўр ўртоғи деб кўрсатгач, уни жон-дилдан севган боланинг жонли қиёфасини чизади:

Сени жондан севаман,
Мени тилга ўргатдинг,
Ҳадя қилиб илм-фан,
Ёруғ йўллар кўрсатдинг.

Шоир китобнинг моҳиятини болаларга чуқурроқ англатишида, уни таъсирчан қилиб гавдалантиришда: «Бахтим кулар китобдан», «Кувнаб баҳтим очилур», «Ёш уйноқи кўзларим шуур олар китобдан» каби истиораларни ишлаб, шеърнинг бадий таъсирчанлигини янада оширган.

Зафар Диёр иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. Айни чоқда, у тинмай, самарали ижод этди. Шоирнинг «Ғунчалар», «Серқуёш ўлка», «Она қўшиғи», «Бизнинг оила», «Қаҳрамон», «Танкист», «Улуғ байрам», «Қурол беринг менга ҳам», «Қаҳрамоннинг келиши», «Биз яшамоқ истаймиз», «Қўриқчиликда» сингари жанговар шеърлари шу йилларда яратилган.

Зафар Диёр баҳтли болаларнинг гўзал боғлардан, чи-манзорлардан, ранг-баранг гуллардан, баҳордан олган кувончини «Баҳор келди», «Орзу», «Қалдирғоч», «Куш-лар ҳақида қўшиқ», «Бинафша» каби шеърларида содда, равон тилда, оҳангдор, енгил қофияли, уйноки мисра-ларда шоирона талқин этади ва улар қалбида ҳаётга меҳр уйғотади.

Зафар Диёр бугунги ўзбек болалар драматургияси тараққиётига ҳам баракали ҳисса қўшди. У болалар ҳаёти ҳақида «Баҳтли ёшлиқ», «Ёш ватанпарварлар», «Омонат», «Уч оғайни» каби қатор драмалар ёзди.

Ўзбек болалар насрини ривожлантиришга ҳам Зафар Диёр ўз ҳиссасини қўшган ёзувчилардан. Унинг «Жўна-тиш», «Чупон қизи», «Ножуяликлар» каби ҳикоялари шулар жумласидандир.

Зафар Диёр болалар адабиётининг ҳамма жанрларида қалам тебратди. У болаларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳамда орзу-тилакларини, турмушини, рухиятини пухта билган-лиги учун болаларнинг ёшига, онг-тушунчасига мослаб, ғоявий-бадиий жиҳатдан пишиқ асарлар яратди.

Зафар Диёр турли ёшдаги болаларнинг тилини яхши ўрганиб, улар учун содда, равон, ширали тилда, уйноки вазнларда оҳангдор, таъсирчан шеърлар ёзди.

Шоир ўзининг қўшиқ ва шеърларида ҳамда бошқа асарларида ёш китобхонларни улур юртимизнинг беҳисоб бойликлари билан фахрланишга, келгусида яхши ҳаёт бунёд этишлари учун астойдил курашувчи, онгли, маданиятли, ватанпарвар кишилар бўлиб этишишлари учун аъло баҳолар билан ўқишга чақиради. У ёш авлодни меҳнатга муҳаббат билан қарашга, ростгўй ва интизомли булишга унлади, уларда ватанпарварлик, дўстлик туйғуларини ўстиришга катта эътибор берди. Унинг асарлари давр болалари ва ёшлари учун завқ багишлади, уларни ўқиш-ўрганиш ва камол топиш учун курашга руҳлантирди.

Ўзбек болалар адабиётининг ривожланишига шеър ва қўшиқ, достон ва эртаклари билан жуда катта ҳисса қўшган Зафар Диёрнинг асарларини болалар ҳамон севиб ўқийдилар ва юксак қадрлайдилар.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ (1907—1997)

Хозирги замон ӯзбек болалар шеъриятининг таракки-ётиди Қуддус Муҳаммадийнинг роли катта.

Қуддус Муҳаммадий 1907 йилда Тошкент шаҳрида меҳнаткаш дехқон оиласида дунёга келди. Бўлажак шоирнинг отаси Муҳаммад Алибек Абдураҳмонбеков анча саводли киши эди. У дастлабки маълумотни отасидан олди.

1925 йилда отаси вафот этгач, Қуддус Муҳаммадий аввал амакисиникида, сунгра эса мактаб-интернатда тарбия олади. Интернатда Қ. Муҳаммадийнинг биринчи шеъри «Чувалачи» майдонга келади ва бу ерда чиқадиган «Қуёш» номли деворий газетада босилиб чиқади.

Шу илк машқларида ёқ бўлажак шоирнинг нафосат оламини кузатиш ва бадиий идрок этиш таланти ҳамда умумлаштириш маҳорати якқол кўринади.

У етти йиллик мактабни муваффақиятли тамомлаб, Тошкент қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга киради. Бу ерда у болалар учун шеърлар ёза бошлайди. Унинг «Тонг ўйини», «Паранжи», «Аҳмад ва асалари», «Селекция станцияси» номли шеърлари вақтли матбуотда босилиб чиқади.

1931 йилдан Қ. Муҳаммадий мактабда ботаника ўқитувчиси бўлиб ишлайди, шу билан бирга Ўрта Осиё давлат университетининг биология факультетида ўқий бошлади.

Болалар уйидаги ва университетдаги ҳаёт, меҳрибон мураббий ва муаллимларнинг ғамхўрликлари Қ. Муҳаммадий қалбида бир умр ўчмас из қолдиради. Бу ердаги ўзаро дўстлик бўлажак шоир қалбини тоғдек кўтариб ўборади.

Қуддус Муҳаммадий Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ф. Фуломларни ўзи учун устоз деб билган, улардан ўргангандан, улар билан доимо ижодий мулокотда бўлган. Илк шеърларидан бири «Тонг ўйини» орқали улкан адаб Ойбек билан танишади. Ойбек бу истеъдодли болалар шоирини ҳамиша қўллаб-қувватлаб, ижодига ғамхўрлик қилиб келган.

Бир куни Ёзувчилар уюшмасида мушоира бўлади. Мушоира га раислик қилаётган Ҳамид Олимжон шеър ўқиш навбатини Қ. Мухаммадийга беради. Қ. Мухаммадий завқ билан «Саъва сайраркан» шеърини ўқийди. Қ. Мухаммадийнинг ижодий қобилиятини пайқаган Ҳ. Олимжон шеър тугаши билан уни ёнига чақиртиради. Қачондан бери шеър ёзишини, қаерда ишлашини суриштириб, шеър маъқул тушганини айтади. Сунг болалар учун шеърларнинг камлиги ҳақида тўхталиб, мана шундай ажойиб шеърларни кўпроқ ёзишни таъкидлайди.

Қ. Мухаммадий ижодига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири ҳозиржавобликдир. Шоир асарларида она Ватанга муҳаббат, аъло ўқиш, хулқ-одобда бошқаларга намуна бўлишга даъват этиш, фан ва техникани ўрганиш муаммолари асосий мавзулардан ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Куддус Мухаммадий Ислом шоирга адабий котиблик килади. Бу ерда у ҳалқ оғзаки ижоди намуналари билан яқиндан танишади. Ислом шоирдан кўп нарсаларни ўрганади.

Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами 1946 йилда «Ўқувчига эсадалик» номи билан босилиб чиқади. Шундан кейин унинг 60 дан зиёдроқ турли ном ва тиллардаги китоблари босилиб чиқди.

Куддус Мухаммадий доимо зарур мавзуларда асарлар яратиб келди. Ҳар бир шеърни кундалик ҳаётимиздан олиб ёзди. Ёзганда ҳам қизиқ ёзди, қизғин ёзди, соз ёзди. Болаларни ўқишга, хунар ўрганишга, одобли бўлишга, меҳнатга чақирди, қизиктирди, ёрдам берди. Буни шоирнинг «Ўқувчига эсадалик» шеърида кўриш мумкин. Асарда мактаб ўқувчисининг маънавий қиёфаси ва вазифаларига муфассал тўхталиб, ўқиш, билим ўрганиш зарурлигини таъкидлайди:

Бўлай десанг боғон,
Ё Ватанга посбон.
Ё осмонда учувчи,
Ё денгизда сузувлчи,
Нимани қилсанг тилак,
Барига ўқиш керак.

Санъаткорнинг қайси туркумда яратган асарини олманг, барчасида ҳаётбахш рух, даъваткорлик, болани нимагадир чорлаш, яхшилик, аъло ўқиш, ахлоқ-одобли бўлишда бошқаларга үрнак курсатиш, қушлар ва жони-ворларга меҳрибон бўлишдек ибраторумуз маъно ва мазмун ётади.

Шоир ўқувчи болалар ҳаётининг фақат энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалаларинигина қаламга олди ва уларни бадиий жиҳатдан ёрқин ва ифодали қилиб тасвирлашга уринди. Бу эса у томонидан ишлатилган тасвирлаш воситаларининг нақадар ўринли ва мазмундорлигини тасдиқлайди, образли ибора энг қисқа ифодали ва мазмундор ибора эканини исботлайди.

Куддус Муҳаммадий соғдил, аълочи ўқувчи болаларни самимий севади, уз шеърларида бундай болаларни мақтайди. «Аълочи Содик», «Синов», «Менинг орзум», «Бизнинг уйда», «Яша, Омон!», «Беш», «Солижоннинг дарсхонаси» ва бошқа шеърлари аълочи ўқувчилар ҳақида яратилганлиги билан муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Шоир бу шеърлари орқали аъло ўқиш, тинмай меҳнат қилиш билангина илм-фан сирларини эгаллаш мумкинлигини болалар қулогига қуяди.

Қ. Муҳаммадий ижодининг яна бир муҳим қирраси сатирик ва юмористик асарлари билан боғлиқ. «Номсиз эркатойлар ҳақида», «Дум», «Аҳмаджонга уят», «Лапашанг», «Равшанжоннинг қули тилга кирди» каби кўплаб шеърларида болалар характеристидаги ярамас одатлар аёвсиз танқид қилинади. Айниқса, шоирнинг «Дум» шеъри шу жиҳатдан характеристидир. Улгурмовчи, уйга берилган вазифани тайёрламай «дум» билан юрувчи ўқувчилар ҳақида наср ва назмда ёзилган кўпгина асарларни билализ. Аммо Қ. Муҳаммадий «дум»чилар устидан кулиш учун мутлақо янги сўз ва образ топган.

Шеър қувнок мисралардан ташкил топган бўлиб, болаларнинг рухига, педагогик-рухий хусусиятига мос тушиди:

Бир мактабда гап миш-миш
Турғуннинг думи бормиши.

Дум билан юриш инсон шаънига ярашмаслиги, иккичи, қолок, ишёқмас Турғунларнинг бундай ярамас думдан қутулиб кетиши зарурлиги асарнинг мантиқий хулосасидир.

Шоир ижодига назар ташласак, меҳнатга муҳаббат мавзуи алоҳида ўрин тутишини айтиш мумкин. «Бобомнинг меҳнати», «ГЭС курилиши», «Мироб», «Бу бинони ким курган?», «Этик», «Мадраим пайвандчи», «Мамажон шофёр» ва бошқа шу каби шеърларида меҳнат симфонияси жаранглаб туради. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, меҳнат аҳлини севиш, уларнинг бунёдкор фаолиятларини қадрлаш биринчи ўринда тасвиrlанади.

«Этик» шеърининг қаҳрамони Солижон деган бола. У ҳали кичкитой бўлишига қарамасдан мушоҳадаси ўткир, одобли. У «Ўрдак бурунли кавказча этигига гард юқтирамайди». Шунга кўра уни олифта бола экан, деб ўйлаш ҳам мумкин.

Шоир Солижон билан унинг этиги орасидаги мунозарага диққатни қаратади. Этик ўзининг чиройлилигини кўз-кўз қилмоқчи бўлади:

Кўп чиранма хуснингга,
Рахмат деб кўй бир марта
Сени тиккан устангга.

Солижоннинг «ўрдак бурунли кавказча» этигини «пупуфлаб» кийиб юриши — унинг тикилишига сарф қилинган меҳнатни яхши билишидан, эъзозлашидан, Болалар табиатан одам ва олам сирларини билишга астойдил қизиқадилар. Шоирнинг «Дунёда энг кучли нима?» шеъри ана шу қизиқишининг бадиий ифодаси сифатида эътиборга лойик. Шоир филни «тоғни ортсанг кутаради», шерни «филни ҳам тикка ейдиган», сувни «дарё, сой, ирмоқлари, булоқлари кўп», совукни «дарёларни тош қотирган», иссиқни «қиши совуқни қочирган», тоғларни «тоғу тошни қулаттар», қуёшни «қаримайди, учмайди» деб ҳар хил мавжудот ва ҳодисаларга хос характерли хусусиятларни foят жонли, қизиқарли ифодалаб, уларни болаларнинг сұхбати орқали поэтик равишда гавдалантиради. Буни ўқиган бола ҳодисаларнинг сабабини, уларнинг ҳаётдаги ўрнини тушуниб

олади. Бу боланинг фикрини, қобилиятини, онгини, дунё ҳақидаги тушунчасини оширади. Айниқса ёш китобхон дунёда куч-кудрат, ақл-заковатда инсонга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ эканлигини билиб олади:

Ўша кучли ўзимиз,
Борликнинг эгасимиз...
Хотирингиз бўлсин жам,
Дунёда кучли одам!

Мактаб ўқувчилари хар йили неча минг тонналаб темир-терсаклар йиғиб топширадилар. Бу ҳол анъанага айланиб кетган. Мактаб ўқувчилари бу ишга астойдил киришиб «ким кўп тўплашга» ўйнайдилар. Натижада, мусобақалар қизиб кетади. Шоир темир-терсак йиғиш чоғидаги ўқувчиларнинг қизғин меҳнатини, темир-терсакларнинг халқ хўжалигидағи ўрнини, улардан нималар тайёрланишини «Темирлар ўйини» шеърида ифодалайди.

Темирлар ўйинини ифодалашда шоир болаларбоп восита, оҳанг топган. Шеърни үқир экансиз, темир-терсакларни жонлантириш асосида уларнинг ҳар бирига ўзига хос тасвир топиши ва ғояни образли ифодалай олишини кузатиш мумкин:

Темирлар жаранг-жулинг,
Ўйнашиб диринг-диринг,
Дейишар: «Юринг-юринг»
Тушдилар қизиқ — танца,
Сакрашар асса-асса.

«Темирлар ўйини»даги «синик перо», «бузук ручка», «эски челяк», «чўлоқ кетмон», «занг босган мих», «кераксиз калит», «узук занжир» ларнинг ўз ҳолига ачиниши, болалар меҳнати, ташаббуси туфайли улар ҳам халқ хўжалигини ривожлантиришда ярокли булишидан хушнудлиги янада аник, жонли, лўнда ифодаланади! Энди улар кераксиз булиб ҳар ерда сочилиб ётмайди. Заводларда эритилиб қайта қўйилганидан сўнг меҳнат куролларига айланишади, яна ўз ўрнини топишади;

Курилишга борамиз,
Ўз ўрнимиз оламиз.

Шоир шеърнинг иккинчи қисмида мактаб болаларига ўзлари тұплаган темир-терсакларни заводға топширсалар, улардан нималар ясалишини тушунтиришга үтади:

...Электр салқы симлар,
Троллейбус, дизеллар,
Поезд, вагон, пұлат из,
Дарёни шарт түсгән ГЭС...
Хаттоқи қисқич, челяк,
Тегирмонда сим элак
Паловимиз капгири,
Човли, кастрюль — бари.

Халқ хұжалиги ва меҳнаткашлар әхтиёжини таъминлашда шундай катта ахамиятли нарсалар тайёрланғанлигидан темир-терсакларнинг:

Үйнашиб дириңг-дириңг,
Дейишар: «Юриңг-юриңг», —

тарзидаги кувноқлик рухини ифодалаш билан шоир болаларни бу ишга янада күпроқ рухлантиради.

Құддус Мұхаммадий шеърнинг қизиқарлы, болалар-боп булиши учун катта хизмат қилған. Жонлантириш усулидан усталик билан фойдаланиб, темир-терсаклар ахамиятини уларнинг ўзлари тилидан сұзлатади, ҳар қайсисига хос ва мос сифатларни топади. Дейишар: «Юриңг, юриңг», «Биз қачон бұламиз ЗИЛ?», «Тракторга винт бўлиб, Пахта майдонин кўрай», «Қурилишга борамиз», «Темир меҳнаткаш дўстим» каби жонлантиришлар шеърнинг роявий-бадиий томондан юксак булишини таъминлаш билан унинг таъсир кучини оширган.

Шоир шеърнинг енгил вазнда, равон ва охандор булиши учун ёрқин қофиядош сұзларни топа олган:

Синиқ перо дикиллаб,
Бу'зук ручка ликиллаб...
Темир ишин биламан,
Қайда кўрсам иламан,
Мактабга топшираман
Заводга ғашираман,—

каби поэтик тасвирлар шеърнинг ғоявий-бадиий мукам-маллигини таъминлаш билан унинг тарбиявий аҳамиятини ҳам оширган.

Табиат гўзаллигига бўлган улкан муҳаббат шоирга ҳамиша ҳамроҳдир. Мактабда муаллимлик қилиб юрган пайтида барг мавзусини ўтар экан «Баргжон» шеърини ёзди. Шу тариқа унинг «Момақаймоқ», «Қоқи ўт», «Боғимиизда бир нок бор», «Тут», «Толим гуллайди-ю, нега мева тугмайди», «Ток дарахти бир хил-у узуми нега ҳар хил», «Шафтоли доктор», «Асалари ва Аҳмаджон» каби шеърлари пайдо бўлди.

Шу жиҳатдан шоирнинг Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотига сазовор бўлган «Табиат алифбоси» туркумига кирган бешта тўплами характерлидир. Шоир бу тўпламларга кирган шеърларида табиат ҳодисалари, нарса ва буюмлар, коинот мўъжизалари ҳақида поэтик хulosалар чиқарган. Бу хulosалар ғоят болаларбопдир. Чунончи, зилзилани ернинг гимнастика қилиши деб таърифласа,чувалчангни «ер трактори» деб атайди, гилоснинг қизиллигини кичкиналигидан уялишидан деган хуносага келади. Хуллас, табиат мавзусидаги ҳар бир шеърида шу тариқа болалар характеристи ва тушунчасига хос ибратли фикр ифода этилади.

Қ. Мухаммадий ёш китобхонлар қалбида табиат ва инсон қўйчиси сифатида ҳар доим эъзозли бўлиб қолди.

ИЛЁС МУСЛИМ (1909—1993)

Болалар учун асарлар яратишини ўзи учун баҳт деб билган, сермашаққат ва қутлуғ бу ишга умрини бағиши-лаган Илёс Муслим 1909 йилнинг 2 августида Қирғизис-тоннинг Бишкек шаҳрида чўян қуювчи — хунарманд оиласида дунёга келади. У 1924 йилда шаҳардаги Наримонов номли 1-бошланғич ўзбек мактабига киради. Мактабда ўзбекча, қирғизча ва русча китобларни севиб ўқиуди, атрофда бўлаётган ўзгаришларга синчковлик билан қарайди. Дастлабки мақола ва шеърларини мактаб деворий ҳамда республика газеталарида бостириб туради.

1927 йилнинг кузида Илёс Муслим Тошкентга келиб, ўзбек эрлар билим юртига ўқишига киради. 1930 йилда у билим юртини муваффақиятли тамомлаб, Қашқадарёга боради. Яkkабоғ туманидаги шаман, қирғиз ва Шерози қишлоқларида ўқитувчилик қилиб, ёшларни илм-фан нурларидан баҳраманд этади.

1931—1942 йилларда Илёс Муслим Ўзбекистон Давлат нашриётида, бадиий адабиёт, ёшлар ва болалар адабиёти нашриётларида муҳаррир, бош муҳаррир, директор ўринбосари вазифаларида ишлайди. Шоирнинг дастлабки шеърлари «Ер юзи», «Ўзбек адабиёти ва санъати», «Ёш куч» каби бир қатор журналларда босилиб чиқади. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами 1932 йилда «Ўсув» номи билан китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади. Шу йили «Заҳархандалар» деган иккинчи тўплами, 1934 йилда «Микти келди» достони босилиб чиқади. 1938 йилда эса «Шеърлар» тўплами майдонга келади.

Илёс Муслим 30-йилларда яратган барча асарларида әрк, озодлик, янги ҳаёт, озод меҳнат, янги давр, ёшларнинг баҳтиёр турмуши, юртнинг ўсиши, дехқон тақдири **ва она**-Ватанга меҳр каби ўша давр масалалари тўғрисида фикр юритади. Масалан:

Ватан ҳамдам,
Хурмиз ҳар дам.

Ёшлик ғунча
Ўсар ҳар дам.
Мехнат тошди
Файрат жўшиб.
Ҳаёт қайнар
Зафар кучиб.

Илёс Муслим узининг «Миқти келди» (1933) поэмаси билан 30-йиллар узбек болалар достончилигини бошлаб берди. Достонда эркин, тинч ва осуда ҳаётни бунёд этиш учун кураш Миқти ва бошқа образлар мисолида очиб берилади.

Илёс Муслим 1942—1947 йилларда ҳарбий хизматда бўлади. Иккинчи жаҳон урушида немис-фашист босқинчиларига қарши кураш олиб боради. Биринчи Белоруссия фронтида ҳарбий мухбир булиб ишлайди. «Ёвни тутдай тўқамиз», «Адолат жангি», «Маршрут — Берлин!», «Тўпчиларга», «Яшна, Ватан!» ва бошқа ўнлаб шеърлари шу давр ижодининг маҳсулидир.

1947 йилда ҳарбий хизматдан бушаган Илёс Муслим нашриётга қайтиб, ижодий ишга берилади. Унинг «Турналар», «Бизнинг мактаб», «Сенинг совғанг», «Тилла кўнғиз», «Ишчан асаларилар», «Ойлар айтишуви», «Ойхон варайхон», «Курик», «Биринчи совға» каби китоблари ҳозирги замон узбек болалар адабиётиning ривожланишига баракали хисса булиб қўшилди. Бу тўпламлар ёш китобхонларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик тарбиясида етакчи роль ўйнаб келаётир.

Илёс Муслимнинг қайси асарига назар ташламанг, унда давримизнинг болалар адабиёти олдига қўйган вазифалари, кичкинчилар олдида турган муҳим ишлар тасвир марказига қўйилганини кўриш мумкин. Масалан, «Мактабим» асарини олиб курайлик. Унда дунёда мактабдан азиз, мўътабар жой йўқ, гўёки «она каби меҳрибон» бир мақон, кишининг саводини чиқарадиган, ўзини-ўзига танитадиган, онги ва ақлига ақл қўшадиган улкан маскан, деган ғоя илгари сурилади. Шунингдек, асарда боланинг мактабдан беҳад миннатдорлиги, ўзининг олдида турган бир қатор вазифалар, эл-юрга содик фарзанд булиш учун аввало мактабда яхши ва намунали ўқиш кераклиги содда ва равонмисраларда ифодалаб берилган:

Аъло ўқишидир бурчим,
Сарф этаман бор кучим.
Ишлайман халқим учун,
Қадрдоним мактабим!

Илёс Муслим қуёшли Ўзбекистонимизнинг гўзаллиги-ни, болаларнинг баҳтиёрлигини куйлар экан, уларнинг пор-лоқ келажагига назар ташлайди. Бу нуқтаи назардан қара-ганда шоирнинг «Дўстлик» шеъри диққатга сазовордир.

Шоир дўстлик ва тинчлик тушунчасини кичик ёшдаги бола тасавурида бериб, уларни мактабгача тарбия ёши-даноқ дўстлик руҳида тарбиялашни асосий вазифалар-дан деб билади. Бу ғояни тинчлик учун кураш туйғуси билан омухта этиб ифодалайди.

Шоир тинчликнинг моҳиятини тушунтиришда кичик ёшдаги болаларнинг савиясига мос усуслар қидириб топ-ган. Яъни болалар тинчликни ширин-шакар қанд, шоко-ладлар, конфетларнинг мўл-кўллигига деб тасаввур қила-ди, деган хулоса чиқаради. Тинчликни шу йўсинда ту-шунтириб, уларнинг фикрини тасдиқлайди:

Жуда мўл бўлар шоколадлар ҳам,
Столга тўлар мармеладлар ҳам.
Кўпаяр яна ширин кулча-нон,
Холва-ю, конфет обакидандон.

Боғларда ўйнаб-кулиб юрган, турли ноз-неъматлардан баҳраманд бўлган болалар ҳам, жаҳон меҳнаткашлари ҳам элнинг, юртнинг тинч ва обод бўлишини, ота-онала-рининг ташвиш тортмаслигини ҳоҳлайди. Шунинг учун ҳам шоирнинг кичик қаҳрамонлари оламга жар солиб, тинчлик бўлсин, дейдилар:

Боғларимизда яйраймиз ҳар дам,
Билим оламиз, куйлаймиз бардам.
Дунёда халклар кун кечирса тинч,
Ота-оналар ташвиш тортмас хеч.

Бу мурожаатда лирик қаҳрамоннинг — болаларнинг урушга қарши нафрати, озодлик билан дўстликнинг куд-ратига зўр ишонч ўз ифодасини топган.

Илёс Муслим «Сенинг совғанг» номли шеърида ўз хуна-ри билан ҳамманинг диққатини тортган чевар қизнинг

лирик образини яратади. Шоир бу образда ўз ҳунари билан фақат онасинигина эмас, ҳаммани ўзига жалб қилган жажжи қизнинг фазилатини кўрди ва уни гавдалантириди. Чевар қиздаги энг яхши фазилатлардан бири унинг меҳнатга меҳр-дили билан берилishiдир. Буни шоир турли истиоралар ёрдамида ифодалайди:

Чақнаб турган қувноқ кўзингни
Қўлингдаги ишдан олмайсан,
Ишни ҳар кун олиб ёнингга,
Зехн қўйиб кашта тикасан.

Шоир чевар қиз ўзининг бутун меҳр-муҳаббати билан тиккан каштасини онасига совфа қилиши — боланинг ота-онага бўлган чексиз муҳаббатини, у давр ёшлирига хос хислатларга эга эканлигини улуғлайди.

Шоир «чақнаб, қувнаб турган кўзларинг», «дилдан тошиб чиқкан сўзинг», «жажжигина бармоқларинг», «сен онангнинг кичик йўлдоши» каби мисраларда каштачи қизнинг ёқимли хислатларини очиб, уни ўқувчиларга намуна қилиб кўрсатади.

Илёс Муслим жисмоний меҳнатни мактабгача тарбия ёшидан бошлишни афзал кўради. Ўзининг бу эзгу ниятини у «Ойхон билан райхон» деб номланган жажжигина бир шеърида жуда лўнда қилиб таърифлайди.

Ойхоннинг оддий ва соддалиги, тиришқоқлиги ва уддабуронлиги ҳатто катта ёшдаги болаларни ҳам қойил қолдиради. У ҳар хил кучатлар экади. Гап шундаки, ерга кучат экиш бошқа, уни парвариш қилиш бошқа. Ойхон кучатларга меҳр билан қарайди. Тагини чопади, сув куяди. «Жамбил, сада, ош райхон» кўм-кўк бўлиб вояга етади. Айниқса, «Ойхоннинг сочи каби қуюқ усади райхонлари». Райхондан истеъмол қилиб кўрганлар меҳнаткаш қизчага раҳмат айтиб, миннатдорчилик билдирадилар:

Боболар насиҳатин
Эслаб севинчга ботди.
Ҳалол меҳнат роҳатин
Ойхон ҳам шу кун тотди.

Бугунги узбек болалар адабиётининг атоқли вакили Илёс Муслимнинг бундай жозибали шеърлари жуда кўп. Унинг фазогирларга бағишлаб яратган «Ракетамиз учди ойга», «Тўрт ботир», «Кичик Андриян», «Ҳайкал» ва бошқа шеърларида довюрак фазогирлар, фазо кемаларини бунёд этган кишилар, фазога парвоз этишга қизиқаётган болалар каламга олинади.

Шоирнинг «Эшматвойнинг қилиғи», «Ёмон одат», «Бефахм Эсон», «Холча билан олча», «Машмаша», «Гриппдан ким қочади?» сингари юмористик асарларида ишёқмас, дангаса, лапашанг, уз устида ишламайдиган болаларнинг камчиликлари, нуқсонлари очиб ташланади.

АДҲАМ РАҲМАТ (1909—1983)

Шоир ва драматург, республика матбуотининг илк заҳматкашларидан бири, жангчи-ёзувчи Адҳам Раҳмат болалар ва ёшлар адабиётининг тараққиёти учун салмоқли хисса қўшган адиблардан биридир.

Адҳам Раҳмат 1909 йилда Кўқон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. 1921—1923 йилларда болалар уйида тарбияланади. Тошкентдаги медицина техникуми ни тугатиб (1926—1928), уқитувчилик қилади. Адабиётга, бадиий ижодга бўлган меҳр-муҳаббат уни «Яна Фарона» газетасига, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Кўқон бўлимида (1930—1935) ишлашга олиб келди. У иккинчи жаҳон урушигача Ўзбекистон давлат нашриётида, газеталарда ишлади ҳамда Ўзбекистон Радиоэшиттириш давлат қўмитасининг болалар адабиёти бўлимида меҳнат қилди.

Шоир иккинчи жаҳон уруши даврида фронт газеталарида, кейин «Ўзбекистон овози» газетасида адабий ходим бўлиб ишлади, сўнгра Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриётида мухаррирлик қилди.

Адҳам Раҳматнинг ижоди 1930 йилда «Янги Фарона» рўзномасида босилган «Оқ олтин» ҳақида қўшиқ» номли шеъри билан бошланди. Шундан сўнг ёзувчининг «Бахтли ёшлиқ», «Дум», «Завқли аллалар», «Шеърлар», «Бизнинг боғчамиз», «Хайвонот боғида», «Шеър ва эртаклар», «Хур үлка», «Танланган асарлар», «Ўлмас қаҳрамон», «Кураш йўллари», «Ғалабага чорлаган мактуб», «Туртингилар», «Шинелли қизлар», «Изларни излаб» каби қатор китоблари нашр этилди.

Шоир Адҳам Раҳмат ҳақида гап кетадиган бўлса, у биринчи навбатда мактабгача тарбия ёшидаги болалар куйчиси сифатида эъзозланади. Адҳам Раҳматнинг жажжиларга бағишлаб ёзган қувноқ шеърлари, қанотли қўшиқлари, ажойиб-ғаройиб эртак-достонлари ҳар бир хонадонга, ҳар бир болалар боғчасига кириб борган. Бунга унинг кушлар, паррандалар ҳамда ҳайвонлар ҳақида ярат-

ган асарларини мисол қилиб күрсатишимиш мүмкін. «Келинг, қушлар» асари ўйноқи оңанғи ва фикрнинг очиқ-равонлиги билан ажралиб туради. Бола тилидан ҳикоя қилинган бу асарда қушлар ўзга юртларда қишилаб қайтиб келгунларига қадар бизнинг она үлкамизда қанчадан-қанча ижобий ишлар амалга оширилғанлиги — каналлар қазилиб, чүл-биёбонлар ўзлаштирилиб, бөвлар бунёд қилингандылығы, айниқса, қушларнинг эркин парвоз қилиб, қувнаб сайраб яшашлари учун бекіёт катта имкониятлар мухайё этилғанлиги чиройли ифодага әга:

Келинг, қушлар,
Келинг, қушлар,
Келинглар!
Бизлар курган
Каналларни
Күринглар!
Сизлар учун
Янги бөвлар
Қилдик биз,
Мирзачұлға
Ноёб гуллар
Экдик биз.
Қанот ёйиб
Зерикмайин
Үйнанғиз.
Хұп ёқимли
Куйларни сиз
Куйланғиз.
Келинг, қушлар!
Келинг, қушлар!
Келинглар!
Шу гулистон
Чаманда сайр
Қилинглар!

Хаётда ҳамма болалар ҳам парранда ва жониворларға мұхаббат билан муносабатда бұлавермайдилар. Айрим болалар, айниқса қушларнинг қишлоқ хұжалигіда турли зааркунанда, күрт-қумурсқаларни еб, бобо-декониларғи катта мадад берішларини билмайдилар. Адхам Рахмет

бундай ҳолга бепарво қарамайди, «Кушча ўғриси» шеърини ёзади. Қосим ўжарлик қилиб на ўткинчи чолнинг: «қушнинг боласига озор берма, увол бўлади, худо бу ишинг учун сени жазолайди», дейишига, на она қушнинг шохдан-шохга учиб чириллаб ялиниб-ёлворишига қарамай полапонларни олаётганида дараҳтдан қулаб, қўли синади. Адҳам Раҳмат ўжар Қосимга ортиқча панд-насиҳат қилмайди. Аксинча, кимки ўжар, ўзбошимча бўлса, ўзидан катталарнинг гапларига қулоқ солмайдиган бўлса, ундан болаларни ҳаётнинг ўзи жазолайди, деган чиройли хулосани тўрт мисра шеърида бериб қўя қолади:

Кушнинг азобин
Тортди бир ойлаб,
Синдириб қўлин
Ётди вой-войлаб.

Адҳам Раҳматнинг «Қалдирғоч, илон ва бешиктерватар» асари жуда завқли. Ёш китобхон асарни ўқий бошлиши билан сехрланиб, охири нима билан якунланишини сабрсизлик билан кутади. Асар ғояси жуда оддий ва ҳаётый. Қушларнинг боласини илон яхши кўради, дейди боболар. Буни Адҳам Раҳмат масалда жуда чиройли, ҳаяжонли қилиб берган. Она қалдирғоч овқатга кетган. Вақтдан фойдаланиб, илон харига ёпишиб полапонларнинг олдига чиқади: ох, «онаси келмаса иш бўлади кўп ёмон!»

Она қалдирғоч воқеадан хабар топиб, дўсти бешиктерватарни зудлик билан топиб келади. Бешиктерватар илоннинг додини беради:

Болаларни ейман деб
Ростлаганда ўзини
Бирдан бешиктерватар
Ўйиб олди кўзини.
Илон кўздан айрилиб
Тушди ерга юмалаб.
Бир тешикка кирди у
Ўзин зўрға амаллаб
Шундай қилиб қушчалар
Кутилишиди ўлимдан.

Масалда бирорга чох қазисанг, унга ўзинг йиқиласан, деган фикр илгари сурилади.

Жаҳон болалар адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Сергей Михалков Адҳам Раҳматнинг «Дум» асари ҳақида сўз юритиб: «Бу думнинг узилиб тушмай, болаларни кулдириш учун ҳалигача қимиirlаб тургани яхши, албатта», деб эртак-достоннинг тарбиявий аҳамиятига юксак баҳо берган эди. Ҳақиқатан ҳам Адҳам Раҳматнинг (сюжети Виталий Бианкидан олинган) бу эртак-достони китобхонлар орасида катта шухрат топди ва уларнинг севимли асарларидан бирига айланиб қолди.

Бу асар болаларнинг тушунчасини кенгайтиришда ва сўз бойликларини оширишда катта роль ўйнайди, уларни ақлли, фаҳм-фаросатли бўлишга даъват этади, ҳаддан зиёд ўй-хаёлга берилмасликка чақиради.

Фаҳм-фаросатсиз пашша ҳайвон, жонивор ва ҳашаротлардаги ўзларига ярашиқ думларни кўриб, ўзида ҳам ана шундай чиройли дум бўлишини орзу қилиб қолади. У ўзининг бу орзу-ниятини амалга ошириш мақсадида турли нарсалардан дум сўрайди, фаросатсизлиги туфайли ўзини ўзи шарманда қилади. Мана кийикнинг пашшага жавоби:

— Ўзинг қандай махлуксан,
Думни бериб бўлмайди.
Агар думим бўлмаса
Болаларим кўрмайди.
Кувиб қолса бўрилар
Бекинаман ўрмонга,
Болаларим югурап
Мен бекинган томонга.
Мен бекинган жойимдан
Чиқармайман унимни,
Кўрсатаман уларга
Факат оппоқ думимни.
Думни кўрган болалар
Мени топиб олади.
Душманларим тополмай
Оғзин очиб қолади.

Сурбет пашша барчадан дакки эшитишига қарамай, дум сўрашда давом этади. Охири сигирга мурожаат қилади.

Сигир оқ қўнгиллилик билан унинг илтижосини рад этади.
Лекин сурбет пашша ундан узр сўраб, нари кетиш ўрнига
сигирнинг устига қўниб, уни чақа бошлайди. Шоир ҳам:

Жахли чикди сигирнинг
Индамайин тик турди.
Пашша яна чаққанда
Думи билан бир урди.
Дум зарбидан пашшанинг
Нафаслари тиқилди.
Тил тортмасдан шум пашша
Шунда ерга йиқилди,—

дея асарга якун ясайди.

Шоир курт, балик, қизилиштон, тулки, сигир образлари орқали болаларга ҳайвонлар, турли жониворларнинг тузилишларини, уларнинг ҳаётларини ҳикоя қилиб бериш воситасида пашшанинг ифлос, зааркунанда эканлигини очиб ташлайди.

Адҳам Раҳматнинг «Ботир бола» эртак-достонини кичик болалар севиб тинглайдилар. Халқ эртаги асосида ёзилган бу эртак-достонда камбағал-қашшоқ овчи йигит ҳақида гап боради. Овчи кунлардан бир куни турна-подшони тутиб олади. Турна йигитдан мени қўйиб юбор деб илтижо қиласди. Овчи ишонувчан. Бу камбағал йигит ҳаётда ҳаммага ишонади, ҳатто турнага ҳам. Йигит қўлидан озод бўлган турна:

— Раҳм қилдинг менга сен
Яхши бола экансан.
Кўп тортиклар берурман
Агар борсанг сенга мен,—

деб унга ваъда беради.

Камбағал бола яхши ният, катта умидлар билан турна-подшоникига боради. Турна ваъдасида туриб, бола таблаб қилган «Очил дастурхон»ни беради. Бу дастурхон оддий эмас, сехрли экан:

Севингандан болажон
Дебди: — Очил, дастурхон,
Кенг очилиб кетибди,
Бирдан шунда дастурхон.

Турли-туман овқатлар
Дастурхонга тұлибди,
Она-бола ейишиб,
Түйіб хурсанд бўлибди.

Камбағални түяning устида ит қолибди, деганларидек, дастурхоннинг таърифини шу ернинг подшоси эши-тиб қолиб, уни боладан тортиб олади.

Оддий овчи бола энди подшодан қандай бўлмасин қасд олиш, ўзи каби эзилган, бева-бечоралар учун жангга кириш ўй-хаёли билан ёнади. Бу йўлда унга дўсти турнаподшо ёрдам қўлини чўзиши — қовоқни бериши ва боланинг довюраклик билан жангда ғолиб чиқиши тингловчига яхши таассурот қолдиради:

Подшо қараб турармиш,
Бола қўйиб қовоғин
Дебди — Қани, чиқинглар!
Чуқурларга тиқинглар!
Шунда қовоқ ичидан
Беҳад аскар чикибди.
Улар золим подшонинг
Аскарларин йиқибди.
Бола енгиб подшони
Хурсанд бўлиб кетибди.
Эл-юрти болани
Кучиб, табрик этибди.

Бугина эмас, Адҳам Раҳмат «Бизнинг боғчамиз», «Пилла қурти боқамиз», «Оиламиз», «Ёз ойлари» каби асарларида ҳам кичик болаларни катталарнинг меҳнатлари билан таниширади, болалар ҳам меҳнат жараённада отоналарига бевосита кўмак берадилар.

Адҳам Раҳмат «Абдулла Набиев», «Дўстлик» пьесалари билан ҳам катта-кичик болалар ўртасида яхши танилган.

Адҳам Раҳмат урушдан сўнг ҳарбий ватанпарварлик рухи билан суворилган бир неча китоблар ёзди.

Адҳам Раҳмат ўз асарлари билан Зафар Диёр, Мажид Файзий, Доржия Оппоқова, Илёс Муслим, Шукур Сайдулла, Султон Жўра, Куддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир каби ёзувчилар қаторидан муносиб ўрин олган сўз санъаткоридир.

СУЛТОН ЖҮРА (1910—1943)

Султон Жұра 1910 йилнинг 15 январида Бухоро вилоятининг Шоғиркон туманидаги Қағалтом қишлоғида камбағал дәхқон оиласида туғилди. Етти ёшида ота-онасидан етим қолған Султон ҳар кимларнинг эшигидә хизмат қылды. У дастлаб бошланғич мактабда ўқиб, 1924 йилда Бухорога келди ва бу ерда эрлар педагогика билим юртіга ўқишига кирди, уни 1930 йилда битирди.

Султон Жұра 1931—1938 йилларда Бухоро педагогика институтининг ишчи факультетида ўқыйди. 1938—1941 йилларда Андижондаги ўқитувчилар институты ва педагогика билим юртіда тил ва адабиётдан дарс берди.

1942 йилда Султон Жұра ҳарбий хизматта чакирилади. У душманга қарши ҳам қурол, ҳам қалам билан жанг олиб борди. 1943 йилнинг 14 ноябрьда Белоруссия тупроғида немис-фашист босқынчилариға қарши жангларнинг бирида жангчи-шоир қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Султон Жүранинг дастлабки шеърлари 1933 йилда Бухоро ёш шоирларининг «Шеърлар» тўпламида нашр этилди. Унинг 1939 йилда «Фидокор», 1941 йилда «Москва» шеърий тўпламлари, 1942 йилда «Ирода» номли пьесаси нашр этилди. Шоир вафотидан сўнг 1951 йилда рус ва ўзбек тилларида «Танланган асарлар», тинч курилиш йиллари даврида истеъдодли шоирнинг «Ҳаво ранг гилам», «Зангори гилам», «Бруно», «Парвоз», «Қалдирғоч», «Танланган асарлар» китоблари босилиб чиқди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида яратган асарларида фашист газандаларининг бутун ёвузликлари очиб ташланади, уларда ёвга қарши лаънат ва нафрат түйфулари давр кишиларининг юксак ватанпарварлик руҳи билан ҳамоҳанг янгради. «Тўпчи Мұхаммад», «Пулемётчи овози», «Чавандоз», «Уч оғайни ботирлар», «Найзамиз» (1941), «Қаҳрамон Қўчкор» (1942), «Жаҳон сени олқишлиар», «Берлин аптекасида» (1943) шеърлари шулар жумласидандир.

Султон Жўра катталар учун жўшқин лирик шеърлар, ирик достонлар яратиш билан бирга, болаларга атаб ҳам жойиб асарлар ёзди.

Шоир-педагог Султон Жўра болалар учун ёзган асарларида баҳтили болалик, Ватанга муҳаббат ва душманга нафрат, меҳнат аҳлларига эътиқод туйғуларини ифодалиди. Айни чоқда, у яхши ва аъло баҳоларда ўқиш учун кураш, ростгўй ва интизомли бўлиш, маданий ва покизакийиниш, саводхон ва чиройли ёзув малакасини эгаллаш каби таълим-тарбиявий масалаларни ҳам бадиий воситаларда талқин этди. Бундай ғоялар шоирнинг «Ёзги ёмғирдан сўнг» (1936), «Қизлар», «Аъло» ва «Яхши» нинг мақтовори, «Зангори гилам» (1939), «Лола», «Ой нечта?», «Тиниш белгиларининг мажлиси», «Чўнтак», «Циркда» (1940), «Қарздор», «Қалдирғоч», «Ёлғончи», «Денгиз тагида» (1941), «Софиниб» (1942), «Софинчли салом», «Салом хат» (1943) каби асарларида ўз ифодасини топди.

У ўз асарларида болалар ва мактаб ҳаётини, уларнинг ўқиши, кўча ва оиласда ўзини тутишини ҳаққоний акс эттиради. Шоир ёш китобхоннинг диққатини ўзига тортувчи асарлар ижодкори сифатида танилди.

Болалар илмий-оммавий мавзуларда ёзилган санъат асарларини ҳам севиб ўқийдилар. Султон Жўра бундай мавзуда ҳам анча асарлар ёзди. Шундай асарлардан бири «Ой нечта?»дир. Бунда шоир кичкинтойларнинг орзуумидларини характерли парча — она ва болаларнинг диалоги орқали ифода этади:

Она деди:
— Ётинглар энди,
Факат битта осмоннинг ойи!
Катта бўлгач, айланайларим,
Ойнинг ўзин миниб кўрарсиз.
— Ўшандачи, ойижон, бизга
Катта тоти¹ олиб берарсиз.

«Маматнинг кечирмиши» шеърида шоир Маматнинг ички-руҳий кечинмалари, ишёқмаслиги, ялқовлиги,

1. Тоти — от.

тұнглиги орқасида дарслардан қолоқ булиб, изтироб чекишини ишонарлы акс эттирган. Мана, ҳамма ухлаган, аммо танҳо Мамат үйғоқ. Шоир унинг ана шу дақиқалардаги қалб изтиробини, рұхан қийналаётганигини, нотинч рухий ҳолатини содда, равон тасвиrlайди.

Шоир қолоқлик сабабларини бирордан әмас, балки қаҳрамонининг үзидан қидиртиради ва буни Маматнинг үзини гапиртириш орқали очади.

Дарсдан қолоқлиги орқасида рұхан азоб чекиб, қийналиб юрган Мамат үжарлиги, үзбошимчалигини тан олиб, дүстлари ёрдамида оёққа туриб, әндилікда астойдил үқишига ахд қиласы:

— Бұлди... Мен бас қилдим ялқовликни
Дүстларымдай олай билимни.
Аччик тажрибамнинг үзи сабоқ,
Ол дарсхонам ишқ дилимни!
Бор кучимни берайки, бу «ёмон»
Ёндошмасин менга эртадан. -
Номим Мамат бұлмай кетсин агар
Ваъда килган бўлсан жўрттага!

Султон Жура қиссадан хисса чиқариб, аъло үқиши катта аҳамиятга эга эканлигини болалар қулогига куяди:

Аъло үқиши үзи юксак шуҳрат,
Ҳар шуҳратинг тилларда достон.

Шеърда барча тасвирий воситалар ғоявий, бадий ниyatни ёрқин амалга оширишга қаратилған. Шоир табиат лавҳалари, гузал ҳаётий тасвиirlар воситасида қаҳрамоннинг ички ҳолатини очади ва таъсирчанликка эришади:

Барча ухлар...
Кумуш ариқчанинг
Эшитилар шилдир-шилдири,
Япроқлар ҳам «алла» деб тебратар
Сиртларига кўнган ой нурин.

«Маматнинг кечирмиши»да ялқовликни ташлаб, аъло үқишига маҳкам бел боғлаган боланинг ижобий намунасида үз кучига ишониш, нуқсонларга танқидий қарай би-

ниш роят катта куч деган таълим-тарбиявий, педагогик үгит илгари сурилади.

Таълим-тарбия соҳасида ёзма нутқ санъатини эгаллаш энг муҳим масалалардан бири хисобланади. Баъзи уқувчилар грамматик машқлар билан жиддий шуғулланмаслиги, бадиий адабиётни кам ўқиши натижасида ёзма ишлардан оқсайдилар. Чиройли ёзув қоидаларини бузиб хунук хат ёзишдан ташқари, турли хатоларга йўл қўядилар. Педагог-шоир Султон Жура таълим-тарбия ишидаги бундай нуқсонларни тугатишда уқувчиларга ёрдам бериш мақсадида «Кимнинг хати чиройли», «Тиниш белгиларининг мажлиси», «Ҳарфлар паради» шеърларини ёзди.

«Кимнинг хати чиройли»да боланинг соғлом, бақувват бўлиб камол топишида, ёзувининг гўзал бўлишида партада тўғри ўтириш қоидасига қатъий риоя қилиш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам уқтириб ўтади:

Ўтиришим тўғри, соз,
Қоидага жуда мос.
Кўкрагимни мен сира
Ўлтирганим йўқ тираб!
Чиройли ёз, ёзсанг хат!
Чунки бу ҳам зўр санъат...

Шоир ижодий фаолиятида «Тиниш белгиларининг мажлиси» катта аҳамиятга эга. Шеърда ўзбек тилининг энг муҳим қоидалари — тиниш белгиларининг вазифалари болаларга мос равишда жонлантириш каби бадиий тасвир воситаси орқали ифода этилади. Унда ҳар бир тиниш белгиси жонлантирилиб, қўлланишига мос тарзда гапиртирилди ва ўзига хос жойига қўйилади. Бу ҳол китобхонда аник тасавур ҳосил қиласиди. Бу эса шоирнинг педагогик ва бадиий маҳоратини эгизак ҳолда намойиш қиласиди.

Шоир шеърда ўхшатишдан ҳам усталик билан фойдаланиб, ундов белгисини мирзатеракка, нуқтани коптоқка; сўроқ белгисини ўроққа, зирак таққан кулоққа, вергулни кичик тўқмоққа, қўштироқни қизиқчиларга, тирени гугуртга ўхшатиб, шоирона тасвирлайди. Гапда эси нуқта «фикрларнинг станциясига», вергул «фикрларнинг разъездси»га ўхшатилади. Бундай ўхшатишлар тиниш белгилари қоидасини осон ўзлаштиришга ёрдам беради

Сўроқ белгиси:

Уқдингизми? Етадими? Борми савол?

Ёки ўзим сўрайинми сиздан савол?

Вергул:

Гар ундалма гапда келса кок ўртада,

Унинг икки ёнбошида мен жўрттага,

«Кани энди унда~~л~~махон, қочиб боқчи» —

Деб бўлурман юбормайин унга сокчи,

Гар ундалма гап сўнгида келса, у чок,

Ундан олдин қўйиларман, тушун ўртоқ!

Қўштирноқлар:

Мана раис: — «Вақт тамом, тўхтангиз!»

Деб колдику, майли, энди йўқ гапимиз.

Тире:

Бироқ шартим — сўз қолмасин үлда-жўлда.

Кўриниб турибдики, шоир тиниш белгиларининг хусусиятларини тасвирлабгина қолмай, унга мувофиқ мисолларни ҳам шеърий йўл билан кўрсатган. Шунинг учун бу шеърни кўргазмали шеър дейиш ва дарсларда ижодий фойдаланиш мумкин.

«Ёлғончи» достонида болаларни ростгўй булишга, яхши ва аъло ўқишига чақиради. Достон қаҳрамони Нўъмон мактабда таълим-тарбия қоидасини бузувчи, ўқитувчи ва ота-онасига нисбатан ҳурматсиэлик қилувчи бола сифатида гавдаланади. Шоир Нўъмон қониқарсиз ўқишига қарамай, ўзини тузатиш ўрнига ўқитувчига зарда қилиши, ёлғон гапириши, ўжарлиги, дарс тайёрламаслигини ва ишёқмаслигини турли ҳаётий парчаларда жуда ишонарли очади. Чунончи, Нўъмон ўқитувчи ёзиб берган хатни йиртиб ташлаб, «2» баҳоларини яшириб, ўзини аълочи қилиб кўрсатиб, беодоблигини фош этади.

Нўъмон ўқитувчи ва ота-онаси таъсирида бутун камчиликларини англаб етади, яхши ўқишига ваъда беради ва ваъдасининг устидан чиқади. Достон ўз камчиликлари-ни англаб, ўқишига астойдил берилган Нўъмоннинг ижобий хатти-харакатини улуғлаш билан тамомланади.

Узбек болалар шеъриятида «Қалдирроҷ» эртаги катта уринда туради. Унда мамлакатимизнинг тинчликсевар юрт экани қалдирроҷ саргузашти орқали хикоя қилинади. Қалдирроҷ Африкага учиб боради, аммо у ерда тинч жой

тепа олмайди. Мисрда эса етим-есирлар ва оч-яланғоч-
арни күради. Сұнг «Дод урушнинг дастидан!» — деб
бошқа томонга парвоз қилади.

Шоир чет мамлакатлардаги урушларни, унинг даҳшат-
ли оқибатларини қалдирғоч образи орқали очади. «Қал-
дирғоч» чет эллардаги аянчли ҳаётни жуда жонли, об-
разли тилда болаларга ҳикоя қилади. Она-диёrimiz тин-
чилик макони эканини эса шоир қалдирғоч воситасида,
айниқса, таъсирили ифодалайди:

Кирқ кундуз-у, кирқ кеча
Булутни кеча-кеча,
Қалдирғочим пар қанот
Энди бахтиёр қанот.
Бизга келиб етибди
Ва сайраб шундай депти:
— Эх.. Хур Ватан! Жон Ватан!..
Киша ҳам жонажонсан,
Илитувчи нуринг бор,
Бизга иссик ўрнинг бор!

Бу эртак болаларнинг урушга қарши нафратини оши-
ришда, Ватанимизнинг тинчилик таянчи эканини янада
Чукурроқ тушунишда, уни севишда катта тарбиявий аҳами-
ятга әгадир.

Султон Жұранинг «Хаворанг гилам» эртагидаги ижо-
бий қаҳрамон Раҳимдир. У үтмишда оғир кулфатларни
бошидан кечиради.

Раҳим зиндандан қочиб, уйига келса, на хотини, на
бизи бор. Унинг хароба уйини шоир:

Уй ўрнида бир девор!
Атрофи үт — тиканзор, —

тасвиrlайди. Фазабда ёнган Раҳим бойларга қарши
шашга бел боғлади. Эртакда шоир асар қаҳрамони
Раҳимнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг характеридаги энг мухим белгини — халқ билан чамбарчасли-
гини күрсатади.

Достонда ёвуzlарга қарши бир тан, бир жон бўлиб
шурашган халқ озодликка чиқади, зулмкорларни таг-туби
билан йўқ қилиб бахтли ҳаётга әришади. Шоир «мозор-
дай жимжит», «Қушлар учса қаноти, инсон юрса оёғи»

куядиган бепоён дашт-чұлларда энди янги ҳаёт қайнаётганини тасвиirlаб, буларнинг ҳаммаси раҳимларнинг ижодий меҳнати туфайли юз берганлигини болаларга ҳикоя қилади:

Чұл үрнида боғ-бұстон,
Ранг-баранг бир гулистон...
Күнғирокдай шалола,
Ой каби нурли дала...
Дарёни қилиб қамал,
Үтказишган зұр канал...
Худас, гүё бу — сара
Ва ажойиб манзара
Ұхшарди бокқан сари
Гиламчаки — зангори!..
Күрди: күм-күк кенг дала,
Унда ишлар бир гала
Сон-саноқсиз әр-хотин,
Экардилар зар-олтин...

Халқ оммасининг меҳнати туфайли ажойиб шаҳарлар, чұл үрнида бұстонлар яратилишини тасвиirlаш орқали шоир катталар меҳнатига болаларнинг ҳавасини оширади.

Султон Жұра бу эртакнинг мактаб ёшидаги болалар савиясига мос, тушунарлы бўлиши учун анча куч сарфлаган, бунда у тожик халқ оғзаки поэтик ижодидан самарали фойдаланган.

Султон Жұра «Софинчли салом» шеърида Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ҳисларини ва ғалабанинг муқаррарлигини тасвиirlайди. Шоир немис босқинчиларининг ёвузликлари ва ваҳшийликларини, инсоният бошига солған азоб-уқубатларини, жабр-зулмини «гули ғунчалари», «олтин юлдузчалари», «гиргиттон қизчалари»га соғинчли салом ёзар экан, уларга фашистлар вайрон қилған жойлардаги халқнинг оғир ахволи, ёш болаларнинг аянчли тақдиди ҳақида ҳикоя қилиб беради. Шоир уруш ва унинг даҳшатларини, халқнинг азоб-уқубатларини уз күзи билан күриб, бошидан кечирған бир кампир тилидан сұзлаб воқеанинг таъсирчанлигини, болалар онгига тез, осон етиб боришини таъминлади. Кампирнинг қалби дардга тұла. Фам, алам, қасд унинг бутун вужудини эгаллаб олган. Унинг

Узларидан фашистлар томонидан отиб ўлдирилган қизи
на неварасининг фожиасигина эмас, умуман душманнинг
вузлиги, раҳм-шафқатсизлиги рўй-рост очиб берилган:

Кўзим очсан не кўрай:
— Вой! «Қўрқинчли манзара»
Кўкрагидан кон окиб,
Ерда ётар Варвара...
Фашист жаллод найзасин
Санчибди кўкрагидан,
Боланинг ҳали ёши
Кетмаган кипригидан,
Бир томонда онаси,
Бир томонда боласи,
Кон ичиди ётибди.
Э — воҳ, ҳар иккаласи!..

Уруш даҳшатларининг кичик бир парчасини юкоридагидай тасвирлаш билан шоир болаларнинг мурғак дилида уруш оловини ёқувчиларга нисбатан кучли нафрат туйғуларини қўзғатади. Улар қалбида тинчлик, дўстлик, баҳтиёрлик хақидаги улуғ мақсад, буюк орзу хисларини уйғотади.

Обод қишлоқларни вайрон қилган, бегуноҳ кишиларнинг умрини ҳазон қилган фашистлардан қасос олишга бел боғлаган ғазабкор отанинг ҳайқириғи тубандаги мисраларда зўр маҳорат билан тасвиrlenган:

Ана шу Варварадай
Канча ёш болаларни,
Болалик бўстонида
Очилган лолаларни
Ҳалок этган песлардан —
Шу жаллод фашистлардан
Жон учун жон оламан,
Кон учун кон оламан.
Хуллас, фашист ёвларни
Тор-мор этиб батамом
Сўнгра, жигарбандларим,
Ёнингизга қайтаман!...

Шоир хис-ҳаяжонни оширишда халқ оғзаки ижодидан үринли фойдаланган:

Ҳай, жанубга учган қуш,
Кел, ёнимга бир пас туш!
Қизларимга хат берай,
Андижонга қараб уч!

Шоирнинг «Софинчли салом» шеъри болаларни Ватанга, уни жон-дилидан севувчи ва меҳрибон отага муҳаббат, душманга лаънат-нафрат руҳида тарбиялашда катта тарбиявий-аҳамиятга эгадир.

Педагог-мураббий ва жангчи-шоир Султон Жура ўзбек болалар адабиётининг ҳазинасига ўзининг ана шундай қимматбаҳо асаллари билан муносиб ҳисса қўшган.

ШУКУР САЪДУЛЛА (1912—1972)

Шукур Саъдулла кичкінтойларга катта эстетик шавқ-зазың багишлайдиган забардаст шеърлари, ёш китобхонни мұшилика үргатувчи эртак-достонлари, аъло үқишига, давримизга муносиб кишилар бўлиб камол топишга даъват тувчи бадий пишиқ хикоялари, үтмиш ҳамда давримиз болалари хаётидан олиб ёзилган пьесалари, ёш қалбларни ларзага солувчи қиссалари билан ҳамма ёшдаги болаларнинг қадрдан ва суюкли ёзувчиси бўлиб қолди.

Шукур Саъдулла 1912 йилнинг январида Жиззах шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди, бошланғич маълумотни она шаҳридаги Наримонов номли мактабда олди. 1924 йилда Самарқанд педагогика билим юртида таҳсил қўрди, сўнгра Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат университетида үқиди. Ш. Саъдулла 1931 йилдан то умрининг охиригача турли нашриётларда муҳаррир, бўлим бошлири, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир вазифаларида меҳнат қилиб, болалар учун адабий-бадиий китоблар нашр этишига ўзининг баракали ҳиссасини қўшди.

Ш. Саъдулланинг биринчи шеърлар туплами 1932 йилда «Ҳайқириқ» номи билан босилиб чиқди.

«Ҳайқириқ»нинг майдонга келиши шоир ижодида жуда катта воқеа бўлди. Адабий жамоатчиликнинг бу китоб ҳакидаги фикр ва мулоҳазалари янада чидам, қунт билан ижод қилишга, ўз устида кўпроқ ишлашга, изланишга, ёнг мухими ҳаётни үрганишга ва шу асосда ижод этишига тарлади. Ш. Саъдулла бутун умри давомида бунга амал қилди. Қирқ йилдан ортиқроқ ҳаётини ижодга багишланған санъаткорнинг «Уч айик», «Айёр чумчук» (1935—1936), «Ерилтош» (1939), «Икки сандиқ» (1942), «Сен нима қилдинг?» (1942), «Шоҳиста» (1944), «Ширин кун» (1946), «Шеърлар» (1955), «Шеър ва эртаклар» (1957), «Пьесалар» (1959), «Дастёр қиз» (1960), «Сенинг альбоминг» (1962), «Озода» (1969), «Командирнинг бошидан кечирғанлари» (1962), «Качал полвон» (1963, 1966, 1967, 1986), «Исл қуйилмаган хат», «Сенинг байраминг», «Менинг азиз болаларим» ва бошқа китоблари босилиб чиқди.

Драматург Шукур Саъдулланинг «Ёрилтош», «Гулхан», «Бизнинг боғчамиз», «Далада байрам», «Ватан ишқи» (драматург З. Фатхуллин билан ҳамкорликда ёзилган), «Икки билакузук», «Зубайда», «Афсона яратган қиз» пьесалари ни томошибинлар яхши билишади.

Кувноқ ва жүшқин асарлар куйчиси бўлган Шукур Саъдулла ўзининг жуда кўп шеър, қўшиқ, эртак, эртак-достон, пьесаларини кичик мактаб ёшидаги болаларга бағишлаган.

Шукур Саъдулла табиат куйчиси сифатида эъзозланади. Шоир сўлим баҳорни кўпгина шеърларида қаламга олиб, айниқса, кичик мактаб ёшидаги болаларни хаёт билан таништиради, уларда оламни тушуниш қобилиятларини ўстиради.

Одатда, бойчечак жуда эрта очилади. У қор эриб-эри масданоқ кўзга ташланади. Буни кўрган одамлар «Ҳа, баҳор яқинлашиб қолибди», дейдилар. Шоир «Бойчечак» асарида худди шу фикрни лўнда қилиб чизиб беради:

Очилидими бойчечак,
Энди ҳар ён гул демак,
Чунки баҳор элчиси —
Шу митти гул — бойчечак.

Албатта, бойчечак пайдо бўлганидан кейин баҳор бошланади, ёмғир устига ёмғир ёғади. Ёмғир табиат ҳуснига ҳусн қўшади, одамлар руҳини кўтаради. Шукур Саъдулла «Ёмғир ёғалоқ» шеърида баҳор ёмғирига муҳаббат билан муносабатда бўлади. Бу ёмғир она-табиатни гулга буркаши билан бирга экин-тикинлар учун ҳам кони фойда эканлигини ёш китобхон қалбига етиб борадиган даражада кувноқ ва шўх мисраларда яратади:

Ёмғир ёғалоқ,
Ям-яшил ўтлок,
Энди экинлар
Чиқарап қулок...
Ёмғир тингандা,
Чиқар камалак,
Ёмғирдан фойда
Майсага, донга
Юрт сероб бўлар,
Оқ буғдой, донга.

Шукур Саъдулла «Тўрт фасл» шеърида йил фасллари-минг ўзига хос хусусиятларини характерли деталлар ёрдамида ёритади. Уларнинг жозибаси, табиатга алоҳида кўрк бағишилаши, инсонлар қалбига таъсири хусусида болаларбоп хулосалар чиқаради.

Шеърда баҳор фасли шундай тасвиранади:

Милт этиб чиқди қуёш,
Деди: — Дўстлар, қиш одош.
Кўрсак йўқ кора булат,
Ер юзи кўқ гилам — ўт.

Шукур Саъдулла баҳорни яратувчи, инсонларга эстетик завқ ва меҳнат инъом этган фасл деб таърифлагач, кўркам ёз фасли билан болаларни таништиришга ўтади. Ез келиши билан хурсанд бўлган болаларнинг севинчи-ни шоир шундай ифода этади:

Келди кўклам каби соз,
Бизлар севган иссиқ ёз.

Шоир Ватанимизнинг бойлигига бойлик қўшган, меҳнаткашлар дастурхонини безовчи ноз-неъматларни вужудга келтирган, «тўқсон хил меваларни пишириб», «янги дунёлар очган» кишиларни зўр муҳаббат билан, ажойиб мисраларда улуғлайди:

Экин ўсди ерларда,
Буғдой пишди кирларда...
Полиз тўла бодринг,
Боғбон, тез узиб беринг!
— Сабр қилинг сиз андек,
Сўйиб берай хандалак.

Шукур Саъдулла ёз фаслини улуғлаш билан кузнинг ҳам ўзига хос фазилатларга тўлалигини табиатнинг олтин даври деб таърифлайди, куз фаслининг ўзига хослигини образли тасвиrlар орқали очади:

Куёш тушар таптидан,
Кўрқиб қишининг афтидан.
Сарғаяди кўкатлар,
Барг тукади даражтлар.
Ҳосил йиғиб олинар,
Қишига замин солинар.

Шоир қишиң фаслиниң ҳам ўзига хос чиройли гашти борлигини, кишиларда завқ-шавқ уйғотишини лирик бүёкларда күрсатади:

Дала-тишда тинди иш,
Келди меҳмон бўлиб қиши.
Қиши эмас, у — корбобо,
Совғалари бор бобо...
Худди ёздай, баҳордай —
Илик, кузги наҳордай.
Қор ёғар, кечакундуз,
Сув совқотиб кийган муз.

Шукур Саъдулла иккинчи жаҳон уруши даврида яна-да баракали ижод этди. «Сен нима қилдинг?», «Она ва бола», «Шоҳиста» тўпламларини нашр эттириди. Бу давр шоир шеъриятида болалар кутган воқеалар ўз аксини топ-ганлигини кўрамиз. Мавзу ранг-баранглиги шоирнинг фикрлаш доираси кенглигидан, болаларни жон-дилидан севишидан, она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббатидан далолат бериб турибди. Буни «Сен нима қилдинг?», «Бизнинг қаҳрамон», «Отлиқлар», «Меҳмон қиз», «Унинг ҳикояси», «Ети-ма эмассан», «Разведкачи Коля Куликов», «Шоҳиста» каби асаллари мисолида очиқ-ойдин кўришимиз мумкин.

Бу шеърлар ичидаги «Шоҳиста» асари алоҳида ажралиб туради:

Кўк чироги ой сўнди,
Баргларга шабнам қўнди.
Тонг оқарап оҳиста,
Тураб сакраб Шоҳиста, —

мисраларида шоир Шоҳиста исмли жажжи қизчанинг меҳнатга муҳаббати, ғайрати, боғидаги узумларни қанчалик меҳр қўйиб парваришлаши билан бирга, унинг фронтда одамхўр ёвларга қарши кураш олиб бораётган отасига бўлган меҳр-муҳаббатини бадиий бўёклар билан ифодалаб беради. Шоҳиста асалдек товланиб пишган узу-мидан дадасига совға хозирлайди:

Сўнгра почтага борди,
Дадасига юборди.
Дадаси ботир жангчи,
Шоҳистанинг қувончи.

Шукур Саъдулла «Эгизак», «Сен менга дўст, мен сенга дўст», «Улув шахар» (туркум), «Ховлимизнинг болалари» каби қатор шеърларида дўстлик ғояларини илгари суради.

Шоирнинг жуда кўп шеърлари мактаб дарсликларида, қўлланмаларида узоқ йиллардан бери нашр этилиб келинаётир. «Ўйин», «Лола ва мушук», «Баҳор келди», «Ватаним», «Дастёр қиз», «Озод диёр», «Тўрт фасл», «Куштили» шулар жумласидандир.

Шоир ижодида юмористик шеърлар ҳам бир талай: «Шалаббо», «Анков», «Инжиқ», «Ивирсиқ», «Бизнинг ойи» каби асарларида шоир дангаса, ўзи устида кўп ишламайдиган, ўқиш, изланишни ёқтирамайдиган, инжиқ, ивирсиқ болалар устидан қаттиқ кулади.

«Ивирсиқ»да шоир ўйинқароқ, кун бўйи копток ўйнаб, уйга берилган вазифани бажариш, ўз вақтида уйқудан туриш ўрнига қотиб ухлаб дарсдан кеч қолган Сиддик исмли боланинг мактаб ўқувчиларига хос бўлмаган қиликларини фош қиласиди:

Дафтари очиқ-сочиқ,	Яна жаранглаб соат,
Колган вазифа чала.	Тўққизга занг уради.
Соат юрар: чик-чик-чик,	«Ивирсиқжон» бетоқат —
Ечилмаган масала	Энди шошиб туради.

Шукур Саъдулла халқ оғзаки ижодини севган ва ундан ижодий фойдаланган шоирлардан бири эди. У «Нўхатполвон», «Лақма ит», «Айёр чумчук», «Чол билан бўри» каби ўнлаб асарларини эртаклар асосида яратди. Халқ эртакларини жўнгина шеърга солиб қўя қолмади. Балки унга ижодий ёндашди. Давримизга, болаларнинг истакармонларига мослаштириди.

Шукур Саъдулланинг «Командирнинг бошидан кечирганлари», «Качал полвон», «Азиз қишлоғим», «Исл қўйилмаган хат» қиссалари ўзбек болалар насрининг яхши на муналаридан хисобланади.

Шукур Саъдулла 1972 йилда ижодий баркамолликка эришган бир пайтда тўсатдан вафот этди. Лекин у ўзининг ғоявий-бадиий юксак, болаларбоп асарлари билан бир умр китобхонлар қалбида яшайди.

ҲАКИМ НАЗИР (1915 йилда туғилган)

Ҳаким Назир ўзбек болалар насрининг отахон ижодкорларидан, кичкитойларнинг севимли адиларидан биридир. У болалар учун ўндан зиёд қисса, роман, пьеса, сон-саноксиз хикоялар яратди. «Сўнмас чақмоқлар», «Ёнар дарё», «Кенжатой» қиссалари, «Лочин қанотлари» романни, ўнлаб хикоялари кўпгина хорижий тилларга таржима этилиб, чет элларда ҳам ўз ўқувчисини топди.

Захматкаш адаб 1915 йилда Тошкент шаҳрида махсидўз-косиб оиласида дунёга келди. Онаси Малика отиннинг мактабида бошланғич маълумот олгандан кейин, пойабзал фабрикасига кириб касб эгаллаш билан бирга кечки ишчилар дорилфунуни (индустирал техникум) да ўқиши давом эттириди.

Ҳаким Назир болалигидан китобхонликка жуда берилган, газета ва журналларда босилган материалларни чанқоқлик билан ўқиб чиқарди. Ундаги ўқишишга бўлган қизиқиш уни ҳозирги «Тонг юлдوزи» газета-тахририятида ишлашга олиб келди. 1934—1935 йилларда дастлабки хикоя, очерклари газетада, «Ёш куч» журналида босилиб чиқди. Булар ҳаваскорлик машқлари эди. Адаб жиддийроқ асар ёзиш учун ҳам зарур эканлигини англади. Кундузи редакцияларда ишлаган ҳолда кечки Тошкент давлат педагогика институтида ўқиб, тил-адабиёт факультетини мувафақиятли битириб чиқди. Бир оз вақт ўқитувчилик қилди. Адабий ишга астойдил берилди. 1942 йилдан бошлаб ўн бир йил давомида Ўзбекистон радио қўмитасида бўлим бошлифи, бош мухаррир бўлиб ишлади. Сўнг Бадиий адабиёт нашриётида бош мухаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмасида котиб, адабий маслаҳатчи вазифаларини бажарди. Мазкур вазифаларни ёзувчи ижодий иш билан қўшиб олиб борди.

Қунт, чидам билан ўз устида ишлаши, тинимсиз ижодий изланиши туфайли Ҳаким Назир болалар ёзувчиси сифатида китобхонларга танилди. 1940 йилда «Кенжа» (янги номи «Қуёш қачон тутилади?»), 1946 йилда «Салим

ота» номли ҳикоялари республика танловларида совриндор бўлди. 1951 йилда эса Москвада рус тилида чиқсан «Мальчики из кишлака» ҳикоялар тўплами собиқ иттифоқ танловида мукофот олди.

Севимли ёзувчимизнинг ижод йўлига синчилаб назар ташласак, унинг дастлабки ижодий изланишлари ҳикоячиликдан бошланганини кўрамиз. Унинг биринчи китоби «Кишлоқдаги жиянларим» ҳам ҳикоялардан жамлангандир. Ҳикоя жанри ёзувчи билан ёш китобхонлар оламини бирлаштиришда бамисоли бир кўприк бўлди. Бу кўприк орқали Ҳаким Назир болаларнинг бой, гўзал, кувноқ, ажойиботларга тўла дунёсига кириб борди. Бир-бираидан таъсирли, бир-биридан ўқимишли, болаларча жонли ҳикоялари дунё юзини кўрди. Буларда кичкинтойларнинг қувончларга тўла турмуши, ҳис-туйғулари, ўқиши, хулқ-одоби, катталарга ҳурмати, меҳнатга муносабати, миллий қадриятлар ўз бадиий ифодасини топди. Ҳикояларда ёзувчининг кичкинтойлар ёши, савияси ва руҳиятини кўрсатишга алоҳида эътибор бергани кўриниб туради. «Кишлоқдаги жиянларим» (1948), «Беш баҳо» (1955), «Чўл ҳавоси» (1958), «Яхши исм» (1962), «Мени танийсизми?» (1963), «Болажонларим» (1964) номли ҳикоялар тўпламлари бирин-кетин эълон этилиб, болалар ва ўсмирларнинг маънавий мулкига айланди.

Ҳаким Назирнинг кўпгина ҳикоялари боғча ёшидаги ёки эндиғина биринчи синфга қадам қўйган болалар ҳаётини акс эттиришга бағишинланган. Буни адабнинг «Бир оғиз сўз», «Расмли китобча», «Давроннинг қушчаси», «Қайсағина укам», «Яхши исм», «Икки ўртоқ», «Булбул», «Қанддон», «Игна», «Бир туп ғўза» каби ҳикоялари мисолида айтиш мумкин. Бундай ҳикояларда болалар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ахлок-одоб, аъло ўқиш, жамоат ишларида фаоллик кўрсатиш, катталарнинг юмушларига кўмаклашиш, қушлар ва жониворларга ғамхўр бўлиш, орзу-умидлар қанотида яшаш ва бошқа масалалар акс этганини кўрамиз.

Болаларда орзу-умид, яхшилик сари интилиш катталарга нисбатан кучлироқ бўлади. «Яхши исм» ҳикоячасида адаб худди шу тўғрида сўз юритади. Шоира эндиғи-

на биринчи синфга қадам қўйган. У ҳали мактаб қонун-коидасини яхши билмайди. Шунинг учун қизча мактаб ўқитувчиси Зухра юлдузига ракета учирилганлиги тўғрисидаги ахборотни рўзномадан ўқиб берганида бутун синфни бошига кўтариб:

— Топдим! Топдим! Топдим!! — дея овозининг борича бақириб юборади.

Аён бўлишича кеча Шоиранинг онаси унга сингилча туғиб берган бўлиб, чақалоққа нима деб исм қўйиш жанжал бўлиб турган экан. Шоирада ҳавас яхши, ният кучли. Унга ракета ва айниқса, Зухра юлдузи ёқиб қолади. Шу онда сингилчасига Зухра деб исм бериш фикри туғилади. Бу ҳақда у бутун синфга сўзлаб беради.

«Яхши исм»нинг аҳамияти шундаки боланинг Шоира-га, танлаган исмга, қудратли техникага, ширинсухан муаллимага ва отага бир умр ҳаваси келади.

Болаларга ҳар тарафлама тўғри таълим-тарбия бериш, тушунтириш, ўргатиш, уларда кўнилмалар ҳосил қилиш катталарга боғлиқ. Кичкинтойларнинг отахон адиби «Булбул» ҳикоясида бу масалага катта эътибор беради. Она табиатга, қушларга меҳрибончилик қилиш фояси бу асарнинг асосини ташкил этади.

Қобилжон қушларни эҳтиёт қилиш, эъзозлаш керак эканлигини, уларни уриш, озор бериш ёмонлигини тушуниб етмайди. Шу сабабли қўшни ҳовлига келиб сайраган булбулни урмоқчи бўлади.

Олим ака ишдан қайтганда Қобилжон қўшниларнига булбул келганидан хабар беради.

— Дада, дада! — деди у кўзини катта-катта очиб, — нега бизнинг боққа булбул келмайди-я?

— Қўрқади, — деди дадаси.

— Нимадан қўрқади? — деди у ажабланиб.

— Сендан! — деди дадаси.

— Ия, нега энди мендан қўрқади?

— Ахир кесак отсанг, майиб бўлади-да! Бу ишинг ярамайди деб айтиб эдим-ку. Қобилжон индамай, ўйланаб қолди: энди нима бўлади? Ростдан ҳам булбулжон унинг боғига ҳеч келмасмикан-а?

— Кесак отмасам келадими, дада? — деди охири Қобилжон.

- Албатта, келади, — деб ишонтириди дадаси.
- Бўпти! — деди Қобилжон ва шу пайтдан бошлаб қушларга кесак отмайдиган бўлди.

Адибнинг мактаб ёшидаги болаларга бағишлиб ёзган жуда кўп ҳикоялари китобхонни она юртни севишга, меҳнаткаш бўлишга, меҳнат аҳлини, ота-онани эъзозлашга, касб-хунар эгаси бўлишга чорлайди.

«Бир туп ғўза» ҳикоясида ёш қаҳрамонларнинг халқ бойлигига бўлган муносабатлари ғоят ҳаётий деталлар, жонли, қизиқарли воқеалар асосида ифода этилади. Болаларнинг ўйинқароқлиги туфайли ёшларнинг халқ мулкига бўлган муносабатлари ўзгаради.

Муаллиф ҳикояда қаҳрамонлар характерини индивидуаллашибиришга алоҳида эътибор беради. Абдусамад чўрткесар бола. Гоҳо баъзи гапларни шартта айтиб юборади (сигирни қидириб юрганда Қорабой акага қилган муомаласини эсга олинг). Карим соддадил, тўғри бола. Шу билан бирга, серҳаракатлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бу холни биз Каримнинг хатти-харакатлари, қилиқ одатлари, сўzlари, ўртоқлари билан муносабатларида кўрамиз.

Муаллиф «Қишлоқдаги жиянларим» тўпламидаги «Валижоннинг дадаси» ҳикоясида болаларнинг жангчиларга хурмат ва муҳаббатини тасвиirlайди. Буни иккинчи жаҳон урушидан қаҳрамон бўлиб қайтган Валижоннинг дадасини бутун қишлоқ аҳли зўр хурмат ва катта тантана билан кутиб олганини кўрсатиш орқали очади.

«Бошоқ» ҳикоясида болаларнинг ўқишдан бўш вақтларида ота-оналарига ёрдам берганини Азимжон, Мамат, Салимжон, Тоштилла образларида гавдалантиради.

«Жиянимнинг тойчаси» ҳикоясида китобхонни қишлоқ болаларининг характерлари ва ҳаёти билан таништиради. Махмуджон билан Омоннинг отаси пахтадан мўл ҳосил олиш учун ким ўзарга киришади. Болалар ўз оталарининг ғолиб чиқиши учун куйиб-пишиб ҳаракат қиладилар. Махмуджон жонидан азиз кўрган тойчасини аравага қўшиб пахта ташишга киришади. Бу билан ёзувчи қишлоқ болаларининг ўзига хос характерини яратади. Кичик бир парча орқали катта бир воқеани — болаларнинг улуғ ишларга қўл урганлигини ҳаққоний кўрсатади.

Ҳаким Назирнинг аксарият асарлари, юқорида кўрганимиздай, умуминсоний ва миллий қадриятларга бағишланган. Унинг жами китоблари 50 дан ортиқ. Шулардан 7 таси болалар ва ўсмирлар учун ёзилган қиссалар. Муаллифнинг биринчи қиссаси «Кўкорол чироқлари» урушдан кейинги қишлоқ хаётида юз берган қийинчиликларни енгишда ота-оналарига кўмак кўрсатган болалар хақида, уларнинг меҳнатда характерларининг чиникиши, дўстликларининг тобланиши акс эттирилади. Бу қиссани муаллиф китобхонлар талаби асосида кейинроқ қайта ишлаб, «Сўнмас чақмоқлар» номи билан бостириди.

Ҳаким Назирнинг «Ёнар дарё» қиссаси ўзбек болалар адабиётининг кейинги йиллардаги катта ютуғидир. «Газ-қайнар» манзарасини ёрқин бўёқларда гавдалантирган бу асарда ўша даврда Қизилқум сахроси кишиларининг жасорати, романтик хаёти, қаҳрамонлиги ҳамда бир-бирига чин меҳрибонлиги тасвирланади, шунингдек, оиласидаги бола тарбияси, бунда ота-онанинг тутган роли кўрсатилади. Асарда воқеа ўн икки ёшли ўқувчи Дамир тилидан ҳикоя қилинади. Бундан икки йил аввал отаси вафот этиб, синглиси Попук иккови онасининг қарамоғида қолишиган. Кўп вақти ишда ўтадиган она болалар тарбиясига кам эътибор берган. Дамир эса кекса бувисининг ўта меҳрибонлиги, юмшоқлиги орқасида ўйинқароқ, ўқишга кам хафсалла, ўжар бўлиб қолган. Натижада, у онасига бўйин эгмасликка ҳаракат қиласди.

Дамирларнинг узоқ қариндошлари Султон амаки уларнинг уйларига тез-тез келиб туради, шунинг учун болалар унга ўрганиб қолишиган. Кейинчалик ота сифатида шу оиласа кирган Султон амаки Дамир характерининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Дамир характерида из қолдирган иккинчи муҳим воқеа унинг Қизилқумга сафари бўлади. Бу унинг кўз ўнгидаги янги олам очади, уни меҳнат кучоғида чиниктиради.

Газчиларнинг «Фидираб юрадиган посёлкаси», «Чўпон бобонинг бошчилигида» очилган «Мўъжиза кудук», беморлигига қарамай Султон амаки кўрсатган фидокорлик, умуман, газчиларнинг афсонавий қаҳрамонлиги Дамир руҳида кескин бурилиш ясади.

Ёзувчининг «Кенжатой» қиссасида ҳунар мактаби хаёти қизиқарли ва жозибадор акс эттирилган бўлиб,

ўсмирларда ишчи касбидан фахрланиш туйғусини тарбијалашга хизмат этади.

«Тохир-Зухра қиссаси»ни олсак, унда бош муаммо ҳаётга қадам қўяётган балоғат палласидаги ўспирип билан қизалоқнинг ёш қалбларида туғилмиш илк севги кечинмалариға қаратилган, ёник изтироблари тасвирига кенг ўрин берилган.

«Дадамни топиб беринглар» қиссасида бир дехқон оиласи бошига тушган ноҳақлик фожеаси кичиклар назари орқали ўтказилиб, уларнинг онги ва руҳиятига етказилган салбий таъсири бадиий таҳлил этилганини кўрамиз ва ёш қаҳрамонлар билан бирга изтиробга тушамиз.

Ҳаким Назир сўнгги китобини «Оқ фотиха» деб атади. Бу хотира-қисса бўлиб, болалик саргузаштларига бағишланган. Муаллиф безовталиқ, ғулғула-ҳаяжонларга тўла болалик чоғлари кўрган-кечирғанларини жонли лавҳаларда хикоя қиласи, кичикликда ота-онасидан олган илк инсоний сабоқлари учун чукур ва самимий миннатдорчилигини изҳор этади.

Ҳаким Назир 1973 йилда «Лочин қанотлари» романини яратди. Бунда урушга кетган ота-оналарнинг ўрнини босган Ўқтам, Умри ва бошқа ёш ватанпарварлар образлари гавдалантирилди. Романи жамоатчилик илиқ қабул этди. Тадқиқотчилар: «Лочин қанотлари» романи ўзбек болалар адабиётида деярли қўл урилмаган мавзуни — уруш йиллари кичкинтойларнинг буюк ғалабага қўшган ҳиссасини кўрсатишига бағишлиланган йирик асар сифатида қимматлидир» деб ёзилар.

Ёзувчининг «Чиранма ғоз — ҳунаринг оз» номли пьесаси кўп йил давомида ёш томошибинлар театри сахнасида қўйилди.

Муаллифнинг 24 та китоби рус тилида, 12 та китоби қозоқ, қирғиз, туркман, грузин, арман, украин, белорус, латиш, литва, эстон ва бошқа тилларда таржима бўлиб чиққан. Қатор ҳикоялари немис, француз, испан, булғор, чех, мўғул каби тилларда эълон этилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти ва Х. К. Андерсен номли Ҳалқаро фахрий диплом совриндори Ҳаким Назир ўз ижодий фаолиятини давом эттиромоқда.

ЎТКИР РАШИД (1915—1990)

Педагог-шоир Ўткир Рашид 1915 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. Болаликдан китобга, адабиётга қизиққан бўла жак шоир она шаҳрида ўрта мактабни тамомлаб, ўша ерда босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлади. Одатда ҳарф терувчи ҳар бир янгиликдан бошқалардан кўра олдинроқ хабардор бўлади. Ҳарф терувчи Ўткир Рашид ҳам «Янги Фарғона» газетасида босилаётган ҳар бир бадиий асарни элдан бурун ўқир, илҳомланар ва ўзи ҳам шеърлар ёзиши машқ қиласи эди. Ҳавас ва машқлардан бошланган шеър ёзишлар бора-бора касбга айлана бошлади. Эндиликда ўқиш, ҳайётни ўрганиш, изланиш керак эканлигини сезган Ўткир Самарқанд Давлат университетига ўқишга кирди.

Университетдаги ўқиш, адабиёт шайдолари билан дўстлашиш изланишда бўлган Ўткир Рашиднинг илҳомига-илҳом кўшди, унинг шеърий машқлари деворий газета ва адабий альманаҳларда курина бошлади.

Ўткир Рашид ўқишини тамомлаб, Тошкентга келди. Бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир, «Ёрқин ҳаёт», «Гулистон» журналларида ва ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. Бу жараёнда кўплаб қаламкашларнинг китоблари, асарлари унинг қулидан ўтиб, ўқувчига тегди. Бу ишларнинг ҳаммаси Ўткир Рашиднинг қаламкаш шоир сифатида вояга етишида, тобланишида катта бир ҳаёт мактаби бўлди.

1937 йилда Ўткир Рашиднинг «Ёшлиқ» номи билан биринчи китоби босилди. Шундан кейин «Шеърлар», «Мехн тантанаси», «Йиллар ва одамлар» деб номланган хикоя ва очерклар тўпламлари; «Умр қушиқлари», «Қушиқлар гулдастаси», «Гулшан диёrim» каби шеър ва қушиқ китоблари нашр этилди. Ўткир Рашид драматург сифатида «Катта ҳаёт», «Қудалар», «Қурдат», «Фарзанд деб...» номли саҳна асарлари яратди.

Шоир Ўткир Рашид бир неча йил Ўзбекистон фанлар академиясида илмий ходим бўлиб ишлади. 1957 йилда «Ўзбек болалар адабиёти тараққиёти очерки» мавзусида диссертация ёқлаб, фан номзоди бўлди. У узоқ йиллар хозирги Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетида талаба-ёшларга адабиёт фанидан дарс берди. «Чашма» адабий тўгарагига раҳбарлик қилиб, ўнлаб ижодкор ёшларнинг адабиёт оламига кириб келишига ёрдам берди.

Ўткир Рашид бўлажак ўқитувчиларга сабоқ берар экан ҳар доим:

— Инсон умрининг сўлмас гули, мангулиги — болаларимиз. Биз бутун ҳаётимизни бағишилган муқаддас ишни болалар давом эттиради. Шунинг учун биз уларнинг тақдирини доим ўйлаймиз. Бу чукур ҳаётий мухим масаладир. Севимли ўғил-қизларимиз бизга ўринбосар бўлишини билишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Болалар севимли ўғил-қизларгина эмас, балки, аввало, келгусининг фуқаролари, ота-оналар бошлиган буюк ишнинг қонуний давомчилари. Шунинг учун уларни замонамизнинг энг олижаноб анъаналари руҳида, курашчанлик руҳида тарбиялашимиз керак, - дер эди ва бунга ўзи қаттиқ амал қилиб кичкинтойлар учун шеър, қўшиқ, достон, эртаклар ижод қиласр эди.

Келажагимиз гули бўлган болаларни қаттиқ севган шоир уларга бағишилаб «Ўртоқлар», «Икки ўртоқ», «Ким айбдор?», «Энг ўзғир нима?», «Равшанжон ва айикча», «Катта бўлсан», «Бу — биз бўламиз», «Бахтиёр болалик» каби китобларни ёзди.

Ўткир Рашид болаларга бағишилаб шеър ёзар экан биринчи ўринда уларни ҳақиқий ватанпарвар, чинакамига эл-юрт фидойилари бўлиб ўсиб-улғайишларини истайди. «Ватаним», «Мард насллар», «Дадам» шеърлари шу мақсадга қаратилган. Ватанимизнинг гўзаллиги, хузурбахшлиги, бойлиги, ёш китобхоннинг меҳрини ўзига тортадиган шу юрга муносиб инсон бўлиб улғайишга чорлайдиган даражада қувноқ тасвирга эга:

Чаман-чаман гулларга,
Сайроқи булбулларга,
Күкни қучган уйларга,
Бахт келтирган түйларга,
Кувноқ ва шұх күйларга,
Жойдир гүзал Ватаним,
Бойдир гүзал Ватаним,

Бундай юртга фарзанд бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун нима қилиш керак? Софдил, ўқимишли, меҳнаткаш, хулқ-у одобда бошқаларга ўрнак бўладиган фазилатларга эга бўлиш керак. Буларнинг ҳаммаси Ўткир Рашид шеърларида ўз ифодасини топган. Мана, мактаб ўкиш, касб-хунарни олиб кўрайлик. «Мактаб», «Китоб», «Совға», «Катта бўлсам», «Етмиш ҳунар экан кам?», «Ким айбдор?», «Ака-ука» шеърлари бунинг жавобидир.

Мактаб ҳақида кўпгина шеърлар ёзилган. Ўткир Рашиднинг «Мактаб» шеъри такрорий асарлардан эмас. Бу асар алоҳида услубга эга. Асар қаҳрамони эндиғина боғчани тарк этган бола, мактабга биринчи қадам қўйиши. Мактаб қандай бўлар экан, деб иккиланиб борган болани гулзор, мактаб, ўқитувчи алоҳида меҳрибончилик билан кутиб олиши ёш қалбда мактабга, китобга, ўқишига ҳавасини орттиради:

Муаллима опамиз
Кутиб олди туриб тик.
Гап суради қучоқлаб
Меҳрибон онамиздек.
Озода синфларинг
Мени бағрига тортди.
Ўқишига-ўрганишга
Меҳру ҳавасим ортди.

Ўткир Рашид ишёқмас, дангаса болалар ҳақида анчагина шеърлар битган. «Қўғирчок— ўртоқ» шеъри айниқса таъсирили чиққан. Болалар ҳаётда ҳеч нарсадан чучимай, қўрқмай, елка кериб яшашлари керак. Бунинг учун эса боланинг ўзи соғлом, тетик бўлмоғи даркор. Соғлом-тетиклик қаердан келади? Бу боланинг юриш-туришига, ҳаракатига боғлиқ. Агар боланинг ўзи ҳаракатчан бўлма-

са, жисмоний иш, спортга ҳавас қўймаса ўртоқларидан ортда қолиб, бир жонсиз қўғирчоққа айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Куддус ажойиб феълли болалардан. Ёзниг жазирама иссиғида ҳам тўн ва телпак кийиб юради, дўстларига қўшилмайди, ишёқмаслик, дангасалик унинг ҳамроҳи бўлиб қолган. Шеърнинг ҳулосаси ҳам яхши:

Демак Қуддус соппа-соғ,
Факат жуда эринчоқ.
Одати — дангасалик,
Дангасалик — касаллик.
Катта очсин кўзини,
Даволатсин ўзини.
Тағин ётиб қолмасин,
Лойга ботиб қолмасин?!

Ўткир Рашид айрим ҳулқи ёмон болаларни табиатан унча хуш кўрмайди. «Танийсизми Каримни?», «У нима деркин?», «Собирнинг шу иши тўғрими?», «Ғайрат ва Омон», «Ўсар-қайсар» сингари асарларида одоб, ахлоқда бошқалардан орқада қолиб кетган болалар устидан кулади. Бундай ҳажвий-юмористик асарлар болаларни ўзлари устида ўйлашга, фаҳм-фаросатли бўлишга ҳамон даъват этиб келмоқда.

Ўткир Рашид «Иш билмас ва иш қилмас бола ҳақида», «Фозча-митти», «Шерали», «Энг ўзғир нима?», «Равшанжон ва айиқча» каби бир нечта эртак-достонлар ҳам ёзди.

Бу асарларнинг деярли ҳаммаси кичик ёшдаги болаларга бағишлиланганлиги билан эътиборга лойикдир. «Фозча-митти»да ўрмон тўғрисида, қушлар, ҳайвонлар, йиртқичлар ҳақида гап боради. Бу ёшдаги болалар жониворларнинг турмуш тарзларини унча яхши билмайдилар. Улар «Фозча-митти»ни тинглашиб, жониворларнинг ҳаётларини, яшаш шароитларини бирмунча билиб оладилар. Айниқса, фозчанинг хатти-ҳаракати, довюраклиги, ишбилармон ва тадбиркорлиги китобхонда яхши таассурот қолдиди.

Шоирнинг мана бу мисраларига эътибор беринг, унда ўрмонда яшайдиган кўлгина жониворларнинг жам бўлиб яшашлари, ахил, дўстликлари кимни хурсанд қилмайди дейсиз:

Кийик, күён, олмахон,
Курка, лайлак, ўрдак, ғоз,
Аҳил бўлиб, дўст бўлиб
Яшарканлар қишу ёз.

Ҳаётда — ўрмонда зўравонлар кўп. Ёввойи тўнғиз булардан анча кучли — муттаҳам ва сурбет, зўравонлик қилиб, буларнинг қишида ейиш учун ғамлаб қўйган овқатларини еб, ҳар куни нонуштаси учун учта ғоз беришларини талаб қиласди. Бу очкўз баттолдан қутулиш йўлларини қидиришади. Миттининг маслаҳати ва унинг ёрдами билан айиқполвон билан дўстлашишади.

Айиқполвон билан тўнғиз ўртасида жанг бошланади. Бу жангда айиқполвон ёлғиз эмас. Ҳамма жам бўлиб, биргалашиб жанг қиласдилар:

Босди айик тўнғизни
Устига ташлаб ўзин.
Митти ўрдак, лайлаклар
Чўкиб олдилар кўзин.
Айиқчалар тўнғизнинг
Тишлаб турди оёғин,
Она айик ўлдирди
Фажиб унинг томорин.

Ашаддий душман тўнғиз ўлди, бу билан энди душман йўқ, роҳат-фароватда яшаймиз, дейишга ҳам жуда эрта. Тадбиркор ва ишбилармон ғозча ҳаммани бир уй қуриб, янги маконда яшашга чақирадики, бу кўпчиликка маъқул тушади:

Митти дер: ҳали ёв бор,
Хушёр бўлиб турайлик,
Ундан сақланиш учун
Бир пана жой қурайлик.
Айиқполвонга Митти
Деди: — Амаки, яшанг!
Сиз устасиз бу ишга,
Уйни ўзингиз ясанг!
Айиқвой уста бўлиб,
Иш бошлади шу куни.
Кийиклар дарахт кесди,

Ташишди дўстлар уни.
Шундай қилиб ёрочдан
Куриб олдилар бир уй.
Безадилар бу уйни
Қилгандайин худди туй.

Дўстлар аҳил бўлиб ҳаёт кечира бошлайдилар. Улар бўри ва қоплонни ҳам худди тўнғиздек ўлдиришади. Ахилликда, бирликда ҳикмат кўп экан, дўст орттирса, иттифоқ бўлса, уни ҳеч қандай душман енга олмас экан, деб шод-баҳтли яшашлари ёш китобхоннинг қувончига-кувонч улашади:

Яшадилар дўст бўлиб,
Йўқотилди душман-ғов:
Дедилар: бирлик бўлса,
Енголмас экан ҳеч ёв.

Шоирнинг енгил юмор билан суғорилган «Шерали» достонини үқимаган, тингламаган бола бўлмаса керак. Шерали гўё овқат учун дунёга келгандек, кечаси-ю кундизи овқат ейди. Ҳаракат қилмагандан кейин семириб кетган. «Хомсемиз» лақабини олган бу боланинг жирканч башарасини шоир:

Оёқ-қўли пиликдай,
Шилвиратиб юради.
Бир тогора хўрдани
Битта ӯзи уради.
Фақат овқат ейишга
Полвон эди Шерали.
Лекин дадил, чопқиллаб
Юролмасди у ҳали, —

каби мисралар билан Шералининг айбини кескин очиб ташлайди. Шерали одам, у инсон. Инсонда ақл-заковат бўлади, фаҳм-фаросат бўлади. У шу жиҳатлари билан ҳам ҳайвондан фарқ қиласди. Танбал, латта, тепса-тебранмас бу бола дўстлари, сафдошу устозларининг амалий ёрдами билан жисмоний иш, спорт билан шуғулланади. «Хомсемиз»ликдан қутулади:

Менга соғлик, куч берган
Мана шу машқдир дея,
Шераливой хали хам
Қилар бадантарбия.

«Равшанжон билан айиқча» асарининг сюжети кичик мактаб ёшидаги болаларга жуда мос. Равшанжонларнинг уйлари тоғ бағрида. У тасодифан бир ғордан айиқ боласини топиб олади, уйига олиб келади, унга Қоравой деб ном қўяди. Қоравой Равшанжон-у уйдагиларга ёқиб қолади. Бола унга турли қилиқларни, юмиш бажаришни ўргатади. Натижада айиқ оиланинг дастёрларидан бири бўлиб қолади. У керак бўлса товуқларга дон сочади. Бегона одами уйга киритмайди, беланчакда ётган чақалоқни тебратади, болалар тўп ўйнашса, дарвозабонлик қиласди.

Болаларни чинакам севиб, ардоклайдиган шоирларгина уларга муносиб шеърлар, достонлар тўқий олади. Шоир ва педагог Ўткир Рашид умрининг охиригача севимли китобхонлари бўлмиш кичкинтойларни улувлаш, ардоклаш нафаси билан яшади.

ПЎЛАТ МЎМИН (1922 йилда туғилган)

Болаларнинг суюкли шоири Пўлат Мўмин ёшлигиданоқ адабиётга ҳавас қўйди. У Тошкент педагогика билим юртида ўқиб юрган вақтида адабиёт тўгарагига фаол қатнашади. Адабиётни қунт билан ўқиди, ўрганди. Ўрта маълумот олгач, ҳозирги Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишига кириб, уни муваффақиятли тамомлағач, аспирантурада ўқиди, мактабларда ўқитувчилик қилди. Сўнгра Ўзбекистон давлат нашриётида ишлади. П. Мўмин қаерда ишламасин, доимо адабиётга муҳаббат билан қаради, уни қунт билан мутолаа қилди, ўрганди. Кичик-кичик шеърлар ёза бошлади. 1944 йилда «Баҳорга саёҳат» номли биринчи шеъри босилиб чиқди. Биринчи шеърлар тўплами эса 1949 йилда «Сайранг, қушлар» номи билан нашр этилди. Китоб адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Тўпламдан муносиб ўрин олган «Ҳайкал», «Алла ва Жалла» (эртак) сингари асарлари мазмундорлиги, қизиқарлилиги билан китобхонларнинг эътиборини ўзига жалб этди.

Болаларга атаб ижод этиш, бу соҳада муваффақият қозониши учун эса қобилият ва истакнинг ўзигина етмайди. Белинский таърифи билан айтганда, болалар ёзувчisi бўлиб туғилиш керак. Бу болалар ёзувчisi моҳир педагоглардай бола қалбининг билимдони бўлсин, нозик таъб эгаси, гўдак табиати ва психологиясининг билимدونи, меҳрибон ва болажон, камтарин ва самимий, болаларча соддадил ҳам доно бўлсин, деган мазмунни тақозо этади, албатта. Биз Пўлат Мўмин ижодида ана шундай олижаноб хусусиятлар мужассамлигини ҳис этамиз. Шоир бутун умрини болалар орасида ўtkазиб келмоқда. Унга болалар ва мактаб ҳаёти, ажойиб, жўшқин ва кенг дунёси жуда таниш ва қадрлидир. У ёш китобхонларининг ўй-фикрлари, орзу-умидларини яқиндан билади. Уларнинг дилларидағини тилларига чиқара билади.

Шоирнинг тинимсиз ижодий меҳнати туфайли «Хунардан унар», «Тўғри ўсган гул бўлар», «Ақл қаерда бўлар»,

«Үринбосарлар», «Олтин най», «Бир ярим Карим», «Энди адашмайди», «Барча бола дўст бўлса», «Раҳматга раҳмат», «Газполвон эртак айтар», «Чанг ютар ботир», «Дўстинг канча кўп бўлса», «Офтоб ва одоб», «Яхшиларга ўхшасам», «Бу жуда соз», «Эсон ва Омон», «Олтмиш олти олтин қўл», «Устозлар изидан», «Болаларнинг баҳти кулган», «Бир юз бир олтин қўл» шеърий тўпламлари; «Чаноқвой билан Қовоқвой», «Баҳодирнинг ботирлиги», «Ок фил йўқолди», «Суқатой-конфетвой», «Она болам дейди» каби эртаклари, пьесалари юзага келди. Бу китобларга кирган энг яхши шеър ва қўшиқлари, достон ва эртаклари болалар адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, уни бойитди. Бу асарлардан бир қанчаси жаҳон ҳалқлари тилларига таржима қилинганки, бу фақат шоирнинг эмас, балки ўзбек болалар адабиётининг ҳам ютуғи, обрўси хисобланади.

Кимда-ким аъло ва яхши баҳоларга ўқиш учун астойдил интилса, ҳаракат қилса, заҳмат чекса, шубҳасиз, у мақсадга эришади, самарали билим олади. Агар бу интилиш жисмоний меҳнат билан қўшиб олиб борилса, янада муваффақиятли бўлади. Пўлат Мўмин таълим ва жисмоний меҳнатга бағищланган шеърларида меҳнат ва меҳнатсевар болалар ҳақида фикр юритади. Баъзан ишёқмас, дангаса, ялқов ўқувчиларни танқид қилади, уларнинг камчиликларини очиб ташлайди. Масалан, «Беш олдим, беш!» деган шеърини олайлик. Асар қаҳрамони узоқ вақт паст баҳога ўқиб юради, фанларни кўнгилдагидек ўзлаштира олмаганидан дўстлари, ота-онаси ва ўқитувчилар олдида гуноҳкордек хис қиласди ўзини. Ўқувчи бундай қийин аҳволдан фақат кўпроқ дарс тайёрлаши, китоб ўқиши билан қутулиб кетиши мумкинлигига ҳам ишонмайди. Нима бўлади-ю бир куни у уйга берилган топшириқни қайта-қайта ўқийди, дарс ва китобдан бошқа ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилади. Натижада эртаси куни «беш» баҳо олади. Шу-шу бола китобни севиб қолади. Қунт қилиш, берилган топшириқ устида кўп меҳнат қилиш лозимлигини тушуниб етади. Ўзидаги бундай ижобий ўзгаришдан хурсанд бўлади. Боладаги бу қувонч ва ҳаяジョンни шоир ёш китобхон руҳиятига мосравиша чизиб беради:

Шундай қилиб дүстларим,
Айтсам юрак сұзларим,
Юришиб қолди ишим
Күпайиб кетар «беш»им.

Болалар шоирининг «Туганмас кон», «Үқитувчи баҳо қўйганда», «Кўчаларни тўлдириб», «Сизга нима бўлди, ўғил болалар?», «Юқумли «2»лар», «Билса бўлар эканку!», «Сентябрдан ким севинар?» каби шеърларида ҳам аъло ва яхши ўқиши учун интилаётган, ҳаракат қилаётган болалар тўғрисида ёзилгандир.

Баъзан ўқувчи-ёшлар орасида мугамбир, писмиқ болалар ҳам топилиб қолади. Шоиринг «Қўл кўтариб қўлга тушди» деган асари ана шундай болаларга бағишлиланган. Асар қаҳрамони аслида дангаса, ишёқмас, қолоқ ўқувчи. У буни ўқитувчисига сездирмаслик учун ҳар куни дарс пайтида «Мен айтаман, деб кўтаради қўл». Ўқитувчи эса боланинг бундай мугомбиралигини сезмайди, у дарсни яхши ўзлаштирибди, деб ундан сўрамайди. Охири бир куни «Майли, айта қол» дейди. Шунда ҳалиги бола саволга жавоб бера олмай, ўқитувчи ва ўқувчи дўстлари олдида изза бўлади:

Дарвозасига
Урилгандай гол
Қўлга тушганди
У кўтариб қўл.

Шоир шеърларида кичкинтойларнинг жисмоний ишга интилишлари ҳам яхши очиб берилади. Унинг «Офтоб чиқди оламга», «Ер чопилди — жавоб топилди» шеърлари фикримизнинг далилидир. «Офтоб чиқди оламга» асарида у ҳалқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган. Шеърда болаларнинг ҳаракати, уриниши, катталар ишига кўмаклашиши ниҳоятда таъсирили ва ширали ифодаланган.

Пўлат Мўмин ҳақиқатан ҳам офтоб — бу олам-олам **кувонч**, шодлик, меҳнат, яшаш, яшариш рамзи эканлигини кичкинтой дўстлари қулоғига қўйишга, буни бола образи орқали янада ёрқинроқ, таъсирилироқ акс эттиришга ҳаракат қиласи:

Офтоб чиқди оламга,
Чопиб бордим дадамга.
Дадам кўчат экарди,
Салом бердим дадамга.

П. Мүминнинг «Ер чопилди — жавоб топилди» асарида меҳнатдан завқланиш туйфуси ёрқин ифодаланган. Асар қаҳрамони дастлаб уйга берилган топшириқ — мисолларни ишлай олмайди. Шунда у жисмоний меҳнат қилишга киришади — ер чопади. Терлаб-пишади. Натижада кўнгли ёришади, фикри ойдинлашади. Уйга берилган мисолларни ҳам ечади, ерни ҳам чопади.

Барча саволга
Жавоб топилди.
Шу баҳонада
Ер ҳам чопилди.

Пулат Мүминнинг «Б» баҳо қўшиғи», «Хурсандмисиз?», «Хурсандмиз», «Сентябрим», «Уч баҳо — пуч баҳо» сингари қушиқлари үкиш, илмли булиш мавзуига бағищланган. Уз устида кўп ишлаш, китоб үкиш, дарс қолдирмаслик «аъло» үқишининг мустаҳкам гарови эканлигини шоир «Уч баҳо — пуч баҳо» қўшиғида анча танқид қилиб утади. Оналарни, кексаларни хурмат қилиш, эъзозлаш («Ачом-ачом бувижон», «Мехрибоним, ойижон!»); ӯзаро хурмат, дўстликни жойига қўйиш («Бир жаҳон болаларимиз»); ҳар бир шодиёна, байрамларни зўр тайёргарлик билан кутиб олиш, чеварлик касбини болалиқдан билиб бориш («Кўйлагим») мавзуларига бағищлаб шоир ӯнлаб қўшиқлар яратганки, бундай қўшиқлар болаларнинг жон-дили ҳисобланади.

Пулат Мумин ахлок ва одоб куйчиси ҳисобланади. Бу масала купрок унинг «Бирорлар», «Бир одамнинг афсуси», «Сузи шунаقا — ўзи шунаقا», «Беҳзодни биласизми?» «Улгайдими ақлингиз?», «Қўлинг олтин — йўлинг олтин», «Биринчи бўл, биринчи» каби шеър ва қушиқларида очиб берилади.

Пулат Мумин «Алла билан Жалла», «Зийрак фил ва зиқна боққол», «Ҳар кимники ўзига, ой куринар кўзига», «Унуган ўғил», «Олтин най», «Доно бола», «Билганни қари — билмайди пари» сингари эртак-достонларида ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдалангани куриниб туради.

Пулат Мумин достончи-шоир сифатида ҳам жуда қадрлидир. Унинг «Олтин нокли боғ», «Кўча — кўпчилик учун», «Эҳ, роса ширин экан», «Холнинг жийрон велосипеди», «Кўнгил истар яхшилик» деган поэмалари аллақа-

жон кичкитойларнинг севимли асарларига айланиб кетган. Шоирнинг достонларида болалалар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўқитувчи ва жонажон мактабга мухаббат, бирлик, байнамилаллик каби масалалар илгари сурилган. Болалар ҳаётида содир бўладиган ютуқ ва камчиликлар бадиий бўёкларда, қизиқарли эпизодларда чизиб берилган. Бир сўз билан айтганда, мактаб ўқувчиларининг ҳаёти завқ-шавқ билан тасвирланган.

Пўлат Мўмин ўзининг эртак-пьесалари билан ҳам ёш китобхонлар ўртасида шуҳрат қозонди. Унинг «Ковоқвой билан Чаноқвой», «Суқатой-конфетвой», «Она болам дейди, бола онам дейди» номли фантастик эртак-пьесалари узоқ вақтлардан бери болаларнинг қувончига қувонч кўшиб келаётир.

Ковоқвойнинг дангасалиги, лапашанглиги, эркалиги, тантиклигини ўткир кулги остига олувчи ва Чаноқвойнинг билимдонлиги, донолиги ва меҳрибон дўстлигини улуғловчи «Ковоқвой билан Чаноқвой» болаларни яхшиликка даъват этади.

Бу асадаги яхши фазилатлар драматургнинг бошқа бир эртак-пьесаси «Суқатой-конфетвой»да ҳам кўринган. Тематикаси ва гоявий йўналиши, услуби жиҳатидан бу икки асар бир-бирига яқин. Унда ҳам илм, одоб, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик улуғланади. Воқеа Билим хола, Жанжал хола, Курт ўртасидаги кураш асосида ривожланади.

Пўлат Мўминнинг бутун эътибори, ижодининг моҳијати болаларга ҳаёт йўлини курсатиб беришга интилишдан иборат. Шу пьесадаги Ақлжон билан Одобжон айтганидек:

Ақл, Одоб, Фан йўли,
Йўлларнинг энг маъқули,
Кимки юрса уч йўлдан
Иши келади ўнгдан,
Йўллар элтар мактабга,
Етказади мақсадга.

Бугина эмас, болалар Пўлат Мўминнинг ўнлаб топишможларини ҳам севиб ўқиб ўрганадилар ва зеҳнларини марҳрайдилар.

Севимли шоиримиз Пўлат Мўмин оромсиз қалб соҳибидир. У ҳамон қайноқ самарали ижод билан банд.

ҚУДРАТ ҲИКМАТ (1925—1968)

Талантли болалар шоири Қудрат Ҳикмат қисқа ва са-
марали ижодини кичкин тойларни илмга иштиёқ, она-Ва-
танга, жонажон юртимизга садоқат руҳида тарбиялашга
багишлади.

Қудрат Ҳикмат 1925 йилда Тошкент шаҳрида камба-
ғал деҳқон оиласида туғилди. Бўлажак шоир Қуддус
Мухаммадий раҳбарлик қилган адабиёт тўгарагида фаол
иштирок этди. Бу тўгарак унинг шеърият сирларини эгал-
лашида катта роль ўйнади.

Қ. Ҳикматнинг ижодий ўсишида Ойбек, Абдулла Қаҳ-
ҳор, Уйғун, Миртемир, Қуддус Мухаммадийларнинг му-
раббийлик роли катта бўлди.

Қ. Ҳикмат болалар учун 1945 йилдан бошлаб шеър-
лар ёза бошлайди. Унинг дастлабки шеърлари болалар
ва ёшлар газеталарида ҳамда журналларида босила бош-
ланди.

Қ. Ҳикмат бир қанча вақт Чирчиқ шаҳар газетасида
ишлади. Шу билан бирга меҳнатдан ажralмаган ҳолда
хозирги Тошкент давлат педагогика университетида ўқиди.
1957 йилдан умрининг охиригача турли нашриётларда
редактор, бўлим бошлиғи сифатида ёш авлодга китоблар
чоп этишда фидойилик қилди.

Қудрат Ҳикматнинг «Менинг Ватаним» (1950), «Бахт-
ли болалар» (1951—1952), «Одоблик» (1953), «Дўстлик»
(1954), «Родной Узбекистан» (1955) каби қатор тўплам-
лари нашр этилди. Кейинчалик «Илон шоҳ ва унинг амал-
дори ари ҳақида эртак» (1963), «Соатжоннинг соати»
(1964), «Тошбақалар хужуми» (1965), «Дайди бола»,
«Ўғлим билан сұхбат» (1970) сингари китоблари билан
узбек болалар адабиёти тараққиётiga самарали ҳисса
қўшди.

Шоир асарларининг мавзу доираси кенг ва ранг-ба-
ранг. Турли ёшдаги китобхонлар Қудрат Ҳикмат асарла-
рини севиб ўқийдилар, улардан эстетик завқ оладилар.
Шоир ўз асарларида болаларни қизиқтирган, уларнинг

билигиси, эшигиси келган нарса ва воқеаларни ихчам, үйноки вазн ва қофиялари пишиқ ишланган мисраларда ифодалайди.

Кудрат Ҳикмат ижодининг яна бир муҳим томони шундаки, у болалар тилини яхши ўзлаштирган, үрганган. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари гўзал ва ёқимли, содда ва равон.

Кудрат Ҳикмат ўзининг илк шеърларидан бири «Менинг Ватаним»да меҳрибон она-Ватанинг улуғворлигини кутаринки рух билан куйласа, «Боғча» шеърида болаларни шу улкан Ватанинг қучогига етаклаб киради. Ватан деган шу азиз сўзни, унинг том маъносини болаларнинг соя-салқин, озода, оромбахш боғчасига кўчиради. Шу ер, кичкинтойларнинг юрган-турган жойи улуг Ватан эканлини уқтиради:

Ўртоқжон Турғун,
Мен билан юргин.
Бизнинг боғчани
Бир бориб кўргин.
Турли ўйинчоқ,
Аргимчоқ бизда.
Кемамиз сузар
Денгизчамида.
Милтиғимнинг
Ўқлари олмос,
Чегарамизга
Душман йўлолмас.

Шоир «Бахти болалар» шеърида болаларни озод, эр-ин, баҳтиёрлиги ва уларнинг она-Ватанга бўлган чексиз ҳечр-муҳаббатларини зўр кутаринки рух билан куйлайди. Кудрат Ҳикмат бу шеърида ҳам ўз услубига содик Ҳароқ мисраларни энг кичик вазнда ифодалайди:

Қуёш йулидай
Ёруғ йўлимиз.
Қайга узатсан,
Етар қулимиз...
Гулласин доим
Жонажон Ватан!

Халқимиз учун
Фидо жон ва тан.

Қудрат Ҳикмат кичик ёшдаги болаларни мактабга қизиқтиришни, уларнинг илм-фанга нисбатан бўлган ҳавасини уйғотишни үзининг шоирлик вазифаси деб билди. Масалан, унинг «Китоб — дўстим» шеърини олиб курайлик. Шеърда бошдан-оёқ китоб таърифи ётганлигини курамиз. Шоирнинг таъкидлашича, кимки китобга меҳр қўйса, астойдил ўқиса, ақли-зехни ривожланишини жуда ўйноқи мисраларда ёзади:

Китоб — кенг дунё.
Сўзи нур — зиё.
Қўйсанг меҳрингни,
Очар зеҳнингни

Шоир китобнинг моҳиятини чукурроқ очишга интилиб, «Кенг дунё», «Сўзи нур—зиё» каби истиораларни қўллаб ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

«Салом, мактаб» шеърида шоир мактабнинг моҳияти ва улуғворлигини бир бутунлигicha китобхон кўз ўнгига гавдалантира олган. Санъаткор жозибали мисралар тушиб, болалар эътиқодини мактабга тортади, уларни илм-фандар асосларини муқаддас әгаллашга ундайди:

Илму фан боғи.
Ҳаёт булоғи.
Азиз умрнинг
Суянган тоғи.

Шеърда назарда тутилган энг муҳим масалалардан бири шундаки, мактабдан олган илмни халқ учун, Ватан учун сарф қилиш ҳар бир боланинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидланади:

Сендан олиб дарс,
Ўсдик ҳар нафас.
Ватан хизматин —
Ўташ бизнинг карз.

1952 йилда Қудрат Ҳикмат ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Яна бир китоби «Бахтиёрлик» номли шеърлар

Тўплами нашр этилди. Унинг «Ободлик», «Бахтли болалар» китоблари шоир номини кенг китобхонлар оммасига танитди.

Кудрат Ҳикмат ижодида «Тинчлик ҳақида қўшиқ» шеъри алоҳида аҳамиятга эгадир. Шоир тинчликнинг мөхиятини бутун борлигича шеърга солади:

Тинчлик жуда соз,
Тўкин-сочин ёз.
Ўқ товуши чиқмас,
Янграп қўшиқ-соз, —

деб боланинг тинчлик ҳақидаги тасаввурини ҳаётий парчалар орқали кенгайтиради. Шоир тинчлик сўзини янада чукурроқ очиш учун урушнинг ёмон оқибатларини болалар онгига мос равишда кўрсатади:

Бўлса-чи уруш,
Ўт тушар хар ён.
Тинч, ширин турмуш,
Бўлади вайрон...
Гўзал шаҳарлар,
Ёниб кул бўлар.
На гиёҳ қолар,
На дарё, кўллар.
Бу сира бўлмас,
Халқлар йўл қўймас,
Тинчлик — ободлик,
Хеч қачон сўнмас.

Шоир ҳамма, хар бир оила, жумладан, шавкатларнинг оиласи ҳам тинчлик бўлсин деб астойдил хизмат қилаётганини тасвиrlаб, тинчлик урушни енгиши муқаррарлигини тасдиқлайди. Шоир бу билан болада жаҳон илғор халқларининг, айниқса, тинчликсевар халқларнинг кучқудратига зўр ишонч туғдиради, болага тинчликсеварлик руҳини сингдиради.

Кудрат Ҳикмат ҳалол меҳнатни гўзал ҳаёт манбаи, у билан киши ҳурмат топади, эътибор орттиради деб ифодалайди. Шунинг учун у ўзининг кичик китобхонларида ёшлигиданоқ меҳнат кўниkmаларини тарбиялашни асосий вазифа деб билади. «Бувимнинг деганлари» шеърида

ўз меҳнат самарасидан хурсанд бўлган кичкинтойлар образини яратади. Буни шоир Санобар образида гавдалантиради. Муаллиф ўзининг кичкина қаҳрамонидаги интилишни сезиб, уни улуғ ишларга бошлайди. Санобар бувиси билан пилла қурти тутади ва бу ишдан бенихоя хурсанд бўлади. Бунинг учун унинг севинчи, бувисига бўлган муҳаббати чексиздир. Санобардаги бу ҳолни:

Санобарнинг вакти чоғ,
Барг келтирди бир қучок, —

деб тасвиirlайди.

Буви ҳам Санобарнинг ишидан хурсанд бўлади, энди унинг катта ишларни ҳам уддалай олишига ишонади:

Энди сенга шу сўзим —
Куртлар кирди даҳага, —
Ўрнак бўлиб ҳаммага
Дастага харакат кил,
Ўз ишингнинг кўзин бил!

Шоир Санобарнинг бувисидан ўрганган ишининг катта ижтимоий моҳиятга эга эканини содда мисраларда чуқур очишга эришади:

Бу йил бизлар уч марта
Курт тутиб, мамлакатга —
Топширамиз пиллани,
Пилла эмас, тиллани.

Бу шеър ҳар бир мисраси ўйноқи, тез ёдда қоладиган асарлардан биридир. Бунинг учун юқоридаги парчага, айниқса, «Пилла эмас, тиллани» иборасига қайта нигоҳ ташлаш кифоя.

Шоир бу шеърида болаларни меҳнатсеварликка, Ватан ва ҳалқ олдидаги бурчини муқаддас деб билишга ундейди.

Қудрат Ҳикмат ижодида болаларнинг она-Ватанга нисбатан бўлган муҳаббатлари «Менинг Ватаним», «Мен туғилган кун» каби шеърларида яққол ифодасини топган. Жумладан, «Менинг Ватаним» шеърида жонажон Ўзбекистонимизнинг гўзаллиги, юртимиздаги барча ҳалқ

ка-уқадай дўст бўлиб, иттифоқ бўлиб ҳаёт кечираётган-
иги ўйноқи мисраларда акс эттирилган:

Кукдай бепаён
Бойликларга кон,
Кенг пахта майдон
Менинг Ватаним.

Кудрат Ҳикматнинг «Човкар», «Тошбақалар ҳужуми», «Кум остида қовунлар», «Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳакида эртак», «Чирчик фарзанди» каби поэма ва эртак-достонларини болалар ҳузур қилиб ўқийдилар ва катта эстетик завқ оладилар.

Кудрат Ҳикматнинг «Бободеҳқон ҳангомаси», «Кум остида қовунлар», «Тошбақалар ҳужуми» поэмаларида болаларнинг катталар меҳнатига қизиқишлари, улардан ўрнак олишга интилишлари ёритилади.

Болалар шоирнинг «Кўмилган олтин, вайсақи хотин ва тадбиркор овчи қиссаси», «Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳакида эртак» сингари эртак-достонларини ҳам яхши биладилар.

Оз ва мазмунли умр кўрган Кудрат Ҳикмат болаларга ғаришлаб йигирмадан зиёд китоб ёзди. У тамомила ёш китобхон ишончини оқлаб, кишилар ҳурматини қозонди. Бунинг эвазига у муносиб тақдирланиб, эл назарига тушди.

Шоир ўзи башорат қилгандай:

Олмос менинг юрагим,
Толмас менинг юрагим.
Ким айтади элимда,
Колмас менинг юрагим,

деб ёзгани каби бугун у барҳаёт, орамизда, меҳри кўз орамизда.

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ

(1932 йилда туғилган)

...Новча ниҳолча ҳамон ажал билан олишиб ётибди, жанг бобокалонлари айтишганидек беомон, шафқатсиз эди. Бирин-кетин яшил баргчалари қовжираб таслим бўлишиди, шохчаларидаги хаёт сўнди. «Танам тирик ҳали, — энтикиб деди новча ниҳолча, — мен яшашим керак, албатта яшайман...» У кимданdir ёрдам кутгандек жовдираб атрофга қарай бошлади. Мени бу ерга экиб, кетмопинни асфалтда даранглатиб судраб кетган болалар келиб қолмасмикан, деб яна бир бора кўча бошига кўз ташлади, ёмғир томчиларидан умидвор бўлиб, булут бўлмаса ҳам кўкка тикилиб, узоқ қотиб турди... Кейин тўсатдан серсув адирларда бирга ўсган укаларининг ўлигига кўзи тушиб қолди.. Қизик, ҳаммалари тик турганча жон бершибди... Ўтган йили худди шу кеча-кундузларда ҳаммалари тирик, яйраб-яшнаб барқ уриб ўсишаётган эди... Энди бўлса... «Йўқ, мен яшашим керак...».

— Сув! Сув! Сув!

Қадди-комати келишган новча ниҳолча аста-секин ўзидан кетиб, аллақандай сехрли хаёлот нашъаси билан маст бўла бошлади, кейин ўша кун — ҳаддан ташқари қиздириб юборган 19 июнь куни кундуз соат олтиларда жон берди.

Тик турганча қотиб қолди у...

Бу атоқли адиб Худойберди Тўхтабоевнинг шоҳ асарларидан бири — «Ниҳоллар ноласи»дан парча. Бу асарни болалар беҳад севиб ўқийдилар, ўзларига хулосалар чиқарадилар. Ҳакиқатан ҳам ниҳол — дарахтнинг худди инсон каби жони борлиги, озуқа — сувга эҳтиёжи; парвариш қилинмаса ёш китобхон қалбини ачитиб, түфёнга солиб ҳалок бўлиши асарнинг асосини ташкил этади.

Худойберди Тўхтабоев катта-ю кичик болаларнинг севимли адиби. У ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётида саргузашт ва фантастика жанрларининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган талантли адиб сифатида китобхонга маълум ва машхурдир.

Худойберди Тўхтабоев 1932 йилнинг 17 декабрида Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманига қарашли

Каттатагоб қишлоғида деңқон оиласида дунёга келди. Бошқа болалар қатори Худойберди ҳам пода бокди, ер чопди, пахта терди, хуллас, қишлоқда бўладиган ҳамма меҳнатларда ҳол-кудрат иштирок этди, ҳаёт нимадаи иборат эканлигини ёшлигиданоқ била бошлади.

Бўлажак адаб иккинчи жаҳон уруши йилларида ўқишини йиғишириб, далада кетмон чопди, ҳисобчилик қилди, машақкатли меҳнат билан суяги қотди.

Қўқон педагогика билим юртини муваффақиятли таоммуган X. Тўхтабоев она қишлоғида муаллимлик қилар экан, унда илмга чексиз иштиёқ уйғонади. Шунинг учун ҳам у ўқитувчиликни ташлаб, Тошкент давлат дорилфуна нига ўқишига кирди. Бу ерда Алишер Навоий, Бобур, F. Фулом, Ойбек, X. Олимжон, А. Қаҳҳор асарларини севиб ўқиди, ўрганди.

Университетни тугатиб, Боғдод туманида ўқитувчиклик қилди. Илмий бўлим мудири, директорлик лавозимларида ишлаб, ёшларни илм-фан нурларидан баҳраманд этиш ишларида фаолият кўрсатди. Шеърий машқлари вакъти матбуот саҳифаларида эълон қилина бошлади. Бу эса бўлажак адабни марказга — Тошкентга ижодий иш билан жиддий шуғулланишга чорлар эди. Шундай ҳам бўлди. У 1958 йилда Тошкентга кўчиб келди. «Тошкент ҳакиқати» газетасига ишга кирди.

X. Тўхтабоев болаликдан тўғри сўз, ҳалол, пок ва меҳнатсевар бўлиб ўси. Газетада ишлар экан, баъзи нопок одамларни кўриб, уларнинг қилмишларини ҳазм қила олмади. Бундай кишиларнинг сир-асрорларини фош этишга, эл-юрт ўртасида мунофиқларнинг ярамас томонларини очиб ташлашга қарор қилди. Бу борада унга фельетон жанри қўл келди. 1962 йилда республикамизнинг отахон газетаси — «Ўзбекистон овози» га фельетончи бўлиб ишга танди. Бу ерда 300 дан зиёд фельетон ёзди.

«Ҳадик», «Тилхат», «Она», «Характеристика», «Бар-айтилган аzon», «Домланинг уйига ўт кетди», «Махсус топширик», «Жонгинам, шартингни айт» каби каттадар учун қисса ва ҳикоялар ёзган X. Тўхтабоев болалар улутин ҳам ҳикоялар яратса бошлади. Унинг «Биринчи даражатим», «Қочоқлар», «Қизғанчик», «Дадажон, ёзман», «Мвордин, дада», «Вали билан Салим», «Шошқалоқ»,

«Яхши-яхши» сингари ўнлаб хикоялари ёш китобхонларда катта қизиқиши ўйғотди.

«Кичкина раис» хикоясининг қаҳрамони кичкинтой ўқувчи бола. Лекин Фозилжоннинг хатти-харакати, интилиши, пахта далаларини сергаклик билан кузатиши, фикр юритиши раисларга хос.

Фозилжоннинг она заминга, одамларга нисбатан қизиқиши таъсирли чизилган. Кимсасиз, фирт етим бола ўз қишлоғи, атрофидаги одамлар билан севиниб, қувониб яшайди. Ўзини уларнинг бағрида эркин ҳис этади.

Худойберди Тўхтабоевда ёзувчиликка иштиёқ уйғотган, қобилиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган, асарларига қайтарилилмас ранг ва жило берган нарса ҳаёт, вақтли матбуот, редакциядаги қайноқ ижодий мухит ва қунт, чидам билан ўқиши, ўрганиш, ўз устида ишлаш бўлди.

Ҳаётда турли характердаги одамлар кўп бўлади. Бирор яхшилик қиласман деб ёмонлик қилиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолади. Бирор ўзини жамоат учун ғоят фойдали одамман деб ўйлайди, аслида эса зааркунанда бўлиб чиқади. Яна бирор билар-билимас ҳар нарсага аралашаверади, ўртага тушади, сўз беради, лекин бари-бир мен ҳақман, шундай қилишим керак деб билади. Ана шундай кишиларга бағищланган «Жонгинам, шартингни айт» қиссаси Худойберди Тўхтабоевни ҳажвчи сифатида кенг китобхонлар оммасига таништириди.

Худойберди Тўхтабоев узоқ йиллар фельетончи бўлиб ишлаб, кишиларнинг юрак дардини, ҳасратини қунт билан ўрганди. Бундай шикоятларга сабаб бўлаётган шахсларнинг хатти-харакатларини муфассал билиб олишга интилди. Даврдан орқада қолган, сарқит деб аталган иллатлар ботқоғига ботган, молу дунёга хирс қўйган шахслар ҳақида талай фельетонлар ёзди. «Сарик девни мениб», «Сарик девнинг ўлими» номли асарлари ана шу фактларни умумлаштириш асосида юзага келди, десак тўғри бўлади.

Маълумки, ҳажвий қиссаларимиз бармоқ билан санарли эди. «Калвак маҳсум», «Тошпўлат тажанг», «Тирилган мурда», «Шум бола»дан кейин анча вақт бу жанрда айтарли асар яратилмади. Кейинги йилларда Абдулла Қодирий ваFaфур Гуломнинг анъаналарини Худойберди Тўхтабоев давом эттириб, бу «бўшлиқ»ни тўлдиришга ҳаракат қилди.

Худойберди Тұхтабоев болалар учун асар ёзаётган пайтда, албатта, үз үкүвчисини күз олдига келтириб ёза-ди. «Олти ёшли болага айтәётган гапингиз үн түрт ёшли үсмирға айтадиган гапингиздан албатта фарқ қилиши керак», деб таъкидлайды у. Ёзувчининг болалар ва үсмир-ларга аatab ёзган асарларининг қизиқарли, үқимишли, жозибали бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Шунинг учун ҳам Худойберди Тұхтабоевнинг биринчи юмористик-саргузашт қиссаси, болалар хаётидан олин-ган «Сехрли қалпокча» тез орада болалар хурматига са-зовор бўлди ва уни жамоатчилик жуда яхши кутиб олди.

Ёзувчининг юморга мойиллиги, оддий вазиятлардан ҳам кулги чиқара олиш истеъоди илгариги асарларига нисбатан бу асарида яна ҳам чуқурроқ сезилди. «Сариқ девни миниб» асарини қизиқарли сюжет асосига қуради, асарнинг ҳикоячиси — баёнчиси қилиб ундаги барча во-қеаларнинг иштирокчиси, гувоҳи бўлмиш Ҳошимжонни қўяди, тилга олинадиган воқеалар унинг тилидан ҳикоя қилинади. Ёзувчи Ҳошимжоннинг ҳикояси орқали унинг ҳаёт йўли саргузаштларини, ўзига хос характеристи ва психологиясини атрофлича очиб беради. Шунингдек, Ҳошим-жон характеристида Ҳўжа Насриддиннинг ва ҳалқ эртакла-ридаги «тегирмонга тушса бутун чиқадиган» зукко бола-ларнинг фазилатлари яккол мужассамлашганлигини қўрамиз.

«Сариқ девни миниб» да ўқиши, илм чўққиларини эгал-лаш учун ва инсоннинг үз орзуси, эзгу ниятига эришиш учун барча имкониятларни яратиб берган замонамизда яшашига қарамай, дангасалик, ялқовлик қилган, ҳаётда енгил-елпи яшашига йўл ахтарган ва адашган болалар — ҳошимжонлар кулги остига олинади:

Ҳошимжон дечқон оиласидан чиқсан, шўхлиги олам-ни бузадиган бир бола. У ҳаётдаги кўп нарсага меҳнат-сиз, қийинчиликларсиз осон йўл билан эришгиси кела-ди. Меҳнатсиз ва илмсиз ҳам киши истаган нарсага эри-ша олиши, катта обрў орттириши мумкин, деб ўйлади. Ўз фикрида қатъий турган Ҳошимжон муддаосини амал-га ошириш учун бувиси айтиб берган эртакдаги сехрли қалпоқчани излашга тушади, узоқ изланишлардан кейин истаган ишини ҳеч қандай машаққатсиз бажаришга ёр-дам берадиган сехрли қалпоқчани ташландик молхона-

дан топиб олади. Энди у ўзини орзуларига батамом эришадигандай ҳис этади. «Ортиқча» фанларни дарс жадвалидан чиқаришни рад этган директор, ҳар хил вазифалар бериб «миясини қотирадиган» үқитувчилариға үқимасдан ҳам ҳар қандай касб әгаси, машхур одам була олиш, күкрак тұла нишонлар билан шоң-шуҳратлар, катта обруға әга бўлиш мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади ва шу мақсадда сехрли қалпокча билан сафарга чиқади. Шундай қилиб унинг саргузаштлари бошланади.

Минг афсуски, сехрли қалпокча бу борада Ҳошимжонга кўмак беролмайди. Сехрли қалпокча муҳайё этган имкониятлар ҳар сафар кутилмаган кўнгилсиз оқибатларга олиб келаверади. Ҳошимжоннинг баҳти энди кулай деб турганда ишнинг пачаваси чиқиб қолаверади. У давлат хўжалигида агроном булиб ҳам, «шоирлик қилиб» ҳам, қурилишда мухандислик қилиб ҳам, қўғирчоқ театрида артистлик қилиб ҳам кўради, машхур саёҳатчи сифатида бутун дунёни кезмоқчи ҳам бўлади. Лекин ҳамма ерда илмининг, тажрибасининг йўқлиги ишнинг пачавасини чиқараверади. Ҳошимжон қаерга бормасин, қандай иш қилмасин пировардида шарманда-ю шармисор бўлади. Унинг агрономлик ва мухандислик «фаолияти» жиноятга олиб келади, қамалишига сал қолади, шоир бўламан деб расво бўлади, «улуғ артист» театрдан қувилади.

Қиссада Ҳошимжон ўз саёҳати давомида қанчадан-қанча ажойиботларнинг гувоҳи булиб, қизик, кулгили саргузаштларни бошидан кечиради. У үқимай, меҳнат қилмай, ўз устида ишламай жуда кўп нарсаларга эришмоқчи бўлади, лекин у ҳеч нарсага эриша олмайди. Чунки унга илмисизлиги панд беради.

Ёзувчи Ҳошимжон образини бутун қирралари билан очишга уринган. Болаларга хос ўйинқароқлик ҳам, соддалигу беғуборлик ҳам, ғурурлилик, тўрри сузлик, шумлик бир оз мақтанчоқлик, ҳатто ўрнида ёлғонни ҳам дўндириб юборадиган, ўзини бошқалардан ажратиб кўрсатишга интилиш одатлари, болаларга таклидчилик, довюрак, эпчил ва руҳий тетиклик, хафачилик ва руҳий тушкунликдан йироқлик ҳам Ҳошимжон характеристига хос хусусиятдир.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девнинг ўлими» саргузашт романи уч қисм («Ўртоқ полковник», «Сарик

девни қувиб», «Сариқ девнинг ўлими ёки олам гулистон бўлгани»)дан иборат. Бу роман асосида ҳам Ҳошимжон саргузаштлари ётади. Китобни ўқиб унинг янги саргузаштларидан хабардор бўласиз, сеҳрли қалпокча яна ми дадга келади, ажойиб-гаройиб кароматлар кўрсатади. У Ҳошимжонга жиддий масалаларда — ўғри, муттаҳам, төкинхўрларни фош этишда ёрдам беради.

Эндиликда Ҳошимжон айнан аввалги ўйинқарор Ҳошимжон эмас, балки тўққиз йиллик мактабни битириб, улғайиб, бирмунча қуюлиб, эси кириб, оқ-корани таниб қолган йигитча. Энди у ўз ҳаёти, тақдири, жамиятга фойда етказадиган одам бўлиб этиши ҳақида жиддий ўйлади, бирор касб эгаллаш ҳақида бош котиради. Бошида сартош бўлади. «Биласизку, бир ишга аҳд қилсан, уни охирига етказмагунча қўймайдиган одатим бор. Жонимни қийнаб бўлса ҳам мақсадимга эришаман», деб шу касб орқали одамларга хизмат қилишга бел боғлади. Кейин милиция мактабига кириб ўқиб, уни битиргандан сўнг милиционерликка ишга ўтади. Китобдаги барча воқеа-ходисалар, саргузаштлар Ҳошимжоннинг ана шу милиционерлик нуқтасидан бошланади, ҳамма гап-сўзлар қаҳрамоннинг шу касб-кори билан боғлик ҳолда давом этади.

Романда яхшилик, эзгулик рамзи еифатида милиция полковниги Салимжон, унинг мададкори Ҳошимжон, ёмонлик, эскилик рамзи тарзида Одил баттол гавдаланади.

Улар ўртасида тинимсиз шиддатли кураш кетади. Одил ҳижоятда маккор, у Салимжон бошига жуда кўп оғир савдолар солган, уйига ўт қўйган, унинг якка-ю ёлғиз фарзандининг қўлига тўппонча тутқазган, жиноятга етаклаган.

Асар пировардида бутун умри давомида ҳалққа, яхши одамларга зарар етказиш билан шуғулланган Одил баттол ва унинг ҳамтоворқлари қонуний мағлубиятга учрайди, ҳақиқат, адолат, эзгулик ғолиб чиқади.

Худойберди Тұхтабоев ўз романида юлғичларга, қаллобларга қарши курашда бутун ҳалқ бир кишидай бўлиб бирлашса, бу ишни бутунлай ўз қўлига олса, Одил баттолларга қирон келади, улардан ном-нишон ҳам қолмайди, деган фикрни ўртага ташлайди.

«Сариқ девни миниб» қиссаси, «Сариқ девнинг ўлими» романининг энг яхши фазилатларидан бири тилининг ширадорлиги ва ўйноқилигидадир. Муаллиф бони

қаҳрамон Ҳошимжоннинг тилини алоҳида эътибор билан ишлаган. Бу тил нозик қочиримларга бойлиги ва жонлилиги, шу билан бирга болалар тилига мос ҳолда соддалиги билан ажралиб туради. Қаҳрамоннинг характери унинг сўзларидан шундокқина билиниб туради.

Фантастик-саргузашт жанри болалар адабиётининг энг қизиқарли жанрларидан биридир. Бундай асарлар болаларнинг онги ва психологиясиға кучли таъсир кўрсатади, уларни ўқишга, ўрганишга, изланишга ўргатади, жамиятимизнинг фаол қурувчиларини тарбиялашга ёрдам беради.

«Қасоскорнинг олтин боши» романи марказида бош қаҳрамон — тарихий шахс, халқ қасоскори Намоз тақдири ётади. «Қасоскорнинг олтин боши» тарихий-биографик роман эмас, шунинг учун ҳам муаллиф Намознинг хаётини батафсил ёритиб беришни максад қилиб олган эмас. Лекин адид ўрни-ўрни билан унинг хаётига доир маълумотлар бериб борган. Бу маълумотлар унинг характерини тушуниб олишда китобхонга ёрдам беради.

Намоз факат жисмонан эмас, ақлан ҳам етук. У ҳақиқат учун қасоскор, қўрқмас, тадбиркор, очик кўнгил қаҳрамон сифатида гавдалантирилган. У атрофига ўзи каби довюрак йигитларни тўплаб, зулмкорларга қарши курашга ундейди.

Ҳалоллиги, мардлиги, адолатлилиги, етимпарварлиги учун халқ Намозни яхши кўради ва уни Гўрўғлига қиёс қиласди. «Гўрўғлибек Намозбой қиёфасида пайдо бўлган эмиш. Афсун ўқиса кўздан ғойиб бўлиб қолармиш. Ундан ўқ ўтмас эмиш, қилич чопмас эмиш...»

Намознинг мардлиги, жасорати халқ қалбида мангушаб келаётганлиги «Қасоскорнинг олтин боши» да яхши чизиб берилган.

Талантли болалар адиди Худойберди Тўхтабоевнинг «Сир очилди», «Ака-ука Омонбой билан Давронбойнинг қишлоққа газ олиб келганлари ҳақида жажжи қисса», «Беш болали йигитча», «Ширин қовунлар мамлакатида ёки сеҳргарлар жанги», «Мунгли кўзлар», «Жаннати одамлар» каби йирик асарларининг юзага келиши ўзбек болалар адабиётининг ютуғи ҳисобланади. У болалар учун янада ўқимишли асарлар яратиш максадида тинимсиз изланмоқда.

ФАРХОД МУСАЖОН (1933 йилда туғилган)

Ўзининг қисқа ҳажмли ва ҳаяжонли ҳикоялари, мазмундор қиссалари, кичкитойларни тұлқинлантирадиган пьесалари билан болаларнинг қувончларига қувонч улашиб келаётган қаламкашлардан бири Фарход Мусажон 1933 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1956 йилда ТошДУнинг Шарқ факультетини тамомлайди. Бир неча йил Ўзбекистон радиосида, «Ўзбекистон маданияти» газетасида, «Ғунча» журналида меҳнат қиласи. 1966 йилдан эса «Ўзбекфильм»да муҳаррир, бош муҳаррир вазифаларида ишлаб келмоқда.

Фарход Мусажоннинг ilk асари 1955 йилда эълон қилинган. Шундан сўнг «Дарадаги қишлоқда» (1960), «Турди, қизил боғич ва мен» (1970), «Офтобни қувлаб» (1970), «Чин дўстлик» (1976), «Чевар қиз» (1982), «Булоқ суви» (1982), «Турди, велосипед ва мен» (1983), «Глоток родниковой воды», «Текин томоша» (1989) каби китобларининг майдонга келиши болалар учун катта байрам бўлди.

1997 йилда адид ўзининг болаларга атаб ёзган барча ҳикояларини жамлаб, йигирма икки табоқдан иборат катта китобини қайта ишлаган ва тўлдирилган ҳолда чоп эттириди. Бу китобини ҳам илгарисига ўхшаб «Текин томоша» деб атади. Олдингисидан фарқли ўлароқ бу китоб уч кисмдан иборат: кичкитойлар, ўртанчалар ва ўсмирларга.

Фарҳод Мусажон ижодининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унинг аксар ҳикоялари қувноқ юмор ҳисси билан суғорилган. Адиднинг барча ҳикояларида беғубор ва завқли болалик даври руҳияти сақланган. Шунинг учун унинг ҳикоялари осон ўқиласи, осон ҳазм бўлади. Натижада таъсир кучи ҳам ортади.

Адид ижодининг яна бир жиҳати у ўз персонажларини ёмон ёки яхши, адабий атамалар қўллаб айтадиган бўлсак, салбий ёки ижобийга ажратмайди. Уларга баҳо берар экан, феъли-автори қандайлигини тасвирлар экан хеч қачон кучли ибораларни, «аблаҳ, иблис, ярамас, га-

занда» ва ҳоказо ҳақоратомуз, қаттик-қуруқ сўзларни ишлатмайди. Зеро, инсон сифатида энди шаклланаётган болаларга нисбатан бундай ўткир сўзларни ишлатиш инсофдан ваadolатдан эмаслигини тушунади. У ўз қаҳрамонларини қандайлигидан қатъи назар — ўйинқароқми, лапашангми, айёрми, дангасами, мақтанчоқми — ҳаммасини бирдай севади ва севиб тасвирлайди. Унинг учун мутлақо ёмон бола умуман йўқ, камчилиги булиши мумкин, дейлик ёлғончирок, хасисрок, худбинрок, лекин нокас бола йўқ, ҳар қандай болани ҳам тӯғри йўлга солиб юбориш мумкинлигига ишонади. Ва шу муборак мақсад йўлида ижод қиласи.

Фарҳод Мусажоннинг ўзига хос услуби бор. Унинг асарларидан бир парчагина ўқиган одам муаллифнинг кимлигини аниқлаб олиши мумкин. У аниқ, содда, тушунарли ва ихчам ёзади. Шу сабабли катта маҳорат эвазига йиллар давомида пайдо бўладиган ва шаклланадиган бадий соддалик туфайли унинг асарлари ўқимишли чиқади. Болалар тили билан айтсан ҳикоялари «ростакам бўлган воқеага ўхшайди». Дарҳақиқат, адаб воқеаларни худди ҳаётдагидек ишонарли ва қизиқарли қилиб сўзлаб беради. Бу жуда муҳим. Негаки болалар ҳикоя воқеаларага ишонмасалар, асарнинг таъсир кучи йўққа чиқади. Мана шу омил — ишонтира олиш маҳорати Ф. Мусажон ижодининг энг муҳим хусусиятидир.

Фарҳод Мусажон барча ёшдаги болалар учун ёзади. Унинг китоблари орасида мактабгача тарбия ёшидаги, мактаб ёшидаги, кичик ҳамда ўрта ва катта ёшдаги болаларга ва ўсмирларга бағишлиланган асарларни ҳам учратиш мумкин.

Аёнки, мактабгача тарбия болалар китобхонлиги отоналар, тарбиячилар томонидан амалга оширилади. Болалар ўзлари тинглаган асарлари ёрдамида атроф-муҳит билан таниша борадилар. Она-юрга, табиатга муҳаббат хислатлари; меҳнат қилиш ва меҳнат аҳлини хурмат қилиш каби фазилатлар шу ёшдан шакллана бошлайди. Турмушда қизғанчик бўлмаслик, касб-хунар эгаллашга интилиш, катталарни хурмат қилиш каби ижобий фазилатлар ҳам шулар жумласига киради.

Болаларнинг педагогик-психологик хусусиятларини яхши ўрганган Фарход Мусажон кичик ёшдаги болаларга бағишлиб «Энг яхши бобо», «Шодиёна кун», «Шиқилдоқ», «Пахлавон ва нимжон», «Совға», «Ажойиб бузоқча», «Яхшилик», «Тўлаб бер», «Варрак», «Доф» каби ўнлаб ҳикоялар яратган.

Адибнинг «Варрак» асари мазмуни оддийгина варрак ясаш воқеаси асосига қурилган. Асарда кичкитойларни болаликдан бошлаб мустақил ҳаракат қилишга чақирилади.

Ана шундай жозибали асарларидан яна бири «Энг яхши чана» дир. Бу ҳикояда кўли очиқ, саҳоватли, бағри бутун бўлишлик, ҳасис, зикна бўлмаслик каби фоялар кичкитойлар онгига етказилади: Латифжонга дадаси чана олиб келиб беради. Қувончдан боланинг боши кўкка етай дейди.

Латифжон бошда анча қизғанчиқ бўлади. Шунинг учун чанада битта ўзи учади. Бошқаларни чанага яқин келтирмайди, унга бирорнинг қўли тегиб кетса, чанани қўтариб уйига чопади.

Латифжоннинг дадаси ўғлидаги бундай қизғанчиқликини пайқайди, лекин унга панд-насиҳат қилиб ўтирмайди. Аксинча, куйидаги ибратли ҳикоятни келтиради:

— Биласанми, — деди дадаси ўғлига, — мен бу ажойиб чанани қаердан олдим? Бунакаси магазинда сотилмайди, бу буюртма билан қўлда ясалган чана. Ёши олтмишда. Ҳа, олтмиш йил бурун битта оғайнимнинг дадаси олиб берган экан. Оғайним ўша пайтда сендек экан. Чананинг чиройлилигини кўриб учишга унинг ҳам кўзи қиймабди. Каттароқ бўлганимда учарман, ҳозир болалар тортиб олиб эскитиб қўйишади, деб асраб юраверибди. Орадан йиллар ўтибди, бир куни қараса болалиги тугаб чол бўлиб қолибди. Энди унга чана керак эмас экан, чунки чол одам уялмасдан чана учадими?! Оғайним чанани менга совға қилар экан, беғубор болалик чоғимда маза қилиб учолмадим, ишқилиб сенинг ўғлингга яхши хизмат қилсин деди. Шунақа, ўғлим, қизғанчиқ одам завқдан маҳрум бўлади!

Латифжон аввал дадасининг бу гапларига тушуна қолмайди. Юрагининг аллақаери жаз этгандек бўлади. Ниҳоят у дадасига юзланиб:

— Эртадан бошлаб аямасдан учаман, — деди.

Адибнинг «Совға» ҳикояси болаларни меҳнаткаш бўлишга даъват этади. Оқилжоннинг гул экиши, уни меҳр билан парвариш қилиши кичик китобхонда катта таассурут қолдиради.

«Турди, қизил боғич ва мен» ҳикояси узоқ йиллардан бери ёш китобхонларнинг севимли асарларидан бири сифатида эъзозланиб келинади.

Ҳикояда озодалик, шаҳар тозалиги учун курашиш бош масала қилиб қўйилади. Турди ва Фиёс кабиларнинг шаҳар тозалигига фаол қатнашмаганликлари, дангасаликлари фош қилинади.

Хуллас, Фарҳод Мусажон ўзининг мактабгача ва мактаб ёшидаги кичик болаларга бағишлиб ёзган ҳикояларида салмоқдор фикрларни содда, болаларбоп шаклда айтади. Адид насиҳат қилиш йўлидан бормайди, аксинча, болалар ҳайтида кўп учраб турадиган оддий воқеаларни тасвирлайди ва айтмоқчи бўлган муҳим гапларни ана шу воқеалар мағзига сингдириб юборади.

Фарҳод Мусажоннинг «Орзуга айб йўқ», «Буш келма, Аликулов», «Булоқ суви» каби бошқа қиссалари ўзбек болалар адабиётида муҳим үринда туради.

Фарҳод Мусажон драматург сифатида ҳам ёшларнинг меҳрини қозонган. «Хаёлпарастлар», «Оқ кабутар», «Сабил қолди», «Үрлимни қайтариб беринглар» пьесалари шулар жумласига киради.

Булар орасида айниқса, «Үрлимни қайтариб беринглар» асари машхур бўлди.

Драматург унинг номини ўзгартириб «Нажот истаб» деб қайтадан ишлади. У Ҳамза номидаги Академик драма театрида муваффакият билан қўйилди. Душанбе, Олмаота шаҳарларида, Татаристонда саҳна юзини кўрди.

Пьесада асосан бола тарбиясида ота-онанинг ўйнайдиган беқиёс катта роли ҳақида гап боради.

Фарҳод Мусажон катталарга бағишлиб «Баҳор нафаси», «Бу кўзларга ишонса бўлади», «Хотин кишининг раъийи», «Кур шофёр», «Зўраки кашандা», «Нозик масала», «Калла-пocha», «Ҳиммат», «Боғ куча» каби китоблар ёзган.

ЛАТИФ МАҲМУДОВ (1935 йилда туғилган)

Ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётида ҳикоя, қисса, пъесалари билан машҳур бўлган қаламкашлардан бири Латиф Маҳмудовдир. У 1935 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келди. Тошкент давлат дорилфунунини тамомланган. Узоқ йиллар Республика радиосида, бир қатор нашриётларда ишлаган.

Латиф Маҳмудов ўзининг дастлабки ҳикояларидан бири «Чинор» билан ёш китобхонлар олқишига муяссар бўлди.

Ҳикоя қаҳрамони Салим бобонинг ҳар куни эрталабдан кечгача чинорнинг тагида ўтириши болаларга жуда бошқача туюлади. Гўёки бу ерда — чинор остида қандайдир бир яширин сир бордек туюлади уларга.

Маълумки, болалар ҳар бир нарсага қизиқувчан бўладилар. Улар ўзлари учун номаълум бўлган оламнинг сирасорларини тезроқ билиб олишга, унинг охирига етишга интиладилар. Шокир ҳам, Вали ҳам ана шундай болалар тоифасидан. Шунинг учун улар чинор ва унинг остидаги супага жуда қизиқиб қоладилар. Салим отанинг супада кечаю кундуз ўтириши уларни ҳайратга солади.

Аслида чинорда ҳам, супада ҳам ҳеч қандай сир-пир йўқ эди. Бобонинг якка-ёлғиз ўғли бўлиб, у шоиртабиат бўлган. Бир вактлар шу чинор олдида бир аёл анҳорга қулаб тушади. Уни Салим отанинг ўғли кутқаради. Аммо ўзи анҳордан чиқа олмай, сувга чўкиб ҳалок бўлади. Шу сабабли чол чинор тагида, супа устида узоқ ўтириб, ўғлидан колган ёдгорлик — унинг китобини қайта-қайта ўқийди.

Бундан бехабар болалар ғор қазиб, бу ердаги сирни билиб олмоқчи бўладилар. Кутимаганда болаларнинг ғори ўпирилиб, супа қулаб тушади. Бу ерда ҳеч қандай сир ҳам, тарих ҳам йўқ эканлигини билган болалар, айниқса, бобонинг супа ўпирилиб тушганидан кейинги ҳолатини кўриб, ўзларини ўзлари кечира олмайдилар. Чол эса уйидан чиқиб супа томон юрар экан: «... чинордан ўн-ўн

беш қадам нарида, анхор бўйида ўрани кўриб тўхтади, энгашди, ҳассасига таяниб худди сурат олдираётгандек қимир этмай туриб қолди. Анчадан кейин бошини кўтариб, кўз олди жимирлашиб кетди, ойнагини артмоқчи бўлганди, қалқиб кетиб, анхорга тушириб юборди. Қалираб анхор ёқасига чўккалади. Енгини шимариб, ойнагини қидира бошлади. Бироқ чукур, қўлини тортиб ҳассасини сувга тикиб кўрди. У ҳам етмади. Ойнак аллақачон оқиб кетган эди. Салим бобо сувга қараб анча ўтирди. Кейин секин ўрнидан турди. Чинорнинг тагига бир қараб, қоқила-қоқила уйига қараб кетди».

Кариянинг бундай аянчли ахволидан ва айниқса, бу воқеадан кейин унинг касал бўлиб қолишидан болалар қаттиқ изтироб чекадилар. Бу ишда факат ўзлари айбдор эканликларидан уяладилар. Қандай бўлмасин, чолга таскин беришга, унга ҳар томонлама кўмаклашишга, ёрдам беришга ҳаракат қиласидилар.

«Чинор» ҳамон севиб ўқилмоқда, болаларни яхшиликка, кексаларга кўмак беришга, ажойиб инсон бўлиб камол топишга даъват этиб келмоқда.

Кимки жисмоний меҳнатга берилса, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан ошно бўлса, у хаётда соғлом ва тетик бўлади, олдига қўйган ният-мақсадига эришади, тенгкурлари ўртасида обрў-эътибор қозонади. Ёки аксинча...

Ёзувчи Латиф Махмудовнинг «Дарвозабон» ҳикоясининг қаҳрамони Ориф юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, иккинчи тоифадаги болаларга киради.

Кўпчилик болалар турли дам олиш масканларида ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказиб, спорт билан шуғулланиб, янги куч-қувват тўплайдилар, ҳар томонлама чиниқадилар.

Ориф-чи? У на жисмоний меҳнат қиласи, на спорт билан шуғулланади, на бадиий китоб ўқиёди. Кечаси-ю кундузи овқат еб, хомсемиз бўлиб қолганлигини Латиф Махмудов болаларга таъсир қиласиган даражада тасвирлаб беради.

Ҳикояни, айниқса, қўйидаги мисраларни ўқиган ҳар бир ёш китобхон Орифнинг бу қиёфасидан кулади ва ўзи ҳам шу кўйга тушиб қолмаслик учун ҳаракат қиласи:

«...қўшни кўча футбол командаси билан сайдонлиниди учрашув бўлди. Ориф дарвозабон эди. Ўйинга яралаш-май қўя қол, десак ҳам «мен бу учрашувга атайлаб куч йикқанман» деб туриб олди. Ноилож кўндинк.

Шу куни ракибларимиз дарвозага ўн тўрт тўп кири тишиди. Ориф Нишонов коптот тутаман деб ҳар гал коп токдан олдин ўзи думалаб дарвозага кириб кетар эди».

Латиф Маҳмудов ҳикоялари мавзу жиҳатдан ранг баранг. Уларнинг ҳаммасида болаларнинг қайнок ҳаёти уфуриб туради. Адигнинг деярли барча ҳикояларида болаларни қизғанчиқ бўлмасликка, катта-қичикка меҳри бон, ғамхўр бўлишга чақириш («Бир пуд тош»); озода бўлиш, гигиена қонун-қоидаларига амал қилиш («Қойил қилишди»); ҳалол, пок, тўғри сўз бўлиш («Аттанг»); кўчат экиш, боғ-роғларни парваришлаш («Гилос»); она табиатни асрash, авайлаш, унга фидойилик курсатиш («Қирғай», «Мусича»); давримизга муносиб касб-кор эгаси бўлиш («Шокирнинг тоғаси») каби болаларни қизиктирадиган, уларни ҳаяжонга соладиган, тўлқинлантирадиган масалалар ётади.

Латиф Маҳмудов узбек адабиётида қисса жанрини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келаётган талантли адиглардан бири ҳисобланади. Адигнинг «Эски дуторнинг сирлари», «Тоғдаги лолалар», «Тоғда отилган ўқ», «Икки дангасанинг саргузаштлари» каби қиссалари ни ўқимаган ёш китобхон топилмаса керак.

Адиг уз қиссаларида болаларнинг ҳаётларини, эзгуният, орзу ва интилишларини ёзади. Қиссаларида аъло ва яхши ўқишига интилиш, жисмоний тарбия ва спортга берилиш, катталарни ҳурмат қилиш ва кичкинтойларга ёрдам қўлини чўзиш, меҳнатсевар ва она-Ватанга фидо кор бўлиб камол топиш каби масалалар ётади.

Адигнинг энг жозибали, болалар қалбини ўзига ром этадиган қиссаларидан бири «Икки дангасанинг саргу заштлари»dir.

Қисса қаҳрамонлари — Мирвали, Ботирлар оддий, бошқалардан фарқ қилмайдиган болалар, аммо хатти-ҳари катлари, интилишлари бир жаҳон. Иккаласи ҳам ёмон ўқувчилардан эмас. Хулқ-одоблари ҳам бошқаларга минзур буладиган болалардан.

Ҳамма гап адабиёт муаллими Алижон Валиевичнинг Ботирнинг дадасига мактуб ёзib беришидан бошланади.

Алижон Валиевичнинг болалар маъқул кўрмайдиган бир одати бор. Буни Мирвали тилидан берилиши янада ишончли чикқан: «Сиз Алижон Валиевич жуда баджажил одам экан, деб ўйламанг. Алижон Валиевич бировга қаттиқ гапирмайди, уришмайди, қовофини ҳам солмайди. Ҳатто айбингизни ҳам айтмайди. Гунохингиз оғир бўлса икки эллик хат ёзib конвертга солади, яхшилаб елимлайди, сизнинг оппоқ оқариб кетаётганингиздан завқланиб бепарволик билан қулингизга тутади.

«— Шуни дадангизга бериб қўйинг».

Ботир ўқитувчининг қулидан мактубни олар экан, даҳшатга тушади, нима гуноҳ иш қилиб қўйганини билмай ўй-хаёлга ботади.

Ҳамфикр, дўст, сирдош, юрса-турса бирга бўладиган Мирвали билан ўқишда, юриш-туришда йўл қўйган хатоларини хўп ўйлашади. Маълум булишича, улар кунлардан бир кун чолларга салом бермай ўтишган, қачонлардир та-наффусда бир марта ўқитувчилардан яшириб папирос чекишган, дарс тайёрламай келишганда синфдошларидан уйга берилган вазифани кўчиришган. Аммо булар хатга асосий сабаб бўлмаслиги мумкин деб ўйлашади.

Болалар руҳиятини яхши биладиган Латиф Маҳмудов ўқитувчи таърифига катта баҳо беради. Алижон Валиевич образини жуда ишончли қилиб чизади. Ботир юрса-турса ўқитувчи-устози уни кузатиб тургандек булаверади:

«...Назаримда кўчада юрсан елкамдан, уйда китоб ўқиб ётсан шипдан қараб турганга ухшайди» деб болани ҳаётга янада масъулият билан қараашга ургатади.

Латиф Маҳмудов қиссада тимурчиллик ҳаракатига ҳам алоҳида муносабатда бўлади. Ўқитувчининг мактубини олган болалар ўзлари йўл қўйган хатоларини қидира бошлашади ва гуноҳларини ювиш мақсадида ўткинчи бир чолнинг қопини кутаришиб унинг уйига олиб боришади. Бу каби лавхалар ёш китобхонда катта таассурот қолдиди.

Икки дўст нима бўлганда ҳам ўқишни бўшаشتирмасликка ҳаракат қилишади.

Кейинчалик мактубдаги:

«—Заводингизга эккурсия уюштирмоқчимиз, пахта териш машинаси ҳақида гапириб берсангиз, қачон борсак бўлади?» деб сўралган хат мазмунидан хабардор бўлган икки дўст терилариға сифмай қувонишади ҳамда ўз хато ва камчиликларини тузатиб олганликларидан беҳад шод бўладилар.

Шу нарса қувонарлики, қиссада хатоларсиз яшаш ҳар бир бола учун катта баҳт эканлиги китобхон кўзига ярқ этиб ташланиб туради.

Латиф Маҳмудовнинг «Чўққидаги лолалар» қиссасида ҳам ғаройиб, фавқулодда ва ғоятда қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинади. Қиссада сирли йўловчилар ҳам, шаҳар ҳовлиларидан бирида содир бўлган ғалати воқеа ҳам, дом-дараксиз ғойиб бўлишлар ҳам, антиқа изланишлар ҳам бор. Қиссага Қизбулоқ ҳақидаги афсона нихоятда табиий сингдириб юборилган. Ана шу боисдан ҳам қисса қизиқиб ўқилади.

Латиф Маҳмудов ўзбек болалар насрода саргузашт жанрини ривожлантиришга ғоят катта ҳисса қўшиб келаётган адилардан биридир. «Чўққидаги лолалар» шу жанр меваси ҳисобланади. Унда бошдан-оёқ болаларни ўзига ром этадиган воқеа ва саргузаштлар баён этилади.

Аммо, шубҳасизки, гап фақат саргузаштлардангина иборат эмас. Қиссанинг аҳамияти, муҳим жиҳати унинг яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш хусусида, янги ҳаёт ҳақида, ақлли, заковатли, тиришқоқ, сахий, меҳридарё кишилар — катталар ва болалар ҳақида эканлигига.

Қисса сахифаларида турли-туман ўғилу қиз болалар, бизнинг замондошларимиз гавдаланади. Булар Равшан ва Асқар, Шаҳло ва Мунира, Озода ва Нортожилар. Улар сира бир-бирларига ўхшамайдилар, феъл-атворлари ва истак майллари турлича, аммо уларни бир нарса — ҳалоллик, садоқатлилик, чинакам дўстлик бирлаштириб туради.

Катталар — Мўминжон, Мулладўст, уста Ашир образлари ҳам муваффақиятли чиққан.

Латиф Маҳмудов нозиктаъб, хассос ижодкор, у инсон характеристи, кайфиятининг турфа хил қирраларини маромида тасвирлашни жуда яхши уddyалайди.

«Латиф Маҳмудовнинг «Чўққидаги лолалар» қиссанини ўқир эканман, — деб ёзади Сергей Баруздин, — бу шоир битган проза асарику, деган фикр хаёлимдан нари кетмади». Зотан, ушбу таассурот бежиз эмас. Латиф Маҳмудовнинг ўз асарлари қаҳрамонлари билан муносабатида қандайдир ўзгача бир илиқлик, тасвир оҳангиде самимият акс этиб туради. Айнан шу нарса асар қаҳрамонларини жонли, ҳаётий ва тұлақонли тасаввур этишга имкон беради. Ёш китобхонларнинг адіб асарларини бунчалик севиб ўқишиларининг боиси ҳам ана шундадир.

Адіб кейинчалик бу асарини қайта ишлаб, «Қопга яшириңган одам» романини яратди.

Латиф Маҳмудов ўзбек болалар адабиётида драма жанрини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган санъаткор сифатида ҳам эъзозланади. Унинг «Э, аттанг!», «Муҳим топширик», «Дангасанинг саргузашти», «Ҳақиқий ўғил бола», «Али билан Вали», «Бургут олиб қочган бола» каби асарлари узоқ йиллардан бери ёш томошабинлар қалбига қувонч бағишлиб келмоқда.

Латиф Маҳмудов драмаларида доимо болаларнинг қайноқ ҳаётларини акс эттиради. Қаҳрамонлар күпинча ўзларининг аъло хулқ-одоблари, меҳнатсеварликлари, ўкиш, мактабни севишлари билан ажралиб турадилар. Баъзи ҳолларда эса ишёқмаслик, дангасаликлари туфайли ўз тенгқурлари даврасида қизариб қоладилар. Масалан, «Э, аттанг!» асарини олиб курайлик. Аббос билан Азим 4-синфда ўқишиади. Улар учун жисмоний меҳнат жуда енгилдек туюлади. Икқаласи:

Бизнинг ишни
Ҳамма курсин.
Куча-кўйда
Мактаб юрсин, —

дея синф хоналарини ювишга киришадилар.

Шошқалоқликлари, ишда тажрибасизликлари туфайли болалар полга сувни кўп тўкиб юбориб уни арта олмайдилар, дангаса, ишёқмас икки ўртоқ 1-синф ўқувчилирининг ёрдамлари билан синфни тозалаб, дустлари олдида изза бўладилар.

Латиф Маҳмудовнинг «Али билан Вали» саҳна асари Ўзбунги ўзбек болалар драмачилигига энг бақувват асарлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у узоқ йиллардан бери республикамиз болалар саҳнасидан тушмай келаётир.

Асарнинг бош рояси инсон ва унинг тарбияси. Халқда кимки ўзига ўзи хизмат қилишни билса, у ҳақиқий инсон бўлади, деган гап бор. Асарнинг бошидаёқ ўзига-ўзи хизмат қилишни ёқтирмайдиган, кир-чир юрадиган Али билан Вали қиёфаси, уларнинг юриш-туришларига кенг ўрин берилади.

Али ҳам, Вали ҳам тозаликка, гигиена қонун-қоидала-рига асло риоя қилмайдиган болалар: кийимлари кир, дазмолланмаган, қўл, бўйинларига сув тегмаган, тирноқлари олинмаган бу болалар синфда тўполончи, ўзлаштиромчиликда ном чиқаришган. Улар меҳнат қилиш, жисмоний тарбия ва спорт ишлари билан шуғулланишни хаёлларига ҳам келтиришмайди, синфдошларини менсишмайди.

Тўполончи, колоқ Али билан Вали тарбияси билан бутун синф шуғулланади. Айниқса, бошқа мактабдан келган аълочи ва жамоатчи Дилбарнинг хизмати катта. У юриш-туриши, оғир ва босиклиги билан буларга ўз таъсир кучини ўтказади.

Асад Саидович бошдан оёқ иштирок этмайди. У аҳён-аҳёнда китобхон кўзига ташланади. Али билан Валини яхши ишларга қўл уришга чақиради. Бу эса бошқа тўполончи болаларга ғайритабиийдек туюлсада, аммо кейинчалик улар бу ҳақ гапдан тўғри хulosा чиқаришга ҳаракат қиласидилар.

Али билан Вали асар охирида катта ҳаёт йулида бошта тенгкурлари каби дадил олға интилувчи болалар сифатида намоён бўлишади.

Латиф Маҳмудов ҳам ҳикоя, ҳам қисса, ҳам драма ҳикрида ижод қилиб, ўзбек болалар адабиётининг саломига салмоқ қўшиб келаётир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Fafur Fулом номидаги мукофотига сазовор бўлган Латиф Маҳмудов ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимиидир.

МИРАЗИЗ АЪЗАМ (1936 йилда туғилган)

Хозирги замон ўзбек болалар шеъриятида шоир Миразиз Аъзамнинг ўз ўрни бор. Бу албатта, унинг изланиши, меҳнаткашлиги, болаларни ва уларнинг адабиётини қаттиқ севишидан. Ижодкор болалар уртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, она-Ватанга чексиз муҳаббат, одобли бўлиш, яхши ўқиш учун ҳаракат қилиш, курашиш каби масалаларни қўпроқ очиб беришга ҳаракат қиласди.

Миразиз Аъзам 1936 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шеъриятга қизиқди. Шеърий машқларини Куддус Мухаммадий ва кейинчалик Кудрат Ҳикмат бошчилик қилган адабий тўгаракда синовдан ўтказар, ижодий изланиш, ўқиш ва ўрганишни қизғин давом эттирас эди. Адабиёт ва шеъриятга бўлган чанқоқлик уни ТошДУга етаклади. Адабий машқлари болалар ва ўқувчилар газеталарида, «Гулхан», «Ғунча» журнallарида босила бошлади.

Университетни муваффақиятли тамомлаган М. Аъзам бир қатор газета ва журналларда ишлади. Шоирнинг «Металлург», «Ақлли болалар», «Сенга нима булди?», «Фалати туш», «Ер айланади», «Ерга довруқ соламиз», «Ҳақиқатнинг кўзлари», «Сабот», «Туйгулар», «Бир чўнтақ ёнғоқ» каби тўпламлари болалар китоб жавонларидан мустаҳкам ўрин олган.

Миразиз Аъзамнинг жуда кўп шеър ва қўшиқ, эртак-достонлари катта-кичик болаларга бағишлиган. У ҳар бир асарида болажонлар учун, албатта, бир янгилик, бир яхши гап айтиш иштиёқи билан қайнаб-тошади ва бунинг уддасидан чиқади. Масалан, «Ер айланади» шеърини олиб қурайлик. Бундай олиб қарасангиз, бу бир оддий гап. Ахир неча минг асрдан бери у айланади, яна айланаверади, бу ҳақда жозибали шеър бўлиши мумкин эмас, деган тушунча хаёлингиздан ўтади. Лекин шеърни ўқийдиган бўлсангиз сизнинг тасаввурингиз бутунлай ўзгаради. Мурғак қалб у ёқда турсин биз катталар ҳам ернинг айланиши, онларнинг ўтиши, шамолнинг эсиб ту-

риши билан ўсиб-улғайишимиз, камол топишимиз, бунёд-корлик ишларимиз күз ўнгимиздан ўтади. Қилган яхши-ёмон ишларимизни ўйлаймиз. «Ер айланади» — худди шу ҳақда баҳс юритади:

Аста-аста шамол эсади,
Аста-аста ер айланади.
Аста-аста одам ўсади,
Аста-аста ер айланади.
Аста-аста улғаяр ақл,
Аста-аста ер айланади.
Аста-аста етилар нақл,
Аста-аста ер айланади...

Кичкінтойлар күпинча ҳаёт мураккаблигидан бехабар бұладилар. Улар катталарнинг күмагида, ўzlари тингланған бадий асарлари ёрдамида олам мұъжизалари, турмуш билан танишиб борадилар. Миразиз Аъзамнинг «Бедананинг бувиси» шеъри кичик ёшдаги болаларга жуда құл келади. Бу шеър халқ оғзаки ижоди анъаналари таъсирида яратылған.

Ёш китобхонлар шеърда беданаларнинг турмуш тарзлари билан яқындан танишиб оладилар. Худди инсонлар каби уларнинг ҳам қавм-қариндошлари, кекса-ёшлари бўлишини, касал-соғ юришларини буви-бедана кечмишлари орқали тушуниб етадилар. Буви дардга чалиниб, оғир касал бўлиб қолади, томоғидан овқат ўтмайди. Ҳамманинг тинчлиги, ороми бузилади, ҳар ким қўлдан келганча унга мададкор бўлишга интилади. Бу эпизод чиройли ва таъсирили чизилған:

Бедананинг отаси бор экан, нор экан,
Онасига орият ёр экан, ёр экан.
Дори-дармон, ўт-улан келтириб, келтириб,
Қари күшга тутишиб, ичириб, едириб,
Айланишиб бошида турдилар.
Соғайишнинг чорасини кўрдилар, кўрдилар...

Ва-вак, ва-вак,
Бит-бил-дик.
Ва-вак, ва-вак,
Бит-бил-дик.

Биз ҳар доим болалар адабиётида ўй ўйлаш, хаёл суриш, ўзининг учқур хәёллари билан яшаш ҳақида ёзилган асарларни қизғин құллаб-қувватлаймиз. Миразиз Аъзамнинг ҳам «Хаёл суриш» шеърининг қаҳрамони ҳар бир нарсаны тезроқ билиб олгиси, унинг поёнига етгиси келади. Лекин у қанчалик ўйланмасин, хаёл сурмасин, ақлий тафаккури ҳали тұла ривожланмаганлиги сабабли күп нарсаларни тушунмайды, ожизлик қилади. Ота ўғилни унчалик ўйламасликка чақиради. Отанинг насиҳати билан бола ўзини тинчита олмайды:

Кун қисқа

қандай қилиб кун чикади,
деб ўйлайман,

Тун чўзилса,

нега тун
чўзилди,
деб ўйлайман.

Уни хаёл қиласман,

Буни хаёл қиласман

Ўйлайман,

бари бир,
ўйлайман.

Миразиз Аъзамнинг «Биз енгамиз бўронларни» шеъри бугунги мустақилликка жуда қийинчилик билан, курашлар билан етиб келганлигимизни жарангдор мисралар билан чиройли ифодалаб беради:

Бизни босди дөвуллар, селлар —
Омон чикдик бўронлардан,
Омон яшар ботир эллар —
Қўрқмас ваҳший ҳайвонлардан,
Корли, музли чўққилар ҳам
Қолиб кетар пойимизда.
Жасур қўшиқ бизга ҳамдам
Ҳар бир қўнган жойимизда.

64

Шоир бу билан чегараланиб қолмайды. Ҳали олдинда қиласиган ишларимиз, улуғ мақсадларимиз борлигини таъкидлайды, болаларни юксак ахлоқ-одобли булишга, катталарнинг ишларини давом эттиришга чорлайды:

Максадимиз тоғдай улуғ —
Чамбарчасдир туташ құллар.
Озодликнинг йўли кутлуғ —
Олга, дўстлар, оғайнилар!

Миразиз Аъзамнинг «Кирқ болага қирқ савол», «Фалати туш», «Нурхон билан Бурхон», «Ота билан бола», «Бир чүнтак ёнғоқ» (туркум), «Алла», «Бола ва она», «Йутал бобо» каби шеър ва қўшиқлари болалар адабиётида катта ўринда туради.

«Асрор», «Эрк қуши», «Она юрт осмонида», «Антика» каби достон, эртак-достонлари ҳам болаларда катта қизиқиши уйғотиб келмокда.

Миразиз Аъзамнинг «Асрор» достонидаги Асрор образида болаларга хос жўшқинлик, шижаат, меҳнатсеварлик мотивлари, ҳақиқий уқувчига хос фазилатлар ёрқин тасвириланади. Шоир буояни очишда кичкинтойлар онги ва дунёқарашидаги ҳолатларни тўқнаштириш, уларнинг нарса ва воқеаларга бўлган муносабатларини солиштиришдан самарали фойдаланади.

Пилла қурти боқиши достонга асосий мавзу қилиб олиниди-да, уқувчи-ёшларнинг бу соҳага қизиқишилари, билимдонликлари меҳнат жараёнида очиб берилади.

Асарда Асрорнинг олижаноб фазилатлари — оккунгил, софдил, қули очиқлиги ишонарли тасвириланади; унинг тут дараҳтларини севиши, табиятга ғамхўрлиги ёш китобхонлар учун дидактик қимматга эга.

Ғайрат, Нор, Раҳим, Раъно образлари орқали қалби қайнок, бир-бирига меҳрибон, жамоа иши учун фидойи ёшлар гавдалантирилади.

Болаларнинг мактабда пилла қурти боқишилари — қўшимча соҳа — қишлоқ хўжалиги ишларига жон-дилдан ёрдам беришлари, фикр-мулоҳаза юритишлари, бирор ишга қўл уришса дадил ҳаракат қилишлари китобхонни хурсанд этади. Чунончи, асарнинг «Пилла қуртларининг лоҳас бўлиши» бўлими уқувчига катта қизиқиши уйғотади:

Пилла қурти боқилаётган хона ҳаддан зиёд исиб кетгач, қуртлар барг емай қўяди. Шу дақиқада болаларда юз берган ҳолат: тушкунлик, ҳижолатлилик, қуртларга ачи-

ниш хисси тасвири кичик китобхонни чексиз ҳаяжонга солади:

Пиллачилар хонасин
Босган эди сукунат
Ўқувчилар чурқ этмас,
Қотиб туришар факт.

Шоир ҳаётий лавҳалар чизишда давом этади. Сўкичак енгиллатилиб, хона маълум даражада совутилгач, қуртлар яна аслига қайтади, бир меъёрда барг ейишга киришади. Болалар олам-олам қувончга тўладилар, шодланадилар:

Бир-бирига қаралиб
Болалар жилмайдилар.
Хатар ўтган бўлса ҳам
Хонадан жилмайдилар.

Шоирнинг «Ўлмас қуш» эртак-достонида тасвирланишича, Чингизхоннинг жодугарлик билан баҳодирларнинг ёстигини қуритган гўзал канизаги Сайхун бўйида яшаётган Наҳанг қассобнинг ҳам оромини бузади. Жанг майдонида канизакни кўрган Наҳангнинг қиличи қўлидан тушади. Қизнинг макрига учиб, уни севиб қолади. Унинг хотини қазо қилиб, Ўлмас ва Олмос исмли фарзандлари қолган эди. Бироқ ота ўғли ва қизидан кечиб, канизакка уйланади. Достонда эпчил қиз Олмоснинг акаси Ўлмас учун отаси ва ўгай онасидан ўч олиши анча қизиқарли ва ишонарли тасвирланади.

Болалар адабиёти тараққиётига катта улуш қушаётган М. Аъзам ҳозир янги-янги асарлар устида ишламоқда.

ТҮЛАН НИЗОМ (1938 йилда туғилған)

Хозирги замон ўзбек болалар адабиётини Тұлан Низомсиз тасаввур қилиш қийин. Унинг ўқиши, одоб ва мекненеттегі баришланған сержило шеърлари, болаларнинг қувончларига қувонч улашадиган қүшиқлари, дилларни ром этувчи ажойиб-ғаройиб әртак-достонлари узок ғилярдан бери ёш китобхонни мафтун этиб келмокда.

Тұлан Низом асли чүллик. Шунинг учун ҳам унинг ижодий ишлари чүл-биёбонларни боғ-роғларга айлантиришга, бу ишларда болаларнинг фаолліктери масалаларига қаратылғанлиги билан ҳам ажралиб туради. Демек, чүлқұвар болалар шоири деб ном чиқарған Тұлан Низом 1938 йилда Андижон вилоятининг Бўз туманида чүлқұвар оиласида таваллуд топди.

Тұлан Низомнинг отаси бүлажак шоирға мекнатни севишни, мекнат ахлинини эъзозлашни доимо тайинлаб: «Ўғлим, мекнатдан ҳеч қачон қочма, яхши инсон, ўқимишли одам буламан десанг кетмон чоп, чүлни ўзлаштирувчилар сафида бўл, яхши ўқи. Жисмоний мекнат билан ўқиши омухта қилиб олиб борсанг кам бўлмайсан. Тенгтүшларингни ҳам мекнат қилишга чорла, мекнатга ҳавас қил. Ахир ҳеч бир ишни ҳавас қилмайдиган, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, мекнатга бефарқ қарайдиган бирорта ҳам киши қолмаслиги керак. Ҳар ким ҳам олим, ёзувчи, артист бўлиб етиша олмайди, ҳар бир киши ҳам янгилик кашф эта олмайди, лекин ҳар бир киши ўз соҳасида, ўз ишида худди шоирдек, худди рассомдек тер тўкиб мекнат қилиши керак — бу шахснинг ҳар томонлама камол топишида роят муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч кимнинг қўл учиди, шунчаки апил-тапил ишлашига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзи яхши кўрган иши билан шуғулланмайдиган кишини ҳеч қандай маданий бойликлар, хазиналар билан шод этиб бўлмайди», — дея насиҳат қилар эди. Ота панд-насиҳатини кулоғига қўйиб олган Тұлан далада ишлади, мактабда ўқиди. Ўрта мактаб ва Андижон педагогика институтини аъло баҳолар билан тамомлади. Узок

йиллар чўлқуварларнинг фарзандларини үқитди, муаллимлик қилди. Бир неча йиллар давомида у Буздаги шоира Саида Зуннунова номидаги педагогика билим юртининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. Ҳозир ижодий иш билан банд.

Мехнаткаш, ўзига-ўзи талабчан, шеърлари ҳам пухта-пишиқ Тўлан Низомнинг «Сенинг эртакларинг», «Ёшлик баёзи», «Ифтихор», «Қуёш йўли», «Она тилим, она элим», «Андижонда бир куш бор», «Чўлпон», «Чаман ичра», «Муқаддас рух» каби йигирмадан зиёдроқ тўпламлари ёш китобхонларнинг дилларига кувонч улашиб келмоқда.

Тўлан Низомнинг сара шеърлари меҳнат, чўл, чўлларни боғ-бўстонга айлантираётган чўлқувар ва уларнинг фарзандларига аталганлиги билан ажralиб туради. «Чўпон бола», «Бўз», «Дарё ва мен», «Ёшлигим, қайдасан?», «Дўстимга», «Йўллар», «Болаликка қайтиш», «Қалдириғоч» сингари юзлаб шеърларида шу рух бор. Мана «Чўпон бола» шеърини олиб кўрайлик. Туғри, узбек болалар адабиётида ҳам назм, ҳам насрда чўпонларга ёрдам бераётган, чўпонлик қилаётган болалар ҳақида ўнлаб асарлар ёзилган. Аммо Тўлан Низомнинг бу шеъри ўзининг ўйноқи мисралари билан қалбларни ларзага соловчи, шу касбга кичкинтойларнинг меҳрларини жўш урдирувчи даъвати билан ажralиб туради. Қаранг, мана бу меҳнаткаш, ўз ишининг фидойиси, жонкуяри бўлган чўпон болага берилган таъриф қайси болага ёқмайди дейсиз:

Чўпон бола,
Чаққон бола,
Яйловга хўп
Ёққан бола.

Қадимда Буз ерлари яйдоқ чўл бўлган. У бугун одамлар меҳнати туфайли водийнинг гулзор масканларидан бирига айланниб кетган. «Бўз» шеърида шоир бу масканни гўё келинчак каби ясаниб, гузаллашиб, катта-кичикнинг ишқ-хавасини келтираётганлигини бор овозда куйлади:

Андижоннинг хиссасида,
Хў, Марғилон жуссасидай,
Оталарнинг қиссасида —
Гул—чечак Бўз!
Келинчак Бўз!

Сарижўга қирғида,
Күмликлар-у тошлоғида,
Асрий чўлнинг кучоғида —
Ястанган Бўз!
Ясанган Бўз!

Кел, опичлай, елкамда қол,
Пахта мисол үлкамда қол,
Китобимга бир қўшиқ сол —
Зар гилам Бўз!
Заргинам Бўз!

Болалар табиат шайдоси бўладилар. Табиатни севишга, табиат шайдоси бўлиб камол топишга ўргатувчилар асосан катталар ҳисобланадилар. Бу борада бадий адабиётнинг ҳам роли катта. «Манзара», «Офтоб ишқи», «Илк кор», «Шаббода», «Муз» шеърлари билан Тўлан Низом бу масалага яқиндан ёндашганлигини кўрамиз. Табиатни севиш, эъзозлаш, эҳтиёт қилиш инсон бурчи, вазифаси. Табиат билан ҳазиллашиб, ўйнашиб бўлмайди. «Манзара» асарида шоир худди шу ғояни илгари суради. Болаларни табиатга қарши бормасликка чақиради, кимки табиатга қарши борса унинг қаҳр-ғазабига дучор бўлиши табиийлигини уқтиради:

Қора булут босиб келади,
Ҳайқириқ-ла бўрон елади.
Чўғирғитиб момақалдиrok,
Ховлиқади, қаҳ-қаҳ кулади.

Ғазаб қилса ер ҳам отади
Борлик тўфон, лойга ботади
Табиатнинг жами фарзанди —
Мавжудоди тўзиб ётади...

«Офтоб ишқи» асарида болаларга хос бўлган соддалик, табиатдан унумли фойдаланиш истаги кичкинтойлар ўй-хәёллари билан чамбарчас қилиб берилганлиги ёш китобхон учун кутилмаган воқеа бўлади:

Куз шамоли эсади,
Ҳароратни кесади.
Қизим дер: «кор ёққунча,

Томлар садаф таққунча,
Сувларимиз музламай,
Печка, кўмир изламай.
Қоплаб олиб қуёшдан,
Ишлатаильик бир бошдан...»

Ким тинчлик, осойишталикни хоҳламайди? Каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам ўйи, фикрида тинчлик. Тинчлик Тўлан Низомнинг ҳам суюкли мавзуси. «Тинчлик учун» шеърида бу ғоя кичкинтоилар руҳиятига мос ишланган. Озодбек ҳали ёш, у ҳали уруш нима эканлигини билмайди. Лекин танк, наган, пулемёт, ракета уруш қуроллари эканлигини яхши тушуниб олган.

Озодбек пластилииндан турли-туман ўйинчоқлар ясани обдон яхши ўрганиб олган. Боланинг ўйи, хаёли яхши. У танк, наган, самолёт, пулемёт, кема, ракетани ўз кўзи билан курмаган, қули билан ушламаган. Буларни у телевизорда курган, таъриф ва тавсифини катталардан эшитган, холос. Ана ўша уруш қуролларини у ўйинчоқ сифатида ясайди. Ўзи ясаган ўйинчоқнинг ҳаётда тутадиган ўрни, вазифасини қалбига сингдирган. Бу жиҳатдан отабола сухбати чиройли тасвирга эга:

— Булар нима, Озодбек?
— Мана, бу — танк, бу — наган.
Мана бу — тўп, самолёт,
Пулемётдир, бу турган.
Мана буси — кемадир,
Денгизларда сузади.
Бу — ракета жуда зўр,
Ўйдан учкур, ўзади.
Бу — бир солдат, постида
Жуда ботир, бемалол —
Тошдай котиб турибди,
Қўлида ушлаб қурол.
Душман сира келолмас,
«Бизникилар» мустаҳкам.

Боланинг бийрон тиллари, тушунчаси қайси китобхонни қойил қолдирмайди? Уларни ҳам ўйлашга, хаёл

суришга, худди ўзи сингари уруш қуролларини ясашга, кattалар сингари тинчлик тарафдори бўлишга ўргатмайди дейсиз. «Бу ракета жуда зўр, ўйдан учқур, ўзади», дейиши ҳатто отани ҳам мамнун қилади.

Отанинг үғилнинг бу ишидан розилиги, миннатдорлиги ёш китобхон учун бир сабоқ бўлади. Негаки бола тинчликни хоҳлади, ота тинчлик тарафдори, отасининг сўнгги сўзи — хулосаси ёш китобхоннинг қувончига-қувонч қўшади:

«Яхши», дедим оҳиста,
Бошим чулраб хаёллар.
— Тинчликка қалқон бўлсин
Сен ясаган қуроллар!

Тўлан Низом шеъриятида ота-онани севиш, эъзозлаш, уларнинг панд-насиҳатларига қатъий амал қилиш бош масалалардан бири. Ота-онани тириклигида суюш, уларнинг хизматларини сўзсиз адo этиш, фоний дунёнинг муҳим иши, вазифаси. Улар қазо қилишгандан сўнг оҳвойнинг фойдаси йўқ. Шоирнинг бу ҳақда мана бундай, деб ёзиши ҳар қандай ёш китобхонни ўйлашга, хулоса чиқаришга мажбур қилади:

Отам кўзин юмган кун
Қуёш сўнгандай бўлди.
Онам қазо қилган тун
Оlam тўнгандай бўлди...

Болалар ҳар хил бўлишади. Кам гап, камтаринлари ҳам, мақтанчоқ, дўстларини менсимайдиган, уларни ранжитадиганлари ҳам топилиб туради. Шоир уша дўстлари қалбига озор берадиган, уларни ранжитадиган болаларни хуш кўрмайди. Бундай болаларни у аёвсиз танқид қилади:

Гулдан гулга учиб ари
Бол йигади тили билан.
Айрим одам қалбин тилар
Гулдан нозик дили билан.

Тўлан Низом ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётида эртак-достон ижодкори сифатида ҳам ўзига хос овозга эга.

«Бойчибор» эртак-достони узок йиллардан бери китобхон болалар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Бу асар боғчалар учун, мактаб, олий ўкув юртлари учун нашр этилаётган кўплаб дарслик, кўлланма, мажмуаларда қайта-қайта чоп этилмоқда.

Халқ эртак-достонларидаги учкур, довюрак, соҳибининг қувончига қувонч, жасоратига жасорат қўшадиган отларни яхши биламиз. Болалар ёзма адабиётида ҳам кўплаб шеърлар, достонлар яратилган. «Казбек» (З. Диёр), «Тойчогим» (И. Муслим), «Тойчоқ», «Човкар» (К. Ҳикмат), «Дулдул от» (О. Ҳожиева), «Тойчоқ—уйинчоқ» (З. Раимбердиева), «Сирли чавандоз» (А. Носиров) каби шеърларда ўша дулдул от-у фиркўклар ҳақида гап боради.

Ҳаётда ҳам, бадиий асарларда ҳам отларнинг учкурлиги, полвонлиги, эгасига садоқатлилиги тўғрисида кўп гапирилади. Кудрат Ҳикматнинг «Човкар» асарининг қаҳрамони Муқон. Човкар Муқоннинг суюкли оти. Қаҳрамоннинг шу биргина отидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Унинг уйи ҳам, дўсти-оиласи ҳам шу битта от, холос. Юрт зуравони Муқонни қилич билан чопиб ташлаб, унинг отини миниши билан эгасининг ўлганини сезган от елкасидаги каллакесарни тоғнинг чўққисига олиб чиқиб, пастликка сакрайди, зуравон отдан қулаб тоғ-тошларга урилиб ҳалок бўлади. От эса соҳибининг олдига қайтиб келиб, кўзлари тұла ёш билан эгасининг юзларидан ялаб туриши баён этилади. Худди шунга яқин фоя «Бойчибор»да ҳам берилган.

Бойчиборнинг эгаси урушга, элига қирғин олиб кирган душманга қарши жанг қилишга отланади. Вафодор от — Бойчиборни минган кишининг мақсад-муродига этишида тулпорнинг хизмати бекиёс мақтовга лойик. Бугун Бойчиборни минган соҳиб ҳақида ҳам эшитганлар бор. Аммо Бойчибор таърифининг узи бир оламча бор:

Бир от бўлган — Бойчибор,
Ўзбек эли томонда.
Унинг донғи кўп ёкқа
Ёйилиб кетган экан.
Отни минган ҳар йигит
Муродга етган экан.

Чавандоз кўп жанг қилади, душманни кўп қиради.
Унинг шашти, кучи, ғайрати зўр. Буларнинг ҳаммаси
Бойчибор билан, аввало суюмлилиги билан, кучи, жасо-
рати билан боғлиқ ҳолда берилади:

Бўлиб ўтар не жанг, суронлар
Душман босди мисли мўр-малах,
Дод-фарёдга тўлиб ер, фалак,
Дарё бўлиб оқарди қонлар.

Қонли жангларнинг бирида чавандоз мардларча ҳалок
бўлади. Бу от учун оғир жудолик бўлади. У қайғу-ғамга
ботади. Аламзада бўлиб юрган отга душман минган заҳо-
ти Бойчибор уни зарб билан елкасидан улоқтириб юбо-
ради:

Сапчиди кўкка тулпор,
Ёв устидан тойрилди.
Тепки еб, бўлиб абгор,
У жонидан айрилди.

Тўлан Низом шу зайлда бедов отнинг эгасига содик-
лигини, керак бўлса соҳиби учун жон беришга ҳам тайёр
эканлигинигина кўрсатиб қолмай, балки ҳалқдаги «от ай-
ланиб қозифини топади» мақолини ҳам асарга сингдириб
юборади.

Човкар ҳалок бўлган соҳибининг қошига келиб йиғ-
лаб юз-кўзидан ҳидлаб турса, эгасидан жудо бўлган, жанг-
да уни йўқотиб қўйган Бойчибор эса ўз маконига — хўжа-
сининг уйига талпинади. Бутун эл-юрт «ерни титратиб»,
«тепиб-кишнаб» келган Бойчиборни кўриб ҳайрон ва ҳай-
рат билан ёқа ушлаб қолади:

От келди уйин таниб,
Ҳидлади оstonани.
Тулпор турар ўртаниб,
Юрти шу — соингани.
Шундан вафодор тулпор —
Номи севиб алкалди.
У ҳақда такрор-такрор —
Куйланиб достон қолди.

«Бойчибор» достони орқали шоир болаларни она-Ваттани севишга, керак бўлса унинг ҳар бир қарич ери учун қон тўкишга, ҳайвонларни, айниқса, отларни севишга, уларни эҳтиётлаб парвариш қилишга ўргатади.

«Олмахон» эртак-достонида Собир исмли болакайнинг ўжарлиги, қўпол-қўрслиги, олмахонга нисбатан ноўрин ҳатти-ҳаракати танқид қилинади.

Тўлан Низом марҳум шоир Чўлпон тўғрисида «Чўлпон», ўзбек мумтоз адабиётининг оташин куйчиларидан бири Бобораҳим Машраб ҳақида «Рухи равоним» каби достонлар ижодкори ҳамдир.

Чўлпоннинг она шаҳри Андижонда Тўлан Низом қаламига мансуб «Чўлпон» спектакли бир неча йиллардан бери намойиш қилиб келинади.

САФО ОЧИЛ (1942 йилда туғилған)

«Сафо Очил — серқирра ижодкор. У таниқли шоир, іқтидорлы адіб ва таржимон, истеъдодлы адабиётшунос за таржимашунос олим, моҳир тарбияшунос ва муаллим, әдолатли ношир сифатида ўзбек халқига маълум ва манзур», дейилган адібнинг «Орзулар кўкидаги шафақлар» китоби аввалида. Тұғри, юкорида зикр қилинган сифат за фазилатлар Сафо Очилда тұла мужассам.

Шоир ва олим Сафо Очил түфөнли күнларда, ўзбек қалқи иккинчи жағон урушининг даҳшатли ва вахимали әзоб-уқубатларини бошидан кечираётган даврда, яъни 1942 йил 20 март куни Хоразм вилоятининг Янгиарик гуманида дунёга келди. У бошланғич таълимни шу тумандаги «Олға» ҳамда Охунбобоев номли мактабларда әлди, кейин эса Бофот туманидаги Наримонов номли үрта мактабни тамомлади.

У 1958 йилда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультетига кириб, уни немис тили, ўзбек тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича тугатди. Сўнгра Сафо Очил узоқ йиллар Хоразм давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлаб, Хоразм вилояти, қўшни Туркменистан Республикасининг Тошховуз вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси учун малакали кадрлар тайёрлш ишларида самарали фаолият кўрсатди.

Хозирда Сафо Очил «Ўқитувчи» нашриётининг «Ўзбек тили ва адабиёти, педагогика» адабиётлари таҳририятини бошқармоқда. Шунингдек, у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг профессори сифатида Ўзбекистон халқ таълими тизими учун малакали ўқитувчи-кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Сафо Очил — филология фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мөзиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Сафо Очил ижодий фаолиятини 1955 йилда бошлаган бўлиб, у болаларбоп шеърлар машқ қилди. Ёш шоирнинг

ўша даврдаги машқларида ҳам ўзига хос исёңкорлик ва курашчанлик күзга ташланади. «Онам пахтакор» (1955) шеърида лирик қаҳрамон онам «Ўтган йил кўп Пахта терди, Давлат унга Нишон берди. Пул бер, деса, Дерлар қоч-қоч, Бизлар эса Оч-яланғоч» дея ҳайқиради. Дарҳақиқат, шеър ёзилган даврда пахтакор меҳнаткашлар фаяқат меҳнат қилишган, лекин меҳнатига яраша ҳақ олишмаган. Шу ҳаёт ҳақиқати бадий ҳақиқатга айланганки, бу мавжуд шуро тузумига нисбатан мурғак қалбларнинг исёнидир.

Шоир рамзий ифодалар орқали ўзининг фалсафий фикрларини болалар тилида жонлантиришга харакат қилади. Бу ўринда «Кунгабоқар» шеъри дикқатга лойик.

Кунгабоқар мулоимдир,
Уяти бор,
Ўзига хос қизиқ, ажиб
Одати бор —
Тунда ерга, кундуз эса
Кунга бокар.
Шу боисдан еру кунга
Бирдай ёқар.
Корни тўйгач, «йигиб олар»
У эсини.
Куёшга ҳам курсатади
Елқасини....

Бу шеърда ўзбек халқ оғзаки ижодига хос ботиний параллелизм услуби гавдаланган. Кунгабоқарнинг ўзига хос хусусиятлари, ўсиш, «яшаш» тарзи яширин равишда инсонга қиёсланади. Дарҳақиқат, айрим лаганбардор одамларнинг раҳбару амалдорларга ялтоқланиши, уларнинг оғзига қараб туриши ва уларга эгилиб-букилиб туриш манзаралари барчага аён ва маълум. Қолаверса, ҳаётда баъзи кишилар борки, улар иши битгач, яхшиликни тез унутадилар, эзгулик қилган инсонга ҳатто «елқасини курсатади»лар. Шеърда шу лавҳалар бадий жихатдан яхши тасвиrlанган.

«Соям билан ўйнайман» шеърида айрим субутсизлар тимсоли ёрқин ифодаланган. Бола ўз сояси билан дўст

тутинади, ўйнайди. Бироқ, соя эса бола юрса-юради, турса-туради.

Болада қизиқ бир хусусият бор. Кимдир унинг қилган ишини, хатти-ҳаракатини такрорлайверса, айтган сўзи ни бот-бот айтаверса... «Мени эрмак қилаяпти» деб боланинг жаҳли чиқади. «Соям билан ўйнайман» шеъридағи лирик қаҳрамон ҳам шу ҳолатга тушади ва ўз соясига:

«— Эй, сояжон! Қилмагин эрмак. Шундай қилсанг, Дўстмассан, демак», дея танбех беради. Лекин соя «билганидан қолмайди».

Шунда лирик қаҳрамон ўзининг ички рухий ҳолатини, кичкинтойларга хос изтиробини, норозилигини тўкиб солади:

«Пўм» дасам-да,
Эргашиб келар.
Ундан одам
Қандай кутилар?!

Шоирнинг «Қўрқоқлик» шеъридаги ёш лирик қаҳрамон ноҳақликка,adolatsizlikka, loқайдlikka қарши исён кутаради. Шу исён рухи бадиий-публицистик услугуб орқали тасвирланади. «— Дада, катта бир бола Мени ноҳақдан урди. Ёрдам бермай ўртоғим Қўрқоқлик қилиб турди». Мурғак бола оғир ахволга тушганида ўртоғининг ҳимоясини кутади. Шунда ўртоғи кўмаклашмаса, ёнини олмаса, у изтироб чекади. Ва бола дадасидан сўрайди:

Сизни ҳам мен сингари,
Бирор ноҳақ урганми?
Шунда дўстингиз четда
Ёрдам бермай турганми?

Бу ҳолат нафақат болаларга, балки катталарга ҳам хосдир. Бир киши иккинчи кишини бегуноҳ,adolatsiz равишда хафа қилса ёхуд хурлашга ҳаракат қилса, бундан оғири бўлмас. Дарҳақиқат, шундай нохуш ҳодисалар учраб туради. Шоирнинг «Қўрқоқлик» шеърида тасвирланган воқеа-ҳодисада ҳаёт колорити билан поэтик колорит бир диалектик яхлитликка эга.

Болалар шоири кичкінтойлар ҳаёт тарзини, ички дунёсіни, феъл-атворини, рухий кечінмаларини, фикрлаш даражаси ва күламини, әнг асосийси, уларнинг ширин, чучук тилини яхши билиши асосий мезондир. Шоир Сафо Очил шеърларини ўқир эканмиз, унинг шу фазилатлари ни кузатамиз.

Одатда, болалар табиат манзарапарини, ҳайвонот ва қушлар дунёсіни бошқалардан кўра купроқ севади, ўзга-чароқ ҳис қиласи ва идрок этади. Шоир шеърларида болаларнинг шу хислатлари бадиий-фалсафий жиҳатдан аник тахлил қилинганки, улар мурғак қалбларнинг рухиятига самарали таъсир қила олади.

«Ярадор қушча» шеърида илгари сурилган бадиий-педагогик ғоя қушларга нисбатан меҳр, ғамхўрлик туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради. Шеърда поэтик воқеатопилма туш орқали ифодаланади ва назмий тил орқали «сўзлаб» берилади. Кичкінтойнинг ўзи тушида учиб юради. Ёнгинасида учайдиган қушчани отишади ва бола қулаётган ярадор шу қушчани ушлаб олади. Кейин яраларини боғлаб, унга ёрдам кўрсатади. Лирик қаҳрамон қушчанинг чекаётган азоби, қийналиб чирқирашига чидолмай йиғлаб юборади ва уйғониб кетади. Ва бола дейди:

Тушдагидек не учун,
Учиб юра олмайман.
Ярадор қушчамни мен
Нахот кўра олмайман.

Тушдаги каби учолмаслигидан афсусланиш, ярадор қушчасига раҳм-шафқат ва уни соғиниш рухи бола вужудини қамраб олган. Бошқача айтганда, мурғак қалбда соғинч дардини уйғотиш ва шакллантириш лирик йўсинда талқин қилинган.

«Ярадор қушча» шеърининг иккинчи қисмидаги аввалги поэтик маъно ва мақсад равшанлаштирилади. Яъни ўйинқароқ боланинг тошбагирлиги, озор чеккан қушнинг изтироби ва ниҳоят, раҳмдил кичкінтойнинг одоблилиги ва меҳр-оқибати сокин оҳангда куйланганки, бу турфа феъл-атворлар ўқувчи рухига самарали таъсир этади.

Ўйинқароқ бола сопқонидан тош отиб, қушни ерга қулатади. Бошқа бир бола типирчилаб чалажон ётган

қүшчани мушукдан олиб қочади ва унга ин ясайди, ярасини боғлаб, малҳам қўйиб, дон-дун бериб, парвариш қилиб туради. Қушча эса яраси тузалгач, қафасда зерикади. Раҳм-шафқатли, одобли бола унинг бу ҳолатини хис қилади.

Тузалгач аста-секин,
Зерикди у қафасда.
Қолган каби армонда,
Учсам дерди осмонда.
Уни яхши қўардим,
Дарров қўйиб юбордим.

Шоирнинг «Мен»и тутқунликда қийналаётган қушчани озод қилади. У бундан завқ-шавқ олади. Бу ерда озодлик, эркинлик ғояси бола тилидан фалсафий йўсинда ифодаланган. Зикр қилинган поэтик маънони очиб бериш учун муаллиф жонли ҳикоя услубини танлаганки, у шеърга нафис ва оҳангдор пафос ҳамда жозиба бағишлигаран.

Сафо Очил «Тоғ лавҳалари» (туркум), «Мудрайди қишлоқ», «Эй, қор», «Кор бола», «Қиш», «Оқшом», «Қўклам қўшиғи» шеърларида табиат манзараларини чизиш орқали мурғак болаларнинг эстетик дидини шаклантириш, «Курашчи бола»да спортга меҳр, «Хазонларни супурманг»да инсонпарварлик, «Яхшиликнинг ёвлари»да эзгуликнинг ёвузлик устидан тантана қилиши, бошқа кўпгина шеърларида эса Ватанга муҳаббат, ота-онага хурмат сингари туйғулар ранго-ранг бўёкларда чизилган.

Сафо Очил болалар қўшиқчилигини ривожлантиришга самарали таъсир қилган шоир. Унинг қўшиқбоп шеърлари содда, тили равон, сермазмун, оҳангдор, шунингдек уларнинг ҳар бири муайян поэтик мақсадга йўналтирилган. Шунинг учун шоирнинг аксарият шеърлари осонгина куйга тушади, бошқача айтганда, куй шеърнинг ўзида. Бастакор уларга қийналмасдан куй басталайди, жажжигина ижрочи осонгина куйлай олади. «Гул экаман», «Ўзтилим», «Ота-она дуоси», «Осмонимиз тиник бўлсин» сингари шеърлар шулар жумласидандир.

Масал болаларнинг севган жанрларидан ҳисобланади. Чунки қушлар, судралиб юрувчилар, ҳайвонлар ва

шу кабиларнинг хатти-харакати, уларнинг ўзига хос хусусиятлари гоҳ кулгили, гоҳ сатирик йўсинда тасвирланади. Сафо Очилнинг «Қарға ва булбул», «Илон ва типратикон», «Туя билан Кучук», «Товуқ ва симоб понтомимаси», «Қурбақа ва сигарет» сингари масаллари бадий юксак маҳорат билан битилганки, улар болаларнинг дикқатини ўзига тортади.

Хаёлий рамз ва тимсоллар, кутилмаган ҳаётини воеа ва ҳодисалар, одатдан ташқари ўхшатиш ва истиоралар, гўзал тасниф ва тасвирлар, гаройиб саргузаштлар ва мардликлар ва шу каби бадий унсурлар муайян сюжет чизифида бирлашади. Бундай ҳикматларга бой диалектик яхлит топилма болалар диққат-эътиборини қозонади, ўз «бағри»га оҳанграбодек тортади. Бу, кўпинча, достон, эртак ва афсоналарга хос бадий-эстетик хусусиятдир.

Шоир-олим Сафо Очил қаламига мансуб достон ва эртаклар ҳам шундай фазилатга эга бўлиб, уларда бадий жозибаси билан мурғак қалблардан тез ўрин олиш қудрати мавжуд. Адиб достон ва эртакларида фақатгина таъсирчан бадийлик эмас, балки уларда воеа ва ҳодисаларни илмий таҳлил ва тадкиқ этиш самараси қўзга ташланади. Дарҳақиқат, шоир ҳар бир асарига бадий-ижодий ва илмий-назарий жиҳатдан ёндошади.

Шоирнинг «Гавҳартош» эртак-достони халқ ичидаги тилдан-тилга кўчиб юрган афсона бир сюжет-воеа асосига курилган бўлиб, унда ота қадри, унинг маънавий-ахлоқий ҳикматлари бадий ифодасини топган. Достоннинг лирик қаҳрамони муайян жамиятда асрлар оша ахлоқий қонуниятга айланниб қолган урф-удум ва анъаналарга қарши бош кўтаради.

Чамбил деган мамлакатда ота ёхуд она қаригач, улар тоғ ортига — илонлар маконига олиб бориб ташланган. Журъат шохларнинг удумга айланган бу фармонидан нафратланади:

Фармонингга минг лаънат, эй, Шоҳ,
Фармонингдан ўргилдик, тождор.
Удумларинг туфайли, эвоҳ,
Наҳот бола Отага ағёр!

Шоир «ўргилдик» сўзини кўчма маънода ишлатган бўлиб, у нафратланиш маъносини беради. Бу, ўз навбатида, шеърга поэтик эффект (самара, пафос) баҳш этган ва у фикр таъсиричанлигини оширишга хизмат қилган.

Лекин Журъат ҳам тақдирга тан бериб, отасини елка-сига ортиб, илонлар салтанатига яқин жойда бир харсанг тошга ўтқазиб, дам олади. Шу ерда отасининг айтган сўзлари фарзанд қалбини, ухлаб ётган туйгусини уйғотади:

«Мен ҳам сендай шер каби олғир,
Кучга тўлган йигит бўлганман.
Қирқ йил бурун бобонгни, ахир,
Шу тош узра олиб келганман».

Шу тўртлик маъносида «Қайтар дунё бу», «Кейинчалик бу қисмат сенинг ҳам бошингга келади» деган ҳикмат яширин. Бироқ, бу ҳикмат болалар тафаккурига, дунё-қарашига ва ички дунёсига мос келадиган тил ва содда бадий услугуб билан берилганки, уни ёш китобхон тез ва аниқ тушуна олади.

Халқимизда «Қари билганни пари билмас», деган нақл бор. Шу мақол маъноси эртак-достонда ҳаёт ҳақиқати орқали илмий жиҳатдан асосланади. Жоҳил шоҳга денгизнинг оқмас қисми — чуқур сой тубида гавҳар кўринади. Уша ҳудуддаги ёш йигитлар гавҳарни олиб чиқишга мажбур килинади. Бироқ, уни ҳеч ким олиб чиқолмай сувга чўкиб, ҳалок бўлишади. Навбат Журъатга етади ва бўлган воқеани ертўладаги отасига баён қилиб беради. Ота «Деди сўнгра носни тупуриб: — Борми уша жойда бир дарахт? Журъат деди: — Ҳа, битта чинор». Сўнгра ота гавҳарнинг чинор аро бургут уясида эканини айтади. Дарҳақиқат, сув остидаги бургут уясидаги гавҳарнинг акси эди.

Бу ерда ҳаёт колорити билан бадий колорит уйғуналашиб, сингишиб кетганки, у боланинг фикрини теранлаштиради ва шу билан бирга унда асар давомини үқишига қизиқиш ортади. Бу бадий тафаккурнинг қудратидир.

Эртак-достон бошқа эртакларга хос лирик қаҳрамоннинг ғалабаси, ижтимоий Ҳақиқат ва Адолат тантанаси,

буюк келажакка ишонч туйғуларининг ифодаси билан якунланади. Яъни инсон ҳаёти ва турмушини оёқ ости қилувчи ғоялар устидан инсонпарварлик, қарияларга ғамхўрлик, ватанпарварлик ғояларининг муборак тантанаси асарнинг асосий салмоғини ташкил қиласди.

Сафо Очилнинг «Бургут», «Нодир паҳлавон», «Темирчи бобо ва бойӯғли» каби эртаклари ҳам болаларнинг маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, шоир ва олим Сафо Очилнинг деярли барча асарлари миллий истиқлол ғояси билан суғорилган бўлиб, улар миллий болалар адабиётининг равнақ топишида муҳим ўринни эгаллайди. Бунда шоирнинг филолог ва педагог олим сифатидаги истеъододи қўл келган. Сафо Очилнинг болалар учун ёзилган асарлари бадиий ва педагогик жиҳатдан тадқиқотчиларини кутмоқда.

АНВАР ОБИДЖОН (1947 йилда туғилған)

Сұнгги йиллар ўзбек болалар адабиетини ўзининг қисқа ва мазмунли шеърлари, қизиқарли ҳикоя, қисса, пьесалари билан бойитиб келаётган Узбекистон халқ шоири, адеб ва драматург Анвар Обиджон 1947 йилда Фарғона вилоятининг Олтиарқ туманида таваллуд топған. Ҳозирги Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. У бир қатор газета ва журналларда ходим, бўлим мудири бўлиб ишлаган. «Чўлпон» нашриётида бош муҳаррир, директор лавозимларида фаолият кўрсатган.

Анвар Обиджоннинг 1974 йилда «Она ер», 1980 йилда «Бахромнинг ҳикоялари», 1983 йилда «Эй, ёруғ дунё», «Оловжон ва унинг дўстлари», «Аламазон и его друзья», 1985 йилда «Кетмагил», «Безгак шамол», 1986 йилда «Масхарабоз бола», 1987 йилда «Аканг қарағай Гулмат», «Жуда қизиқ воеа», 1988 йилда «Олтин юракли автобола», 1989 йилда «Даҳшатли мешполвон», 1990 йилда «Ерликлар», 1992 йилда «Аламазон ва Гулмат ҳангомаси», 1993 йилда «Ажойибхона», 1994 йилда «Мешполвоннинг жанглари», 1996 йилда «Алишер ила Ҳусайн ёки уч ўғри», 1999 йилда «Олтиарқ ҳангомалари», 2001 йилда «Булбулнинг чўпчаклари» каби қатор тўпламлари чоп этилган.

Айтишларича, Луқмони ҳакимнинг олдига бир гурӯҳ кишилар меҳмон бўлиб келди. Ундан ҳикматга оид нарсалардан сўрашди. Шунда келгандардан бири:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўраб қолди.

— Ҳа, ўша чўпонман, — жавоб берди Луқмон, — ҳозир кўриб турибсанки ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони ҳаким унга:

— Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилик қилишдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, бехуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам олишдан! — деб жавоб берди.

Анвар Обиджоннинг бутун ижоди юқоридагидек вазифани ўзида мужассамлантирганлиги билан ажралиб турди. У ҳар бир асарида болаларни камтар, одобли, ўқимишли, ватанпарвар бўлишга ундан келади.

Бола борки, нурга интилади. Қуёшга талпиниб яшайди. Негаки қуёш бор жойда, нур бор, нур бор жойда маъмурчилик, хурсандчилик бўлади. Маъмурчилик, хурсандчилик бор жойда ғам, кулфат, оғат бўлмайди, тинчлик, хотиржамлик, ахиллик, баҳт бўлади. Шоирнинг «Ўзимнинг қуёшим» асари худди шу эзгу мақсадни илгари суриши билан китобхон болаларга беҳад катта қувонч, шодлик бағишлаб келмоқда.

Шеър жуда оддий, содда ва ҳаётий. Болалар бўр, кўмир билан йўлка, йўл, майдончаларда қуёшнинг расмини чизиб қўйганлигини кўп бор учратамиз. Шеър худди шу воқеага бағишиланган. У болаларнинг дил сўзлари асосига қурилган. Мана сиз ҳам тинглаб куринг:

Она қуёш, аксингни
Чиздим йўлакка.
Сен ҳаммага меҳрибон,
Ўзинг бўлакча.
Нур тушмаган жойларда
Кезармиш кулфат.
Йўлагимни ҳеч қачон
Босмасин зулмат.

Анвар Обиджоннинг «Латифачи ойим» шеъри нафакат шоирнинг, балки бутун ўзбек болалар адабиётининг катта ютуғи ҳисобланади. Асарда бола таълим-тарбиясида ҳалқ оғзаки ижодининг аҳамияти очиб берилади. Ҳалқ азал-азалдан ҳалқ оғзаки ижодини астойдил севган. Фарзандларини алла, эртак, мақол, тез айтиш, топишмоқлар айтиб бериш билан тарбия қилган. Бундай болалар соғлом, тетик, пок, ўқтам, полвон, ватанпарвар, ота-онага муҳаббатли булиб ўсган. Бу анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келади.

Яна бир гап. Агар боланинг вужуди ҳалқ оғзаки ижоди билан йўғрилган булса, уни тинглашни ҳамма нарсадан устун қўяди. Олайлик, ҳамма бола шириналликка ўч

бүләди. Баъзи болалар шириңлик деса ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр туради. Лекин баъзи болалар бувилар, боболар, оналар, оталар тилидан тинглайдиган алла, эртак, топишмоқ, тез айтишни ўша лаззатли шириңликдан ҳам афзал күришади. Керак бўлса ўзларига кулги, жасорат, ором бағишилайдиган халқ оғзаки ижодини кечаси-ю кундузи тинглашга тайёр турадиганлари ҳам йўқ эмаслигини Анвар Обиджон ишонарли қилиб тасвирлайди:

Қанд узатса ҳам
Ойим,
Тинмай йиғлар
Гулойим.
Айтгач қизик
«Афанди»
Синглим дарров
Юпонди.

Кичкинтойларни келажакда соғлом, довюрак бўлиб камол топишларида оила, атроф-мухитнинг таъсири кучли бўлади. Бу ғоя Анвар Обиджоннинг «Дорбоз бола» шеърида кўзга ташланиб турибди. Шоир таъкидлаб ўтганидек, кичкинтойлар ўй-ўйлашни, хаёл сурини, ўзларининг тенгсиз ўй-хаёллари билан ўсишни орзу қилишади. Дорбозлик санъати ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келади. Бу ўта даражада нафис, чаққонлик, эҳтиёткорлик, довюраклик иши. Бу ишни уddaлаш, дорга чиқиш ўй, хаёл билан битмайди. Қайта-қайта машқ, чидам, довюраклик, эҳтиёткорлик билангина бу мақсадга эришилади. Болалар дорга чиқиш, сим устида томоша кўрсатиш ҳақида қанча ўйламасинлар, хаёл сурмасинлар холва деган билан оғиз чучимаганидек дор устида ҳам юра олмайдилар:

Лангарчұпни махкам ушла,
Үйна, лочин!
Ботирларнинг күнглин хушла,
Үйна, лочин!
Күркөқ эса ҳавас қилмай,
Тураверсин.

Эхтиёт бұл, деб маслаҳат
Бераверсин.

Ривоят қилишларича, бир подшо булбул овозини тинглашни жуда ҳүш күрар экан. Бир сұлым гүшадан битта булбулни ушлатиб келиб олтин қафасга солиб қўйибди. Булбулни парвариш қилишни, унга яхши қарашни хизматчилар, вазир-у вузораларга топширибди. Олтин қафас ичидаги булбул кечаси-ю кундузи хониши қилибди. Булбул ўз қўшиғида дўст-ёрини, озодликни, кўм-кўк гўшасини, эркинликни соғинганлигини қўшиб айтибди.

Булбул тилини, қўшиғининг маъно ва мазмунини тушунмайдиган подшо унинг дардли хонишидан беҳад яйраб дам олар экан. Лекин булбулда ўз элига, ватанига муҳаббат кучли экан. Кундан-кунга у олтин қафас ичидаги сиқилгандан сиқилибди, озиб-тўзиб кетибди. Кунлардан бир кун бир илож қилиб қафас тешикчасидан бошини чиқарибди, қарасаки танаси ҳам сифибди, бир интилиш билан олтин қафасдан чиқиб олибди. Бор кучини тўплаб, ўз маконига парвоз қилибди. Ўз гўшасига келса, курғочилик бўлиб чор томон вайронада бўлиб ётган эмиш. Бундан у заррача афсусланмабди. Аксинча, хурсанд бўлибди. Негаки у бугун озод, эркин. Хоҳлаган томонга учалишидан баҳтиёр эмиш.

Эътибор беринг. Озод булбулга олтин қафас ҳам, подшоларча қаров ҳам керак эмас. Унга вайронада бўлса ҳам ўз уйи, ватани керак. Тўйиб овқат емаса ҳам, елка кериб яшамаса ҳам ўз кулбаси билан баҳтиёр. Анвар Обиджоннинг «Ватан» асарида вайронада яшайдиган Бойқуш ҳам худди булбул каби ўз ҳаётидан мамнун, вайронаси билан шод. Негаки вайронада бўлса ҳам ўз уйи бор:

— Сенга битта савол бор,
Менга кулоқ сол, хой, қуш.
Вайронада яшайсан,
Номинг эса нақ Бойқуш.
Айт-чи, нахот сен бойсан?
— Асл бойлик нелигин

Тушунмайсан, чамаси,
Бу — вайрона бўлса ҳам,
Ўзимники ҳаммаси,
Шунинг учун мен бойман.

Дунёда энг ёмон одат бу очқўзликдир. Нафсни тийиш, очқўз бўлмаслик бойлик ҳисобланади. Кимки нафсни тийиб, ён-атрофга қулоқ солиб яшаса фақат ютади, эл-юрт ўртасида обру-эътибори ошиб бораверади. Бир мисол. Ўтмишда бир кампирнинг бир чиройли товуғи бор экан. Бу товуқ ҳар икки кунда бир марта тухум қилар экан. Кампир икки кунда битта тухум олишга қаноат қилмабди. Бир куни у ўзига-ўзи:

— Товуғим ўлгурнинг ичи тўла тухум, корнида тухум хазинаси бўлса ҳам, икки кунда битта тухум бериб мени алдаб юрибди. Ундан кўра қорнидаги ҳамма тухумни чиқариб ола қолай, деб ўйлабди. Дарҳол товуқни сўйибди. Лекин унинг қорнидан бир дона ҳам тухум чиқмабди, боз устига нодон кампир товуғидан ҳам ажралиб қолибди...

Мана сизга очқўзликнинг оқибати! Агар кампир сабртоқатли бўлганида, очқўз бўлмаганида, эртани ўйлаб иш кўрганида ўз насибасини ўзи қиймаган, товуқни ўлдирмаган бўлар эди. Анвар Обиджон ўзининг бир қатор асарларида болаларни худди кампир сингари очқўз бўлмасликка чинакамига даъват қилганлигини кўрамиз. Айниксана, «Очофатнинг пўписаси»да бу мавзу янада жаранглаб туряди:

Мени яна урсанг Мамат,
Юрагимда уч йигаман.
Сездирмай сарёғингни еб,
Уришгани куч йигаман.
...Тўйда тўйиб қопкетмагин
Ошингдан бир чўқиб ўтсам,
Зўрға топган нишолдангга
Беш панжамни тикиб ўтсам...

Анвар Обиджон ўзбек болалар адабиётида ўзига хос мактаб яратган шоирлардан бири ҳисобланади. Бу кўпроқ унинг турли буюмлар, жонзорлар, ўсимликлар ҳақида

яратган асарларида кўзга ташланади. Газал жанрида яратган «Булбулнинг саломномалари» узбек болалар адабиётида катта воқеа бўлди. Бу асарда турли хил нарсаларнинг ўзига хос қирралари очиб берилади. Масалан, қўрқок Қуён, дўстсиз Чайон, аргамчидек буралиб юрадиган Илон, туну кун ер қазийдиган Юмрон, товусдек чиройли Қизилиштонларнинг тузилишлари, ҳаёт тарзларини очиб бериш билан кичкинтойларда табиат оламига нисбатан бўлган қизиқишларини ўн чандон оширишга эришган.

Анвар Обиджоннинг шеърларида болаларни меҳнаткаш, ўқимишли, одобли, ватанпарвар бўлишга мудом чорловчи куч бор. Бир ривоятда тутун чўғ-оловга зорланиб:

— Онажон, мен сизнинг қизингиз бўлсан ҳам нега доимо қоп-кораман, сиз, эса, порлаб ёниб турасиз, бунинг сабаби нима? — деганида чўғ шундай жавоб беради:

— Қизим, бу иш янги бир иш эмас. Дунёда инсон ўз порлоқлиги билан порлайди. Боланинг порлок бўлиши учун бир порлок ота-онанинг фарзанди бўлгани кифоя қилмайди, яъни олижаноб, фазилатли ота-онанинг шундай гўзал фазилати билангина инсон улардек бўлмайди. Фарзанднинг ўзи фазилатни касб этиб олиши керак. Шундагина у фарзанд порлайди, чўғдек ёниб туради. Ҳа, Анвар Обиджоннинг шеърлари ёш китобхонни ана шу чўғдек порлаб туришига баракали ҳисса қўшмоқда.

Анвар Обиджоннинг ўнлаб қисса ва достонлари, эртак ва драмалари болалар қўлидан тушмай келаётир.

ҲАМЗА ИМОНБЕРДИЕВ (1954—1997)

— Шалпангқулок, хой, филча,
Жавоб бергил сүрокқа.
Сув тұла хартуминг-ла
Кетаяпсан қаёққа?
— Э, дүстим, бу сайёхлар
Роса тегдилар жонга.
Эрмакка гулхан ёқиб,
Хавф солишар үрмонга.
Шунга бұлиб күз-қулок,
Юрибман күн кечириб.
Улар ёқиб кетишган
Гулханларни үчириб...

Бу ажайиб мисралар, таъсирли, маъно ва мазмунга бой, бадий жиҳатдан юксак даражадаги шеър истеъоддли болалар шоири Ҳамза Имонбердиев қаламига мансуб. У 1954 йилда Қозғистон Республикаси Чимкент вилюятининг Сузоқ қишлоғида дәхқон оиласида таваллуд топди. Ҳозирги Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетининг филология факультетида Абдусаид Күчимов, Абдуғаффор Хотамов каби ёзувчилар; Шұхрат Жабборов, Ҳамид Ҳабибуллаев каби таниқли журналистлар билан бириң-кетин үқиди. Талабалик йилларида юқоридаги ижодкор дүстлари билан Үткір Рашид раҳбарлик қилаётган факультет «Чашма» тұғарагида, университет «Маърифат йұлида» газетасида шеърий машқларини тоблади.

Университетни имтиёзли диплом билан тамомлаган бұлажак болалар шоири Ҳ. Имонбердиев үз меңнат фолиятини «Тонг ўлдузи» газетасида бошлади. Умрининг сұнгги үн йилини эса «Чүлпон» нашриётида кичкінтоллар учун катта адабиёт чоп этадиган масканда мухаррірлік билан үтказди.

Талабалик йилларида ёқ ижодда китобхон күзига ташланиб қолған болалар шоири Ҳамза Имонбердиев «Күвноклар кувончи», «Шоколадхұрлар», «Күлгі шаҳарчаси», «Фаройиб пуфак», «Ойдаги томоша», «Күтичада митти-

ча», «Лофчилар — алдоқчилар», «Фаройиб кент ҳангомалари», «Бир кунлик мўъжиза» каби китоблар муаллифи сифатида болалар дилидан мустаҳкам жой олди.

Шоир асарлари ранг-баранг, мавзу доираси кенг. У ҳар бир катта-кичик асарида кенжа китобхон дўстларини нимагадир ўргатади, ўрганишга, ибрат олишга, турмушда хулоса чиқариб яшашга чорлайди.

Халқда: осмонга тупурсанг, тупугинг юзингга сачрайди; бирорга чукур қазисанг, унга ўзинг қулайсан, деган гап бор. Бу борада «Калила ва Димна» да жуда ибратомуз бир ҳикоя бор. У ҳар қандай одамга таъсир қиласди.

— Бир куни Қорақулоқ ўрмон четига чиқиб ўтирган эди, бир сичқоннинг жаҳду жадал билан дараҳт томирини кемираётганини кўриб қолди.

Дараҳт тилга кириб унга деди: — Эй дилозор ва ситамкор! Нима учун жоним ришталарини қирқяпсан?

Сичқон унинг нола-ю зорига эътибор бермай, ўз ишини давом эттираверди. Ногоҳ бир бурчакдан бир илон чиқиб, сичқонга ҳамла қиласди ва бир дамда ютиб юборди. Қорақулоқ бу воқеадан «дилозорнинг жазоси озор экан», деган хулоса чиқариб олди.

Шу вакт бир тарафдан типратикан келиб, илоннинг думидан тишлади-ю, бошини ичига тортиб фужанак бўлиб олди. Илон жаҳл билан унга ўзини ура бошлаган эди, аъзойи баданини тиканлар пора-пора қилиб юборди. Илон ўша заҳоти ўлди. Қорақулоқ бундан ибрат дарси олди. Илон ўлгач, типратикан бошини чиқариб, унинг яхши-яхши жойидан танлаб еди. Корни тўйгач, дараҳт соясида коптоқдек бўлиб юмалаб, хузур қилиб ётган эди, ногоҳ бир оч тулки келиб қолди. Типратиканнинг найзаларидан қўркиб, уни хийла билан ўлдирмоқчи бўлди. У типратиканни ағанатиб қорнига ёзилди. Типратикан ёмғир ёғаяпти шекилли деб ўйлаб, бошини чиқарган ҳам эдики, тулки бир ҳамла билан уни чўрт узди, бўшашиб қорни очилиб қолган типратиканни иштаҳа билан еб олди. Шу вакт бўрига ўхшаган ваҳший бир ит келиб, тулкини турган ерида бўғиб, унинг гўшти билан очлигини қондирди.

Қорақулоқ бу ажойиботларни кўриб, ҳайрон қолиб ётар эди.

Ит энди дам олишга ҳозирлик қўраётганда бир қоплон келиб, унинг сийнасидан олди. Қоплон ҳали итни тугатмаган ҳам эди, овчи келиб, бир ўқ билан уни тинчитди.

Қоплоннинг жони ҳали узилмаган эди, у ердан бир отлик ўтиб қолди. Үнга қоплоннинг териси ёкиб қолиб, овчи билан уриша бошлади. Қилич солиб, овчининг бошини танидан жудо қилди ва қоплоннинг терисини олиб йўлга тушди. У юз қадам ҳам юрмаган эди, оти қоқилиб, ерга йиқилди. Гардани синиб, шу он ҳалок бўлди.

Болалар шоири Ҳамза Имонбердиев «Ўқ» шеърида худди шунга яқин бир воқеани ёш китобхонга ҳавола қила-ди. Камондан bemavrid отилган ўқ ҳаётда босар-тусари-ни билмайди, у ўта даҳшатли, қасд қилиш иштиёқида ҳаммага дағ-даға қиласи. Ўқ ҳеч кимни назар-писанд қил-майди, чор томонни нобуд қиласман, отаман, бағрини ти-ласман, ўлдираман, деб олдинга интилаверади:

Келиб қолди рӯбарӯ
Она Жайрон йўлида.
Куёш кўкда қотди тош,
Нафасини ютганча.
Гуллар маъюс эгди бош
Ўзлигин унутганча.
Кочар Жайрон қуюндай
Туёғидан чақнар ўт.
— Жон ўқ, тегма, уйимда
Кутар болам, кўзи тўрт!
Ўқ воз кечиб нишондан,
Ўтиб кетди бир ёндан.
Ҳамон учиб борар у
Қора ажал қўлида.
Келиб қолди рӯбарӯ
Кекса Чинор йўлида.
— Ҳой, кўзингга қара-да, —
Титраб додлади Чинор, —
Бағримдаги инларда
Ахир полопонлар бор!
Ўқ воз кечиб нишондан,
Ўтар-кетар бир ёндан...

Одатда ким ҳаддидан ошса, ён-атрофдагилар билан ҳисоб-китоб қилиб яшамаса, ўзига ортиқча бино қўйса, албатта, ҳаётда қоқиласи. Чор томонга даҳшат солиб, ҳамманинг жонини олмоқчи бўлган ўқ ўзига нисбатан

зүррөк мерган отган ўққа дуч келиб вайрон булиши китобхон болаларни қувонтиради.

Шоир шеърларини ранг-баранг дедик. У ҳақиқатан ҳам шундай. «Тарбиячи» асари бунинг ёрқин исботи була олади. Инсон инсофли, адолатли, ор-номусли бўлса, ҳар бир босадиган қадамини ўйлаб, билиб ташлайдиган бўлса, каттани-катта, кичикни-кичикдек курладиган бўлса ҳаётда қоқилмайди, баҳтиёр бўлади. Бундай одамларни виждонли, номус-орли кишилар деб аташади. Одамзотдаги бундай ижобий фазилатларни бирор унга ҳадя қилмайди, ўзида шаклланган бўлади. Шоир қаҳрамони ҳам ўзини ўзи кузатади, ноўрин хатти-ҳаракати учун ўзи жавоб беради. Унинг тарбиячиси — виждони. Шу виждон кузатуви уни ҳар доим тўғри йўлдан етаклайди, адашса уни тўғри йўлга бошлайди ва тўғри йўлга солиб туради:

Тунов куни футболга
Кетаётсам тез шошиб,
Кўзи ожиз чол йўлда
Турган экан адашиб.

Иккиланиб турдим мен,
Бир оз ҳаёл сурдим мен.
Футбол завқи бир дунё,
Йулни тўпга бурдим мен.

Тўпга тегмасдан оёқ,
Солган каби тизгинга.
Тарбиячим ўша чоқ
Қайтарди-ку изимга.

Карши чиқмок фойдасиз,
Қайга борай даъвога?
Қўлларидан олиб тез,
Йўл кўрсатдим бобога.

Инсон ҳаётда соғлом, тетик, қўрқмас, жасоратли булиб камол топиши зарур. Мабодо у соясидан ҳам чучиб, ҳадиксираб, қўрқиб яшайдиган бўлса, бундай бола келажакда омадсиз, толесиз булиб қолади.

Ҳамза Имонбердиев «Ёлғизликда» шеърида худди шу масала устида тўхталади. Ботир ўзи табиатан қўрқоқ бола. Қўрқканга қўша кўринар деганларидек, айниқса, кечку-

рунлари хар қандай шарпадан чучиб, құркиб юради. Үкекшүрун күчага чиқдими тамом, гүё қүшиқ айтгандек бақириб-чақириб, түполон қилиб юради. Натижада у хамманинг тинчини, оромини бузади: мушуклар миёвлайди, итлар вовиллайди, одамлар «ҳанг-манг» булади. Вөкәс ойдинлашгач, курсаларки, бу Ботирнинг қуёнюраклиги булиб чиқади:

Билсак, Ботир бу палла
Қүшиқ айтиб баралла
Мадад бериб үзига,
Бот-бот қараб изига
Құрқинчдан қочиб борар.

Болалар адабиётида үй үйлаш, хаёл суриш, хаёлий орзулар билан яшаш ижобий натижа бериши түғрисида күп гапирилади. Бунга мисол қилиб Faфур Гулом, Қуддус Мұхаммадий, Пұлат Мұмин, Миразиз Аъзам асарларидан күплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Болалардаги бундай шириң түйғуларни Ҳамза Имонбердиев ҳам түғри пайқай олган. «Лоғчилар алдоқчилар» асарида у кичкіншілардаги мана шундай орзу, ҳавасни үзига хос усул билан очиб беришга эришган.

Али хаёлан күшча шаклини яратади. Уни томоша қилишга Валини чақиради. Вали күрсаки күшча йүқ. Лекин Алининг бүш келмаслиги китобхонда яхши таассурут қолдиради.

Ха, болалар қүш расмини чизишади, хаёлан күшчаларга дон беришади — буларнинг ҳаммаси умумлашиб келажак пойдеворини бунёд этади. Бу болаларнинг келажакда мустақил мамлакатимиз кенже авлодини билимдөн, зүкко, раҳм-шафқатли булиб камол топишига барақали таъсир қиласы.

Хайвонот оламига меҳр қўйиш, уни эҳтиёт қилиш, асрарш, авайлаш, дўст тутиниш болаликдан, оиласдан бошланади ва у бир умр инсонга ҳамроҳ булиб қолади. Ҳамза Имонбердиев бу ҳақда «Оламошим» деган бир шеър ёзган. Бундай олиб қараганда бу асар жуда оддий, содда, болаларни ўйлантирмайдиган, уларни ҳеч нарсага ўргатмайдиган, хулоса чиқармайдиган шеърлардан бирига жуда ўхшаб кетади. Лекин бир ўйлаб кўрилса, таҳлил қилинса

маъно ва мазмуни, тарбиявий аҳамияти жуда катта ва энг таъсири шеърлардан бири эканлиги ярқ этиб кўзга ташланиб қолади:

Токчадаги қаймоқдан
Кутармай сира бошин,
Ичаяпти қарасам,
Уялмай Оламошим.

Аввалига «пишт» деб бир
Қувмок бўлдиму бирок,
Раҳмим келиб негадир
Тикилиб қолдим узок.

Кулокларин чимириб,
Иchar эди бир майнин.
Бепарволигим сабаб
Корни очгани тайин.

Оёқ учиди аста
Чиқиб кетдим ҳовлига —
Бир гал қаймоқ емасам
Емабман-да, майлига.

Эътибор берган бўлсангиз, «Бир гал қаймоқ емасам емабман-да, майлига» нинг ўзи ижобий холат, бағрикенглик, бир майизни кирқ бўлиб ейишга болаликдан ўрганишнинг бошланиши. Бундай болалар келажакда ҳақиқий инсон бўлиб камол топишларига шак-шубҳа йўқ.

Ҳамза Имонбердиев ўзи билимдон, ўта маданиятли, тўғри сўз, ҳалол, пок, озод ва обод Ўзбекистонимизни жуда қаттиқ суюдиган ажойиб инсон бўлганлиги учун ижодининг мундарижаси ҳам шундай. Адолат масаласида у кўп жон куйдирар ва бу ҳақда кўплаб асарлар яратган эди.

Хадисларда тўғри сўз, ҳалол, пок бўлинг, дейилади. Кимки бунга қаттиқ амал қиласиган бўлса эл-юрт ўртасида ҳижолат бўлмайди, обру-эътибори ошади. «Адолат калити» (эртак)да Ҳамза Имонбердиев худди шу ҳақда гап юритади. Асар бошланишининг ўзиёқ ёш китобхонни ўзига тортади:

Ҳайрон қүёш, лолдир ой,
Неча куну неча ой
Икки элат уришар,
Бир-бирларин қиришар.
Үртага кимки тушса,
Биз ҳақмиз, деб туришар.

Ҳамма гап, ҳамма бало ана шу «биз ҳақмиз»да. Буннинг асл боиси, сабабини ҳеч ким тушунмаслигида. Қонли уруш давом этаверади. Бундан подшо ҳам ҳайрон:

Подшохнинг боши қотган,
Ҳаловатин йўқотган.
Ожизлигин ҳис этиб,
Оғир хаёлга ботган.

Чорасиз қолган подшо бу ишни — қонли урушни тухташи чора-тадбирини қидиради. Бу жумбоқни ечадиган, урушга чек қўядиган адолатли, ҳалқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўядиган бир Одилбек отли қозини топтиради.

Одилбек ҳалол, пок, адолатли. У оғир-босиқлик билан воқеани сураб-сурештиради, сўрок қилади. Даъвогар-у айборларнинг курсатмалари ёш китобхонда ҳакиқат учун курашчи бўлиш орзусини ниш урдиради. Даъвогарнинг:

— Йигитимиз зўр эди,
Тўғри, ёш-да, ғўр эди.
У элатнинг бир қизин —
Латофатда юлдузин
Севаркан дил очибди,
Шу кун олиб қочибди.
У қизнинг оғалари,
Қасоскор тоғалари
Кувиб етиб олибди,
Етиб қилич солибди.
Бечора бовиримизнинг
Тани ерда қолибди.
Ёвлар тўласин хунин!
Йўқса кўради кунин.
Чиққунича тандан жон,
Олишамиз бегумон!

Қозикалон, биз ҳақмиз,
Хукмингизга илхақмиз.
Тұғри хал этинг, илло,—
Дея бир халта тилло
Узатиб чиқиб кетмиш,

— дейиши ва пора бериши Одилбекни сергаклантиради.
У ишга янада жиддий киришади. Айбдорларнинг ғирром-
ликлари ҳам ётиғи билан китобхон онгига етиб боради:

Юзимиз ёруғ этинг,
Тұғри хал қилиб кетинг.
Ҳак қарор топсин, илло, —
Дея бир халта тилло
Узатишиб, күз қисиб,
Чиқиб кетмишлар пусиб.

Ҳамма гап мана шунда. Ұша пора сифатида берилган
иккита халта — бойликда. Мабодо Одилбек одил бұлма-
ганида халтачаларни олиб уйига равона бұлар эди. Аммо
у нафсини тияди, халқни үйлайди, урушни тұхтатиши
йүлларини қидиради. Унинг даъвогарнинг ҳузурига чор-
лаб воқеани мана бундай ҳал қилиши үқувчиларда катта
таассурот қолдиради:

— Ҳак сүз нишонга тегди,
Рақиб тұлық бош эгди.
Айбларин тан олишиб,
Мулзам бўлиб қолишиб,
Бир эмас, қайта-қайта
Тавбасин айта-айта,
Дейишиб йигит хуни
Ташлаб кетиши буни. —
Деб қўш халта тиллони
Даъвогарга узатди.
Ялт кўзи ёнганини,
Фуури қонганини
Дикқат билан кузатди.
Тугаб денг олақараш,
Бўлиби «яраш-яраш».

Ҳамза Имонбердиевнинг ўнлаб қўшиклари, кўплаб
достон-эртаклари болалар тилида, дилида куйланмоқда,
ўқилмоқда.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Болалар адабиёти фани, унинг мақсад ва вазифалари	4
Болалар фольклори ва китобхонлиги	9
Кўшиклар	9
Мақоллар	16
Топишмоқлар	18
Тез айтиш	20
Эртаклар	21
Ўзбек болалар адабиёти (обзор)	42
Алишер Навоий	63
Мухаммад Шариф Гулханий	70
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	74
Абдулла Авлоний	82
Faфур Гулом	85
Ойбек	94
Уйғун	105
Ҳамид Олимжон	112
Зафар Диёр	120
Куддус Мухаммадий	130
Илёс Муслим	137
Адҳам Раҳмат	142
Султон Жура	148
Шукур Саъдулла	157
Ҳаким Назир	162
Ўткир Рашид	168
Пўлат Мўмин	175
Қудрат Ҳикмат	180
Худойберди Тўхтабоев	186
Фарход Мусажон	193
Латиф Махмудов	197
Миразиз Аъзам	204
Тўлан Низом	209
Сафо Очил	217
Анвар Обиджон	225
Ҳамза Имонбердиев	231

МАМАСОЛИ ЖУМАБОЕВ
ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Ўзбек тилида

Бадиий мухаррир *X. Меҳмонов*
Техник мухаррир *T. Харитонова*
Мусаҳҳих *H. Умарова*
Компьютерда тайёровчи *M. Қамбарова*

Теришга берилди. 25.07.02 Босишга рухсат этилди 31.10.02. Бичими
 $84 \times 108^1 / _{32}$ «Таймс» гарнитурада оғсет босма усулида босилди. Шартли бос-
ма т. 12,6 Нашр т. 11,33 3000 нусхада чоп этилди. Буюртма №122. Баҳоси
шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти — 2002, Тошкент, 700129, Навоий кучаси, 30.
Шартнома № 93—2002.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди.
700194 Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кучаси, 1-уй.

“ЎЗБЕКИСТОН”